ҒАЙРИТАБИИЙ:

Уилльям Бранхамнинг ҳаёти

УЧИНЧИ КИТОБ:

ХУДО ХИЗМАТКОРИ
ВА УНИНГ
ТОПШИРИҒИ

(1946 — 1950)

Оуэн Джоргенсен

Бу сиз ўқиган барча китоблардан фарқ қилади…

— Моор ака, Линдсей ака, эслайсизларми ўша ваҳийни, у ҳақида мен сизларга Америкада айтиб бергандим, — ўшани ўзини, унда ўлик бола тирилади, деб кўрсатилган эди? Библиянгизни очинглар ва менга ўқиб беринглар, бу ҳақида биринчи варағида нима деб ёзилган.

Жек Моор Библиясини тезроқ очди ва икки йил бурун ёзиб қўйганларини тез ўқиб берди.

— Бранхам ака, бунда айтилганлар ҳақиқатга мос келади.

— Бу у, — Билли маъқуллади. — Ва РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Бу бола тирилади”.

Ҳайрон бўлиб қолган Гордон Линдсей эшитганларига ишона олмас эди.

— Сен бу дабдаласи чиққан болага яна жон киради, демоқчисанми? Бу қандай бўлиши мумкин? У ярим соатдан кўпроқ мурдаку.

Билли жасорат билан эълон қилди:

— Агар бир неча дақиқадан сўнг бу бола тирилмаса, менинг орқамга “ёлғончи-пайғамбар” деб ёзилган плакатни илдириб қўйишингиз мумкин.

Сизнинг олдингизда ҳадемай ғайритабиий сфера очилади

Муаллифлик ҳуқуқи халқаро ва панамерика муаллифлик ҳуқуқи қонунлари билан ҳимояланади. Муаллифнинг ёзма рухсати туфайли, бу китоб нашрига имкон бўлди.

Дунёнинг узоқ бир бурчагида, ўспирин саволларига жавоб излайди:

Ҳақиқатан ҳам Худо борми? Бўлса, унда қаерда?

Ва Ким ўзи У?

Бу Худони менинг ҳаётим қизиқтирадими?

Бу китоб сенга бағишланади, ЁШ ҚИДИРУВЧИ, зеро бу саволлар қачондир менинг ҳам олдимда турганди.

Мундарижа

Муаллифдан
Иккинчи китобнинг қисқача баёни

УЧИНЧИ КИТОБ: ХУДО ХИЗМАТКОРИ ВА УНИНГ ТОПШИРИҒИ

31. **Кўзи ожиз одамнинг одатдан ташқари туши**
32. **Ақлсизликка ташланган чақириқ**
33. **Саккиз кунлик ибодат навбати**
34. **Уйга қайтишдаги шок**
35. **Бир ярим миллион долларлик чекдан бош тортиш**
36. **Апачилар имони**
37. **Фариштанинг таънаси**
38. **Мўъжизакор навбат**
39. **Колорадонинг серқоя тоғлари**
40. **Жудо муҳим синов**
41. **Босворт билан танишув**
42. **Синган ва тикланган**
43. **Иккинчи аломатнинг пайдо бўлиши**
44. **Ўз хизматини идрок этиш**
45. **Форт-Уэйндаги ноёб ҳодиса**
46. **Фариштa Хьюстонда суратга олинди**
47. **“Булбул”нинг жасоратли парвози**
48. **Бола ваҳийга кўра тирилди**
49. **Дўстлар ва ғанимлар**
50. **Кир ювувчи самолётни ушлаб турди**
51. **Ваҳийларни тушунтириш**
52. **Нотинч дарёсидаги бургут**

Муаллиф шархи
Адабиёт ва маълумот манбалари
Предмет кўрсатгич
Кейинги китоблар тўғрисида маълумот

Муаллифдан

1993 ЙИЛ 3 АВГУСТДА Раббий Фариштаси менинг уйимга келди ва сиз ҳозир қўлингизда тутиб турган китоб ҳақида гапирди. Ҳаммасини тушунтиришга ижозат беринг...

1974 йил, 21 ёшимда, мен Маргарита исмли ажойиб Масиҳчи қизга уйландим. 15 йил давомида биз у билан бирга тўртта болани Исо Масиҳ иноятн билан тарбияладик. Кейин кутилмаган нарса бўлиб ўтди. Аниқроғи, муносабатлардаги ўрта яшарликнинг кескин ўзгариш сабаб бўлди. Нима бўлганда ҳам, Маргаритага ҳаётида нимадир йўқотилгандай кўринди. У таълим олишни давом эттирди ва уч йил ўтиб, дипломли ҳамшира бўлди. Коллеждаги ўқиши вақтида дунёвий ҳаётга ботавериб, у Масиҳдан узоқлаша бошлади. Ва агар бошида у, оқим бўйича юрса, кейин эса пастга сирпаниб туша бошладики, у ўз навбатида оиламизда кескинликни кучайтирди.

1991 йилда Маргарита врачга ассистентликка ўрганиш учун университетга кирди. 1993 йил январида у университетни тугатган вақтида, мен "Худо хизматкори ва унинг топшириғи" деган учинчи китобнинг хомаки варианти устидан ишимни тугатган эдим. Бу китобнинг охирги бобида Уилльям Бранхамнинг илк ёшлиги ҳақида асосий моментларни яхлит бир нарсага боғлаб, санаб чиқдим. Мен бу биография устида беш йил давомида меҳнат қилган бўлсамда, хотиним ундаги бир саҳифасини ҳам ўқимаган эди. Бирдан мен уни охирги бобдан хулосасини эшитишини хохлаб қолдим. У истар-истамас ўтирди ва эшита бошлади. Мен тугатган пайтда, унинг кўзлари ёшга тўлганди. У айтди: "Оуэн, қўрққаним сабаб, сенинг китобингни ўқимадим ҳам, уни ўқий бошлаб, мен шу ҳақиқатлигини англадим. Ва мана, ҳозир бу содир бўлди. Мен Исога қайтмоқчиман".

Июлда мен биринчи, иккинчи ва учинчи китобни корректировка қилишни тугатдим. Шунда ўша беш йил давомида мени ташвишлантирган саволга рўпаро келдим: бу китобни қай тарзда ўқувчига етказа оларканман? Ҳамма вақт мен уни ўз кучим билан нашр қилиш ниятида эдим, лекин ҳозир мен хотинимнинг ўқиган йиллардаги харажатлари туфайли бўғзимгача қарздор эдим. Бирор бир маслаҳат ёки таклиф олиш умидида, мен битта бобнинг синов нусхаларини, ўзимни ўйлашимча, менга ёрдам бероладиган бир неча одамга тарқатдим.

Шу ерда менинг ҳикоям, бизникига Фаришта қандай келганига ўтади. Ўқишнинг охирги йили Маргаританинг соғлигига жуда ҳам билинди. Чарчатадиган кун тартиби уни охиригача оздириб-тўздириб юбордики, натижада унда иммунитет заифлашди. Ўша йили у шамоллаш, бронхит, ўпка яллиғланиши, чипқон ва бош оғриғидан тез-тез қийналди. У ҳеч қандай ўзига келолмади ва биз бу касалчиликларнинг сабабини аниқлай олмадик.

3 август 1993 йили Маргарита 9:30 да уйғонди. Ўша эрталаб қизимиз уни врач кўригига этмоқчи бўлаётган эди. Маргарита унга:

— Бетси, тезроқ дадангни чақир. Кетишдан олдин, мен унга айрим нарсаларни айтишим лозим, — деди.

Мен фермадаги, ўша яқиндаги устахонамда ишлаётган эдим. Мен уйга кирганимда, Маргарита ҳаяжонланиб шундай деди:

— Оуэн, ҳозиргина менга Раббий Фариштаси келди!

Мен бутун диққат-эътиборимни жамладим: 19 йиллик эр-хотинлик ҳаётимизда у ҳеч қачон бунақа нарсани гапирмаган эди.

У давом этди:

— *Бу туш эмас эди; ҳеч бўлмаса, у менинг бутун умрим бўйи кўрган тушларимдан фарқ қилар эди. У ерда иккита жин бор эди ва уларнинг исмлари бор эди. Бирини Иллса, а бошқасини — Самона дейишар эди. Бунинг устига, у ерда ўзини Масиҳчи деб атайдиган, менга таниш ҳамшира турар эди. Бу ҳамшира бу иккала жин билан бемалол, эркин гаплашиб турган эди. Мен бўлсам, қандайдир касалхонанинг реанимация палатасида, операция столига ўхшаш нимададир ётар эдим. Мен гапиролмас эдим, аммо ҳамшира мени кўриб турган эди ва мен у билан имо-ишора қилиб тушунтира олар эдим. Менинг бир томонимда Бранхам ака, а бошқа томонимда — Раббий Фариштаси турган эди. Бранхам ака ҳамширага: "Бу аёлга жуда ҳафсала билан қаранглар, чунки у — Худонинг қизи",* — деди.

Маргарита бу сўзларни жуда завқ билан таъкидлади. Етти ой бурун Исо Масиҳга қайтганидан бери, иблис доим унга бўлиб ўтган хатоларини эслатар ва уни қутқарилгани хусусида шубҳага солиб, қийнар эди. Шу пайт у хитоб қилди:

— Оуэн, мен қутқарилдим! Қутқарилганимни мен биламан!

— Маргарита, мен буни бутун ҳаётингда эслаб қолишингни истайман. Бошқа ҳеч қачон қутқарилганингга гумон қилма, — дедим мен.

— Мен унутмайман, — рози бўлди у ва кейин давом этди:

— *Фришта менга шундай деди:* ***“Оуэнни чақир ва нима кўрган бўлсанг, ҳаммасини айтиб бер. У пул олишини унга айт”.***

Ҳамшира сўради: “А бу пуллар нима учун?” Бу ваҳийда мен гапиролмадим, шу учун имо-ишора билан худди китоб саҳифаларини варақлаётгандай кўрсатдим. Ҳамшира яна сўради: “Бу пуллар китобгами?”

Фаришта жавоб берди: ***“Ҳа. Ва унга Ғарбдан икки одам ёрдам берадилар”.***

Кейин Маргарита қўшимча қилди:

— *Оуэн, мен бу китоб минглаб одамларга кўп қувонч келтирганини кўрдим.*

У ҳаммасини айтиб бергач, мен фермамиз бензоколонкасидан машинамизга бензин қуйиш учун ҳовлига чиқдим. Бир неча дақиқадан кейин, қизимнинг мени ёрдамга чақириб, қаттиқ қичқиргани эшитилди. Маргарита йиқилган ва ҳушидан кетган эди. Биз уни машинага этдик. Тез орада у жонлантириш палатасининг жарроҳлик столига ётқизилди, лекин жуда ҳам кеч бўлган эди.

Маргарита бор йўғи 40 ёшида гулдай сўлди. Врачлар унинг ўлими сабабини аниқлашни уддалай олмадилар. Унинг кетиш вақти келганди, холос. Худо Ўз боласини Уйга олишидан олдин, қачон унинг жони тайёр бўлиши вақтини кутган эди. Мен ишонаман, Маргарита ўз ўлимига яқин руҳий ўлчамга қаради ва менга нимани кўрган бўлса, айтиб берди. Иллса ва Симона уни Масиҳдан айирмоқчи бўлган ўша иккита жин бўлиши керак. Ўз мақсадига етолмагач, улар Маргаритани инфекция, мигрень ва шубҳалар билан қийнадилар. Эҳтимол, бу жангда мағлуб бўлиш учун улар охирида пайдо бўлганди. Исо Масиҳ ғалаба қилди: Маргарита қутқарилган эди. Фариштанинг хабарига келсак, бу мен учун бўлганлигини биламан. Хотиним билан яна кўришишим ҳақидаги Фариштанинг хабаридан кўра кўпроқ нима ҳам мени юпата оларди?!

Худди ўша куни, Маргаритани дафн қилган куни, менга Аризона штатидаги Тусон Черкови пастори, Перри Грин қўнғироқ қилди. Унга мен юборган ўша бобнинг синов нусхаси ёқибди ва у ҳамма қўлёзмани ўқиш истагини билдирди. Кейинроқ у *“Ғайритабиийлик: Уилльям Бранхам ҳаёти”* китобларини “Тусон Черкови адабиётлари нашриётида босишга ва тарқатишга таклиф қилди.

Ўша сўзлар, Фаришта Маргаритага айтгани — бажарилди, амалга ошди. Мен умид қиламанки, бу китобдан хурсанд бўлган у кўрган минглаб одамлар қаторида сиз ҳам бўласиз. Қачонки сиз бу китобни ва кейингиларни ўқир экансиз, Худо Сизни дуо қилсин.

Оуэн Жоргенсен, 1996 й.

Иккинчи китобнинг қисқача мазмуни

КЎП ЙИЛЛАР Уилльям Бранхам ўзининг ўзгача ҳаётини ҳеч ҳам тушунолмай юрди. Нима учун ахир у Индиана штати, Жефферсонвиллида ваҳий кўрган бирдан-бир хизматчи? Бошқа хизматчилар бу ваҳийлар — ёлғон ва васвасалар бошлиғи — шайтондан келяпти дея, уни огоҳлантирар эдилар. Унда нима учун бу ваҳийлар ҳар доим очиқдан-очиқ бажарилар эди? Ва нима учун улар тез-тез одамларга ёрдам берарди?

1946 йил майида, ушбу қийновчи саволлар Биллини тўла умидсизликка олиб келди. Индиананинг олис ўрмонли тепаликлар орасидаги ғорда ёлғиз қолиб, бу саволларига жавоб олиш истагида қайноқ ибодат қила бошлади.

Ярим тундан кейин ғорда нурли Фаришта порлади. Фаришта деди:

— Қўрқма. Мен Қодир Худо Ҳузуридан сенинг ўзига хос туғилишинг ва ўзгача ҳаётинг сени бутун дунё одамларига Илоҳий шифолаш инъомини келтиришингни билдиришини айтиш учун юборилганман. Агар сен чин дилдан ибодат қилсанг ва одамларни ўзингга ишонтира билсанг, сенинг ибодатинг олдида ҳеч нарса туролмайди, ҳатто рак ҳам. Сен дунёнинг кўп жойларига борасан ва қироллар, ҳокимлар ва подшолар учун ибодат қиласан. Сен бутун дунё бўйлаб кўплаб одамларга воизлик қиласан ва минглаб муҳтож кишилар сенга маслаҳат сўраб келадилар. Сен уларга, уларнинг фикрлари осмонда сўзларидан кўра баландроқ жаранглашини айтасан.

Билли эътироз билдира бошлади:

— Жаноб, мен камбағал одамман ва камбағаллар орасида яшайман. Мен қандай қилиб бутун дунё бўйлаб бороламан? Ва қандай қилиб уларга тушунтироламан? Ахир мен мактабни фақат етти синфини тугатганман. Мумкин, майли бошқа бир одамлар билан гаплашишга етарлича маълумоти бор, бирор киши бўлсин. Улар мени тинглашни хохлашмайди.

Фаришта жавоб берди:

— Мусо пайғамбарга уни Худо юборганини тасдиқлаши учун иккита аломат берилганидек, сенга ҳам иккита аломат берилади[91]. Биринчидан, одамнинг ўнг қўлини чап қўлингга олиб, ҳар қандай вируслик касалликни борлигини, унинг чап қўлингда пайдо бўладиган вибрациядан аниқлай оласан. Кейин сен у одамни шифоланиши учун ибодат қилишинг керак; агар бу нарса бўлиб ўтмаса, унда у одам учун дуолар сўра ва нарига ўтавер. Худо Руҳидан мойланган пайтингда, ўз фикрингга йўл берма, нима гапириш сенга берилади.

Бу сўзлар уни қониқтирмади

— Аммо, агар улар барибир менга ишонмасаларчи?

— Иккинчи аломат биринчисига қараганда буюкроқ бўлади. Агар сен мулойим ва камтарликда бўлсанг, шундай бўладики, ваҳий ёрдамида сен уларнинг юрак сирларини билиб оласан. Шунда одамлар сенга ишонишига тўғри келади. Бу Хушхабарни қудрат билан ёйишимиз учун асос бўлади, қайсики, у Масиҳнинг Иккинчи Келишини хабар қилади.

Бир ҳафта ўтиб, Фаришта сўзларининг ҳақиқатлигини текширишга имкони бўлиб қолди. Чоршанба куни кечқурун умидсизликка тушган одам замбилда хотинини беҳуш ҳолида олиб келди. Маржи Морган ракдан шунчалик шикастланган эдики, врачлар ундан умид йўқ дейишди. Қачонки Билли чап қўли билан унинг беҳол ўнг қўлини олган эди, унинг билаги ва елка олдилари санчиб бошлади, гўё у паст кучланишли электр симини очиқ жойидан ушлагандай бўлди. Унинг қўли шишди ва қизарди. У қўли бўйлаб баландга вибрация юраётганини сезди. Бош эгиб, у Исо Масиҳдан бу ўлаётган аёлни шифолашини сўради. Ибодат тугаши билан вибрация тўхтади ва унинг шишиқ қўли яна нормал кўринишига эга бўлди. Уч кундан кейин Маржи Морган тўшагидан турди ва касалхона коридорларида юрди ва ўз врачидан уйига жавоб сўрай бошлади.

Бу мўъжиза ҳақидаги янгилик яшин тезлигида тарқалди ва тез орада Уилльям Бранхам Миссури штати, Сент-Луисдан телеграмма олди. Муҳтарам Догерти уни келишини ва қизи учун ибодат қилишини сўраган эди. Уч ой давомида кичкина Догерти сирли касалликдан қийналар, бундан унинг ҳамма врачлари таажжубда эди. Билли Сент-Луисга жўнади ва у ерда Худо унга қизнинг муаммоси нимадалигини очди. Бетти Догерти шифоланди. Кейин мистер Догерти Биллидан Сент-Луисга қайтишини ва Илоҳий шифоланишга алоҳида эътиборни қаратиб, бир неча уйғониш йиғилишларини ўтказишни сўради. Билли рози бўлди. Жефферсонвиллига қайтиб, у Индиана коммунал хизматлар компаниясидан ишдан бўшади. Кейин ўзи пастор бўлган черковда дьяконлари билан кенгаш ўтказди ва ўзининг йўқлигида ваъз қиладиган хизматчини тайинлади. Билли хушхабарчилик меҳнати унинг асосий иши бўлиб қолишини олдиндан сезди.

Унинг биринчи имони билан шифолаш кампанияси улкан муваффақият блан ўтди. У ўн бир оқшом мобайнида ваъз қилди. Ҳар бир ваъзи охирида Билли касалларни олдинга чиқишга ва уларнинг ҳар бирига қўл қўя олиши учун ва уларнинг ҳар бири учун навбат билан ибодат қилиш учун кафедра олдига йиғилишга чақирар эди. Доим мўъжизалар бўлар эди. Одамлар кўз қийшиқлиги, артрит, грижа, туберкулёз, қанд ва юрак касалликлари, болалар шоллари, шиш, рак, асаб хасталиклари, ошқозон касалликлари ва ҳатто кўз ожизликдан шифоланар эдилар. Бу уйғониш йиғилишлари давомида Билли минг кишидан ҳам кўплар учун ибодат қилди. Унинг кучи тугаган эди, аммо у бахтиёр эди ва Раббий унга қайси томонга боришни кўрсатишини жуда-жуда хохлар эди.

Уилльям Бранхам Арканзас штатида

31 БОБ
КЎР ОДАМНИНГ ОДАТДАН ТАШҚАРИ ТУШИ
1946

Сент-Луисдаги ҳайратга соладиган шифоланишлар ҳақидаги илҳомлантирувчи янгиликлар ток новдасидай ҳар томонга тарқалиб, жанубий штатлар ва ғарбий штатларнинг марказий қисмида тармоқланиб кетди. Шу тарзда, ҳамма жойда Индианадан Уилльям Бранхам деган воизга қандай қилиб Фаришта келгани, унга қийналаётган инсониятга Илоҳий шифо неъматини келтириш топшириғини бергани ҳақидаги тафсилотлари кенг тарқалди. Тез орада, Билли Сент-Луисдан уйга қайтганидан кейин, унга бошқа бир нотаниш хизматчи — муҳтарам Адамсдан телеграмма келди, унда у Биллини таклиф қилган эди ва Арканзас штати, Камден шаҳрида бир ҳафталик шифолаш кампаниясига спонсорлик қилиш истагини билдирган эди. Билли рози бўлди ва йиғилишларни 1946 йил августининг биринчи ярмида ўтказишга узил-кесил режалаштирди.

Биллида ўзининг костюми бўлмаганлигидан, у биродарларининг биридан, автомобил авариясида "бўлган" ва ундан бир неча жойида йиртиқ билан "чиққан", кийилган костюмини сўраб олди. Меда шимига бир неча термоклейли ямоқни дазмол ёрдамида ёпиштириб қўйди, а Билли эса каттакон ва анча билиниб турадиган ўнг томон олд чўнтакдаги ёриқни тикди. Кейин Меда унинг иккита оқ куйлагини олди, бўлиб, тўзиб кетган ёқаларини сўтиб олди-да, уларни тескари қўйиб, яна кўйлакка тикиб берди. Билли нарсаларини кичикроқ чемоданчага солди, уни ўзининг эски "Форд"ининг орқа ўриндиғига ташлади ва жанубга йўл олди.

Камденга келиб, Билли муҳтарам Адамсга одатдагидек эмас, бошқача салом бериб, тушунтирди:

— Кечирасиз, мен сизни чап қўлим билан қисаман, аммо у юракка яқин

Ҳақиқатда эса, Билли костюмининг эътиборсизлик билан тикилган чўнтагини ўнг қўли билан ёпиб, уни кўрсатиб қўйишдан тортинар эди. Бир неча ойлар мобайнида шу тарзда саломлашишни одат қилиб олди.

Камден шаҳри 15 000 истиқомат қилувчи аҳолиси билан, Арканзас штатининг жунубий чегарасидан унга узоқ бўлмаган ерда жойлашган эди. Аммо йиғилишлар бошланганидан кейин тез орада одамлар бутун Жанубдан келаётганликлари аниқ кўриниб қолди. Пастор Адамс мактабнинг катта спорт залини ижарага олди, у эса биринчи оқшомдаёқ лиқ тўлди. Билли одамларни Худога ишонишларига ундар эди, уларга "Худога ҳамма нарса мумкин"лиги ҳақида эслатар эди, лекин бу расмиятчи ҳеч кимга ишонмайдиган оломонга таъсир қилмади. Бошқа томондан қараса, гўё улар фақат кўпроқ "асослироқ" исботни кутиб, қизиққанларидан келганга ўхшаб кўринар эди. Билли уларни тинглашларини илтимос қилди:

— Ҳурматли дўстлар, мен бор-йўғи — бир одамман; аммо мен сизга, менга ҳамроҳ бўлиб юрадиган Худо Ўз Фариштасини юборганини тушунтирмоқчиман.

Бир неча ондан сўнг, Билли атмосфера ўзгача бўла бошлаганини сезди. У худди шундай ҳолатни Туннель Милл яқинидаги ғорда ҳам сезган эди. Шубҳасиз, аудитория ҳам шундай сеза бошлади, чунки одамлар ҳар томонга қизиқсиниб аланглай бошлашди. Кейин Билли зал охиридаги эшикдан гир айланаётган оловли шар кирганини кўриб қолди.

— Менга У ҳақида бошқа гапиришим керак бўлмайди, зеро У энди тўппа-тўғри шу томон ҳаракат қилаяпти, — деди Билли.

Бу ғайритабий олов шари йўлак бўйлаб нақ одамлар устидан ҳаракат қилар эди. Оломон ҳайратдан анграйиб қолди... Аёллар ва болалар қаттиқ қичқириб, ҳушидан кетиб ёки қўрқувдан сапчиб туша бошладилар.

Қаторлар орасидаги йўлакда қўйилган ва озроқ платформага қаратилган ногиронлар коляскасида баптистларнинг ногирон-хизматчиси ўтирган эди. Олов Шари унинг устидан ўтган пайт, у "ғилдиракдаги қамоқхонаси"дан сакраб турди ва у бор кучи билан қичқирганча, Худони улуғлаб, йўлакдан уни итариб кетди. Бу одамларни ҳайратга солди ва скептик ишонувчиларнинг ҳар қандай шубҳасини олиб ташлади.

Бу орадан қаҳрабо нур платформага келаверди ва у ерда Биллининг боши устида осилиб турганча тўхтади. Жаноб Адамс кафедранинг бошқа томонида турган эди, шу пайт маҳаллий газетанинг суратчиси бу ғайритабиий нурни плёнкага тушурди. ***(№1 Сурат)*** *Кейинги сонияда муҳтарам Адамс:*

— Мен буни кўряпман! — дея қичқирганча, унга тегмоқчи бўлгандай, яқинлаша бошлади.

Бу нур ёрқинроқ нур сочди ва вақтинча кўзи қамашган пастор Адамс гандираклаганча, орқага тисарилди. Кейин бу юлдуз кўринмай қолди.

Иштирокчиларнинг гумонли муносабатлари йўқолди ва оқшомнинг қолган вақтида сув кўтарилаётгандаги тўлқин каби уларнинг имони кўтарилаверди. Билли одамларни, кимки у учун ибодат қилишини хохласа, бинонинг девори бўйлаб бир қатор тизилишларини сўради. Юзлаб одамлар турдилар ва тиқилишиб, тартибсиз навбат туза бошлашди. Билли одамларни унга ўнг томондан келишларини хохларди, ахир айнан шу ерда Раббий Фариштаси турар, у Фариштанинг кучли борлигини сезиб турар эди. Билли чап қўли билан одамларнинг ўнг қўлидан тутарди. Одамларга тегиши билан микроорганик ва вирусли касалликлардан унинг қўли шишиб, қизарар эди. Ибодат айтиб, агар унинг қўли нормаль кўриниш олса, Билли бу одамнинг соғайганини билар эди.бошқа муаммолари бўлган одамларга келсак, уларниг имони юракларида шунчалик жўш урар эдики, айрим пайт Исо Номига оддийгина ибодат, аввалари мумкин бўлмаган нарсани амалга ошиши учун бутунлай етарли эди.

Ўша оқшом юзлаб одамлар ҳаётида мўъжизалар бўлиб ўтди. Билли ярим кечадан ҳам узоқ вақтгача, ҳар бир бетоб учун навбатма-навбат ибодат қилди. Қачонки у, ниҳоят, ибодатни тўхтатганида, чап қўли шунчалик увушиб қолдики, у меҳмонхона номерига қайтиб, мускулларига яна сезги қайтиши учун, уни кран остидаги сувда ярим соат ушлаб туришга мажбур эди.

Эртаси эрталаб, нонуштадан кейин, меҳмонхона номерида ибодат қилаётиб, Билли ногоҳон, тўғри эшик ортидаги суҳбатни эшитиб қолди. Қандайдир эркак киши:

— Мен Бранхам акага бир неча сўз айтмоқчиман, холос. Мен — репортёр ва мен унга бир нима кўрсатмоқчиман, — деди.

Эшикни олдида туриш ва Биллининг тинчлигини қўриқлаш бурчи бўлган меҳмонхона ходими жавоб берди:

— Ким бўлманг, ҳеч қандай ёрдам беролмайман. Менга у ёққа ҳеч кимни ўтказмаслик топширилган. Ҳозир ибодат вақти.

Эшикка келиб, Билли репортёрни номерига таклиф қилди ва у бўлса, чаққон хонага кирди. У суратни чиқарди-да, биллига узатди.

— Бранхам ака, бу ёққа қаранг.

Суратни олиб, Билли уни қарай бошлади. Бу сурат кеча кечқурунги йиғилиш вақтида олинган эди. Билли ўзини кафедрада турганини кўрди. Унинг тепасида ўша ғайритабиий нур пульс урар, а чап томондан муҳтарам Адамс турганди.

— Бранхам ака, — деди репортёр, — кеча кечқурун мен ишончсизлик кайфиятида бўлганлигимни тан олишим керак. Мен ўйлагандимки, Фаришта ва шифолашлар ҳақидаги ҳамма гаплар, — бу психология холос. Аммо, мана бу, бу ерда суратдаги! Балкон остидаги бир-биридан бир хил масофада турган тўртта лампага эътибор беринг. Бошқа орқа томонингиздан ҳеч қандай ёритувчи ёритгич йўқ эди. Бу дегани, бу нур, бошингиз устида ва атрофида шуълаланаётган, ғайритабиийликдан бошқа нарса эмас.

Билли бош ирғади.

— Бу ҳақиқатан ҳам мен кўрган ўша нурга ўхшайди.

Репортёр деди:

— Мен баптистлар черковига қарашлиман, аммо мен Муқаддас Руҳни сиз қандай олган бўлсангиз, шундай олишни хохлайман.

Билли жавобга улгурмай, эшик тақиллаб қолди. Меҳмонхона ходими ўрнига унинг олдида меҳмонхона администратори аёлининг ўзи пайдо бўлганига Билли ҳайрон бўлди. У бармоғида калитни асабий силкиганча, кирди. Билли аёлга Раббий Фариштаси суратини кўрсатди.

— Айни шу сабабли мен сиз билан гаплашишга келдим ҳам, — деди у. — Бранхам ака, мен ўша ерда кеча оқшом бор эдим, ва мен ҳам бу нурни кўрдим. Эшитингда...

У шунчалик ўзини йўқотганидан, керакли сўзларни тополмаётгандай туюлар эди.

— Бранхам ака, мен — мен юқоридан туғилишни истайман.

Бунга жавобан Билли дераза пардаларини кўтарди ва шаҳар ортида кўтарилиб турган бир неча тепаликни кўрсатди.

— Кўряпсизми, у оқ йўлни, қарағайзорни айланиб ўтган? Икки кунлар бурун мен салкам тўрт соат ўша ерда бўлдим ва алангали ибодат қилдим, Худо бу шаҳарга Ўз Фариштасини келишига ва одамлар қалбини ҳар қачонгидан ҳам ёқишига йўл бериши учун. Ва мана, бу бўлди. Юқоридан туғилиш умуман қийин эмас. Ўз ҳаётини оддийгина қилиб, Исо Масиҳга ишониб топшириш керак, холос.

Улар учови меҳмонхона номерида тиз чўкишди, меҳмонхона администратори ҳам, худди шундай репортёр ҳам янгидан Худо оиласида туғилдилар.

Бир соат ўтиб, бошқа хизматчидан Арканзас штати, Литл-Рок шаҳрига Билли келиб йиғилиш ўтказишини сўраётган муҳтарам Ж. Браундан қўлида телеграммаси билан эшикка болакай келди. Телеграмма келтирган бола яна нимадир демоқчидай, эшикда ушланиб турди. Билли ундан яна бирор бир хабар айтмоқчимидинг, деди. Бола айтди:

— Отамнинг кўп йиллар орқасида муаммоси бор эди. Кеча оқшом у шифоланди ва бугун у умуман бошқача. Гўё менда янги ота пайдо бўлди. Мен ҳам Исони билмоқчиман.

— Худо сенинг юрагингни дуо қилсин, ўғилчам. Бу ёққа кир ва эшикни ёп. Тўппа-тўғри шу ерда сен Исони топишинг мумкин. Бу умуман қийин эмас.

Йигитча тиззада турди, шапкасини полга қўйди ва юрагини Масиҳга берди.

Ҳафтанинг қолган давомида, Камденда одамларнинг тўпланиши жуда кўпайди, чунки одамлар ўз шифоланганлари ҳақида дўстлари ва қўшниларига гувоҳлик қилишар, уларни келишга ва Худо уларнинг шаҳрига Ўз Фаришстаси орқали келганини ўз кўзлари билан кўришга ундашар эдилар. Ҳар кечқурун Билли одамларнинг жуда узун навбатлари учун соат миллари ярим кечадан ўтканигача ибодат қилар эди. Ўша ҳафта охирида, шанба куни, қачонки Билли шифоланиш йиғилишларининг охирини ўтказганида, у умуман ҳолдан тойганини ҳис этди.

Якшанба эрталаб, жаноб Адамс Билли учун маҳаллий черковда йиғилишни режалаштирди. Бунда касаллар учун ибодат мўлжаллаштирмаганлиги, балки, фақат ваъз қилиш кераклилигидан, Билли унга кучи етишини сезди. Албатта, черковга, унга сиғишидан кўп одам келди.

Хизматдан кейин тўртта бақувват полициячи Билли билан муҳтарам Адамсга халқ ўртасидан пасторнинг қизил машинасига ўтиб олишларида ёрдам беришди. Одамлар Биллини кўриш учун олдинга итаришар эди; айримлар унга тегишга интилишар, аммо полициячилар уларни ундан узоқ тутишар эди. Майдалаб ёғаётган ёмғир тагида турган ва шифоланишга чанқаётган ногиронлар ва касалманд болалари билан оналарини кўрганидан, Биллининг юрак-бағри тилка-пора бўлади. У уларнинг ҳар бирига тўхтаб, тегиб ва юраги уришдан тўхтагунича ибодат қилишни хохлар, лекин бундай қилолмаслигини билар эди. Қисқагина дам олганидан кейин Литл-Рокда ўз бурчини бажариши керак эди.

Бирдан Билли оломон шовқини орасидан кимнингдир фарёдини эшитиб қолди:

— Раҳм қилинг! Раҳм қилинг!

У ҳар томонга қарай бошлади ва иккита қари қора танлини кўриб қолди: черков орқасидаги тепачада турган эркак ва аёлни, — оқ танлилар тўдасидан анчайин узоқда. (У вақтлар “Жим Кроу”[108] қонунлари Жанубда ҳали ўз кучида бўлиб, негрларга оқ танлилар аҳолиси ўртасида, жамоат жойларида бўлишларини таъқиқлар эди.) Қари негр қўлида шапка ушлаган ва шивалаётган ёмғир унинг қарийб тўкилиб бўлган оқ сочли бошига томар эди. У ғамгин оҳангда чўзиб-чўзиб қичқираверди:

[108] Жим Кроу — лақаб, америкалик иркчилар томонидан негрларга берилган. Бундан ирқий дискриминация, негрларни изоляциялаш ва шунингдек, уларга қарши йўналтирилган ирқий тадбирлар тушунилади.

— Шавқат қилинг! Раҳм қилинг! Раҳмингиз келсин!

“Бечора”, — кетатуриб ўйлади Билли. Бирдан у тўхтади ва бу қарияга яна қаради. Ғалати нарса бўлди. Билли ўзини нимадир санчиётгани ва терисига босаётганини ҳис қилди. Бу жуда ёқимли туйғу, умуман ёмон эмас эди ва Билли бу нарса қандайдир тарзда ўша тепаликдан ёрдам сўраб ялинаётган негр билан боғлиқ эканлигини сезиб қолди. Билли бу қария томон йўналди.

Уни қўриқлаб бораётган полициячилардан бири сўради:

— Муҳтарам, сиз қаёққа бормоқчисиз?

— Муқаддас Руҳ мени ўша негрга боришимни хохлайди, — жавоб берди Билли.

Полициячи уни огоҳлантирди:

— Ҳатто ҳаёлингизга ҳам келтирманг. Бу оқтанлиларнинг ҳаммасини сиқувидан сиз ирқий ғалоён келтириб чиқарасиз. Ахир бу Жануб-ку.

Билли бу хавф-хатар ҳақида ўйлаб ўтирмади.

— Сизнинг қонунларингиз бу ерда ҳеч нарса. Муқаддас Руҳ менга боришни ва бу одам билан гаплашишни буюряпти.

Тўртовлон полициячилар Биллини ўша тепачага кузатиб бораверишди, ўша икки қора танли турган жойга. Уларга яқинлашаётиб, бу кекса аёл у одамга қараб:

— Азизим, мана пастор келаяпти, — деганини Билли эшитди.

Билли жуда яқин келди. Бу вақт полициячилар халқни узоқроқ ушлаш учун, уларни ўраб туришар эди.

— Амакижон, сенга нима ёрдам қилоламан? — сўради Билли.

Кекса одам Билли турган жойга эмас, бошқа томонга бошини бурди. Шунда Билли бу одамни кўрмаслигини тушунди. У тутила-тутила сўради:

— Бу-у-у — бу сенмисан, пастор Бранхам?

— Ҳа, амакижон.

Кекса негр қўлини кўтарди ва Биллининг юзини оҳиста пайпаслай бошлади.

— О-о, сен ёш экансан.

— Унча ҳам ёш эмасман, — деди Билли. — Мен 37 ёшда

— Пастор Бранхам, сен мени тинглай оласанми?

— Гапир, амакижон.

— Мен ўн йилдан бери кўзи ожизлар учун нафақа оламан. Мен бу ердан тахминан 320 километрлар олисда яшайман ва ҳеч қачон ҳаётда сен ҳақингда эшитмагандим, фақат шу эрталаб эшитдим. Мен хонамда сахар эрталаб соат учда уйғондим. Албатта, мен кўрман, аммо мен кўрдим — тўппа-тўғри олдимда менинг марҳума онам турган эди. У аллақачон оламдан ўтган бўлиб, аммо у тириклигида худди сенинг динингдек дини бор эди. Онажоним менга ҳаётида ҳеч қачон ёлғон гапирмаган. Ва бугун эрталабдан келди ва шундай деди: “Болажоним, тур, кийин ва Арканзасдаги Камденга бор. Пастор Бранхам деган одамни қандай топишни сўра ва кўзинг очилади”. Мана шу гап, мен шу ерда, пастор. Сен менга ёрдам берасанми?

Биллининг юраги раҳми келганидан эзилди. У қариянинг кўзларига қўл қўйди ва ибодат қилди: “Самовий Ота, мен тушунмайман, унга тушида қандай онаси келган, аммо мен Сендан Исо Исми ҳақи унга кўришни ато этишни сўрайман”.

Оломон қисилиб келаверди. Полициячилар уларни базўр ушлаб тургандилар. Билли иложи борича тезроқ машинага етиб олиши кераглигини билар эди, шу учун кетиш учун бурилди.

Қария хотиржамлик ва қониқиш билан “Раббим, Сендан миннатдорман, Сендан миннатдорман”, дея жилмайди ва бош ирғади.

Унинг хотини унга ҳайратланиб қаради.

— Азизим, сен кўряпсанми?

— Албатта, кўряпман. Мен сенга айтгандим-ку, агар мен шу ёққа келиб олсам, мен кўра бошлайман деб. У ёққа қара.

У бармоқлари билан Билли етиб борган машинани кўрсатди.

— У ердаги машинани кўряпсанми? У қизил рангда.

— О-о, Раббим! — хитоб қилди у ва улар қувонганларидан қучоқлашдилар.

Тўрт полициячи, ҳимоя ҳалқасидай Биллини қаттиқ ушлаб ва ҳаяжонланган одамлар тўдасидан ёриб ўтиб, шошилганча уни қизил машинага, бехавотир жойга узатишди.

32 БОБ
АҚЛСИЗЛИККА ҚАРШИ ҚИЛИНГАН ДАЪВАТ
1946

КАМДЕНДАН КЕЙИН Уилльям Бранхам, Арканзас штатидаги Пайн-Блафф шаҳрида ҳафталик шифолаш кампаниясини ўтказди, кейин эса, шу штат пойтахти, Литл-Рокка ўтди. Муҳтарам Браун пойтахт кенгаши биносига яқин бўлган катта томошалар залини ижарага олди. Бу пайтга келиб, Билли ҳақида овоза шунчалар узоқларга тарқалдики, Литл-Рокдаги йиғилишларда Камденга қараганда янада кўпроқ келувчилар бўлди. Томошалар зали тезда лиқ тўлди ва кўплаб одамларга ташқарида туришига тўғри келди.

Биринчи оқшом Билли қандай қилиб Фариштадан топшириқ олганини, Камден ва Пайн-Блаффда у кўрган мўъжизалар ҳақида сўзлаб берди. Кейин у ибодат қилишларини хохловчилардан унинг ўнг томонидан навбатда туришларини сўради. Юзлаб одамлар шу заҳоти турдилар ва аста-секин, катта қий-чувда бир қатор тизилдилар. Органист доим "Ишон, фақат ишон!" деган қўшиқнинг мелодиясини чалиб турар, бу пайтда одамлар навбат билан ибодат учун олдинга ўтишар эдилар.

Бироқ одам келганида, Билли чап қўли билан унинг ўнг қўлини олар эди. Агар у одам бирор бир касалликдан қийналаётган бўлса, унда Билли паст кучланишли электр токига ўхшаш тебранишни шу заҳоти сезар эди. Кейин унинг чап қўли инфекциядан зарарланган каби шишар ва қизарар эди. Қўлининг орқа томонида оппоқ ғуддачалар пайдо бўлар эди. Бу ғуддачаларнинг конфигурациясига қараб, Билли у ёки бу одамнинг, қандай касаллик билан оғриганини аниқлар эди. У микрофонда ҳаммага эшиттириб, касалликлар номини эълон қилар эди: яра, туберкулёз, рак ва бошқалар. Унинг ташҳиси доимо хатосиз бўлар эди. Кейин у Исо Масиҳ Исми ҳақи жинларни фош қилиб, ибодат қиларди. Ёвуз руҳ-жин касалнинг танасидан чиқиб кетиши билан, Биллининг қўли ўзининг нормал ҳолатига келарди. Касалнинг шифоланганлигини эълон қилиб, у кейинги одамга ўгирилар эди.

Шундай пайтларда зал бўйлаб ҳайрон бўлиб қолган томошабинларнинг бир неча вақт пичир-пичирлари турар эди. Бу томошабинларга олдин ҳеч қачон бунга ўхшаган нарсани кўриш насиб этмаган эди. Ва мана, уларнинг кўз ўнгида, уларнинг ўртасида Худо турганлигининг яққол исботи. Кўрганларидан ҳаяжонга тушганлар, кўплар иззат-эҳтиром билан йиғлашар эдилар.

Билли ўзидаги қобилиятдан ҳайронлиги, қолганлардан кам эмас эди. Олдинлар, қачонки ўзининг топшириғи ҳақида билмаган пайтлар, унинг калласига ҳам келмагандики, микроблар — бу тирик тебранувчи маҳлуқотлар эканлиги. Энди эса у нафақат бу тебранишларни сезар, балки шишадиган ва қизарадиган чап қўлига улар қандай таъсир қилишини кўрди ҳам. Бундан ташқари, унда оқ ғуддачалар ҳам чиқди: ҳар бир касалликла бу кичкинагина тузилмаларда, ўзининг конфигурацияси бўлар эди. Билли бу қобилиятни қанча кўп ишлатса, иблис ҳаёти ҳақида шунча кўп билиб олар эди. Масалан, қўлининг орқа томонидаги бу ғуддачалар у ёки бу касалликда ҳозир бўлган жин, Фариштa борлигидан титроққа туша бошлар эди

Микроблар ёки вируслар чиқарадиган бу тебранишларнинг руҳий томони ҳам борган сари равшанлаша бошлади. Йиғилишлар орасидаги бўш вақтларда, Билли Янг Аҳдни Исо, Пётр ва Павелнинг шифолаш хизматини тушунишга уриниб, бир неча марталаб ўқиб чиқар эди (ва шу йўсин ўзининг хизмати моҳиятини тушуниш учун). Ёзувни замонавий мидицинадан келиб чиқиб, ўз билими билан таққослаб, Билли, касалликлар икки турга: жисмоний ва руҳий ҳолатда бўлишини кўрди. Жисмоний сферадаги микроб ва вируслар, қайсики уларни текширувчи медиклар микроскоп орқали кўра олади. Аммо, бу микроб ва вируслар қаердан келиб қолди? Албатта, Худодан эмас. Улар одамдаги Худо берган ҳаёт ҳисобидан яшаб, мавжуддирдар ва танани емирадилар. Исонинг Ўзини шифолаш хизмати ҳақидаги Библия гувоҳликларини ўқиб, Билли тушундики, микроблар ва вируслар — бу ёвуз руҳ-шайтон кучларининг жисмонан намоён бўлишидир. Касалликларда, ҳар қандай тирик мавжудотда бўлганидек, жисмоний ва руҳий намоёнлиги мавжуд. Медик-врачлар касалликларнинг физиологиясини ўрганса, Билли бўлса, руҳияти билан дуч келган эди. Унинг қўлидаги аломат иблис ҳаёти тебранишларини пайқар эди, қайсики, улар Худодан берилган инсон ҳаётини емирар эди.

Билли, унинг қўли шишишидан ҳеч ким шифоланмаслигини, бироқ бундан имон кучайиши мумкинлигини билар эди. Қачонки одамлар касаллик ғайритабиий тарзда аниқланганини кўрганларида, улардаги ишонч шунчалик кўтарилар ва Худо шифолашига ишонар эдилар. Исо айтди: *"Агар бир оз бўлса ҳам ишона олсанг эди, эътиқодли одамга ҳамма нарса мумкин"*[109]. Ўша пайтлардагидек, ҳозир ҳам фақат Исо шифолашни амалга оширар эди.

[109] Марк 9:23; шу билан бирга Матто 19:26; Марк 10:27; Луқо 1:37

Албатта, ҳамма вақт ҳам касалликни аниқлаш учун ғайритабиий аломат талаб қилинавермасди. Айрим хасталиклар аниқ равшан бўлиб турар эди. Бир одамнинг бўйнида қалқонсимон без катталашган ва унда каттакон қизил шиш чиқиб турар эди. Билли бу одамни Исодан шифолашини сўраши билан буқоқ оқарди, полга тушди ва биллининг оёқлари орасидан думалади. Йилт этиб кетди — фоторепортёр суратга олган эди ва кейинги кун бу мўъжизанинг сурати маҳаллий газетасининг биринчи саҳифасида пайдо бўлди.

Кўп йиллар қўлтиқтаёқда юрган, ёши ўтган одам оқсоқликдан ҳамманинг кўз ўнгида шифоланди. У платформадан Исо Масиҳга баланд овоз билан тасаннолар айтиб, қўлидаги ҳассасини боши узра кўтариб, тушиб келди. Кейинги кечқурун йиғилиш бошланган пайтда, бу одам олдинги қаторларда, орқасида "ИСО МАСИҲ КЕЧА, БУГУН ВА АБАДИЙ ЎШАДИР" деган ёзувли плакат билан ўтирди. Қачонки Билли платформага чиққанида, бу одам турди ва қичқирди:

— Воиз, эшитгин, мен сенга савол бермоқчиман.

Билли бу мўйсафидни таниди:

— Сўрайвер, амакижон.

— Мен назарянин ва қачонки сенинг ваъзларингни биринчи бор эшитганимда, мен ўйладимки, сен ҳам назарянин деб. Кейин, қачонки йиғилишларда қанчалик кўп элликчилар, мен ўйладимки, сен элликчи бўлсанг керак деб. Кейинроқ мен эшитдимки, сен ўзингни баптист дебсан. Мен буни тушунмайман.

— Бу жуда оддий, амакижон, — Билли жавоб берди. — Мен эллигинчи баптист-назарянин.

Бу кичикроқ ҳазил туфайли кўтарилган шиддатли кулги тинчланганидан кейин Билли деди:

— Ҳақиқатан ҳам, мен Раббий Исо Масиҳнинг Унинг шафқати туфайли, вакилиман, холос. Каломда айтиладики, биз ҳаммамиз бир руҳ билан битта танага чўмганмиз ва битта халқ бўламиз[110]. Исо биздан методистми ёки баптистми деб сўрамайди. У бизни юрагимиздаги бор нарса бўйича ҳукм қилади.

[110] 1 Коринфликларга 12:12-27

Ҳар кечқурун юзлаб одамлар олдинга улар учун ибодат қилсинлари учун чиқар эдилар. Бу қанчалик чарчатадиган бўлмасин, Билли касаллар ва қийналаётганлар учун соат бир, икки, айрим пайтлар эса кечки учгача ибодат қилишда давом этар эди. Кейин жаноби Браун уни меҳмонхона номерига этар, у ерда у гапиришга ҳам ярамаган аҳволда чарчаб ётар ва олти-етти соат нотинч уйқуда ухлар эди.

Бир куни эрталаб жаноби Браун Биллини жуда зарур бўлганидан уйғотди:

— Пастда Тенесси штати, Мемфисдан келган мистер Кинни турибди. Унинг дўсти мистер Д***[111], Мемфисдаги почта бўлими бошлиғи, ўпканинг астматик яллиғланишидан ўлаётган эди. Мистер Кинни сени бориб, мистер Д*** учун ибодат қилишингни сўраб, бу ерга учиб келди. Мистер Кинни аллақачон сени эрталаб Мемфисга учишинг учун самолётда жой банд қилиб қўйган. Сен бугун кечки йиғилиш бошлангунигача қайтишинг мумкин. Мен пастга тушай, уни бу ерга олиб келаман.

[111] Ҳар сафар бу биографияда кимнинг фамилияси Д*** кўринишида ёзилганида, бу дегани, Уилльям Бранхам ҳикоя қилаётиб, бу одамнинг фамилиясини тилга олмаган. Муаллиф воқеани яхшироқ тушунтириш учун, ихтиёрий биринчи ҳарфни танлади.

Билли кийинди ва энди пальтосини устига илмоқчи эди, бирдан кучли шамолнинг шовқинини эшитди. У бу шамол кўчадан деб ўйлади: "Қаранг-а, бугун қандай қаттиқ шамол". Шунда у номерида ўша ғайритабиий нурни кўрди, у ҳавода тез айланиб, пульс уриб турар эди. Билли кроват олдида тиз чўкди ва тез орада Фариштанинг: ***"У ёққа учма. Унинг вақти-соати келди"****, — деганини эшитди.*

Кейин бу нур кўринмай қолди. Билли турди ва пальтосини ечди.

Бир неча дақиқа ўтиб, жаноби Браун кўринишидан жуда ҳаяжонланаёган ва ташвишланаётган одамни олиб кирди.

— Бранхам ака, менинг фамилиям Кинни. Менинг дўстим, мистер Д***, ҳозир у беҳуш ҳолда ётибди, аммо мен имонга эгаман, Худо уни...

Билли унинг гапини бўлди.

— Сэр, бир неча дақиқа олдин Муқаддас Руҳ келди ва мени огоҳлантирдики, мен сиз билан учмаслигим учун, зеро РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: "Бу одам ўлади".

— Сиз айтмоқчисиз, унда ҳеч қандай илож қолмадими?...

— У сизнинг қайтишингизга вафот этиши ҳам мумкин, лекин ибодат қилишда давом этаман. Эрталаб қўнғироқ қилинг ва хабар қилинг, қачон у ўлди: сиз боргунчами ёки кейин. Бугун кечқурун менга қўнғироқ қилманг, чунки мен кеч соат икки ёки учгача хизматда бўламан.

Ўша кечқурун, касаллар учун тўхтовсиз бир неча соат ибодатдан кейин, жаноби Браун деди:

— Бранхам ака, қачон танаффус қилишни айтасан менга. Мен сенга бинонинг пастки қаватида у-бу нарсани кўрсатмоқчиман. Бунақа касалликни сенга ҳали кўришга тўғри келмаган.

Зўриқишда чарчаганидан, Билли озроқ чигилини ёзиш учун бундай сабабдан фойдаланди.

— Мен аллақачон нафасни ростлашга тайёрман, — деди у.

Одамлар ибодат навбатида, ўз жойларида кутиб қолавердилар. Бу вақт жаноби Браун Биллини ертўла хонасига олиб кирди, у ерда улар Арканзас штатидаги типик фермерга ўхшаш, пиллапоянинг пастки поясида турган ёшроқ одам билан учрашишди: ранги хиралашган кўк кўйлак ва кўкрак кистали комбинезонда эди у. Одамгиа бир томонга маъносиз, бефарқ қараб турган эди. Билли ҳам у ёққа қаради ва кўрган нарсасидан изтиробга тушди. Бутун умрида бирон-бир бунга ўхшаган нарсани кўришга тўғри келмаган эди... катта ертўланинг ўртасида яланғоч полда йирик, мускуллари чиққан аёл оқ футболка ва қора шортда ётар эди. У кўринишидан ўттиз ёки ўттиз бешларда эди. У орқаси билан ётган эди, а оёқ ва қўллари баландга чиқиб турар эди. Кўп жойлари кесилганлигидан, оёқларидан қон оқар эди.

Бурилиб ва зинада турган ўша одамга қараб, Билли ҳайрон бўлиб сўради:

— Биродар, бу сени хотинингми?

— Ҳа, Бранхам ака.

— Вой-бўй! У нима касал?

— Врач у охирги туққанидан кейин унда вақтидан олдин менопауза бошланган, деб ҳисоблаяпти. У хотинимга бир нечта укол қилди, лекин улар ёрдам бермади ва у ақлдан озди. У икки йиллардан бери жиннихонада, мен фермамни сотдим, уни яхши бўлиб кетишига пул етсин деб, аммо врач ҳаммасини қилиб кўрди — ҳеч нарса ёрдам бермаяпти. Бранхам ака, уйимда тўртта болам. Қачонки мен у куни сенинг йиғилишинг пайти шифоланган Миссисипилик руҳий касал ҳақида эшитган эдим, хотинимни тез ёрдам машинасида бу ерга келтириш учун, хачиримни сотдим.

— Нимага уни оёқлари қон?

— Жиннихонада бизга, уни фақат бир кунгагина олиб кетиш мумкин дейишди. Бироқ, улар уни тез ёрдам машинасига этмоқчи бўлганларида, уларнинг бунга кучи етмади. Шунинг учун мен ўзим билан черковдан тўртта биродаримни олдим ва бизлар уни машинага киритолдик. Кейин, бу ёққа келишда, тўртовимиз уни ушлаб туролмадик ва у орқа ўриндиқда ётиб олиб ҳамма шишаларни чиқариб юборди. Биз уни шу бинога кўтариб олиб кирганимизда, у бизларни ҳар томонга отиб юборди. Ниҳоят, биз уни шу ёққа, ертўлага олиб кирдик ва ётқизиб қўйдик. У ўша алфозда, оёқ-қўллари кўтарилганча ётаверди.

Билли бу ақлдан озган аёлга раҳми келиб қаради: у орқаси билан полда, хона ўртасида ётар эди; унинг қонталаш қўл-оёқлари кўтарилиб турар эди. Билли унинг эрига деди:

— Мен унга борайгин ва қўлини ушлай. Мумкин, бирор бир тебранишни сезарман.

Эркакнинг кўзлари қўрқувдан чақчайди.

— Бранхам ака, у ёққа бораман деб, ҳаёлингга ҳам келтирма. У сени ўлдириб қўяди-ку.

Огоҳлантиришга эътибор қилмай, Билли жинни аёлга қараб борди, аёл эса унинг яқинлашаётганини қаттиқ эътибор билан мўлжаллаб қараб турганди.

— Хайрли кеч, — деди Билли, унинг ўнг қўлини олиш учун олдинга эгилиб.

Билли унинг билагини ушлаган пайт, аёл қўли бармоқларини бурди ва Биллининг билагига тармашди. Шиддат билан уни қаттиқ силкиганидан, у йиқилишига сал қолди. У 80 килограммдан оғир бўлмаса-да, аммо у, одатдаги аёлдан тўрт баробар зўрдай туюлди. Жинни аёл Биллини ўзига борган сари яқинроқ тортаверди ва у эса суякларини синдириб қўйишидан қўрқиб кетди. Билли оёғи билан кескин ҳаракат қилди, аёлни ушлаб, кучи борича итариб юборди. Қўлини чиқариб олди-ю, орқасига, ертўла зинасига қараб қочди.

Аёл унинг кетидан бетон пол бўйлаб, орқасига ётганча, бутун танаси билан катта илондай бурала-бурала ва бўғзидан қулқуллаган ғайриинсоний товуш чиқариб, судралди. Зиналарга томон ярим йўлида у йўналишни ўзгартирди ва девор ёнида турган ёғоч скамейкага судралиб борди. Ақлсиз боши билан скамейканинг бурчагига шундай урдики, ундаги ёғоч бўлак-бўлак бўлиб сочилди. Унинг сочлари қонга беланди. У бир бўлак ёғочни олиб, эрига отди. Ёғоч ундан бор йўғи бир неча сантиметр наридан ўтиб, унинг орқасидаги девордан шкатуркани қўпорди.

— Бранхам ака, — деди, кўзларида ёш билан унинг эри, — у учун бирор бир умид қолганми?

— Қулоқ сол, биродар, — жавоб қилди Билли, қўлини одамгинанинг елкасига қўйиб, — мен сенга фақат мана нимани дея оламан. Фаришта мен билан учрашганида, у менга бундай деганди: агар мен самимий бўлсам ва одамларда имон уйғотолсам, унда У касалларни шифолайди. Сенда, Исо Масиҳ, Худо Ўғли, жинларни қувади, деган оддийгина имон борми?

— Ҳа, мен ишонаман, — жавоб қилди фермер, ўзини қўлга олиб.

Буни эшитгач, савдойи аёл ўткир товушда қичқирди:

— Менга нима ишинг бор, Уилльям Бранхам? Бу ёққа уни мен олиб келдим.

Кейин аёл орқаси билан Биллига қараб судрала бошлади.

— Бу нима? — унинг эри жуда ҳайрон бўлиб сўради. — Ахир у ҳатто ўзининг исмини ҳам эслолмайди-ку! Охирги икки йилда у битта ҳам сўз демаганди.

— Бу гапирган у эмас, — деди Билли. — Бу гапирган иблис, қайсики уни ўз ҳукмида ушлаб турибди. Унга бу аёлдан чиқиб кетишига тўғри келишини, у билади, агар сен фақат Раббий Исо Масиҳга ҳозирнинг ўзидаёқ ишонсанг. Кел, биргаликда ибодат кўтарамиз.

Билли бош эгди ва ибодат қила бошлади: Самовий Ота, Исо Масиҳ, Сенинг Ўғлинг Исми ҳақи, бу иблисни ундан чиқишга мажбур эт...” Шунда аёл яна чинқира бошлади:

— Менга нима ишинг бор?!

Бирдан у жим бўлиб қолди ва бир неча ондан кейин чалқанчасига, гўё унинг танаси ўликдай, юз тубан полга қулади.

— Мен ҳозир нима қилишим керак? — унинг эри сўради.

— Йиғилиш тугаши биланоқ уни касалхонага этиб қўй. Агар ишонсанг, қандай бўлиши керак бўлса, ҳаммаси бўлади. Менга бу ҳаммаси нима билан тугашини хабар қил.

КЕЙИНГИ ЭРТАЛАБ, Билли қуёшнинг ёрқин нурларидан уйғонди.

Ётган жойида, меҳмонхона деразасидан қараш учун бошини бурди ва кроватида ўтирган аёлни кўриб, сесканиб кетди. Унинг оқарган сочлари қаттиқ турмаланган эди; эгнида оч-жигарранг костюм билан оқ кофтача бор эди. Аёл унга қарамас, балки бошқа томондаги деворга қараб турганидан, Билли унинг ён томонидан кўриб турар эди. Унинг юз ифодаси ғамгин эди.

“Қандай қилиб бу аёл менинг хонамда пайдо бўлақолди экан? — Билли ҳаяжонда ўйлади. — Эшик ёпиқ ва мана калит оқшомги столда ётибди”.

Тирсакларига кўтарилиб, унга таажжублик билан мурожаат қилди:

— Хоним?

Шунда Билли аёлнинг орқасида ўтирган эркакни ҳам пайқади. У қизил рангли хушбичим галстук билан очиқ-жигарранг костюмдаги, баланд бўйли, оқсоч одам ҳам ғамгин кўринар эди. Аёл бошини бурди, эркакка қаради ва улар бир-бирларига жилмайдилар.

“Бу нима?” — Билли ўйлади. Ва у энди ўрнига ўтирган эди, бирданига кроватда бўлмай, балки номаълум черковда, тўппа-тўғри платформада бўлиб қолди. Бу туш эмаслигига амин бўлиш учун бармоғини қаттиқ тишлади. Оғриқни сезиб, тушундики, бу туш эмас, а ваҳий экан.

Кейин черков кўринмай қолди ва Билли яна тўшагида пайдо бўлиб қолди. У бу оқ сочли одам ва аёлни кузата бошлади. Улар унга жилмайишди, бош ирғадилар, ўзаро жимгина қувонишди, гўёки, бахтли бўлишди. Кейин улар иккаласи ҳам йўқликда (фанода) “парланишди”.

Кўзини юмиб, Билли пичирлади: “Худойим, мен ҳеч нарсага тушунолмайман, илтимос, менга кўрсат, бу нима дегани”. У ўйладики, мумкин бу иккита одам бу кечқурун ибодат навбатида пайдо бўлишади. Бунақалари бир неча бор бўлган эдиям. Йиғилишгача Билли бирор одам ҳақида ваҳий кўрар, кейин эса, қачонки у кечқурун ўша одамни ибодат навбатида таниб қолар экан, у билар эдики, Худо ўша нотаниш одам ҳаётида ўзига хос бирор нарса қилмоқчи. Одатда Билли бундай ваҳийларда, ибодат хизматлари вақтида нима бўлиб ўтишини аниқ кўрар эди. Бироқ бу ваҳий қанчалар ғалати бўлмасин, сирли равишда тугади.

Библиясини тунги столидан олиб, Билли сўради: “Раббим, Сенинг Каломингдан бугун эрталаб Сен нимани ўқишимни хохлайсан?” Кейин у Библиясини 4-Шохлар Китобининг 20-боби бўлган жойини таваккал очди. Билли Раббий қандай қилиб Ишаё пайғамбарни подшо Ҳизқиёга касалликдан ўлиш вақти етканини айтишга юборгани ҳақида ўқиди. Подшо Ҳизқиё юзини деворга қадади ва Худо унинг кунларини чўзиши ҳақида оташин ибодат қилди.Раббий Ҳизқиёнинг ибодатини эшитди ва Ишаёга деди: “Бор, Менинг қулим Ҳизқиёга айт, Мен унинг кунларига ўнг беш йил қўшаман”.

Шу заҳоти телефон жиринглади. Пастор Браун бўлса керак, деб Билли гўшакни кўтарди. Унинг ўрнига Мемфисдан мистер Киннининг овози янгради. Билли бу воқеани умуман унутаёзган эди, лекин энди у ҳақида эслади.

— Нима гап, Кинни ака, қанақа янгилик айтасан менга?

Мистер Кинни паст, хафа овозда жавоб берди:

— Бранхам ака, биз кеча-дароз у билан бирга бўлдик. У ана-мана бизни тарк этиши мумкин.

— Менга айтчи, Кинни ака, мистер Д*** оқ-жигарранг костюм билан қип-қизил галстук тақадими?

— Ҳа, албатта, у ҳар доим шундай кийинади. Хўш, а нима эди?

— А миссис Д*** эса оқ-жигарранг костюмни оқ кофтача билан киядими?

— Ҳозир у худди шундай кийинган. Сен қандай билдинг? Бранхам ака, сен уларни танийсанми?

— Ҳа. Миссис Д*** ни телефонга таклиф қил.

Мистер Кинни қатъиятсизликда тараддудланди.

— Мен унга сен айтган гапни етказдим.

— Мени у билан гаплашиш истагим бор.

Тез орада симнинг бошқа учида аёл кишининг умидсизликка тушган, қалтироқ товуши эшитилди. Билли деди:

— Д*** опа, РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Сенинг эринг тирик қолади”. Сен бунга ишонасанми?

Миссис Д*** ҳеч нарса жавоб қилмади. Билли ўша томонда қандайдир шовқинни аниқ эшитди; шундан кейин телефонга яна мистер Кинни келди.

— Бранхам ака, унга сен нима дединг? У беҳуш йиқилди.

— Мен унга эри тирик қолади дедим. Мен унинг кўринишини айта олдим, чунки салгина олдин мен уни ваҳийда кўргандим. Мен Мемфисга кейинги рейс билан учаман. Мени аэропортда кутиб олинглар.

Қачонки Билли Мемфисдаги касалхонага келганида, мистер Д***нинг опаси уни фойеда учратди. Норозилик ва жаҳли чиққанидан ўзини йўқотиб, у қўполлик билан деди:

— Қаранг-а! Муқаддас сакровчиларнинг воизи менинг ўлаётган акам учун ибодат қилишга шу ёққа келибдилар. Қандай шармандалик!

Билли унинг ёнидан: “Шайтонни ҳозир бунга қарши туриши учун дўзахдаги жинлари етишмайди. Иш ҳал бўлган, зеро бу РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ”, — деб ўйлаб, ўтиб кетди. Бораётиб, палатадан чиқаётган ҳамширани учратди.

— У ерда яна врачлар ёки ҳамширалар борми?

— Ҳа, у ерда иккита врач бор, — деди у.

— Марҳамат қилиб, уларни чақириб чиқинг.

Врачлар жуда маъюс бўлиб чиқишди. Билли шу заҳотиёқ кислород хоначасида қимирламай ётган эркакни таниди: бу худди ўша, шу эрталаб ваҳийда кўрган одамнинг ўзи эди. Мистер Д*** орқаси билан, қотиб қолган, хира кўзларини баландга қадаб ётар эди. Билли келди, кислород хоначасига эгилди ва касалнинг қўлидан ушлади. Биллининг қўли зотилжамнинг[112] ритмик тебранишида шиша бошлади.

[112] Зотилжам — ўпка яллиғланиши. (Тарж.)

— Д*** ака, мени эшитяпсанми?

Миссис Д*** деди:

— Бранхам ака, эрим икки кундан бери ўзига келмаяпти.

Билли бу ёши ўтган аёлга қаради. У аниқ, уни ваҳийда қандай кўрган бўлса, шундай кўринар эди.

— Сиз мени айтганларимга шубҳа қилмайсиз, шундай эмасми?

— Ҳа, мен шубҳа қилмайман.

Яна диққатини ўлим талвасасида ётган эркакка қаратиб, Билли ибодат қила бошлади: “Азиз Худовандим, биламан, бу одамлар, эрталаб мен ваҳийда кўрган ўша одамлар. Исо Масиҳ Исми ҳақи, илтимос, ҳозир бу одамни шифола”. Ҳатто ҳали кўзларини очмаёқ, Билли билардики, қўлининг шишгани камайди, чунки тебраниш тўхтади. Кейин Билли бу одам унинг қўлини қисганини сезди. У кўзини очди ва мистер Д***ни кўрди, у эса лабини ялаётган эди.

Миссис Д*** унинг оёғи томонида турганча, кўзлари юмуқ ибодат қилаётган эди.

— Мистер Д***, сиз мени танидингизми? — Билли сўради.

Эркаккина бошини озроқ кўтарди ва деди

— Ҳа, сиз — Бранхам ака.

Бундан ҳайрон бўлган хотини шу заҳоти ажабланиб, бошини кўтарди. Қачонки нима бўлганини тушунгач, у кислород хоначасига қараб отилди, “Азизим! Азизим!” дея қичқириб, уни қучоқлаб ва оташин ўпа кетди.

Бир сўз ҳам демай, Билли хонадан билдирмай чиқиб кетди ва кейинги рейс билан ортга, Литл-Рокга учди.

Икки кун ўтиб, митер Д*** тухум ва гўшт ея бошлади ва уни касалхонадан жавоб бердилар. Яна бир кундан кейин эса почтага қайтди ва маҳаллий почта мудири вазифасида ишини давом эттирди.

33 БОБ
САККИЗ КУНЛИК ИБОДАТ НАВБАТИ
1946

ЁЗНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ, ҳамда 1946 йил кузида Уилльям Бранхам бутун Арканзас штати бўйлаб мунтазам ваъз қилди. Ҳар бир йиғилиш учун ўзига хос "реклама доскаси" бўлар эди ва шу сабабдан, у қаерга тўхтамасин, ҳар сафар омма кўпаяр ва ибодат навбатлари узаяр эди. Билли ҳар кечқурун касаллар учун кечаси соат бир, икки ва тез-тез учларгача ибодат қилиб, ўзидаги бор-йўқ кучни сарфлар эди. У бой берган вақтини ҳиссасини чиқариш учун, ўн йил олдин қилиб қўйган хатосини қандайдир тарзда ювиш учун ўзида кучли хохиш сезди. Худо уни бутунлай Хушхабар воизлиги билан шуғулланишга чақирган эди, у бўлса, бош тортган эди. Кўп йиллар давомида, Билли юқори кучланишли линияларни текшириб ва тузатиб, ўрмонларда яёв юрган эди. Гарчи у ажойиб жисмоний формада бўлса-да, шунга қарамай доимий зўриқиш ва уйқуга тўймаслик, унинг танасига оғир таъсирини кўрсатди. Билли ўзидаги бор кучини сарфлар эди, албатта.

Агар у кундузи яхшилаб ухлаб билса ва кучини тиклаёлса, эҳтимол, ҳаммаси бошқача бўлармиди. Аммо бу нарса камдан-кам бўлар эди. Доим қанақадир муҳим муҳтожлик топилиб қолар ва Биллида уни рад қилишга ва уни қондирмасликка кучи етишмас эди. Масалан, бир куни у Арканзас штати, Корнингеда, пастор Жонсонда ваъз қилди. Хизмат кечаси учда тугади. Черков ёнгинасида яшайдиган пасторнинг уйига келиб, бутунлай ҳолдан тойган Билли, шу заҳоти тўшакка ағанаб қолди. Бир неча соатдан кейин уни телефон қўнғироғи уйғотди. У миссис Жонсоннинг овозини эшитди:

— Сэр, биз ҳозир уни уйғотолмаймиз. Ахир у ҳозиргина ухлаш учун ётди.

Қўнғироқ қилган киши, шубҳасиз, жуда астойдил эди. Ниҳоят, Билли уйқусираб меҳмонхонага кирди ва ҳорғин аҳволда деди:

— Руҳсат беринг, мен гаплашай у билан...

— Салом, Бранхам ака, менинг исмим Пол Морган, — деди эркак киши чарчаган, лекин қатъий овоз билан. — Мен сизлардан 112 километр беридаги Уолкат-Рижда округ ёзув-чизув ишларини бажарувчисиман. Менинг ўн икки яшар қизим ўпка яллиғланишидан ўлаяпти. Илтимос, келинг ва у учун ибодат қилинг.

Телефон дераза олдида турганди. Биллининг кўз ўнгида кўча кўриниб турар эди. Булутли кун эди. Юздан зиёд одам кичик-кичик тўда бўлиб, майсазорда давомли майдалаган ёмғирда шалобба бўлган эдилар. Билли улар ўзи билан учрашишни кутаётганликларини билар эди.

— Мистер Морган, агар боролсам эди, хурсанд бўлиб борган бўлардим. Аммо, эшитинг, ҳозирнинг ўзида кўчада оналар турибди ва мен уларнинг болалари учун қачон ибодат қилишимни кутяптилар. Мен қандай қилиб уларни қолдирай ва қизингиз учун ибодат қилишга борай?

— Мен буни жуда яхши тушунаман, — деди мистер Морган, — аммо бу оналарнинг болалари ўлим ёқасида эмаслар. Мен топиб билган энг яхши мутахассислар, менинг қизимни яна уч соат умри қолган деб айтяптилар. Бранхам ака, менинг бошқа болам йўқ. Илтимос, унга ибодат қилиш учун келинг.

Ўзининг Шарон Роузи ўлимини эслаб, Билли деди:

— Мен сизникига иложи борича тезроқ етиб бораман.

Қачонки Билли гўшакни осганида, пастор Жонсон эътироз билдирди.

— Бранхам ака, сенга у ёққа бориш мумкин эмас. Сен ўзинг базўр турибсан.

— Мен йўлда боришда, орқа ўриндиқда ухлашга урониб кўраман.

Жаноб Жонсоннинг автомобили нам йўлдан соатига 110 километр тезлик билан елиб борар, Билли эса бу пайт орқа ўринда гоҳ ухлаб, гоҳ уйғониб, доим у ён – бу ёнига ағанаб борар эди. У ҳеч қулайини тополмас эди. Кўзлари оғрир, боши ёрилгудек эди. Билли ўтириб, бошини дераза шишасига суяди.

Бирдан у териси санчиб ва қулоғи барабанчаларига босим кучаётганини ҳис қилди. Кейин у орқа ўринда ёнида ўтирган Раббий Фариштасини кўриб қолди. Дарҳол уйқуси қочиб, Билли нафаси ичига тушиб ўтирди; кўзлари очилиб қолди, а мушаклари бўлса, қўрқувдан донг қотиб қолди.

Фариштанинг нақ боши устида ўша ғайритабиий нур гир айланар, аниқроғи, ўша нурнинг бир қисми; ахир у машина томидан ўтиб, унинг устида ҳам айланар эди: ярим ичкарида ва ярим ташқарида. Ҳар доимгидек, Фариштa қўлларини кўксида қовуштириб, Биллига жиддий назар

ташлади. Бироқ қачон Фаришта гапирганида, унинг овози ҳайрихохлик ва далда берувчи бўлиб эшитилди:

— Пол Морганга айт, РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ...

Ўз кўрсатмаларини бериб, Фаришта ғойиб бўлди.

Касалхонада Билли ҳали олдин ҳеч қачон кўрмаган нарсани кўрди. Койка олдида туриб, ҳамшира қизчанинг бурнига дамбадам резина маскани қўяр, маска сунъий равишда унинг ўпкаларига кислород ҳайдар эди, — одатдаги кислород хоначаси энди ёрдам бермай қолган эди. Ҳар бир кислород дозасидан кейин қизча қийналиб бир неча қисқа, чуқур бўлмаган нафас олар эди. Ҳамшира тушунтирди:

— Менга доим унга кислород юборишимга тўғри келади. Фақат шу йўл билан биз унинг ҳаётини сақлаб туришимиз мумкин. У ўзи нафас ололмайди.

Мистер Морган Биллини қучоқлади-да, йиғлаб юборди:

— Бранхам ака, мен солиҳ яшашга ҳаракат қилдим. Мен билмайман, нима учун Худо мендан қизчамни олаяпти.

— Морган ака, ҳавотирланма, — уни юпатиб деди Билли. — Қўрқма. Менда сен учун Раббимдан сўз бор. Лекин аввал мен сенинг қизинг учун ибодат қиламан.

Қизчага қўл қўйиб, Билли Худодан Исо Масиҳ Исми ҳақи уни шифолашни сўради. Ҳамшира яна резина маскани қўймоқчи бўлганида, Билли қўлини чўзди ва уни тўхтатди. Ҳавотирли кутиш онлари бошланди. Тез орада қизча ўзи пастгина нафас олди. Ҳамшира Биллига савол назари билан қаради. Билли унга кутиб туришини ишора қилди. Қизча ўзи навбатдаги нафасни, а кейин бошқасини олаверди. Бир минут ичида, кислород маска бошқа керак эмаслиги равшан бўлди.

Билли қизчанинг ота-онасига бурилди-да, деди:

— Кўплаб мутахассислар сизнинг қизингизни ўлади дейишди, аммо РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Мистер Морган, сенинг қизинг соғаяди”. Ва мана сенга Раббийдан сўз (буни умрингда ҳар куни эсла): *“Тиниқ сувлар олдинда оқади”.*

Гарчи Билли хизматдан олдин дам олишга улгурмаган бўлса-да, у барибир кун бўйи шунақа касалларни кўриш имкониятини бой бермади. Ахир уч кундан кейин Пол Морганнинг қизи шунчалик тузалдики, у мактаб машғулотларига қайтди.

БИРОЗ ВАҚТ ЎТИБ, 1946 йил кузида, Билли бунақа катта зўриқишга доим чидаёлмаслигини англади. У Арканзас штати, Жонсборода режалаштирган саккизта кечки хизматни ўтказишга, кейин эса ўзига қисқагина таътил уюштиришга қарор қилди.

Жаноби Рид Жонсборо кампаниясини кўплаб маҳаллий черковлар билан биргаликда молиявий томондан таъминлади. Ўз кучлари билан шаҳардаги энг катта аудитория ижарага олинди. Бироқ ҳамма келганларни жойлаштириш учун ўринлар барибир ҳам етмай қолди. Кўп минглаб одамлар тўдаси жанубий штатлардан ва Ўрта Ғарбдан оқиб келаверди. Жонсборо атрофидаги 80 километр радиусда меҳмонхона ва мотелларда ҳеч бўлмаса битта бўш номер топишнинг иложи йўқ эди. Агар ётиш учун яна бошқа қандайдир жой тополмасалар, одамлар палатка-чодирда, юк машиналари остида ёки ўз машиналарида ухлашар эдилар. Маҳаллий газета хабарига кўра, бу одамлар оммаси салкам 28 000 кишини ташкил қилган эди. Йиғилиш бошланган пайтда минглаб одамлар аудиторияга киришга эришолмадилар; улар ташқарида, кириш умидида туришар эдилар.

Билли Жонсбородаги биринчи йиғилишини оддийгина дўстона саломлашиш билан бошлади:

— Агар сизда бирор муҳтож пайдо бўлиб қолса, менга қўнғироқ қилсангиз бас ва агар мен келолсам, мен ҳар қандай об-ҳавода сизникига келаман. Ёкида, агар сиз Индиана штати, Жефферсонвилли яқинларида бўлсангиз, меҳмонга келинг. Мен черковим ёнида, Саккизинчи ва Пени кўчалари кесишган жойда яшайман. Мен сизларни севаман ва мен сизга ёрдам бериш учун қўлимдан келган ҳаммасини қиламан.

Кейин Билли дадил қўшиб қўйди:

— Мен шу ҳафта ўтиб, Арканзасда бир неча вақт бўлмас эканман, мен тўппа-тўғри шу кафедврада, ибодат навбатидаги охирги одам ўтмагунича турмоқчиман.

Шу вақт Билли платформа яқинидаги олдинги қаторлардан бирида бир аёл унга қаттиқ қўл силкитаётганлигини билиб қолди.

— Опа, мумкин сизга нима биландир ёрдам бероламанми? — сўради у.

— Наҳотки сиз мени таниёлмайсиз? — деди у, юзи тўла жилмайганча.

— Йўқ. Сизни танимасам керак.

— Сиз мени охирги марта Литл-Рокда кўргандингиз. Менга оёқларим қонталаш бўлганлигини ва мен ақлдан озганлигимни айтиб беришди.

Шунда Билли уни таниди. Бу ўша, Литл-Рокдаги йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказиладиган ертўла хонасида ибодат қилган ўша аёл эди. Бор йўғи бир неча ой олдин у шунчалик ақлдан озган эдики, орқа ўриндиқда ўтириб, тез ёрдам машинаси деразаларини чиқариб юборган ва ертўла полида орқаси билан судралганди. Энди бўлса эри ва тўрт боласи билан бемалол ўтирган эди. Унинг эри гувоҳлик берди:

— Сен у учун ибодат қилганингдан кейин, у психиатрия шифохонасигача машинада жим ўтирди. Уч кундан кейин уни мутлақо соғ деб тан олишди ва уйга қайтишга рухсат беришди.

Хизмат шундай ажойиб гувоҳлик билан бошланганидан, самовий дуолардан лаззатланган тинловчилар имони юксакликка парвоз қилди. Улар Биллининг қўлидаги аломат касалликларни ғайритабиий равишда қандай аниқлаётганини кўрдилар ва Биллининг тинчгина ибодати қандай қилиб вазиятни ўзгартираётганини ҳайрон бўлиб кузатиб турдилар. Тез орада мумкин бўлмаган нарсалар, мумкин бўладигандай туюлди. Биллидан ўнг томонда тизилиб, одамлар, гўё қуримайдиган дарёдай, олдинга ибодат учун оқиб келишаверди. Одам учун ибодат қилиши билан у бориб ўтирар, унинг ўрнидан эса бошқа бир киши туриб, навбат охирига борар эди. Одамлар бу паст бўйли одам ёнида, платформада бошқа биров эмас, Исонинг Масиҳнинг Ўзи турганлигини сезишар эди ва ҳар бир киши Масиҳ борлиғига кириш учун ўз навбатини кутишни истар эди.

Йиғилишнинг давом этиш вақти белгилаб қўйилмаган, шунинг учун уларнинг охири кўринмас эди. Билли кечаси билан касаллар учун ибодат қилди, ҳар замон апельсин шарбатидан ичиш учун тўхтаб олар эди. Баъзан, эрталабга яқин у кафедра ёнида бир неча соатгина мизғиб олар эди. У яна уйғонган пайтда, орган чалувчи аёл олдингидек, “Ишон, фақат ишон, Худога ҳамма нарса мумкин, ишон, фақат ишон!” деган куйни нозик чалиб турган бўлар эди, ибодат навбатидагилар эса, олдинги жойида турар ва навбатдаги киши эса, унга қачон ибодат қилишини кутиб турар эди. Билли тўғри кафедранинг ёнгинасида оғзига овқат солар; шу тартибда у касаллар учун кун бўйи ибодат қилар эди. Кимки биринчи кунги йиғилишга, аудиторияга бахти чопиб киролган бўлса, энди кетгиси келмасди. Улардан кўплари кундан кунга ўз жойларида ўтиришар, оч қолишсалар, кимнидир кўчага гамбургер олиб келишга жўнатишар эди. Улар шу билан бирга, дўстларига ва қариндошларига қўнғироқ қилишар ва ўзлари гувоҳи бўлган ҳайратланарли Илоҳий ҳаракат ҳақида айтиб бериб, уларни бу мўъжизаларни ўз кўзлари билан кўришга ундашар эди. Табиийки, бутун ҳафта мобайнида, Жонсборога янада кўпроқ одамлар келишди. Аудиториядан ташқаридаги одамлар, кираверишдаги узун чалкаш навбатда сабр-тоқат билан ичкарига кириш умидида кутишар эдилар. Қачонки аудиториядан одамлар ташқарига турганларга киришга имкон бериб, ташқарига чиқишар экан, навбат секин, жуда-жуда аста олдинга юрар эди. Аммо, ташқарида турганлардан фақат озроққинасигина, ҳатто ҳафта ўртасида ёмғирли кунлар бошлангандагина ўз жойидан кетишди.

Кундузи ҳам, кечаси ҳам Билли касаллар ва дардманларнинг чексиз навбати учун ибодат қилаверди. Мўъжизалар ҳам худди шундай чексиз оқим билан “оқиб келаверди”. Бир куни эрталаб соат тўртларда, 35 яшар аёл Биллининг олдига чап қўлидаги дастрўмоли билан бурнини бекитганча келди. Билли уни йиғлаяпти деб ўйлади. У уни ўнг қўлини чап қўлига олди ва тебраниш унинг касалини топди.

— Леди, сизда рак, шундай эмасми? — сўради у.

Аёл чап қўлини юзидан олди. Унинг бурни умуман йўқ эди, чунки уни рак бутунлай емирган эди.

— Сиз ишонасизми? — сўради у.

Аёлнинг овози ноиложлигидан қалтиради:

— Бранхам ака, мен ишонишим лозим! Бу менинг ягона умидим.

— Унда, опа, мен сенга ёрдам бероламан. Фаришта мени учратганида, агар мен самимий бўлсам ва шундай қиламанки, одамлар менга ишонишади, унда ҳеч нарса менинг ибодатим олдида туролмайди, ҳатто рак, деган эди.

Исо Масиҳ Исми ҳақи ибодат айтиб, Билли бу ўлимга маҳкум бўлган аёлнинг мушкул аҳволини ҳис этди. Бирпасда, қўлидаги тебраниш йўқолди ва тушундики, аёл шифоланди[113].

[113] Бир неча ойдан кейин Билли Техас штати, Тексаркана шаҳрида хизмат ўтказди. Бир аёл олдинга чиқди ва деди:

— Бранхам ака, сиз мени танияпсизми?

— Йўқ, опа, сизни танимасам керак, — жавоб берди Билли.

— Эслайсизми, Жонсборода сиз бир аёл учун ибодат қилгандингиз, унинг бурнини рак бутунлай еяёзганди?

Шунда Билли эслади.

— Сиз ўша аёлмисиз, бўлиши мумкин эмас!

— Ҳа, бу мен, — у жавоб берди. — Нафақат рак йўқолди, кўриб турганингиздай, бурним ўсди.

Жонсборода ташкил қилинган кампаниянинг охирги, саккизинчи кечаси Билли вокзалга бориш учун ва хотинини кутиб олиш учун тирик навбатни бироз тўхтатиб қўйди. Улар бир неча ойлаб кўришмаган эдилар. Хотини унинг охирги оқшомги йиғилишида бўлиш учун ва кейин бирга орқага, Билли яхшилаб дам олиши учун Жефферсонвиллига жўнаш учун келган эди. Ахир у дам олишга жуда ҳам муҳтож эди.

Йиғилиш жойига қайтиб, улар бир неча квартал берига тўхташга мажбур бўлдилар. Бу ерда кўчалар ва автотураргоҳлар енгил машиналар, юк машиналар, велосипедлар ва чодирлар билан лиқ тўла эди. Билли ва Меда аудитория жойлашган бинога келдилар. Ниҳоят, Меда ташқарида кутиб турганларнинг катта тўдасини кўрди; уларнинг кўплари бошлари узра шовуллаб ёғаётган ёмғирдан пана қилиш учун, қўлларида газета кўтариб туришар эди. Гарчи Билли бу ҳақида телефонда айтиб берган бўлса-да, у бунақасини ҳеч ҳам кутмаганди.

— Билли, бу барча одамлар сени эшитиш учун келганларми?

— Йўқ, — у жавоб берди, — улар Исони кўргани келганлар

Меда астагина унинг қўлини олди ва куйлади:

Улар узоқлардан келадилар
Шарқдан ва Ғарбдан.
Меҳмонлардай, ер юзи мусофирлари келадилар
Подшоҳ Масиҳ байрамига.

Билли унга қўшилиб хониш қилди:

Унинг сиймосига қарайдилар
Юзларида нур ёғилиб
Ва меҳр нурларида порлайди,
Гўёки Унинг тожидаги тошлардай.

Билли жуда унчалик ашулачи эмас эди, — унинг овози озроқ хириллаб чиқар эди ва у куйга қўшилолмас эди, аммо у куйлашни севар эди. Меда билан бирга нақоратни куйлади:

Исо билан мен шундай бахтиёрман,
У мени озод қилди...

Уларни бир гуруҳ ёрдамчилар кутиб олишди ва тиқилинч одамларнинг орасидан бинога ўтишга ёрдам беришди. Билли ичкарига кирувдиямки, унга кўк шапкаси билан силкиб, ўзига қаратмоқчи бўлаётган эркак кишини пайқади. Билли унга яқинлашди ва сўради:

— Сэр, сиз мени чақиряпсизми?

Эркак киши шапкасини қўлида асабий қисиб сўради:

— Бранхам ака, сизми?

— Ҳа. Лекин менга бу ерда ким учундир ибодат қилиш мумкин эмас, бўлмаса қий-чув бошланиб кетади. Агар сиз ибодат навбатига турганингизда эди, унда мен...

— Йў-ўқ, мен учун эмас, — эркак киши тушунтирди. — Мен — тез ёрдам ҳайдовчисиман. Бугун мен Миссури штатидан қари аёлни олиб келдим, у жуда оғир касал. У менинг машинамда, ўлим ҳолатида ётибди. Мумкин, у ҳатто ўлгандир ҳам. Мен ҳеч қаердан врач ҳам тополмайман ва билмайман, энди нима қиламан. Сиз уни олдига боролмайсизми?

— Сэр, агар уни ўлган десам, ҳеч ким ишонмайди. Сиз дафн бюросига қўнғироқ қилишингиз керак.

Ҳайдовчи уни бор кучи билан кўндира бошлади.

— Илтимос, мен билан чиқинг. Унинг эрини асаблари ҳам бўлгани бўлди, мумкин, ҳеч бўлмаса, сиз уни юпата биларсиз.

Билли бу тез ёрдам машинаси қаерда турганлигини билар эди. Йўл полицияси тез ёрдам машиналар учун махсус жой ажратган эди

— Аниқроғи, мен ҳатто бу аёлгача боролмасам ҳам керак. У тез ёрдам машиналари билан орамизда, тахминан икки минг киши бор.

— Биз сизга ёрдам берамиз, — тўртта ёрдамчилардан бири таклиф қилди.

Хуллас, Билли рози бўлди. Улар жуда қийналиб, доим кечирим сўраб, ниҳоят, одамлар орасидан ўтиб, бордюрда турган бутун бир қатор тез ёрдам машиналарига етиб бордилар. Тўртта

ёрдамчи ташқарида қолди, Билли билан ҳайдовчи бўлса, эшикни очиб, машинага кириб олишди. У ерда тиз чўкиб, ажин тушган беҳол аёл устида эгилиб, қари одам турар эди. Унинг куйлаги ямоқланган, коржомаси — ранги ўчган, ботинкаси таглигидан пайпоғи кўриниб турар эди. Чарчаган юзи бир ҳафтадан бери қирилмаганидан, соч-соқол билан қопланган эди. Мусофиргина бўлиб, у ҳар замон – ҳар замон аёл танасига эгилиб йиғлар эди:

— О-о, онажон, онажон, сен нега мени ташлаб кетдинг?

Одамгина қўлларида сомон шляпасини қисди ва Биллида отаси ҳақидаги хотиралари уйғонди.

— Нима бўлди, сэр?

— Сиз врачми? — қария кўзини кўтариб сўради.

— Йўқ. Мен — Бранхам ака.

— О-о, Бранхам ака!.. Бечора онажони, — деди у ва яна койкада қимирламай ётган аёлга қаради. — У ўтди, ҳа, бу аниқ. У ҳозиргина нафас олмай қўйди. У ўлими олдидан сизни кўришни жуда истаган эди. У жуда яхши хотин эди, менинг болаларимни ўстирди, мен билан ёвонда елкама-елка омоч ҳайдади ва менга ҳаётда, ҳар бир қадамда ёрдам берди. Бир неча йил бурун у аёллар органлари бўйича рак билан оғриди. Биз уни Сент-Луисга, врачлар уни операция қилишлари учун олиб бордик, лекин бу умуман ёрдам бермади. У борган сари ёмон бўлаверди.

У яна Биллига қаради ва унинг овозида аччиқ ачиниш эшитилди:

— Бугун эрталаб биз радиодан, бир одамни ўн йил кўр бўлганини ва сизнинг ибодатингиздан кейин у бутунлай шифоланганлигини айтиб берганини эшитдик. Мен ўйладим, биз билан ҳам шундай мўъжиза бўладимикин деб. Пул бизда умуман қолмади, чунки мен бор йиққанимни операцияга сарфлагандим. Бироқ мен бордимда, бир нечта у қовиган кўрпани олдим ва у тайёрлаган бир неча банка ежевикани сотдим ва уни Жонсборога олиб келиш учун тез ёрдам машинасини кира қилдим.

У яна хотинига ачиниб қаради.

— У ҳозир ўлди ва мен ҳатто билмайман, усиз нима қиламан. Мен жуда ёлғиз қолдим!

Билли уни қўлидан келганча овутишга уринди:

— Майли, отахон, сиз учун қўлимдан келгани, — бу ибодат қилиш.

Билли аёлнинг ўлик ёки тириклигини ҳам билмасди. У шак-шубҳасиз мурдага ўхшаб кўринар эди. Тез ёрдам машинаси ҳайдовчиси унинг оғзидаги сунъий тишларини чиқариб олди ва унинг лаблари бир-бирига ботиб кетди. Унинг кўзларида лойқа сувни эслатадиган рангдаги ёш бор эди. Билли унинг пешонасига текканида, у совуқ ва ёпишқоқ экан. Чап қўли билан унинг ўнг қўлини олиб, унда пульсни қидира бошлади, аммо ҳеч қандай пульс сезмади. Билли чап қўлида рак туфайли бўладиган ҳеч қандай тебранишни сезмади, бу унинг ўлимига қўшимча далил-исбот бўлди.

Билли бош экканча, бемалол ибодат қилди: “Қадрдон Раббий Исо, Сендан ўтиниман, мана шу акага раҳминг келсин; унга ёрдам бер ва уни дуо қил. Ва бу аёлга, шундай олисдан келиб, имон билан у...”

Биллига гўё аёл унинг қўлларини сиққандай туюлди. Кўзини очиб, у аёлнинг юзига диққат билан қаради. У аввалгидай мурдага ўхшаб кўринар эди. Унга шундай туюлгандир, ёки мурданинг мускуллари қисқаргандир, холос. Билли кўзини юмди ва бошлаган ибодатини давом эттирди, лекин бир неча дақиқа ўтиб, у яна қўлини қисганини сезди. Бу сафар у аёлнинг тирилганини билган эди. У кўзини очди ва бошқатдан унинг юзларига қарай бошлади. Унинг пешонаси тиришди. Кейин у кўзини очди ва Биллига термулди.

Билли бир сўз ҳам демади. Қария одамнинг ҳалиям кўзи юмуқ эди; қўлларини букканча, юзи юқорига қараб турар эди. Аёл бошини озгина кўтарди ва Биллидан сўради:

— Сиз кимсиз?

— Мен — Бранхам ака.

Қария бирдан бошини бурди, у ёқ – бу ёққа қаради ва жуда ҳайрон бўлганидан, қичқириб юборди:

— Онажон!

Уни қучоқлаб қувонганидан, ҳўнграб юборди ва яна бақирди:

— Онажон! Онажон!

Аёлнинг рангпар юзига қон югурди, Билли бўлса, чап қўлида ҳалиям рак туфайли бўладиган тебранишни сезмади. Бу касал йўқ бўлган, дегани эди[114].

[114] Билли бу аёл билан саккиз йил ўтиб кўришди. 1954 йилда у бақувват, соғлом ва ўзини жуда яхши ҳис қилар эди.

Бобойчанинг қичқиргани машина яқинида турган айрим одамларнинг диққатини ўзига тортди ва улар юзлари билан дераза шишаларига тиқилишдилар. Ҳайдовчи Биллига деди:

— Сизни билиб қолдилар! Энди сизни бинога қайтишингиз қийин бўлади.

Ҳайдовчи ҳақ эди ва буни Билли ҳам жуда яхши англаб турарди. Йиғилиш залидан чиқаётганда, Билли ҳеч нарсадан хавотирланмас эди, чунки ташқаридагилардан ҳеч ким у қандай кўринишини билишмасди. Бироқ улардан кўплари кўп кунлардан бери кўчада, қачон ибодат учун ичкарига кириш мумкин деб, кутишар эдилар. Билли улар орасидалигини билишлари биланоқ, бу янгилик одамлар орасида шамолдаги оловдай тарқалиши мумкин эди. Унда Биллига одамлар орасидан яна қайтиб залга кириш, ҳақиқатан ҳам қийин бўлар эди.

Бирдан унга бир фикр келди ва у ҳайдовчига деди:

— Агар сиз у деразага орқа қилиб, курткангизни аста-секин ечсангиз, шунда ташқаридан ичкарида нима бўлаётгани кўринмайди. Мен бўлсам, бу вақтда бошқа эшикдан чиқиб олишга улгураман. Менга асосийси — бу ердан билдирмасдан чиқиб кетиш. Кўчадаги одамлар барибир мен қандай кўринишимни билишмайди. Мен халқни ёнидан айланиб ўтаман ва автотураргоҳни охиригача етиб оламан.сизлар эса ёрдамчиларга мени ўша ерда кутишларини айтасизлар. Уларнинг ёрдамисиз бундай одамлар тўдасидан залга ўтолмаслигим аниқ.

— Мен уларга бу ҳақида айтаман, — деди ҳайдовчи ва ташқаридан бир неча киши юзини тутган деразага орқасини ўгирди.кейин у қўлларини чўзиб, аста-секин қўлини курткаси енгларидан чиқарди ва у билан дераза шишаларини яхшилаб бекитди.

— Тезроқ боринг, — деди у Биллига

Билли бошқа томондаги эшикдан астагина чиқиб олди ва тез ёрдам машиналари қатори бўйлаб, то автотураргоҳ охирига етиб олганча, шошила-шошила юриб кетди. Бир неча минг эркак, аёл ва болалар бино орқа эшиги атрофида тўпланишиб, прожектор ёруғида, шивалаб ёғаётган ёмғир остида ҳўл бўлиб туришар эди. Бу одамлардан ҳеч ким Биллини аввал ҳеч қачон кўрмаган эди. Шунинг учун, ёрдамчилари кўмагини кутиш ўрнига, Билли одамлар тўдаси орасидан ўзи ўтмоқчи бўлди.

— Бас қилинг, кўп тиқилаверманг, — кескин хирилдоқ товуш янгради.

— Мени кечирасиз, — деди Билли ва яна олдинга ўтишга уринди.

Баланд бўйли, афти-ангори қўпол одам у билан юзма-юз қараб гаплашиши учун унга қаради.

— Мен айтдим-ку, ахир: “Тиқилаверманг, бас қилинг!” — ўшқирди у.

— Ҳа-ҳа, сэр, — ҳайиқибгина деди Билли. — Мени кечирасиз.

Орқага, тўда четига бораётиб, у энди нима қилишни ҳам билмасди. Ёрдамчилар ҳам ҳеч қаердан кўринмасди. Бирдан у аёл кишининг:

— Дада! Дада! — деб қичқирганини эшитиб қолди.

Билли бу қичқириқ қаёқданлигини излай бошлади ва оқ танли одамлар тўдаси орасида тиқилиб юрган, ўн етти ёшлардаги қора танли қизни кўриб қолди. У кўзи ожиз эди: унинг кўзлари катаракта туфайли оппоқ эди. Оқларни қора танлилардан ажратадиган “Жим Кроу Қонуни” ўз кучида эди ва бу яқин атрофдан ҳеч ким бундай оғир аҳволдаги қизга ёрдам бериш истагини билдирмас эди.

Қиз тўда орасидан пайпаслаб, Билли томон келаётганди. У бўлса, бу вақтда тўдани ёнидан айланиб, қизнинг йўлини кесиб ўтаётган эди. Тезда улар тўқнашишди.

— Кечиринг, илтимос, — деди у, — мен кўрман. Мен дадамни йўқотиб қўйдим. Сиз менга Мемфисдан келган автобусни топишда ёрдам беролмайсизми?

Билли автотураргоҳ охиридаги автобусларнинг узун қаторига қаради.

— Ҳа, мен ёрдам бероламан, — деди у. — Сен нима қилиб юрибсан бу ерда?

— Биз дадам билан шифоловчи билан учрашиш учун келувдик, — жавоб берди у.

— А сен қандай қилиб у ҳақида билдинг?

— Бугун эрталаб радиодан бир одамнинг чиқишини эшитдим ва у кўп йиллар давомида бир сўз ҳам айтолмагани, ҳозир эса гапира билишин айтиб берган эди. Бошқа киши ўн икки йил кўрлиги учун нафақа олгани, ҳозир эса шунчалик яхши кўра олганидан Библияни ҳам ўқиётганлигини айтиб берди. Шу учун менда яна кўраоламан деган умид пайдо бўлди. Мен ҳали ёш бола эдим, кўзларимда катаракта пайдо бўлди. Врач, мен катта бўлганимда, у уни олиб ташлай билади, деб айтувди; аммо энди бўлса, мен катта бўлганимда, у менга, катаракта кўриш нервлари атрофларини ҳам қоплаганини ва у операция қилолмаслигини айтди. Шу учун, агар мен шифоловчи билан учрашмасам, менга шифоланишга ҳеч қандай имконият қолмайди. Лекин бугун охирги оқшом у бу ерда бўлади, а биз дадам билан ҳатто бинога яқин ҳам келолмадик. Ва мана энди, мен дадамни йўқотиб қўйдим ва ҳатто автобусга ҳам қайтиб боролмайман. Барака топгур, жаноб, илтимос, менга ёрдам беринг.

— Яхши, мен ёрдам бераман, аммо олдин сендан шу айтаётган шифокоринг ҳақида суриштириб олмоқчиман. Наҳотки сен Худо Фариштасини юборганига ва шу кунларда одамларни шифолаётганига ишонасан?

— Ҳа, мен ишонаман.

— Атрофларда шунча яхши врачлар ва касалхоналар бўлишига қарамай, сен бунга ишонаман, демоқчимисан?

Биллига шу тарзда унинг ожизлигидан фойдаланаётганидан бироз уятли бўлса-да, лекин у қизнинг имонини текширмоқчи эди.

Жавоб бериш учун қиз кўп тараддудланиб ўтирмади.

— Бу врачлардан бирортаси ҳам менга ёрдам беролмади. Агар сиз мени қўлимдан ушлаб ва ўша шифоловчига этсангиз, унда мен дадамни ўзим топиб оламан.

Билли бошқа яширинолмади

— Синглим, мумкин, сен учратишинг лозим бўлган одам мен бўлсам керак.

Қиз Биллининг курткаси ёқасидан ушлади ва шундай сиқдики, гўё исканжада ушлагандай тутиб олди.

— Сиз шифоловчимисиз? — сўради у.

— Йўқ, мен — Бранхам ака, воиз. Исо Масиҳ шифоловчидир. Энди, агар сен менинг кийимимни қўйворсанг...

У қизнинг қўлларини пинжаги ёқасидан узиш учун унинг билагларидан олди. Қиз унга бор кучи билан тармашди. У Биллини ушлаб олган ва ҳатто қўйворишни ҳаёлига келтирмас эди.

— Раҳминг келсин менга, Бранхам ака, — у ялинди.

— Синглим, марҳамат қилиб, сен учун ибодат вақтида қўлингдан тутишга қўйгин, — деди Билли ва қизнинг бир қўлини уддалаб ёқасидан ажратиб олди. Ибодат пайтида у қўли бўйлаб катарактадан тебранишни қандай кўтарилаётганини сезди. “Қадрдон Исо, бир куни Сен эски қўпол хочни шовқин-сурон кўчадан судраб боргандинг; Сенинг елкаларингдан қон оқар эди, Сенинг ғарибгина ҳолдан тойган тананг оғир юк остида гандираклар эди. Қора танли Симон[115] деган Киринеялик[116] одам Сенинг олдинга келди, хочни кўтарди ва уни Сенга этишга ёрдам берди. Ва мана ҳозир Симон қизларидан бири бу ерда, қоронғида гандираклаб бораётибди. Мен ишонаман, Сен тушунасан...”

[115] Матто 27:32; Марк 15:21 Луқо 23:26

[116] Киринея — Шимолий Африкадаги Киринея вилояти пойтахти, Мисрдан ғарбқда жойлашган. Олдин у эрамиздан олдинги 631 йилда асос бўлган юнонлар колонияси эди. Уилльям Бранхам бу негр қизни “Киринеялик Симон қизи” деб атади, чунки Симон ҳам қоратанли эди. (Тарж.)

Қиз сапчиб тушди.

— Ҳозиргина мендан нимадир ўтди, — деди у қалтираб. — Мен кўзларимни шундай яхтай бўлганини сезяпман.

Билли қўлларида титроқни тинчланганини сезди; ёвуз руҳнинг ҳаёти ҳозиргина катарактадан чиқди.

— Синглим, кўзларингни бир неча дақиқага юмгин. Мана шу холос. Катаракта йўқолади. Ҳозир кўзинг очилади. Бу ҳақида ҳеч нима дема, бўлмаса мени таниб қоладилар. Мени шу ердалигимни одамлар кўришларини истамайман. Энди аста-секин кўзингни оч. Исо сенга кўришни ато қилди.

Унинг қовоқлари пирпиради ва очилди. У юқорига қаради ва ҳайрон бўлди.

— А бу фонарларми?

— Ҳа. Сен уларни санаб биласанми?

— Улар тўртта. А бу одамларми, ўтаётган?

Билли жавобга улгурмай, у овози борича қичқириб юборди. Нигоҳлар у томонга ўгирилди. У яна қичқираверди:

— Худога шукур! Мен кўряпман! Мен кўр эдим, лекин ҳозир мен кўраяпман![117]

[117] Кўп йиллар ўтиб, Билли бу аёл билан учрашиб қолди. У официант бўлиб ишлар эди ва у ўша Жонсборода, 1946 йил Арканзам штатида шифоланган кунидан бери кўзи билан ҳеч қандай муаммо бўлмаганлигини айтди.

Одамлар Билли билан қиз томонга кела бошлашди. Худди шу пайт бино бурчагидан ёрдамчилар гуруҳи чиқиб келди. Улар Биллини кўриб қолишди ва унга ёрдамга шошилдилар. Улар Биллини олиб кетишларига улгурмай, таёққа суяниб турганча, оёғи қийшиқ одам қичқириб қолди:

— Мен биламан, сен — Бранхам акасан. Менга раҳминг келсин. Мен шу ерда саккиз кундан бери турибман. Уйимда бешта болам, ўзим ногиронман. Мен ишонаман, сен – яхши йигитсан. Агар сен мен учун Худодан сўрасанг, У буни бажо қилади.

Билли деди:

— Унда Исо Масиҳ Исми ҳақи, менга таёғингни бер.

Оқсоқ одам зиғирча ҳам шубҳаланмай, ўзининг қўлбола таёғини берди. Худди шу заҳоти унинг қийшиқ оёғи тўғриланди ва нормал ишлай бошлади. Ботинкасини асфаътга шалп этиб уриб, одамгина қичқирди:

— Мен шифоландим! Мен шифоландим!

Омма олдинга тўлқинланиб интилди. Биллини тўсиб олган тўртала ёрдамчи бор кучлари билан одамлар орасидан аудиторияга ёриб ўтишаркан, бу вақтда яқинроқда турган одамлар, яқинларидан ўтаётган пайтда унинг фақат кийимига тегиш учун талпинар эдилар. Биллининг костюми ямоқ солинган эди, лекин улар учун бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди.

34 БОБ
УЙГА ҚАЙТИШДАГИ ШОК
1946

1946 ЙИЛ КУЗИДА Уилльям Бранхам Жонсборо платформасида касаллар ва ногиронларнинг кети узилмайдиган “оқими” учун саккиз куну-кечани ибодат қилиб ўтказди. У платформада овқатланди ва кафедра ортида мизғиб олди, бу пайтда ибодат навбатида турган одамлар, унинг туришини ва ўзининг меҳнатини давом эттиришини сабр билан кутиб туришавердилар. Ҳафта охирида Биллининг пешонаси чарчоқдан пульс урадиган бўлди. Уйқусини қочириш учун, қўлининг орқа томони жунини юлган жойлари қон талаш бўлиб кетганди. У бу барча ишларини ҳали-бери тўхтатишни истамасди. У аудиторияга кирган ҳар бир касал одам учун ибодат қилмагунигача, у ерда қолишни хохлар эди-ю, аммо буни бажаришга кучи етмасди. Бутун ҳафта давомида шифоланишлар ва мўъжизалар ҳақидаги янгиликлар, Жонсборога минглаб одамларни магнитдек тортарди. Ниҳоят, Жонсбородаги шифолашлар кампаниясининг саккизинчи куни оқшомида, Билли ибодат қилишни тўхтатган вақтда, ибодат навбати биринчисидан ҳам узунроқ бўлиб чиқди.

Билли жисмоний чарчоқни қанчалик сезган бўлса, ақлий чарчоқни ҳам худди шундай сезди. Пастор Рид уни тўшагига ётқизди, аммо Билли шунчалик дағиллаб қолганидан, ухлаёлмасди ҳам. У ёпинғич остида соатлаб оғанаб ётди. Ниҳоят, бу ҳолат билан курашиш ўрнига, у қарор қилдики, яхшиси Жефферсонвиллига қайтади ва ўз ўрнига ўтади-да ва кун бўйи у ерда бемалол ухлайман, деб умид қилди.

Бир неча соат машина юриб, Биллининг кўзи юмилиб кетаверди. Рулда ухлаб қолмаслик учун у оёғи билан эшикка, токи унинг қопламаси пачоқ бўлиб ва ўзининг олдинги формасини йўқотмагунигача, ураверди. Бир сафар у мудраб кетди. Уни тўқнаш келаётган машина сигналининг шовқини бирдан уйғотиб юборди ва у ўзининг томонига буришга улгуриб қолди. Ҳаяжондан Билли машинани йўл чеккасига бурди ва ўзини қўлга олволиш учун тўхтади. Меда ҳалиям орқа ўриндиқда қаттиқ ухлаётганди. У озроқ айланиб, ҳушёр тортаман, деган умидда машинадан чиқди ва қаердадир ҳолдан кетиб қолди. Ниҳоят, ўзига келиб қараса, у сигирлар яйловида қўл чўзиб турибди ва “Фақат ишон, опа. Сени бор-йўқ қилишинг керак нарса шу! Ишон холос”, — дея ғулдираяпти экан. “Менга нима бўляпти ўзи? Мен ўзимни бошқаролмаяпман, шекилли”, — деб ўйлаб, бор кучи билан бошини силкитди.

Жефферсонвиллига жуда кеч бўлганда етиб келиб, болаларини олиш учун Меданинг ота-онасини уйига тўхтадилар. Ҳозир Ривқо беш ойлик бўлганди. Билли уни уч ой кўрмаган эди, шу учун қизи уни танимаганлигига ҳеч ким ҳайрон бўлмади. Қачонки қизини қўлида кўтариб турмоқчи бўлганида, у йиғлаб юборди ва бор кучи билан онасига боришга интилди. Бундан Биллининг дили оғриди.

— У мени танимаяпти, — у шикоят қилди.

Уни овутиш учун қўлида тебрата туриб, Меда столчада турган Биллининг суратига боши билан ишора қилди.

— Худди шунақа сурат бизнинг ойнамиз олдида ҳам турибди. Мен ҳар куни унга кўрсатиб, “Бу сенинг даданг”, деганман.

Билли суратга қаради, а кейин кираверишда осилиб турган ойнада ўз юзига қаради.

— Мени танимагани ғалати эмас. Мен ўн килограммлар оздим, озмунча сочларимни йўқотмадим ва ҳатто менинг елкаларим чиқиб қолибди. Мен умуман олдингидай кўринмайман.

Уйларига келиб, улар бошқа бир шок билан тўқнашишди: кўчанинг икки томонида машиналар бир неча квартал узоқликда калонна ҳосил қилган, ҳовлида эса Биллини икки юзга яқин одам кутиб турган эди.

— Бу нимаси ўзи? — Меда сўради.

Билли қизариб кетди.

— Мен қаерга борган бўлсам, ҳамма жойда манзилимизни берганман ва одамларга, агар улар қачон бўлса ҳам Жефферсонвилли яқинида бўлсалар ва ибодатга муҳтож бўлсалар, келсинлар деганман. Улар бу ерга бунчалар тез келадилар, деб ўйламагандим ҳам.

Билли ҳовлиси олдида одамлар гуруҳи учун жуда кечгача ибодат қилди. Ниҳоят, охирги одам кетди ва Меда Биллига ўринга чўзилишига ёрдам берди. Кечаси соат икки эди. У ярим уйқунинг

чексиз сарҳадларига “шўнғиб”, жим ётар эди, кейин эса тўсатдан сапчиб тушди ва уйғониб кетди. Унинг оёқларида кучли оғриқ бор эди.

Меда кроватда ўтирган эди.

— Билли, нима қилганингни биласанми?

— Мен ухлаяпман деб ўйладим.

— Сен ёстиқни қўлингга ўрадинг ва: “Ким навбатдаги? Шундай қилиб, ишонинг холос, зеро Фаришта менга айтди, агар мен одамларни ишонтира олсам...”, — дея ғўлдирадинг. Билли, мен сен учун хавотирланаяпман.

Бунгача уйга машина келиб тўхтади. Товушига қараганда, у эски эди; мотор холостой ҳолда шовқин билан ишлар, шу туфайли ёнбошлари титроқдан гурулларди. Тез орада олд эшик тақиллагани эшитилди. Меда бармоқларини Биллининг қовоқларига қўйиб:

— Мен уларга эртага қайтиб келишларини айтаман, а сен ухла, азизим, — дея, уни қовоқларини оҳиста ёпди.

Билли ошхонада гапираётган эркак кишининг овозини эшита олар эди:

— Гўдак анча вақтдан бери касал. У йиғлашдан тўхтамаяпти: кеча-ю – кундуз йиғлайди. Врач сабабини аниқлаёлмаяпти.

Билли болачанинг ғалати овозини эшитди — пишиллашга ўхшаган, гўё йиғламоқчи-ю, лекин унда йиғлашга ҳам зўри етарли эмасди. Бу овоз ҳатто одамникига ўхшамасди ҳам. Билли Меданинг сўзларини эшитди:

— Энди мен ҳозиргина Биллини жойига ётқиздим, шу учун мен уни ҳозирнинг ўзида уйғотгим келмайди.

Кейин Билли бошқа аёлнинг сўзларини эшитди:

— Биз Огайонинг шимолидан келдик ва бу ерга етиб келиш учун тўлиқ бир кун-у, бир кеча юрдик.

Билли ўйлади: “Мен қандай ухлай оламан, қачонки бу бечора гўдаккина қўшни хонада азоб чекади, ибодат эса унга ёрдам бериши мумкиндир, ахир?”

У пижамада гандираклаганча чиқди. Ошхона столида адёлга ўралган ўн ҳафталик кичкинтой ётқизиб қўйилган эди. Қийналиб йиғламоқчи бўлганида, унинг юзчаси қийшайиб тортилиб кетар эди. Билли ҳаммани тиз чўкишларини сўради ва улар бирга Исо Масиҳга мурожаат қилдилар, Исо шу қийналаётган болани озод қиладиган кучга эга эди. Болача йиғлашдан тўхтади ва унинг юзлари бўшашди. Ўн минутлар ўтиб, ўша эр-хотинлар кетгандан кейин, болача эркаланди ва жилмайди.

Билли ўрнигача судралиб боришга ҳам улгурмай, уй ёнига бошқа машина келиб тўхтади. У уйга томон чопган одамнинг оёқ товушларини эшитди. Кимдир эшикни қоқди. Билли ошхонага ҳаяжонланган йигитни киргизди, у деди:

— Бранхам ака, опам кўричак бўлган, аҳволи жуда оғир. Кейинроқ, шу эрталаб унга Луисвиллида операция тайинланган, лекин ҳозир унинг соғлиги шунчалик ёмонлашганки, отам уни касалхонагача боролмайди, деб ўйлаяпти. Йўл тепаликлардан ўтади ва жуда нотекис. Бизлар бу ердан 56 километрлар ғарб томонда, Миллтаун яқинида яшаймиз. Бизлар Жоржи Картер учун Худо нима қилганлигини биламиз, шунинг учун отам мени сиз опам учун ибодат қилишга бороласизми, деб ва шуни билишга юборди. Сиз бороласизми?

Билли зиғирча ҳам иккиланмай деди:

— Ҳа. Мен дарҳол кийинаман, кейин эса орқангдан машинамда бораман.

Меда йиғлади.

— Азизим, сен йўлда, бирор жойда ухлаб қоласан-ку, ахир.

— Йўқ, азизам, мен билан ҳаммаси жойида бўлади, — Билли уни юпатди.

Ўн километрлар ўтиб, унинг қовоқлари қўрғошин юк осилгандай оғирлашаверганидан, ўзига бўлган ишончи сусайди. Гоҳида ҳушёр тортиш учун ўзини чимдилар эди; айрим пайт бармоғини тишлар эди; у ҳатто бармоқларига тупурди ва уйқусини қочириш учун тупигини кўзларига суртди. Йигит йўлнинг оғирлигини айтиб, хато қилмаган эди. Бу айниқса, охирги бир неча километрга тааллуқли эди, қачонки йўл тоққа қараб, буталар шох девори қаторидан кўтарилиб, икки изли йўлгача торайиб қолган эди. Ҳозир ҳеч бўлмаганда у рулда ухлаб қолишдан хавотирланмасди, чунки машина ҳар сафар ғилдирак тошга чиқиб кетганда ёки изга тушиб кетганда, қаттиқ силкинарди.

Иккала машина ҳам катта бўлмаган фермер уйига келиб тўхтади. Касалнинг ота-онаси билан танишишгач, Биллини ўн саккиз ёшлардаги қиз кроватига келтирдилар. Унинг териси рангпар эди, а чаккаларида тери томчилари ялтирарди. У Биллига шишиб кетган ёнбошини кўрсатди

Қизнинг отаси деди:

— У уч кундан бери ҳеч нарса емайди. Бугун у ошқозонида ҳатто сувни ҳам ушлаб туролмади. Уни кейинроқ, бугун эрталаб операция қилмоқчилар. Бир неча соатдан кейин уни олиб кетиш учун тез ёрдам машинаси келиши керак, аммо бу кеча унинг аҳволи шунчалик ёмонлашдики, бундан мен ҳозир у бу сафарга ярамайди деб қўрқаман.

Билли кўричак ҳақида маълумотга эга эди, чунки у дўсти Сэм Эдерни бир неча бор пациентларини операция қилганини кузатганди. Агар бу қизнинг аппендикси ана-мана ёрилса эди — албатта, шундай бўладиганга ўхшарди ҳам, — унда ажаб эмас, у шу ердан 64 километрларда жойлашган Нью-Олбани шаҳригача боришда тирик қолмасди. У бир неча километр ўтиб, ўлган бўларди.

— О-о, Билли ака, мен яшаб қололаманми, нима деб ўйлайсиз? — қиз асабий сўради.

Билли жавобини эҳтиёт бўлиб айтди:

— Мен ишонаман, сенинг яшаб қолишингга, *агар* сенда етарлича имон бўлса. Сени Исо Масиҳ шифолаб билишига ишонасанми?

Ҳаяжонланганидан у бир нафас олишда бидир-бидир жавоб берди:

— О, ҳа, мен ишонаман. Менинг черковим мўъжиза-ю – ғариботлар кунлари ўтди, деб айтади, аммо черков нима дейиши мен учун муҳим эмас. Мен ишонаман. Жоржи Картер соғайиб кетди, мен ҳам шундай яхши бўлиб кетаман. Мен операциядан қўрқаман.

Кейинги олти ой мобайнида минглаб шифоланиш ва мўъжизаларнинг гувоҳи бўлганидан, Билли ҳаяжонланган қизнинг имон-эътиқоди ичига қарай олар ва унинг остида яширинган шубҳа ва қўрқувни кўра олар эди.

— Опа, мен сенинг ҳисларингни яраламоқчи эмасман-у, аммо сен *ҳар қалай* ишонмайсан. Одатда менда етарлича вақт бўлганида, сени кучсиз имонингни ишлата олишингга имкон беришга ва шифо олишинг учун ишонишга ҳаракат қилишга, аммо ҳозир аҳвол танг. Сен ҳозирнинг ўзидаёқ ишонишинг керак, бўлмаса, мен сенга очиқча айтаман, — сен касалхонани кўришгача яшолмайсан.

Қизча каби ота-онаси ҳам Биллининг самимий, чин юракдан айтаётганига эътибор қилмадилар, лекин у бошқача гапиролмасди. Аҳвол ҳаддан ташқари оғир эди. У бу тушунчани тушуниши учун Билли бирор бир одатдан ташқари нарсани қўллашга қарор қилди. Билли қизча кроватининг хона марказига яқин томонида ўтирганди. Унинг ота-онаси ва бир неча қўшнилари бошқа томонида, деворга яқин томонида ўтиргандилар. Шифтнинг ўртасида лампа ёқилган эди. Лампа қалпоғида ипча, унда эса оқ-қизил билагузук пол билан шифтнинг ўртасида осиб қўйилган эди. Билли бу билагузук нима учун у ерда осилганини билмас эди; эҳтимол, уни шу уйда бўлган болани овунтириш учун ишлатишгандир. Энди Билли тушундики, бу билагузук уни мақсадига етишда хизмат қилади.

— Ҳамма катталар, стулларингизни буринглар в деворга қараб ўтиринглар, — деди у.

Кейин у қизга мурожаат қилди:

— Сен нима дейсан, сендан бу билагузук қанча масофада турибди?

— Беш метрлар чамаси. А нима бўпти?

— Сен айтяпсанки, сендан ҳар нарсани олишда имонинг бор деб. Менга шуни исботлашингни хохлайман. Мен хохлайман, сен шу ерда осилган билагузукка тўппа-тўғри қарайсан ва шу билагузукни айланиб чайқалишга, а кейин олдинга ва орқага айланиб чайқалишга мажбур қилишингни, а ундан кейин бутунлай уни тўхтатишингни хохлайман. Агар сен буни қилиб билсанг, унда мен биламанки, сенда мўъжиза бўлиши учун етарлича имон бор.

Қизнинг ҳайронлиги умидсизлик билан аралашиб кетди.

— О-о, Бранхам ака, мана бу қойил! Нима учун сиз мендан бунақа нарса сўраяпсиз? Ҳеч ким бундай қилолмайди.

— О-о, ҳа, — деди Билли. — Ҳар қандай имони бор одам буни қилолади. Исо деди: “Агар ишонсанг, ҳаммаси мумкин”.

Қиз ҳалиям бундан шубҳали муносабатда бўлди.

— Аммо Исо руҳий нарсалар ҳақида деганди, а бу эса материал нарса. Сиз буни қилоласизми?

— Ҳа, хоним.

— Буни қандай бўлишини кўрсам бўладими?

— Агар хохласанг. Фақат билагузукдан кўзингни узма.

Билли нигохини шу предметга тугди ва имонини тўплади. Бунгача у Худо шундай кўп мўъжизалар қилганини кўрган эди, билар эдики, имон туфайли ҳақиқатан ҳам ҳамма нарса мумкин. Икки сония ўтиб, ипнинг учидаги билагузук айлана бошлади. Кейин у ёқ-бу ёққа маятникдай чайқала бошлади, а кейин бўлса, тўхтади.

— Бранхам ака, бу спиритизм-ку, ахир! — ҳайрон бўлганидан оғзини очганча хитоб қилди қиз.

— Сен шунга ўхшаш нарсани айтасан деб ўйлагандим ҳам. Йўқ, бу спиритизм эмас; бу имон. Хўш мана, медиумлар кўп марталаб буни одамларни ўйнаш учун ишлатишади, — стаканларни синдиради, қошиқларни буклайди ва ҳоказо, — аммо бу олдингидай, бор йўғи имон.

Қиз у нима ҳақида гапирганини тушунмади.

— Мен Масиҳ Черковига тегишлиман. Биз Библия гапирганда, гапирамиз, ва Библия жим турганда, жим турамиз. Библияда бунга ўхшаш ҳеч нарса йўқ.

— Албатта, бу Библияда бор, — деди Билли. — Эслайсанми, бир куни эрталаб Исо анжирга келди ва ундан мева излади. Битта ҳам мева тополмай, У уни лаънатлади. Дарахт қурий бошлади. Қачонки У кечқурун қайтганида, дарахт қуриди ва ўлди. Пётр бу қанчалик тез бўлгани ҳақида мулоҳазасини айтди ва Исо шундай деб жавоб берди, сен ҳам нафақат, У анжир дарахти билан қилганини, қилолар эдинг, балки, агар сен бу тоққа айтсанг, у кўтарилсин деб ва ўз юрагингда шубҳаланмасанг, — бу ўша заҳоти бўлиб ўтади[118]. Наҳотки, У буни айтмаган? Албатта, айтган. Мен биламан, сенинг пасторинг имонсизлигини оқламоқмоқчи бўлиб, Исо гуноҳ тоғи ҳақида деган, дейди, лекин бу Елеон тоғи эди. Ва У айтди, бу учун бор йўғи хантал уруғидек ўлчамдаги имон керак бўлади деб. Хуллас, агар шундай зиғирчадай тоза имон тоғни кўчириб билса, унда бу билагузукни кўчиришга қанчалик камгина имон сенга зарур бўлади.

[118] Матто 21:18-22; Марк 11:22-14

Қиз жим ётди ва фикрлай кетди. Ҳар бир қийналиб олаётган нафасида, унинг оғриқдан афти бужмаяр эди. Билли яна бир йўлни ишга солишга қарор қилди.

— Тингла, опа, беш ойдан ҳам олдинроқ менга Фаришта келди ва менга деди-ки, менинг туғилишимдан анча олин Худо менга одамлар учун Илоҳий шифолаш инъомини кўрсатиш учун мени танлабди. Мен ғайритабиий мавжудод билан юзма-юз турдим ва у мега айтди-ки, агар мен одамларда ўзимга ишонч ҳосил қилдиролсам ва ибодат вақтида самимий бўлсам, унда бу ибодат олдида ҳеч нарса туролмайди. Шунинг учун, агар сен бутун юрагинг билан ишонсанг, айнан шу Худони ҳаракатга ундайди. Имонинг сени қутқаради. Сенинг фикрингда чиққан нарса эмас, аммо сени ҳақиқатан ҳам нимага ишонишинг қутқаради.

Қиз жавоб берди:

— Бранхам ака, мен юқорида нимагадир етишганимни билдим. Худойим, менга раҳминг келсин. Мен Унга бутун юрагим билан ишонишга ҳаракат қиламан.

Унинг ўнг қўлини олиб, Билли чап қўли шишаётганини ва кўринмас тебраниш туфайли қизараётганини кузатди. У олдин ҳам аппендицитга тегишига тўғри келган эди ва у қўлининг орқа томонида пайдо бўлаётган оппоқ ғуддачалар конфигурацияси билан таниш эди. Биргина фақат тебранишлар шиддатлигидан бу ҳол жуда жиддийлигини аниқлади. Қачонки у Раббий Исодан қизни ҳимоя қилишни сўраганди, унинг чап қўлидаги тебраниш секинлашди, а кейин эса йўқ бўлди. Чап қўли нормал кўринишга ўтди ва Билли деди:

— Опа, сени Худо дуо қилсин. Сени имонинг сени қутқарди.

Хонани тўлдирган енгил тортишлар ва хурсандчилик ўртасида, Билли ўтирди ва шу заҳоти ухлаб қолди. У бир неча соатдан кейин, қуёш нурлари кўзларига тушганидан кейин уйғонди.

Қизнинг отаси унга хайрли тонг тилади ва миннатдорчилик ифодасида ғоят завқланиб, унинг қўлини қисди.

— Мен тез ёрдамда ишловчиларга қўнғироқ қилдим ва уларга қизим бутунлай шифоланганлиги сабаб, келишлари керак эмаслигини айтдим.

Қиз ҳозир ўрнида ётмаган, ошхона столида ўтирган эди ва музқаймоқ еяётган эди.

— Мен ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман, Бранхам ака. Биқинимдаги шиш бутунлай йўқ бўлди ва оғриқдан асар ҳам қолмади. Ва мен шундай зўр оч қолдим.

35 БОБ
БИР ЯРИМ МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИ ЧЕКДАН БОШ ТОРТИШ
1947

ЖЕФФЕРСОНВИЛЛИДАГИ УЙИГА ҚАЙТИБ, Уилльям Бранхам, унда янги мажбурият пайдо бўлганини аниқлади. Хатлар Қўшма Штатларининг ҳамма бурчакларидан ва Канададан келаётганди. Биринчи пайтларда Билли билан Меда бу хатларга ўзлари жавоб беришга ҳаракат қилдилар, аммо ҳар куни почтачи хатлар билан тўла навбатдаги қопни қолдирар ва Билли тез орада бу ишга унинг кучи етмаслигини англаб етди. У кичикроқ идорани ижарага олди ва секретарлар сифатида — йиғилиш аъзолари — мистер ва миссис Коксларни ёллади. Билли уларнинг кўмаги билан хатларни икки категорияга бўлди. Биринчи ва энг кўп хатлар ўз муаммоларини ва муҳтожларини ёзган ва унда улар учун ибодат қилишини сўровчи одамлардан келганди. Билли бу илтимосларни ўз топшириғининг яна бир бўлаги деб ҳисоблади ва уларнинг ҳар бири учун зўр ғайрат билан ибодат қилди. Иккинчи гуруҳ хатлар уни келиб ўшалар жойларида шифолашлар кампаниясини ўтказишни таклиф қилган хизматчилардан келган эди. Билли бу таклифларни бир томонга олиб қўяр ва Худодан кейинги сафар қаёққа юборишни хохлашини сўраб ибодат қилар эди.

Ниҳоят, 1947 йил ўрталаригача машғул бўладиган бир жадвал тузди. Биринчидан, ҳозирча шимолий штатлар қор билан қопланган экан, у жанубга, Луизианадан бошлаб ва ғарбга қараб йўл олса бўлади: Техас, Аризона ва Калифорнияга. Кейинроқ, баҳорда у бир неча ойни шимолга, Канаданинг Саскачеван ва Альберта провинцияларига боришдан олдин уйи яқинларида ўтказиши мумкин эди.

Гарчи Билли чарчоғидан ҳали бутунлай ўзига келмаган бўлса-да, уни Раббий чорлаган меҳнатга қайтишни сабри чидамасдан кутар эди. У хизматни Луизиана штати, Шривпортда бошлади. У ерда унга жадвал бўйича Ҳаёт Чодири номи билан машҳур бўлган мустақил элликчилар черкови пастори, муҳтарам Жек Моор учун бешта йиғилиш ўтказиши лозим эди.

Билли билан ўз черковига биринчи йиғилишга келган жаноб Моор катта черковнинг атрофдан келган одамлар билан бунчалар тўлиб кетганидан ҳайрон бўлиб қолди, шундан у меҳмони билан бир амаллаб бино ичига кириб олди. Бу ҳақида дўстлари ва қариндошларидан эшитиб, Луизиана ва Арканзас штати сарҳадларидан оилалар бу ёққа келаверишди. Уларга каттароқ жой кераклигидан жаноби Моор кейинги кечқурун ўрта мактабнинг залини олишга қарор қилди. Бироқ, мактаб залида бор-йўғи иккита йиғилиш ўтказгач, у яна йиғилишни Ҳаёт Чодирига ўткаришга қарор қилди, чунки одамлар мактабга бунчалик эрта келиб, у ерда ўқиш кунидаги тинчликни ҳамда тартибни буздилар.

Жек Моор ҳаётида ҳеч қачон шу ҳафтадагига ўхшаш нарсани кўришига тўғри келмаган эди — беш кечқурун мўъжиза ва ғайритабиий ҳодисалар билан тўлиб-тошган эди. Кейинроқ у бу тўғрисида қуйидагиларни ёзганди: “Назариялик Исо бизнинг жойлардан Ўз хизматкорида ўтканидан, одамлар ювош ва меҳрибон бўлиб қолгандилар... ҳа Библия замонидагилар яна қайтиб келди. Бу ерда бир одам бор эдики, у нимани *ваъз қилса,* шуни амалда ҳам кўрсатаётган эди. Мен буни қайсидир одамни улуғлаш мақсадида айтмаяпман, аммо бор-йўғи шуни таъкидламоқчиманки, биродаримизга [Уилльям Бранхамга] чуқур эҳтиромимиз, унинг хизмати гўёки, Севимли Раббимиз [Исони] бизга яқинроқ келтирди ва ҳатто ўтмиш замонлардан бошқа бир ўзгача тарзда бизни Унинг ҳаётбахш таъсири, Унинг Шахси ва Унинг Илоҳийлиги билан яхшироқ таништирганлигидан, унинг факт эканлиги келиб чиқади...”[119]

[119] *“Уилльям Бранхам — Худо юборган одам”,* Гордон Линдсей, 1950 й., 103-104 саҳифа.

Жек Моор бу фавқулотда хизмат ҳақида кўпроқ билиши кераклигини ҳис қилиб, йилнинг қолган қисмида Уилльям Бранхам билан сафар уюштириш имконига эга бўлиш учун черковини ҳамкор пастор қўлига узатди.

Луизианадаги хизматларидан кейин Билли Техас штатига учди ва кейинчалик Тексаркан ва Сан-Антониога боришдан олдин, Хьюстонда кетма-кет ўн беш кечқурун йиғилиш ўтказди. Сан-Антониодаги биринчи оқшомида бир нарса бўлиб ўтдики, у Биллининг руҳини таг-тубигача ларзага солди. Хизмат эндигина бошланган, қўшиқ айтувчилар етакчиси Биллини аудиторияга таништирган ва йиғилганлар эҳтиром билан ҳузур қилиб кутиб туришар эдилар. Қачонки Билли, платформадан кафедрага қараб бораётган эди, платформада ўтирган одам турди-да, номаълум тилда сўзлай кетди: англаб бўлмайдиган сўзлар тез ва баланд янгради, гўё пулемётдан узилаётган ўқлардай. Қачонки у тугатган эди, аудитория тинч бўлиб қолди. Кейин залнинг охиридан бошқа бир эркак турди ва

қичқирди: “РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Платформадан одимлаётган одам ҳар нарсага Қодир Худо тайинлаган хизмат билан бораяпти. Яҳё Чўмдирувчи Исо Масиҳнинг Биринчи Келишини хабар берганидек, бу одам ҳам Унинг Иккинчи Келишини хабар бериш учун юборилган”.”

Билли ҳолдан кетганини ва боши айланганини сезди, шу учун оёқлари чалкашиб кета бошлади. Микрофонда гапираётган пайтда йиқилиб кетмаслик учун у кафедрага тирмашиб олди:

— Сэр, — сиз, у орқадаги, ҳозиргина башорат қилган киши, сиз бу платформада турган, ўзга тилларда сўзлаган одамни танийсизми?

Аудитория охирида ўтирган одам ўрнидан турди. У кўринишидан ковбойга ўхшаб кетар эди.

— Йўқ, сэр, мен уни танимайман.

— А мен тўғримда-чи, сиз бирор-нима биласизми?

— Мана шу кунгача мен ҳеч қачон сиз тўғрингизда эшитмаганман?

— Сиз қандай қилиб бу кеч бу ерга келиб қолдингиз?

— Мен қўлида ишлайдиган одамлар шу йиғилишга келмоқчи эдилар, мени ҳам бирга келишимни сўрадилар ва мен келдим.

Кафедра ортида, платформада ўтирган, ўзга тилларда сўзлаган одамга бурилиб, Билли сўради:

— А сиз-чи, сиз бу башорат қилган одам билан танишмисиз?

— Йўқ, таниш эмасман.

— Бу оқшом бу ерда нима қилиб юрибсиз?

— Мен шу ерлик савдогарман. Мен газетада “Илоҳий шифоловчи” ҳақида ўқиб қолдим, шу учун ҳаммасини ўзим кўрай, билайгин, деб келдим.

Коринфликларга 1-мактубнинг 12-бобидан 14- бобигача ўрганиб, Билли “тилларни тавсифлаш” Муқаддас Руҳ инъоми қаторига қўшилганлигини билар эди. Бироқ у аллақачонлардан бери имонли эллигинчилар “ўзга тиллар” деб атаётганларнинг катта қисми руҳий ҳис-ҳаяжонланиш, фанатизм ва танавий тақлиддан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблар эди. Бу “таъбирлов” эса, бу уч категориянинг ҳеч қайсисига мос келмас эди. У асл бўлиб эшитилди, зеро бу нотаниш одам Билли 1933 йилда сувда турган ва одамларни Огайо дарёсида чўмдираётиб, қачонки ўша юлдуз боши узра пайдо бўлган ўша куни эшитганларини такрор айтди. Бу эса ўн тўрт йил муқаддам бўлиб ўтди! Билли унинг хизматида касаллар учун ибодатдан бошқа яна бирор нарса бўлармикан, дея таажжубда сесканиб кетди.

ТЕХАСДАН КЕЙИН Билли Аризона штатига, Финиксга борди. Кучли ҳаяжон уни қийнашда давом этаверди. У бу нарсани узоқ вақт тик оёқда туриш ва ҳаддан ташқари тез-тез уйқудан қолишдан ҳам оғирроқ нарса эканини сезди. Касаллар учун ибодат қилар экан, Билли ҳақиқатан ҳам у билан курашишга тўғри келаётган иблис кучларини ҳис қилар эди. Бу гўё тошлоқ ерда белкурак ва кирка билан ҳандак қозигандагидек, машақатли эди. Ҳар сафар, Билли чап қўли билан касалнинг ўнг қўлини олганда, касалликнинг тебранишларига елка олди бўйлаб тўғри юрагигача ўтишига қўйиб берар экан, шунда у ўзининг бир қанча қувватини йўқотганини сезар эди, бу энергия кечқурунги уйқудан кейин ҳам қайтмас, тикланмас эди.

Билли ёвуз руҳ-иблис тўғрисида Библиядаги текст билан касаллар учун ибодат вақтидаги ўз шахсий кечинмалари тажрибасини солиштирар эди. У Янги Аҳдда иблис-ёвуз руҳларнинг бир одамдан қувилганда, бошқа “хўжайинни”[120] излашларини ўқиди. У худди шундай ҳолатларни ўз йиғилишларида кузатди. Қачонки касал киши платформада ақлсизликдан озод бўлган пайтда, аудиторияда имонсиз одам ҳурматсизлик қилиб, бирдан худди шу касалга мубтало бўлишига имконият бўлиб қолади.

[120] Матто 8:28-32; ва 12:43-45

Йиғилишларнинг бирида ҳурматсиз одамлар гуруҳи иштирок этаётган эди: улар кулдилар ва ҳуштаквозлик қилдилар. Билли эпилепсия тутқаноғидан полда ағанаётган ёш одам учун ибодат қилди. (Хар қандай эпилепсия Раббий Фариштаси ҳузурига келар экан, доим талвасада ўзини ота бошлайди.) Қачонки Билли бу йигит учун ибодат қилганида, у нормал ҳолатга келди, аммо ўша ҳурматсиз ишонмовчи скептикларнинг бутун гуруҳи тутқаноқдан қаттиқ жазавага тушишди. (Кейинроқ у бунда хизматчи ва унинг йиғилишидан 28 кишини эпилепсия касалига мубтало бўлганини аниқлади.) Бу воқеадан кейин Билли эҳтиёткорликка ўрганди. Энди, ҳар сафар оғир касалликни сезганда, у йиғилган одамлардан бош эгишларини ва у билан бирга ибодат қилишларини сўрар эди. Унинг йиғилиши вақтида ҳатто ишонмайдиган одам ҳам, агар улар ҳурмат кўрсатсалар, хавф-хатарсизликда бўла олишини кўрди.

Бир куни кечқурун Финиксда ибодат навбати орқали бир қиз бола ўтди. Билли қизчанинг қўлини олди ва эпилепсияга характерли титроқни сезди. Қизча ғайри-ихтиёрий равишда сапчиб,

платформага йиқилди ва тинмай ағанайверди. Аудитория ҳам анграйиб қолди. Билли эса хотиржам турди ва ҳаммани бош эгишларини сўради. Ибодат кўтариш учун бош эга туриб, у имон оқимида қолоқликни ҳис қилди. У аудитория тепасидан қаради ва бошини эгмай турган одамни кўриб қолди. Билли микрофонга деди:

— Мендан ўнг томонда бир одам бош кўтариб турибди. Сэр, сиз ҳатто ишонмасангиз ҳам, илтимос, бошингизни эгинг ва ҳурматда бўлинг. Бу иблисона ёвуз кучлар бир одамдан бошқа одамга ўтиши мумкин.

У одам олдингидек, бош эгмай тураверди. Ёрдамчилардан бири у билан гаплашишга борди, кейин у платформага кўтарилди ва Биллига деди: "Бу киши мистер К***, Финиксдаги мансабдор шахслардан. У деяптики, бу бор йўғи психологияни кўриш учун қулай фурсат холос. У ўжарлик қилаяпти ва умуман бош эгишни истамайди".

Билли яга микрофонга деди:

— Яхши, сэр. Мен сиздан илтимос қилдим. Менинг қўлимдан бор-йўқ келгани шу.

Кейин Билли қизчага бурилди, қизча ҳалиям полда буралиб ётар ва томоғидан бўғиқ, ингроқ товуш чиқарар эди. Билли ибодатни бошлади: "Худойим, бу одамнинг имонсизлиги туфайли, қизчани қийналишига йўл қўйма. Бу қизчани дуо қил ва озод қил". Қизча тинчланди ва тез орада кўзини очди. Унинг ҳомийси уни оёғига туришга ёрдам бериш учун олдинга чопиб чиқди ва улар биргаликда Худони улуғлаб, платформадан тушишди.

Мистер К*** қўрслик билан иржайди, гўё бу билан ўз нуқтаи-назарини исбот қилганини айтишни хохлади: унга бошини эгиш керак эмас экан. Афсуски, бу бор йўғи қисқагина ғалаба эди, холос.

Финиксдаги охирги кечқурунги йиғилиш вақтида Билли йиғилган одамларга бинодаги, у учун ибодат қилишини истаган ҳар бир одам учун ибодат қилишга ваъда берди. Агар у ҳар бир одамни қўлидан, уларнинг касалликларини тебранишлар орқали аниқламоқчи бўлса, буни бажариш мумкин эмас эди. Бу оқшом у бошқача қилмоқчи бўлди. У буни тез ибодат навбати деб атади. Одамлар ибодат қаторидан аста-секин ва бир хил келаверишди, Билли бўлса, бу вақтда ёнидан ўтаётганларнинг елкасига қўлини қўйди ва Раббий Исодан уларни шифолашини сўради.

Ўша оқшом кўплаб мўъжизалар бўлди. Энг қойил қолдирадигани, эҳтимол, юрак, жигар ва йўғон ичак ракидан ўлаётган аёл, Хэтти Уолдорф билан бўлиб ўтгани бўлса керак. Уни врачлар умид йўқ деганларидан, у ҳозир шу ибодат қилаётган вақтида, ёнида Фаришта турганини айтаётган одамга етиб боришга оташин бўлиб ҳаракат қилар эди. Хэттининг эри ва касалхона студент-медиги уни йиғилишга касалхона замбилида олиб келишган эди. Ибодат навбатида туриб кутишар эканлар, унинг умри тугаётганини ҳис этди. У эрига:

— Ҳатто мен агар ўлсам ҳам, барибир мени навбат бўйича олиб ўт, — деди.

Улар жуда узоқда, охирда эдилар. Навбат аста-секин олдинга ҳаракат қилар экан, Хэтти ҳушсиз бўлиб қолди. Тезда унинг кўкрак қафаси қимирлашдан тўхтади. Студент-медик Хэттининг пульсини ушлаб кўрди ва уни тополмай, унинг юзини чойшаб билан ёпиб қўйди. Бироқ мистер Уолдорф қатъий қарор билан навбатдаги ўз ўрнида ҳеч нарса бўлмагандай туришда давом этаверди.унга хотинини олдинга, платформага келтириш учун бир соат керак бўлди. Кимдир Биллига навбатда мурдани олиб келаётганларини айтди. Билли бу учун узоқдан ибодат қилиш учун навбатни тўхтатди. Аёлнинг танасига қўл тегизганида, у совуқ эди. Билли Худодан Хэтти Уолдорфга ҳаётини қайтаришини сўраганида, нафақат унинг ўпкасини ҳаво тўлдирди, аммо тез орада у замбилди ўтириб олди, а кейинроқ ўша кеч бинодан у ўзи бирор кишининг ёрдамисиз чиқди[121].

[121] Миссис Хэтти Уолдорф Уилльям Бранхам йиғилишларида, унинг 1965 йил ўлганига қадар иштирок этиб юрди. У хизмати вақтида, у аёлга кафедрадан тез-тез саломлашар ва бу мўъжизани эслатиб турар эди.

Финиксдаги бу узун ибодат навбати шифоланишлар ва мўъжизаларга тўлиб кетди.гарчи Билли олдидан ўтаётганлар учун қисқа ибодат қилишга ҳаракат қилган бўлса-да, шунга қарамай, ҳар бир касалга қўл қўйиши учун кечки соат учгача шу ерда туришига тўғри келди. Жек Моорнинг тахминий ҳисобларига қараганда, фақат ўша кеч 1947 йил февралида Билли 2500 киши учун ибодат қилди.

МАРТ ОЙИДА Билли Калифорния соҳиллари бўйлаб юқорига юрди. Унинг Лос-Анжелосдаги биринчи йиғилиши Парк Монтеренинг катта черковини тўлдириб-тошириб юборди, натижада ҳамкор черковлар йиғилишни Лонг-Бич шаҳридаги муниципал идорасининг аудиториясига кўчиришга мажбур эдилар.

Бу кампаниянинг иккинчи оқшомида учта эркак ва ёш аёл ибодат навбатидан, замбилда ҳушсиз аёлни олиб ўтдилар. Билли беморнинг бўшгина ўнг қўлидан ва унга таниш титроқни сезди.

— Бу рак, — деди у.

Ёш аёл жавоб берди:

— Ҳа. Унинг фамилияси Меликян. Бу унинг врачи, а мен бўлсам — унинг қизиман. Бундан олдинроқ у Сент-Луис касалхонасига борди ва у ерда ракни тўхтатишга урониб, шу мақсадда унинг иккала кўкрагини кесиб олдилар, аммо бу ёрдам бермади. Ҳозир унинг ягона умиди Худодир.

Бош эгиб, Билли Худодан мўъжиза қилишини сўради. Унинг қўлидаги тебраниш тўхтаб қолди. У энди бу аёлни шифоланганини эълон қилмоқчи ҳам эдики, уни бирдан ғалати ҳис қоплади ва ўйлаб ўтирмай деди:

— РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Уч кундан кейин бу аёл кўча бозорларидан харид қилади”.

Унинг врачи, ёнларида турган, у шак-шуҳбасиз бу ёққа, бу оилага хизмат қилиш учун келган эди, — у ғазабдан шундай деб тўнғиллади:

— Нималар деяпсиз, муҳтарам Бранхам! Бу аёл яккол ўлаяпти. Сиз қандай қилиб унинг оиласига ёлғон умидворлик беряпсиз?

Билли аста деди:

— Доктор, агар бу аёл шифоланмаса ва уч кундан кейин кўчада юрмаса, сиз менинг орқамга, ёлғончи пайғамбар ёзувли плакатни осишингиз ва бутун шаҳар бўйлаб машинангиз копотида мени олиб ўтишингиз мумкин.

Ҳафтанинг охирида меҳмонхона номери эшигини қаттиқ тақиллагани, Биллининг ўта чарчоқдан кейинги қаттиқ уйқусидан уйғотиб юборди. Коридорда черков вакили турар, Биллининг тинчлиги ва ёлғиз қолдириш унинг вазифасига кирар эди. Унинг орқасида яхши кийинган иккита нотаниш одам турар эди.

— Афв этасиз, Бранхам ака, сизни безовта қиляпман, лекин бу кишилар сиз билан гаплашиши керак. Мен биламан, сиз дам олишингиз зарур, бироқ уларнинг иши шунчалик камдан-кам бўладиганлигидан, мен ўйладимки...

— Ўтинглар. Сизга нима нафим тегиши мумкин?

Икки эркак хонага кирди ва улардан бири тўғридан-тўғри мақсадга ўтди.

— Биз мистер Меликяннинг вакилларимиз.

— Меликян? — Билли бу фамилияни эсламоқчи бўлиб такрорлади, уни олдин қаерда эшитишга тўғри келганийкан.

— Мистер Меликян “Мишн Бэлл Уайнери” вино заводини бошқаради. Унинг хотини ҳафта бошларида сизнинг йиғилишингизда шифоланди.

Энди Билли замбилда ётган, ўша беҳуш аёлни эслади.

— У қандай ўзи, яхшими?

— Мистер Бранхам, унинг шифолангани ҳаммани ҳайрон қолдирди, айниқса унинг врачини. У учун ибодат қилганингизнинг кейинги куни у ўзига келди ва тўшагида ўтира олди. Учинчи куни у харид қилиш учун қизи билан, худди сиз айтгандай кўчага чиқди. Мистер Меликян сизга қанчалик миннатдордирки, шундан у бизларни бу ёққа, бир ярим миллион доллар чекни узатишимиз учун юборди.

Эркак чекни узатди. Билли ғирт этмай тураверди.

— Мистер Бранхам бу ҳазил эмас. Бу бутунлай тўғри чек ва у сизнинг исмингизга ёзилган, — унинг ҳамсуҳбати деди ва яна қайта қоғоз саҳифасини узатди.

Билли ҳалиям чекни олмади. У Жефферсонвиллидаги икки хонали кулбачасида яшаётган оиласи ҳақида ўйлади; у хотинини ўйлади, у қандай қилиб шаҳарнинг ярим кварталидек масофадаги колонкадан сув ташиганини, кейин эса уларнинг уйига труба ўтказилмаганлиги учун, у ишлатилган кир сувни чиқаришини эслади. Уларнинг уйлари қанчалик совуқ ва шамол кирадиганлигидан, Меда уй эшик ва деразаларига латталар тиққанини ҳам эслади. Хотини ва болаларига бирор яхшироқ нарса қилиб берса ажойиб бўлармиди; бироқ...

Билли шунча кўп йил бор кучи билан Раббийда ўз чақирилганини тушунишга ҳаракат қилди. У 1937 йил Худо иродасидан чиққанида, у жуда ёмон азоб чеккан эди-ку, ҳозир ҳатто бир ярим миллион доллар ҳам унинг ўз эътиқоди йўлидан уролмасди. Миссис Меликянни у эмас, Раббий Исо Масиҳ шифолаганини билар эди. Унда у қандай қилиб, ўзи қилмаган иш учун қандайдир мукофотни қабул қилолади? Бироқ, ҳатто бунинг устига Билли учта тузоқни, қайсики, Худо учун яшай бошлаган эркакларни тез-тез ҳалок қиладиган учта тузоқни билиб олди, аниқроғи: пул, машҳурлик ва аёллар. Ҳар қандай хизматчи, қайсики, бу хатоларнинг бирови билан ўйнашар экан, бутунлай пасайиши ва йиқилиши мумкин. Билли аллақачонлар бу учала иллатдан нима қилиб бўлса ҳам узоқ туришга қаттиқ қарор қилган эди.

— Жентльменлар, — у кескин деди, — мен ҳатто бу чекка қарашни ҳам истамайман. Мистер Меликянга унинг илтифоти учун миннатдорчилигимни айтинг, аммо унинг пулини қабул қилолмайман.

КАЛИФОРНИЯ ШТАТИ, Лонг-Бичдаги ўзининг охирги ибодат навбатидан сўнг, эса у кеч соат иккида тугаган эди, Билли уни кутиб турган машинага ҳеч нарсани сезмайдиган, серрайиб қотиб қолган бир ҳолатда, гандираклаганча етиб келди. Жек Моор ва Янг Браун Биллини ўзига келтириш учун бир соат шаҳар бўйлаб олиб юриб, у билан гаплашдилар. Улар унинг эшиги деразасини ёмғир юзига сачрасин деб, очиб қўйдилар. Ниҳоят, Билли етарли даражада ўзига келди ва бориб ухлаш ниятидалигини айтди.

Улар уни меҳмонхонага оборишди. Лифтдан чиқиб, кичикроқ фойега ўтишди, у ерда одамлар тўла эди ва улар Биллини исми билан атаб, у билан гаплашмоқчи эдилар.Моор ва Браун уни бу гуруҳ орасидан тортқилаб ўтказишар экан, бирдан бир аёл Билли олдига полга йиқилди ва унинг шимига тармашди.Жек Моор аёлни бир томонга олиш учун эгилди, лекин Билли уни қўли билан, уни ўз ҳолига қўй, дегандай имо қилиб деди:

— Келинг, ҳеч бўлмаса уни тинглайлик-чи?

Ҳатто шу гапдан кейин ҳам, аёл Биллининг пойчасини қўлидан чиқармасди. Унинг кўзларидан мушкул аҳволдалиги шундоқ кўриниб турар эди.

— Бранхам ака, мен миссис К***. Мен эрим билан сизнинг Фениксдаги йиғилишингизда бўлган эдим. Қачонки сиз ўша тутқаноғи бор бола учун ибодат қилганингизда, эрим бош эгишдан бош тортди. Кейинги куни у бутун танасида ғалати нарсани ҳис қилди. У ўйладики, бу бор йўғи унинг тасаввури алдаяпти деб. Кейин икки кун ўтиб, полициячилар уни Феникс марказида бемақсад тентираб юрганида топдилар. Унинг ақли айниди. У ўзи кимлигини ҳам, нима қилаётганини ҳам билмайди.

Билли одамлар ортида турган эркак кишини пайқади. Кўзлари чуқурлашиб кетган, юзи хафақон, сочлари ва кийимлари тўзиган, чаккалари дағал соқол билан қопланган эди.

— Буми, сизнинг эрингиз? — Билли сўради.

— Ҳа, Бранхам ака, — миссис К*** ҳиқиллади. — Мен уни ҳар куни ибодат навбатига олиб келмоқчи бўлдим, аммо мен буни уддалаёлмадим. Ҳозир мен ноилож аҳволдаман. Нимадир қилиш керак. У ейишни хохламайди. Мен ҳатто унга сувни ҳам зўрлаб ичиришимга тўғри келаяпти.

У бошини эгди ва пешонаси билан Биллининг туфлисига тегди.

Жек Моорга бурилиб, Билли деди:

— Мистер К***ни менинг номеримга олиб ўтказинг, биз якка қолишимиз учун.

Жек Моор мистер К***ни қўлидан олди ва уни қаршиликсиз ўзига эргаштирди, гўё у ҳеч нима билмайдиган боладек эди. Билли уларнинг орқасидан бормоқчи бўлди, аммо миссис К*** унинг пойчасини қўлидан чиқармасди ва унга қўлини қўйвориши кераклигини ишонтириб бўлмас эди. Ниҳоят, Моор ва Браун Биллини турғоздилар ва уни номерига, уни орқасидан миссис К***ни ҳам тортиб ўтказдилар. Эшикни калит билан қулфлаб, улар охири аёлни Биллининг пойчасини қўйворишга ишонтирдилар.

— Опа, — деди Билли, — бир йилча олдин Раббийнинг Фариштаси мен билан учрашди ва менга бутун дунё одамларига шифоланиш инъомини кўрсатиши кераклигини айтди. У айтдики, агар мен самимий бўлсам ва одамларни ўзимга ишонтира олам, унда ҳеч нарса менинг ибодатим олдида туролмайди. Бу ҳақиқатлигига мен амин бўлдим. Бундай касаллик йўқ, агар мен у учун етарлича узоқ ибодат қилсам, у қанчалик даҳшатли-ю, ундан одамни шифолашни иложи бўлмаса экан. Сиз менинг сўзларимга ишонасизми?

— Ҳа, Бранхам ака, мен ишонаман.

Мистер К*** жуда бемалол турар ва ҳатто мижжа ҳам қоқмасди; унинг кўзлари бемаъни қарашда “қотиб қолганди”. Бироқ, Билли уни ёнига келганида, у тисарилди ва ҳайвон каби бўкирди. Ҳавфсизлик мақсадида, Моор ва Браун мистер К***нинг қўлларидан ушлаб туришгач, Билли эса шу вақтда унга қўл қўйди ва ибодат қила бошлади. Ғалабага эришиш жуда ҳам осон кечмади. Билли бу ақлсизлик руҳи билан қирқ беш минут давомида курашди. Ниҳоят мистер К*** киприк қоқа бошлади ва хонани қарай бошлади, бегона жойга келиб қолган ва нима учун келганлигини ва қаерда турганлигини билмоқчи одамдай ўзини тутди. Мистер К***нинг хотини унга ҳаммасини тушунтириб бергачгина, у Биллини бўйнидан олди ва уни узоқ вақт йўқотиб қўйган биродаридай қучоқлади. Мистер К*** меҳмонхонани мутлақо соғлом, ақлирасо ҳолатда ва Исо Масиҳнинг Хушхабарига жуда ҳурмат-икромли муносабат билан тарк этди.

36 БОБ
АПАЧИЛАР ИМОНИ
1947

КАЛИФОРНИЯ ШТАТИ, ОКЛЕНТГА 1947 йил март ўрталарида келиб, Уилльям Бранхам “воиз бола” — Кичик Давид Уолкер ҳақида эшитди, у шу шаҳарда Билли касаллар учун ибодат қилмоқчи бўлган, худди ўша кечқурунлари Хушхабар хизматини ўтказиш ниятида эди. Унга жуда қизиққанлигидан, Билли биринчи кун кечки йиғилишини Кичик Давид Уолкер ваъзини эшитиш мақсадида эртароқ тугатди. Биллига эшитганлари ёқди. Гарчи Кичик Давид нимжонгина ўспирин бўлса-да, у Худо Каломини ўз ёшига қараганда донолик ва жасорат билан ваъз қилган эди.

Йиғилиш охирида Билли шу йигит билан танишиш учун олдинга борди. Суҳбат вақтида иккала хушхабарчи ўзларига келаётган халқни тахминан солиштирдилар. Кичик Давид Оклендда бир неча оқшом ваъз қилган ва одамлар ҳеч қачон унинг биносини ўтирадиган жойларини учдан биридан кўпини тўлдирмас эдилар. (Ўша аудиторияда 7000 та ўрин бўлиб, лекин ҳар кечқурун унинг йиғилишида 2500 га яқин одам бўлар эди.) Билли бўлса, бошқа томондан, 3000 киши сиғадиган аудиторияда ваъз қилар ва унинг биринчи кечқурунги йиғилиши қарийб 7000 кишидан иборат бўлди. Кичик Давид аудиторияларни алмаштиришни таклиф қилди. Улар шундай қилдилар ҳам, иккалалари учун ҳам бу маъқул иш бўлиб чиқди. Билли Кичик Давидга кичик ва катта аудиторияларнинг ижара ҳақидаги фарқни тўламоқчи бўлди, бироқ йигитча: “Мумкин, бирор кун келиб, сиз мени қувватлай оласиз”, — дея, пулни олишга рози бўлмади.

Уилльям Бранхамни шифолаш кампанияларида ҳали ҳам ҳамроҳлик қилиб юрган Жек Моор бу сафар Орегон штати, Ашлендга, дўсти Гордон Линдсей бу феноменал хизматни ўз кўзлари билан келиб кўришга ишонтириш учун учиб кетди. Моор Линдсейга ўзи шахсан ҳар кечқурун кўрган Худонинг кучи тўғрисида мароқ билан айтиб берди: Биллининг қўли шишар эди, касаллар фош бўлар, кўрлар, карлар ва чўлоқлар шифоланар, ва ёвуз руҳлар қувилар эди. У Линдсейни бу ғаройиб нарсани, уни ўзи кўриши учун бор ғайратини ишлатишига арзийди, деб ишонтирди. Улар бирга Калифорнияга келдилар ва Биллининг Сакроменто шаҳридаги йиғилишида бўлишга улгурдилар.

Ўша оқшомги хизмат Гордон Линдсей имони таг-тубигача қойил қолдирди. Линдсей 41 ёшида, ҳозирги пайтда, 23 йилдан бери тўлиқ Инжил хизматчиси ўрнини эгаллаб турганди. Охирги беш йилни Орегон штати, Ашлендда пастор хизматида ўтказган эди; бироқ бунгача у, 18 йил мобайнида Канада ва Қўшма Штатларнинг бутун территорияси бўйлаб, хушхабарчи сифатида сафар қилган эди. Гарчи ўша йилларда, ўша ҳамма йиғилишларда иштирок этиб, у ҳеч қачон ўша оқшом Сакраментодагидек Муқаддас Руҳ кучи бунчалар сезиларли намоён бўлишини кўрмаган эди. Бу унинг имонини шундай руҳий юксакликка кўтарди ва илҳомлантирдики, бунақасини у олдин умуман билмас эди. У бошидан кечирганларини дўстлари билан баҳам кўришни қанчалар истар эди! Ҳали у бутун мамлакат бўйича пасторлар ва йиғилишлар ҳақида ўйлаб кўрар экан, унинг онгида маълум бир ғоя шаклланди. Кейинги куни Гордон Линдсей Билли билан учрашди ва у билан ушбу фикрларини муҳокама қилиб олди. **(Сурат №2)** Бу дўстлашувнинг бошланишига хизмат қилди-ки, бу дўстлик туфайли уларнинг иккаласи учун ҳам узоққа борувчи натижалар тақдир қилган эди.

Сакраментода Билли Калифорния штати, Санта-Розага борди. Шанба оқшомида ёрдамчилар ёшгина одамни навбатсиз келишдан базўр тутиб қолишди. Улар уни навбатни кутишни хохламаган, деб ўйлагандилар. Бунинг туфайли кўтарилган қий-чув Биллига касал учун ибодат қилишига халақит берди. Билли беихтиёр бу ёш одамнинг ёрдамчиларга: “Мен бор-йўғи бу хизматчига савол бермоқчи эдим, холос”, — деганини эшитиб қолди.

Платформа четига келиб, Билли деди:

— Сэр, сизга нима керак?

— Сизнинг фамилиянгиз қандай ёзилади? — нотаниш сўради.

Бу Биллини лол қолдирди ва бундай бесарамжонликни келтириб чиқаришга ғалати сабаб бўлиб кўринди. У жавоб берди:

— Б-Р-А-Н-Х-А-М.

Одамгина қўлидаги қоғоз саҳифасига қаради, кейин бурилди ва одамларга ҳаяжон билан қичқирди:

— Она, бу ўша! Бу ўша!

Унинг онаси олдинга ўтди ва тушунтирди:

— Менинг эрим ва мен Худо Ассамблеяси хушхабарчиларимиз. Менда ўзга тилларда гапириш неъмати бор, а менинг эримда эса, таъбирлаш инъоми бор. Йигирма икки йил бурун мен ўзга тилларда ибодат қилган эдим, шунда эрим орқали бугунгига ўхшаш оқшом ҳақида башорат қилувчи таъбир келди. Мен буни қоғоз бетига ёздим ва у чемоданда шунча йил ётаверди. Сизнинг йиғилишларингиз ҳақида эшитиб, мен уни олдим, лекин биз гап айнан сиз ҳақингизда кетганига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлдик.

Аёл ўғлининг қўлидан бу қоғоз парчасини олди ва уни Биллига узатди. У ерда қуйидагилар ёзилган эди:

Раббий шундай дейди: "Охирги кунларда, Раббий келишидан олдин, Мен ўз қулим Уилльям Бранхамни Ғарбий Соҳилга юбораман".

"Йигирма икки йил бурун! — Билли ўйлади. — Бу 1925 йилда бўлган бўлиши керак, мен бор-йўғи ўн олти ёшда бўлганман".

Унинг орқаси сесканиб кетди. Бу ерда, бу аллақачонги башорат сўзида яна бир тасдиқ бор эдики, Худо унинг хизматини ўзига хос алоҳида бир нарса учун белгилаб қўйган эди.

1947 ЙИЛИ АПРЕЛЬ ОХИРИДА, Билли Финиксга қайтди: бу сафар бевосита шаҳарнинг испан тилида сўзлашувчи аҳолиси учун йиғилиш ўтказиш мақсадида. Унга биринчи марта хизматни таржимон орқали ўтказишига тўғри келди.

Кундузи Билли Христиан миссионери билан учрашди, у Финиксдан 80 километр шарқда, Индеецлар Резервацияси, Сан-Карлосда, индеец-апачилар орасида меҳнат қилар эди. Бу миссионер ўзи билан Бранхамнинг йиғилишига учта бетоб индеецни, ибодат навбатига кирадилар ва шифо топадилар, деган умидда олиб келган эди. Миссионер Биллини резервацияда йиғилиш ўтказишга таклиф қилди. Билли унга агар Раббий ўша учала индеецни ўша оқшом шифоласа, унда у апачилар учун йиғилиш ўтказишини ваъда берди.

Ўша оқшом Билли ҳаммага довюраклик билан даъват қилди. Бу вақтга келиб, у Исо Масиҳ инсонларни шифолашини хохлашига шунчалар ишонар эдики, унинг шахсан ўз имонини чегараси йўқдай эди. (Ахир Фаришта унга, агар у самимий бўлса ва одамларни ўзига ишонтира билса, ҳеч нарса унинг ибодати олдида туролмайди, демаганмиди?) Билли ўтган йил кўрган барча мўъжизалардан кейин, у энг оғир касаллар билан ҳам дуч келишдан қўрқмас эди. Ҳақиқатан ҳам, у бу нарсани унинг Худоси ҳамма нарсага қодирлигини кўрсатадиган яна бир улкан далил-исбот деб ўйлаб, буни ёқлар эди. Ҳозир испан тилида гапирувчи одамлар олдида у шундай деди:

— Менга ким бўлмасин, ногиронни ёки оғир касалми, олиб келинг. Менга топиб билган энг ёмон касалланган одамни олиб келинг. Мен ибодатни тугатишимдан олдин бу одам шифоланади, деб кафил бўламан.

Кимдир платформага мексикалик майиб-қизни олиб келди, у ўзининг бутун умрида ҳеч қачон юрмаган эди. У жуда қўрқинчли шаклда эди: унинг умуртқа поғонаси жуда кучли қийшайган, а оёқлари бурилиб кетган ва ҳеч нарсага ярамас эди. Билли ҳеч қандай шак-шубҳасиз қизни озод бўлиши учун ибодатни бошлади.беш дақиқа ўтди — ҳеч қандай ўзгариш... Кейин ўн дақиқа... ўн беш. Билли хавотирланмади. У буни Худо амалга оширишига ишонар эди, бунга қанча вақт кетади — бу муҳим эмас. Йигирма дақиқа ўтди... кейин ўттиз. Билли Худодан бу қизчани унинг асиралигидан озод қилишини мулойимлик билан сўрашда давом этаверди. Бир соат ўтиб кетди... кейин бир ярим. Платформадаги пастгина одам, гўё эга бўлган ўша ишончни сақлаб туришга ҳаракат қилиб, аудиториядаги одамлар бетоқат бўла бошлашди. Бир соат-у қирқ беш дақиқага чўзилган ибодатдан кейин мексикан қизча қичқириб юборди. Қачонки қизчанинг бутун умри бўйи биринчи марта умуртқа поғонаси тўғриланганида, бирдан унинг орқаси қасирлади. Қачонлардан бери абжағи чиқиб қолган қизча ўзининг ориқ оёқчаларида тургач ва платформадан Биллининг қўлидан ушлаб тушганида, бу ердагилар енгил тортиб ва қувонганларидан жуда қаттиқ тўлқинланиб кетдилар.

Одамлар бунга жавобан ўзлари ҳам шифо олишлари учун тиқилишиб, ибодат навбатига тура бошладилар. Билли таржимон орқали касаллар ва муҳтожлар учун яна ўн соат мобайнида ибодат қилди. Бу испан тилида сўзлашувчи одамлар Исо Масиҳга шундай болаларча имон билан талпинганларидан, кўплаб мўъжизалар бўлиб ўтди. Шифоланган юзлаб касаллар орасида миссионер резервациясидан олиб келган ўша учта индеец-апачилар бор эди.

Ўз сўзига содиқ қолиб, бир неча кун ўтиб, Билли шарққа, Индеецлар Резервацияси Сан-Карлосда битта кечқурунги шифолаш хизматини ўтказиш учун кетди. Биллининг ваъзини эшитиш учун йиғилган юз-юзлаб индеецларни жойлаштириш учун кичикроқ ёғоч черков жуда ҳам кичиклик

қилар эди, шунинг учун миссионер тез орада ташқарида, очиқ ҳавода жойлашган бир неча радиокарнайга микрофон ва кучайтиргичларни улади. Оилалар ерга адёллар тўшадилар ва эшитиш учун ўтириб олдилар. Билли айнан қуёш ботишига қараб ваъз қила бошлади. Унинг таржимони апачилар қабиласидан бўлган қиз эди.

Билли бир умр Америка Ғарбига ўзида меҳр-муҳаббат ҳис этар экан, у индеецларнинг аҳволи ҳақида кўплаб ўқиган ва ўйлаган эди. Эҳтимол, айнан унинг томирларидаги индеецларнинг "тизиллаб оқаётган" қони унинг раҳмини келтираётгандир. Шу оқшом ўзининг қизил танли ака ва опалари ўз юрагини очиб, ваъзини одатдагидан кўра чуқурроқ ҳис этди. У индеецларга, оқ танлилар уларнинг ота-боболарига қандай муносабатда бўлганидан қанчалик ачинишини айтиб берди. Унга ҳатто бугунги кунда ҳам Қўшма Штатлар ҳукумати индеецларнинг энг яхши манфаатларига ҳар доим ҳам эътибор бермаётганини маълум эди. "Аммо биргина Ўша борки, У сиз билан доим ҳалол муносабатда бўлади, — деди Билли, — ва бу Раббий Исо Масиҳ".

Ваъзини томомлаб, Билли кимга шифоланиш учун ибодат қилиш керак бўлса, унинг ўнг томонидан навбатга турсинлар, деди. Индеецлардан ҳеч ким турмади. Бундан ташвишланган Билли таржимон қиздан нима нотўғри бўлганини сўради. У ҳеч нарса билмасди, лекин у, эҳтимол, улар унга ишонмаётгандир, деди.

Миссионерлик ташкилотига қайтиб, миссионер ўзи билан улар учун ибодат қилишлари учун олдинга чиқишга рози бўлган айрим ёрдамчиларни олиб келди. Биринчи бўлиб орқасидаги халтасида боласи билан индеец аёл келди. Аёл умуман инглиз тилида гаплашолмас эди. Билли чап қўлига унинг ўнг қўлини олиши билан, у ёвуз руҳнинг тебранишларини ҳис қилди. Бу ҳис этиш нимаси биландир электр шокига ўхшаб, унинг қўли бўйлаб юрагига югурди. Қўлининг орқа томони шишди, қизарди ва оппоқ холчалар унинг тери бўйлаб ҳаракат қила бошлади. Билли микрофонга деди:

— Леди, сизда таносил касаллиги.

Аёл унга ҳайрон бўлиб қаради ва унинг юзида: "Сиз буни қандай билдингиз?" — деган саволни ўқиса бўлар эди. Кейин аёл унинг фикри тўғрилигини маъқуллади.

Аёлнинг қўлини ҳалиям ушлаб турган Билли, йиғилганларга шифолаш инъоми тўғрисида, қўлидаги аломат ҳар қандай вирус касаллиги тебранишларини пайқашини айтиб, тушунтириб берди. Кейин бош эгиб ва кўзини юмиб, Билли Исо Масиҳдан бу аёлни дарддан халос этишни сўради. Кўзини очганда, чап қўли нормал кўринар эди. Олдинги қаторда ўтирганлар бу нарсани кўролгандилар. Аёл шифоланди. Ҳайрон қолган ишонмовчи скептиклар орасида ғулдур-ғулдур тарқалди.

Шундан кейин онаси қизчасини олиб келди. Билли қизчанинг қўлини олди, кейин таржимонга қайрилди-да, деди:

— Мен билмайман, унга нима бўлганини. Бу вирусли касаллик эмас, чунки ҳаёт генидан бошқа бегона микроорганизм борлигидан бўладиган реакцияни сезмаяпман.

Онаси инглиз тилида гапиролмаганлиги туфайли, апачилар таржимони унинг қизини нима безовта қилишини сўрашга мажбур бўлди. Кейин таржимон Биллига тушунтирди:

— У кар... гунг. Кўп йил бурун иситма уни шундай қилди.

Билли қизчани қўлига олди ва ибодат қила бошлади: "Раббий Исо, илтимос, бу одамлар тушуниши учун бир нима қил". Ибодатни тугатганида, қизча шифоланганини билар эди. У қизчани гапиришга ундади. Қизча бир неча тушунарсиз сўзларни ғўлдиради. Билли кечирим сўраб, деди:

— О-о, у тез орада яхшироқ гапиради.

Таржимон жилмайганча, деди:

— У ҳозир ҳам жуда яхши гапиряпти.

Кейин бошқа бир она олдинга кичикроқ ўғлини олиб чиқди. Билли унинг қўлчасидан ушлади, лекин ҳеч қандай титроқни сезмади. Қачонки у болани нима безовта қилишини сўраганида, онаси боланинг сочларидан ушлади-да, унинг бошини орқага ташлади, унинг кўзи ғилайлигини кўрсатди. Ҳар сафар Билли болаларнинг ғилай кўзларини кўрганида, орқамия минингитидан ўлаётган қизи Шарон Роузни ва унинг оғриқдан ғилай бўлган кўзчаларини эслар эди. Билли ўша ердагилардан бош эгишларини сўради. Кейин бу болачани бошини ўзининг елкасига қўйиб ва одамлардан тескари томонга қаратиб, қўлига кўтариб олди.Худодан бу болани кўзи ғилайлигидан озод қилишини чин юрагидан сўради. Муқаддас Руҳ болани шифолаганини ҳис этиб, Билли индеецлардан бошларини кўтаришларини сўради. Боланинг аҳволини ҳаммадан олдин ўзи умуман текширмай, у боланинг юзини аудиторияга қаратди. Апачилар таҳсин маъносида ғўлдирай бошлашди. Боланинг кўзчалари мутлақо тўғрилаиб, тўппа-тўғри қараб турар эди. Билли таржимон орқали болакай кўзларини айлантириб, шифоланганини намойиш қилишини сўради. Бу ҳамма учун ишонарли бўлди. Юзлаб

апачилар олдинга отилиб ва Биллининг ўнг томонидан ибодат навбатига тура бошлаганларида, чанг осмонга кўтарилди.

Билли апачиларнинг оддий имонига ҳайрон қолди. Бу индеецлар ораларида ғайритабиий нарсани кўрганларида, бунга улар ўз юракларини очдилар ва муборак меваларни йиғдилар. Букри кампир супургидан қилинган хассасига суяниб, оқсоқланиб олдинга келди. Унинг сочлари чармдан кесилган тасмачалар билан безатилган, а жигарранг юзи кўп йиллар офтоб ва шамолда юрганидан ажин босиб кетган эди. У Биллига қараган замон, кўз ёшлари юзидаги қат-қат буришган жойларидан оқа бошлади. Били унинг имони, севгиси ва ҳурматини чуқур ҳис этди. Билли ҳали у учун ибодатни бошламаёқ, у шундай ростланди ва унга хассаларини тутқазди. Кейин у платформадан ҳеч кимнинг ёрдамисиз тушиб кетди.

Бутун оқшом ва кечаси давомида Билли апачиларнинг узун навбати учун ибодат қилди. **(№3 Сурат)** Тонгга яқин ибодат навбатида бўлган кўплаб индеецларнинг белигача ҳўл эканлигини билиб қолди. У бу ҳақида таржимондан сўради, у эса тушунтирди:

— Аввалига улар сизни алдамчи деб ўйлагандилар. Қачонки улар боланинг кўзлари тўғриланганини *кўради*, кўплари километрлаб *юради*... дарёдан кечиб *ўтади*... ўз қариндошларини *олиб келади*... ибодат учун орқага *олиб қайтади*.

Иккита индеец белигача ҳўл бўлган, ёғочдан қўпол йўниб ясалган замбилда қари бобойни олдинга олиб келдилар. Кечаси совуқ эди. Икки индеецнинг биридан Билли сўради:

— Наҳот сен шамоллаб қолишдан қўрқмасанг?

Эркак жавоб берди:

— Исо Масиҳ мен учун ғамхўр. Мен бу ерга отамни олиб келдим. Исо уни шифолашига мен ишонаман.

Қариянинг бошига Билли қўл қўйиб, ибодатни бошлади: “Раббий Исо сени шифоласин ва соғайтирсин”. Икки ёш одам қарияни олиб платформадан тушуришди. Яна бир неча киши учун ибодат қилиб, Билли кимнингдир қичқирганини эшитиб қолди. Бу қувониш хитоби қаердан келаётганини излаб, қарай бошлаган эди, у ўша қарияни оёғида туриб қичқираётганини ва ўзининг тахта замбилини ҳавода айлантираётганини кўриб қолди.

Кейинги эрталаб апачилар доҳийси Биллидан, у овни яхши кўрадимикан, деб сўради. Билли индеецларнинг ўз резервацияларида тахтачалар осиб қўйишларини ва индеец бўлмаган одамларга апачилар территориясида ов қилишни таъқиқлашларини билар эди, шу учун бу таклифни у ўзи учун катта ҳурмат деб ҳисоблади.

— Ҳа, мен ов қилишни яхши кўраман, — у жавоб берди.

Паст бўйли отларни эгарлаб, улар водий бўйлаб юқорилаб кетдилар. Ов жуда яхши бўлди. Ёввойи куркалар ҳар қадамда учар эди — борсангда, уни қўлинг билан ушласанг ҳам бўлар эди, бироқ Билли қуролдан фойдаланишни афзал кўрди.

37 БОБ
ФАРИШТАНИНГ ТАЪНАСИ
1947

1947 ЙИЛ МАЙИДА Уилльям Бранхам ҳали ҳеч қачон кўришига тўғри келмаган, энг мисли кўрилмаган мўъжизанинг гувоҳи бўлди. У иллинойс штати, Вандалия шаҳрида бир ҳафталик чодирли йиғилиш ўтказди. Одамлар одатдагидек чодирни тўлдириб юборди ва автотураргоҳга ҳам ўтиб кетди. Финикс шаҳрида ўткан ойда испан тилида сўзлашувчи аҳоли билан бўлган йиғилишлардан кейин ҳар бир шаҳарда қайтарадиган ўша чақириғини, Билли бугун биринчи оқшомда ҳам ўртага ташлади.

— Менга, топиш қўлингиздан келадиган энг оғир касал одамни олиб келинг, менга шу одам учун ибодат қилишимга етарлича вақт беринг ва мен кафил бўламанки, у платформадан кетишидан аввал Исо Масиҳ уни шифолайди, — деди у.

Олдинга ўн олти ёшли боласини қўлидан ушлаб, аёл келди. У олдинга эгилди ва Биллининг қулоғига пичирлади. Микрофонга қараб, у деди:

— Опа деяптики, унинг ўғли кўр туғилган.

Аудиторияда безовта овозларнинг шовқини кўтарилди, гўёки одамлар: “Биз Худодан ҳаддан кўп нарсани сўрамаяпмизмикан?” — деб келишиб олгандек, ҳайрон бўлган эдилар. Бироқ Билли буни Худо амалга оширишига ишонар эди. Ўтган йили у шунчалик кўп мўжизаларни кўрган, шундан билар эдики, имонлилар учун Худо ҳақиқатан ҳам ҳамма нарсани қилади. Кўзи ожиз боланинг елкасига қўл қўйганча, у Исо Исми ҳақи мўъжиза сўраб, ибодат қилаверди.

Ўн минут ярим соатга ўтди... кейин бир соат ўтди... кейин бир ярим соат... натижа кўринмас эди. Чодирнинг брезент томини ёмғир ширилдатар эди. Қараб турганлар безовталана бошлади. Шак-шубҳасиз, бу хушхабарчи бундай аниқ бўлиши мумкин эмас нарса учун қанчалик узоқ ибодат қила олиши мумкин, деб кўплар ажабланар эдилар. Ахир бола, кўзи ожиз *туғилган* бўлса. Бироқ Биллининг имони умуман тебранмади; ўзининг одиий ибодатини, хотирасида Фариштанинг: “Агар сен чин юракдан сўрасанг ва одамларда ўзингга ишонч уйғотолсанг, — сенинг ибодатинг олдида ҳеч нарса, ҳатто рак ҳам туролмайди”, — деган сўзларини сақлаб, сусайтирмади.

Биллининг бир соат ва қирқ беш дақиқа чўзилган ибодатидан кейин бола чўчиб туша бошлади. Кейин бошини чап томонга ва ўнг томонга кескин буриб, у қичқириб юборди, Биллининг қўлидан чиқди ва онасининг қўлтиғига қайтди. У ўзини ушлаёлмай, ҳаяжондан қичқирар, қўлларини ҳар томонга силкир ва энг аввало, лампаларни, кейин атрофдаги ҳар хил предметларни кўрсатар экан, уни онаси қаттиқ ушлаб турар эди. У кўра олар эди!

Аудитория Исо Масиҳнинг шифоловчи кучига ишонч билан тўлиб тошди. Бир неча дақиқа ичида юзлаб мўъжизалар бўлиб ўтди: мажруҳлар ногиронлар коляскасидан турдилар, ҳассаларини отиб юбордилар ёки замбиллардан кўтарилдилар. Ҳамма нарса мумкин бўлиб кўринди.

Йиғилишдан кейин ёрдамчилар ҳамма қолдириб кетилган ногиронлар коляскалари ва ҳассаларни йиғдилар ва бир тўда қилдилар. Кафедра ортида турган Билли бу процессни қувонч ва қониқиш билан кузатиб турарди. Худди шу пайт қатор ораларидаги ёғоч қипиғи сепилган йўлакдан Биллига қараб аёл, бола билан келаверишди. Бу ўша, кўзи ожиз туғилган бола эди. Ҳозир у онасини зиналардан юрғизиб, платформага олиб келди.

Боланинг кўзлари ҳаяжонланганидан нам эди.

— Мен онамга мени кўзларимни очган одамни кўришни хохлайман, дедим.

— Умид қиламанки, сен Уни бир куни кўрасан, чунки сени кўзларингни Раббий Исо Масиҳ очди, — деди Билли жилмайиб.

Бола Биллининг галстугидан ушлади ва уни кўкрагидан тортди.

— А мана бу ердаги нарсани сизлар йўл-йўл материал дейсизларми?

Боланинг онаси унинг орқасида турганича, қувонганидан кўзлари ёшга тўлди.

Билли меҳмонхонага қайтганида, аллақачон соат кечаси икки бўлган эди. У меҳмонхона номерида ўғли Билли Поль ва укаси Донни ака билан бирга эди. **(Сурат №4)** Йигирма яшар Донни Бранхам, Биллининг энг кичик укаси, йиғилишлар вақтида у билан бирга юрар ва ҳар бир йиғилиш олдидан ибодат карточкаларини тарқатиб ва ибодат навбатида турган одамларни бошқариб, йўналтириб, унга кўмаклашар эди. Ўн бир ёшли Билли Поль улар билан ўзини хурсанд қилиш учун келган эди. Унинг ўқув йили қарийб тугаганлиги туфайли, Билли ўғлига бутун ёз давомида унинг изидан юришига қўйиб беришни ният қилган эди.

Вандалиядаги меҳмонхона номерида иккита икки кишилик кроват бор эди. Донни ва Билли Поль уларнинг бирида аллақачон ухлаб ётгандилар. Билли пижамасини кийиб, бошқа кроватга ётди ва тезда ўзи ҳам ухлаб қолди.

Кечаси нимадир уни уйғотди.

“Наҳотки тонг отди? — қоронғи хонага нур шуъласи кучаётганига қараб туриб, у таажжубланди. — Мен ҳозиргина ухлаганга ўхшайман. Эй, тўхтаб турда. Ахир дераза хонанинг бошқа томонида-ку. Бу ерда девор-ку”.

Шуъла кучаяверди. Энди у кўпроқ четлари хира нурланаётган булутчага ўхшаб кетар эди. Билли бу руҳлигини билар, лекин у ҳозирча бу қандай руҳлигини аниқлай олмади. Қачонки у касаллар учун ибодат қилганида, шунчалик кўплаб ёвуз руҳлар қувилар ва ўз “хўжайинларини” тарк этар эдики, шу руҳларнинг айримлари йиғилиш тугаганидан кейин унинг орқасидан меҳмонхонагача келиши мумкин эди. Кейин бир неча соат давомида Билли хонада уларнинг таъсирини сезар ва айрим пайт уларнинг қўнғироқчалар жарангига ўхшаш товушларини эшитар эди.

Адёлни олиб ташлаб, Билли кроват ёнида тиз чўкди, кўзини юмди ва ибодат қила бошлади. Юраги ғайритабиийликнинг борлигидан қўрққанидан қаттиқ урар эди. У бу руҳнинг босими яқинлашаётганини ҳис этди. Қачонки нурнинг тожчаси кроват оёғига тушганида, Билли бу Раббий Фариштаси эканлигини тушунди. Уни бунга имони комил эди, бир йил олдин ғорда бўлганида, қачонки Фаришта у билан учрашганида ва унга унинг топшириғини айтиб берганида ҳам худди шундай нарсани ҳис қилган эди. Бу ҳиссиёт ибодат навбатларида у курашган ёвуз руҳлардан фарқ қилар эди. У руҳлардан ёвузлик ва таҳдид ҳислари тарқалар, бу Руҳ бўлса, муқаддаслик ва иззат-ҳурматни ифодалайдиган қўрқувни уйғотар эди.

Билли деди: “Самовий Ота, Сен менга Ўзинг юборган Фариштанг орқали нимани айтишни хохлайсан? Сенинг хизматкоринг эшитади”.

Жавоб дарҳол келавермади. Билли кутишда давом этди. Беш дақиқалардан кейин у Фариштанинг айнан унинг олдида, кроват устида муаллақ туриб, унга яқинлашаётганини сезди. Кейин Билли Фариштанинг, у билан унинг ҳаётида гаплашган ҳар қандай одамнинг гапидан ҳам аниқроқ, паст ва жарангдор овозини эшитди:

— Сенинг топширигинг касаллар учун ибодат қилиш эди. Бу шифолаш неъматини сен мўъжиза бўлишига кўпроқ йўналтираяпсан. Агар сен шундай қилишда давом этаверсанг, шундай бўладики, одамлар сенда мўъжизалар кўрмагунларича ишонмайдилар.

Бу сўзлар жуда қаттиқ айтилмаган эди, бироқ улар Биллининг юрагига пичоқдай санчилди. У ўтган ой мобайнида йиғилишларида одамларга қилган хитоблари ҳақида фикрлай бошлади: “Менинг олдимга топиб билган энг оғир касал одамни олиб келинг ва мен кафил бўламанки, Исо Масиҳ уни шифолайди...” Билли одамларга бунақа хитоблар қилиб, Раббийни норози қилаётганини билмас эди. Ахир у фақат уларнинг олдида Исо Масиҳнинг кучини улуғлашни хохлар эди. Бироқ яхши ниятлар, бунақа ҳаракатлар тўғрилигини англатмас эди.

— Худойим, буни ҳеч қачон бошқа қилмаслигимга ёрдам бер, — камтарлик билан деди Билли.

У Фариштанинг узоқлашаётганини сезди. Кўзини очиб, Билли нурли тожча хона ўртасида, кроват билан бурчакдаги кичикроқ водопровод раковинаси орасида тўхтаганини кўрди. У ҳавода муаллақ турар, айланар, пульсланиб ва камалакнинг барча рангларида товланарди. Билли бир неча муддат, худди унинг гуноҳи кечирилгандай енгил тортиб, уни кузатиб турди. Кейин дабдурустдан у деди:

— Агар менинг ўғилчам сени кўрса, Раббий қарши бўлмасмикан?

Бу илтимос бемақсад эмас эди. Билли Қўшма Штатлар бўйлаб сафар уюштиришни бошлаганидан бери, Билли Полни отасидан айрилиб қолиши мумкин, деган фикр қийнай бошлади. У ҳайрлашаётган вақтида тез-тез:

— Дада, мени қолдириб кетма. Онам энди йўқ, ва энди сендан бошқа менинг кимим қолади? Сен кетасан ва ҳеч қачон бошқа қайтмайсан, деб шундай қўрқаман, — деб ялинар эди.

Албатта, Билли уни юпатишга ҳаракат қилар эди. Шунга қарамай, бу нарса Биллини сафарлар тўғрисидаги қарорини ўзгартиришга ундар эди. Кейин у Исонинг айтганларини ўйлаб қоларди: *“Кимки ҳамма нарсасини қолдирмайди ва Менинг ортимдан юрмайди, у Менинг шогирдим бўлолмайди”*[122] — ва шунда у ҳеч нарсага қарамай кетар эди. Шунга қарамай, ўғлини шундай руҳий азобда қолдириш осон эмас эди. Энди бўлса — Билли Иллинойс штати, Вандалиядаги кровати ёнида тиз чўкиб турар экан, а бу ғайритабиий нур ҳавода тураркан, шу вақт Билли Поль қўшни кроватда ухлар эди, — Биллига шундай фикр келди, агар ўғли Раббий Фариштасини бир мартагина кўрса эди, эҳтимол, дадаси учун ҳар неча вақт уни қолдириши ва Раббий учун меҳнат қилиши қанчалар муҳимлигини у, англаб етган бўлар эди.

[122] Матто 10:37; Луқо 14:26-27

Гарчи Фариштa Биллига унинг саволига бевосита жавоб бермаган бўлса-да, у ҳали ҳам хонани тарк этмаган эди. Билли буни розилик аломати деб қабул қилди. Хонадан юришни истамай, у Билли Полни баланд шивирлаш билан уйғотмоқчи бўлди:

— Билли. Эй!... Билли!

Бола қим этмади, шу учун Билли укасини уйғотмоқчи бўлди.

— Донни. Донни!

Жавобдан дарак йўқ. Билли ёстиғини олди ва уни қўшни кроватга ташлади. У Доннини бошидан тушди, шунда у ён бошига оғанай бошлади ва юзидан ёстиқни суриб ташлади.

— Донни! — Билли яна шивирлади.

У қайрилди-да ва минғирлади:

— Ҳа-а, сенга нима керак?

— Донни, менга Биллини уйғотиб бер.

Бироз ғимирлаб, Донни Билли полни силкитиш учун ўрнига ўтириб олди.

— Билли, уйғонгин. Даданг сен билан гаплашмоқчи.

Билли Поли орқасига оғдарилди ва кўзларини салгина очди.

— Нима дейсан, дадажон?

Донни яна ўрнига ётди ва кейин ҳавода ловуллаётган бу ғайритабиий шарни кўриб қолди. У қўрққанидан қичқириб юборди ва Фариштани кўрмаслик учун кроватнинг бошқа томонига ағдарилди. Бундан Билли Поль бутунлай уйғониб кетди. Бола бу нурни кўрган пайт, у ҳам чинқириб юборди.

— Дадажон, унга мени ушлагани қўйма! Унга мени ушлагани қўйма! — дея қичқирганча, ўрнидан ўрмалаб келиб, ўзини дадаси қучоғига отди.

Билли қалтираётган ўғлини бағрига босди ва уни тинчлантира бошлади:

— Менинг ширInИм, бу сенга зиён қилмайди. Бу дадангни олиб юрган Раббий Фариштаси. У ҳозиргина мен била гаплашиб бўлди ва қачонки сени ташлаб, Раббий меҳнати учун кетган вақтимда, сен мен учун ташвишланмаслигинг учун, мен уни сен ҳам кўрсанг бўладими, деб сўрадим.

Билли Поль яна ўша ғайритабиий нурга қаради. Бу сафар кўкрагида қўлларини қовуштириб, полда турган оқ кийимли кишини кўрди. Унинг жиддий нигоҳи Билли Поль томонга қараб турарди. Бирдан бу одам оқ булутчада кўринмай қолди ва ёруғлик тезлигида хонадан учиб кетди. Қизиғи шунда эдики, гўёки хонада, Фариштa турган жойда камалак нурлари муаллақ осилиб турар эди.

Кейинги эрталаб Билли меҳмонхона номери деразаси олдида туриб, ёнларидан ўтиб кетаётган полиция машиналарини кузатди. Улар ногиронлар аравачалари, ҳассалар, замбиллар ва оёқ скобалари ва қисқичлари билан тўлдирилган ҳайвонлар ташийдиган юк машиналар маросимини бошқариб борар эди. Бу ҳаммаси олдинги кечқурун шифолаш хизматининг “қолдиқлари” эди. Юк машиналари ортидан, бу нарсаларни ташлаган одамлар колоннаси борар эди. Улар Биллининг лейтмотив[123] қўшиғини куйлар эдилар:

[123] Лейтмотив: 1. Мусиқа асарида бошдан-охир такрорланадиган асосий куй; 2. Бирор асарда такрорланадиган асосий фикр, ғоя; 3. Бирор нарса орқали қизил ип билан ўтадига асосий ғоя. *Докладнинг лейтмотив чиқишлари.* (Тарж.)

Ишон, фақат ишон,
Ишон, фақат ишон,
Худога ҳамма нарса мумкин,
Ишон, фақат ишон.

Билли бу ҳамма одамларнинг имони ўтган оқшом туғма кўр боланинг кўзи очилганидаги битта мўъжиза билан қанчалик кўтарилганини фикрлаб, қувонганидан йиғлади.ҳақиқатан ҳам, битта одам учун бир соат-у, қирқ беш дақиқа давомида ибодат қилиш, юзлаб одамлар улар учун ибодат қилишларини кутиб турган бир пайтда, анчайин узоқ вақт эди. Аммо бу маросим, наҳотки бу ҳаракатлар беҳуда бўлмаганини намойиш қилмади?

Ўтган оқшом Билли Фариштанинг насиҳатини тушундим, деб ўйлаган эди. Бу эрталаб бўлса, у буни ҳақиқатан ҳам тушунганига ҳам унчалик ишонмади.

38 БОБ
МЎЪЖИЗАКОР НАВБАТ
1947

ҲАР БИР КАМПАНИЯ ВАҚТИДА, Уиллям Бранхам сон-саноқсиз оломонни ва кишини ўзига жалб қиладиган натижаларни кўрди. 1947 йил июнида Арканзас штати, Жонсборода яна икки ҳафтани ўтказди. Бу сафар ҳам ўтган йилдагидек бутун Жанубдан шаҳарга минглаб кишилар келди. Бу сафар Билли қувватини асрашга ҳаракат қилди. Кундузи ҳам кечаси ҳам касаллар учун ибодат қилиш ўрнига, ўтган йил қилганидек, бу йиғилишларни кечаси бир ёки иккида тўхтатди. Шунга қарамай, чарчоқ уни қийнашда давом этаверди. Ҳар кечқурунги ёвуз руҳлар билан жанглар туфайли жисмоний ҳоришдан ташқари, Билли кўпинча кундузлари ҳам, умуман дам ололмас эди. Ё асаб чарчашидан у ухлай ололмас, ёки унинг аралашуви, эътиборини қатъий талаб қилувчи шароит бўлиб қолар эди.

Бир куни Билли хизматлари ташкилотчиси бўлган пастор Янг Браун унинг эшигини тақиллатиб қолди ва:

— Бранхам ака, мен сени уйғотишни жуда ҳам хохламасдим, лекин бу фавқулодда муҳим воқеа. Сен билан гаплашишим зарур, — деди.

— Киравер, Браун ака.

— Бугун мен телефонда Арканзасдаги Эльдорадолик бир отахон билан гаплашдим. Унинг қизи афтидан рак сабабли ўлим ёқасида ва сен унинг қизи учун ибодат қилишга бороласанми – йўқми, отаси шуни билмоқчи эди.

— Эльдорадо бу ердан анчагина узоқда, шундай эмасми?

— Ҳа, 370 километрга яқин. Менда шу яқинда “Cessna” самолёти турибди ва мен сени учишни хохласанг, у ёққа этишим мумкин.

У ёққа учишини Муқаддас Руҳ истаётганини ҳис қилгач, Билли деди:

— Яхши... Мен ярим соатдан кейин тайёр бўламан.

Қачонки ўша хусусий самолёт Эльдорадога қўнганида, аэродромда Биллини кутиб олиш учун ва уни Майриклар оиласи уйига этиш учун, врач кутиб турар эди. Йўл бўйи врач Биллини айрим тафсилотлардан хабардор қилди.

— Лэдди Майрик 28 ёшда. Бранхам ака, бу бечора аёлни жуда қийналишига тўғри келяпти. Болалигида у полиомиелитдан майиб бўлган эди, а ҳозир бўлса, уни рак кемиряпти. Икки ҳафта бурун мен унинг ён биқинини очдим ва уч килограммлик ўсмани кесдим. Энди у яна ўсди. Менинг фахмим бўйича унинг учун ҳеч қандай умид қолмаяпти.

Ўн беш киши — Лэди Майрикнинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, холаси, тоғаси ва амакиваччаси, холаваччалари — Биллини кутиб, ҳовлида туришар эдилар. Салом-аликдан ва қўл сиқишлардан кейин ҳамма ошхонага тўпланди.

— Лэди биладими, нимадан қийналаётганини, — Билли улардан сўради.

— Йўқ, — отаси жавоб берди. — Биз унга бу ҳақида ҳеч нарса айтмадик. Шуниси яхшироқ деб ўйладик бизлар. Унга ҳеч нарса деманг, Бранхам ака.

— Буни мен ваъда беролмайман, — деди Билли. Бу аҳволда Лэддининг отасини ўзини тутолмаётганини у кўрди. — Хўп, йиғламанг. Бу фақат сизнинг имонингизга путур етказади. Сиз маҳкам туришингиз ва Раббий Исо қизингизни шифолай олишига ишонишингиз лозим. Сиз Масиҳчимисиз?

— Йўқ, Бранхам ака. Лэдди – орамизда ягона Масиҳчи. Мен ўйлайман, бизларнинг хулқимиз жуда паст. Эҳтимол, айнан шу учун Худо уни бизлардан айириб оляпти.

Билли бунақа имкониятни ҳеч ҳам бой беролмас эди.

— Агар Худо бу ёшгина аёлга яна яшашига қўйганида, сизлар ҳар бирингиз менга ваъда бероласизми, гуноҳларингизда тавба қилиб, юрагингизни Исо Масиҳга берашни ва Масиҳчи ҳаёти билан яшашни?

Улар бир овоздан ваъда беришди. Билли ётоқхонага бир ўзи кирди. Лэдди шунчалик рангпар ва шишган кўринар, ва кўринишидан чиндан ҳам унинг бир неча кунлик умри қолган эди. Билли унга ўзини таништирди.

— Бранхам ака, менинг тушунишимча, сиз одамларга нима уларда нотўғрилигини айтиб бероласиз, — деди Лэдди.

— Ҳа, хоним. Худонинг раҳм-шавқати ва ёрдами билан мен айтоламан.

— Бранхам ака, илтимос, менга айтинг, менга нима бўлган? Улар менга айтишни хохламайдилар.

— Ҳа, хоним, — деди Билли ва чап қўли билан унинг ўнг қўлини олди, бунда у ракнинг кучли ва ўлим келтирувчи титрашини сезди. — Бу рак, лекин сизнинг врачингиз менга бу ҳақида айтиб берганди. Унинг айтгани бўйича, сиз икки ёки уч кундан кейин қазо қиласиз. Сиз бунга тайёрмисиз?

Унинг шишиқ лаблари чиройли, хотиржам жилмайди.

— Бранхам ака, мен тайёрман. Мен Масиҳчиман ва менинг жоним билан Қутқарувчи орасида ҳеч нарса турган эмас. Аммо мен қариндошларимни қутқарилишини хохлайман. Мен уларни Масиҳга келтиришга ҳаракат қилдим, аммо буни уддалаёлмадим.

Билли унинг қўлини орқа томонига шапиллатди ва деди:

— Мумкин, бу ўша сиз шунчалик кутган имкониятдир. Улар ҳаммаси сизни шундай қаттиқ яхши кўришади. Улардан ҳар бири – агар сиз соғайиб кетсангиз, Худога хизмат қиламан, деб ваъда бердилар.

Кроват олдида тиз чўкиб, Лэддининг шишган қўлидан ҳалиям ушлаганича, Билли ибодат қила бошлади. Бир неча дақиқадан кейин ракнинг тебранишлари тўхтади.

Лэдди сесканиб кетди ва:

— Бранхам ака, мен ҳозиргина танамдан қандайдир салқин нарса ўтганини сездим. Билмайман, нима бўлди, лекин мен ўзимни бошқача сезяпман. Мен яна соғлом бўлишимни биламан, — деди.

— Ҳа, Лэдди опа, — Билли унинг фикрига қўшилди. — Раббий Исо ўша ракнинг ҳаётини ўлдирди.

ЛЭДДИ МАЙРИКНИНГ АҲВОЛИ аста-секин яхшиланаверди. Унинг оиласи буни мўъжиза деб атади; унинг дўстлари, қўшнилари ва врачи ҳам шу фикрда эдилар. Уилльям Бранхам буни шифоланиш дейишни афзал кўрди. Унинг фикрича мўъжиза шифоланишдан фарқ қилади, гарчи уларнинг иккиси ҳам Худога боғлиқ бўлсалар ҳам. Шифоланган пайтда инсон соғлигини тиклаш учун Худо табиат қонунларига таъсир қилар эди, шу учун шифоланиш физиология ва биохимиянинг табиий қонунларига мос ҳолда аста-секин бўлиб ўтар эди. Мўъжиза бўлса, бошқа томондан, ҳамма табиат қонунларига зид равишда, бир лаҳзада рўй берар эди.

Масалан, қачонки Жонсбородаги ибодат навбатидан жаноби Шеферд ён томон бўйнида катта рак ўсмаси билан ўтганида, Билли у ёвуз руҳни Исо Исми ҳақи лаънатлади ва ўсма шу лаҳзада оқарди, унинг бўйнидан узилиб, платформага тушиб кетди ва Биллининг оёқлари орасидан думалаб ўтди. Мистер Шеферд эгилиб, уни ердан олди ва платформадан қувониб тушиб кетди. Бир неча кун ўтиб, банкада спиртланган ўша рак ўсмасини ушлаганча ва олдин рак бўлган жойидаги, бўйнидаги чуқурни кўрсатиб, Исо Масиҳнинг шифоловчи кучи ҳақида гувоҳлик бериш учун олдинга чиқди. Бу, шубҳасиз, мўъжиза эди — илмий жиҳатдан амалга ошмайдиган нарса ва шунга қарамай, бўлгани аниқ ва равшан. Лэдди Майрикнинг шифоланганига келсак, у қанчалик ғайритабиий бўлиб туюлмасин, Билли буни “шифоланиш” деб атади, чунки унинг бутунлай соғайиб кетишигача бир неча ҳафта керак бўлди.

Шифоланиш натижалари кўпинча мўъжиза натижаларига мос келганлигидан, Билли уларни бир хил нарса деб ҳисобларди. Бироқ у билан ҳамкорлик қилаётганларнинг ҳаммаси ҳам бундай фикрни билдирмадилар. Биллининг Канададаги август кампаниясини ташкил қилган жаноб Кидсон, агар ҳар бир шифоланиш хизматининг бошида бир неча мўъжиза юз берса, бинодагиларнинг ҳаммасини имонини кўтаради, деб ҳисоблар эди. Шу сабабли ибодат навбатларини ўтказаётган вақтда, — биринчидан, Саскачеван провинциясидаги Саскатунда; ундан кейин Альберта провинцияси Эдмонтонда ва ниҳоят, Калгарида, — мистер Кидсон ҳар бир ибодат навбатида энг оғир касалланган икки ёки уч кишини топиш учун айланиб чиқар эди. Кейин бу касалларни навбатнинг олдинги қисмига олиб ўтар эди. Айрим пайт бу кар ёки кўр одам бўлар эди; кўзи айқаш бўлган ёки жуда ҳам мажруҳ бўлган, — ихтиёрий одам бўлар эдики, уларнинг шифоланишини аудиторияда бўлганлар аниқ кўра олар ва мўъжиза деб ҳисоблар эдилар.

Альберта провинцияси Калгарида Уилльям Бранхамнинг кампанияси бошида жаноб Кидсон, агар ибодат навбати фақат мажруҳлардан иборат бўлса, нима бўлишини билмоқчи бўлди. У бу ҳақида жума кечқурун “мўъжизакор навбат” бўлади, деб эълон қилди. “Мажруҳ” деб, Кидсон ҳар қандай ташқи жисмоний ишга яроқсиз одамни ҳисоблади.

Билли режалаштирилган “мўъжизакор навбат” ҳақида эшитиб, ташвишга тушди. Яна унинг хотирасига Фариштанинг насиҳати келди: *“Бу шифоланиш инъомини сен ҳаддан зиёд*

мўъжизакорликка йўналтираяпсан”. Билли Худога, бошқа энди одамларни топиши мумкин бўлган энг оғир касалларни олиб келишга чақирмайман, деб ваъда берди. Очиғини айтганда, ўз ваъдасида турди ва бошқа бунақа хитоб қилмади. Шунга қарамай, Кидсон ака энг оғир касалларни навбатнинг олдинги қисмига этганлигидан у хабардор эди ва Билли бунга қаршилик қилмади. “Эътибор бериш” деб, Фаришта аниқроғи нимани кўзда тутди? Энди нима қилишини билмай, Билли мана нима ҳақида ўйлаб қолди: болалиги ва ўспиринлигида ундан ҳамма юз ўгирган эди. Энди бутун мамлакат бўйлаб унинг тарафдорлари ва дўстлари бор эди ва Кидсон ака ҳам улардан бири эди. Агар Кидсон акада унга ишончи бор экан, унда ўзига ҳам шу ишончни қайтариши керак эмасмикин? Билли бу “мўъжизакор навбат”ни амалга оширишни қарор қилди ва бу ҳаммаси нима билан тугашини аниқламоқчи бўлди.

Альберта провинцияси, Калгаридаги ўша жума кечқурунги хизматга *“ҳар қандай касални ва одамларнинг ҳар қандай дардини шифолаб”*, Галилеяда юрган Исо давридан бери бўлган энг қойил қоладиган йиғилиш бўлиши тақдир қилган эди[124]. Ўша “мўъжизакор навбатга” олти юздан ортиқ одам турди. Кар болагиналар ўз ота-оналарини эшита бошладилар, ғилай кўзлар тўғриланди а ожиз кўзлар нурни кўрдилар; чўлоғ-у – оқсоқлар ҳасса ва таёқларини отиб юбориб, яна юра бошладилар; замбилларда келган одамлар ўзларининг замбилларини олиб чиқишда ёрдамлашдилар. Ўша ибодат навбатига турган ҳар бир одам ўзининг мўъжизасини олди. Бу ҳайрон қолдирадиган манзаранинг гувоҳи бўлиб туриб, аудиторияда ким ҳам Исо Масиҳ тириклигига шубҳа қила олади?

[124] Матто 4:23

“Оғир ҳолатлардан” бири украиналик Барданюк фамилияли ёш эркакда бўлган эди, унда туғилгандан бери битта оёғи иккинчисидан саккиз сантметрга қичқа эди. Бу нуқсонни билдирмаслик учун у пошнаси саккиз сантиметрли махсус ботинка кийиб юрар эди. Унинг имони шу қадар кучли эдики, у ибодат қилишлари учун платформага кўтарилаётганида, ўзи билан янги бир жуфт туфли олиб келганди. У янги туфлиларнинг ипларини бир-бирига боғлаб ва бўйнига осиб олган эди. Билли ибодат қилганидан кейин у эски ботинкасини платформада қолдириб, янгисини кийиб кетди.

Бошқа бир сафар ибодат навбатига 33 ёшли одам келди, қуриган қўллари ва оёқлари уни умрининг кўп қисмида ногиронлар аравачасига ётқизиб қўйган эди. Унинг онаси уни Биллининг Канададаги ҳамма мажлисларига — олдин Саскатунда, а кейин эса Эдмонтонда, — ўғлини ибодат навбатига киритишга уринди, лекин ҳаммаси бекор кетди. Калгарида унинг пуллари тугади ва у уйга ҳеч вақосиз қайтишига тўғри келади, деб ўйлади. Қачонки у она жаноби Кидсоннинг жума кечқурун фақат ногирон ва мажруҳлардан иборат “мўъжизакор навбат” бўлиши ҳақида эълонини эшитганида, у ерда бир ҳафта бўлишга етгулик пул олиш учун ўзининг никоҳ узугини гаровга берди.

Ҳозир эса жума кечқурунги хизмат вақти, ушбу ёшгина одам ибодат қилишлари учун ўз навбатини кутиб турар эди. Унинг олдида биргина инсон — умуртқа поғонаси қийшайганидан қийналаётган тўққиз яшар қизча турган эди. Донни Бранхам унга платформа зиналаридан кўтарилишга ёрдам берди.

Билли чап қўлини қизнинг белига қўйди ва Раббий Исодан унга раҳм қилишини сўради. У қўллари қизиётганини ҳис қилди ва кейин гўё, қизнинг оёқлари бўйлаб пастга энергия оқими ўтгандай бўлди. Бироз ўтиб, қизнинг умуртқа поғонаси бир неча қарсиллашдан кейин тўғриланди. Оломон ҳаяжонга тўлган ва ҳамдлар айтган бир пайтда, Билли ўзининг Библиясини қизчанинг бошига қўйди ва ундан платформа бўйлаб олдинга ва орқага юришини сўради. У Библияни цирк ўйинчисидай шунчалик моҳирлик билан мувозанатда олиб юрдики, зеро унинг умуртқа поғонаси мутлақо соғайган эди.

Энди ногиронлар аравачасидаги бу ёш одамнинг навбати келди. Донни Бранхам уни платформага итариб чиқди. Бу қўл-оёқлари қуриган одамга бир қараганиданоқ, Биллининг юраги раҳм-шавқат билан тўлиб тошди. У Раббийдан бу касални ғариб аҳволдан озод қилишини ўттиз беш дақиқа давомида ялинди. Ниҳоят, Билли шол одамнинг танасидан, уни боғлаб ташлаган ёвуз руҳ чиққанини ҳис қилди.

Эркак ҳам буни сезди ва қўл-оёқларини ҳаракатга келтиришга бор кучи билан ҳаракат қилди. Битта қўл қисман кўтарилди, оёқлари қимирлади, а кейин эса бошқа қўл биринчисидан баландроқ кўтарилди. У қандай қилиб унинг қуриган қўл-оёқларига янги ҳаёт кириб келаётганини сезиб, ҳаяжондан тўлғонди; бироқ у ўша оқшом, ногиронлар аравачасидан ҳали турмади.

КЕЙИНГИ ОҚШОМ Билли Калгарида якунловчи йиғилишни ўтказди. Жек Моор йиғилишни очди ва ҳали Билли саҳнага чиқиши учун белги бўлган “Ишон, фақат ишон!” лейтмотив қўшиғини кутиб, саҳна ортида ибодат қилиб турар экан, қўшиқларни олиб борди. Моор бир ишни қилди-ки, уни олдин ҳеч қачон қилмаган эди ва оқибатда у бошқа такрорламади... У Уилльям

Бранхамнинг сирларини у ерда бўлганларга, номаълум бўлган хушхабарчининг Жек Моор етти ой мобайнида диққат билан кузатган ҳаёти жиҳатларини айтиб берди. Моор тингловчиларга муҳтарам Бранхамнинг ҳар бир кампания бошланиши олдидан неча кунлаб рўза тутишини ва ибодат қилишини ва қайсибир ёки ҳар қандай одамга, агар ёрдам бериши мумкинлигини билса, қанчалар ўзидан бор куч-қувватини бағишлашини айтиб берди. Моор йиғилганларга Уилльям Бранхам пул билан қанчалар ҳушёр муомала қилишини ва у қанчалик Худо унга берган инъомдан қандайдир пул учун фойдаланишдан бош тортишини айтиб берди. Кейин Жек Моор аудиторияга муҳтарам Бранхам ва унин оиласи икки хонали, ичида водопровод системаси ўтказилмаган уйчада яшашини айтиб берди. У уларга уйлари эшиклари яхши ёпилмаслиги ва Меда Бранхам болалри совуқ шамолдан шамоллаб қолмасликлари учун эшикка адёл қоқиб қўйишларигача айтиб берди. Шундан кейин, Жек Моор ўзи ҳақида умуман ўйламай, фақат уларнинг фойдасига меҳнат қилаётган бу мард хушхабарчи учун "муҳаббат белгиси сифатида эҳсон" қилишларини сўради. Бу ҳайр-эҳсон ягона мақсадни амалга ошириш учун — муҳтарам Бранхам учун янги уй сотиб олиш учун мўлжалланган эди. Одамлар бунга жуда буюк муҳаббат ва миннатдорчилик билан жавоб бердилар.

Платформага чиқиб, Билли бу ҳақида ҳеч нарса билмас эди, аммо у одамларнинг бунчалик имонга тўлганлигини сезди. Ибодат навбатини бошлашидан олдин, у ёшгина одамни олдинга чиқишини ва гувоҳлик беришини сўради. Ўтган оқшом у фалаж эди ва ногиронлар аравачасига боғланган эди. Ўша одам олдида ногиронлар аравачасини итариб, қаторлар орасидаги йўлакдан аста-секин келаверди. У ўша ердагиларга Уилльям Бранхам унинг озод бўлиши учун ибодат қилган пайтда, унинг танасидан муздек ваража ўтгани ҳақида айтиб берди. Ўтган оқшом у қўл-оёқларини қимирлатган ва бошқа ҳаракатлар қилган бўлса-да, бу эрталаб у ўзи еди ва соқолини ўзи олди. Ҳаётидаги бу кутилмаган бурилишдан ҳаяжонланганидан, у ўзининг имконияти ва чекловини ўрганишда давом этаверди. Тушга келиб, у оёқларида тура олар ва йиқилиб кетмаслиги учун стол-стуллардан ушлаб, хонада шап-шап юра олар эди. Унинг аҳволи соат сайин яхшиланаверди.

Ўша шанба оқшомида, ибодат навбатидан икки мингдан ортиқ одам ўтди. Юракларини тўлдирган ишончлари билан, одамлар нафақат шифоландилар, балки улардан юзлаб кишилар Исо Масиҳни тирик Худодек қабул қилиш учун ўз гуноҳларида тавба қилиб, қутқарилдилар.

Кейинги кун эрталаб, қачонки, Жек Моор унга кеча оқшом нима қилганини ва Билли ўзига янги уй сотиб ололиши учун қанча пул йиғилганини айтганида, ҳайрон бўлиб қолди. Билли энг аввало, бу ҳайр-эҳсондан воз кечмоқчи бўлди.

— Мен бу дунёга ҳеч нарса олиб келмадим ва ундан ҳеч нарса олиб кетмаслигим ҳам аниқ[125]. Ҳозир менда уй бор, шунинг учун менга янги уй нимага керак?

[125] 1Тимофейга 6:7 га ҳавола. (Тарж.)

Жек ўзиникида туриб олди

— Агар ўзинг учун бўлмаса, унда хотининг учун. Сенда унга яхши турмуш билан таъминлаш учун маблағ бор-у, унга бундай муносабат виждонан эмас.

— Аммо, менда бундай маблағ йўқ-ку?

— Йўқ, бор. Сенда 28 000 доллар бор. Бу сеники, чунки одамлар уни сенга беришди.

— О-о, биродарим, Жек, сен буни қайтаришинг керак.

— Мен энди буни қандай қилоламан? Ахир уларнинг ҳаммаси уйларига кетиб қолдилар.

Биллига бу сабабга кўнишига тўғри келди ва у эҳсонларни истар-истамас қабул қилди.

39 БОБ
КОЛОРАДОНИНГ СЕРҚОЯ ТОҒЛАРИ. 1947

1947 ЙИЛНИНГ ёзги кампанияси тугади. Уилльям Бранхам оиласи билан кўришиш учун, ва унга жуда зарур бўлган дам олиши учун уйга қайтишини ўйлаб, завқланар эди. Жефферсонвиллига келиб, у қараса, унинг кварталининг икки томонида шунчалик кўп машиналар турганлигидан, у ҳатто ўз машинасини қўйишга жой тополмади. Бунинг ҳамма сабабини, уйига бир қарашдаёқ тушунди. Ҳамма жойда одамлар: улар ҳовли олдида ва йўлакларда у ёқдан – бу ёққа юрардилар, машиналарда ўтиришар ва айвонда турган эдилар. Бу ҳамма нотаниш одамлар, шубҳасиз, унинг уйга қайтишини кутиб турган эдилар. Биллида тўхташ ва улар билан гаплашиш учун етарлича куч-қувват қолмаганди, шу сабабли, у ўтиб кетди.

Беш кун давомида Билли ўз черковидан бўлган оилаларда меҳмон бўлиб, нима қилиши керак эди, шуни ўйлаб, ибодат қилиб юрди. Ниҳоят, Бранхам Черковидан бир нечта нозирлар у ердаги “кўчманчилар” билан гаплашишга бордилар ва уларга Билли ёлғиз қолиши ва дам олиши кераклигини тушунтиришди. Одамлар тарқалгач, Билли уйига қайтди.

Бу вақтга келиб, у билан Раббий Фариштаси учрашганига ва ўша бутун дунё одамларига у Илоҳий шифоланиш инъомини кўрсатишини буюрганига ҳам бир йилдан ошиб кетди. Бу топшириқнинг натижалари унинг кўнглидаги бор қимматли орзуларидан ҳам ошиб кетди. Тез ўтиб кетган бир йилнинг ўзида унинг хизмати, унинг камтаргина муваффақиятлари чегарасидан ҳам чиқди ва бутун Шимолий Америка бўйлаб ўн минглаб одамларнинг ҳаётига ўз таъсирини ўтказди. Бундай шиддатли муваффақиятлар унга жуда ҳам қимматга тушди. Бутун йил бўйи доимий зўриқишларнинг беҳисоб қийноқлари, ниҳоят, Биллининг соғлигида кўрина бошлади. Кечалари узоқ ибодатлар, уйқуга тўймаслик, доимий у шаҳардан – бу шаҳарга юришлар — булар ҳаммаси унинг тинкаси қуришига сабаб бўлди. Шунга қарамай, гўёки, бунда яна нимадир жалб қилинган эдики, — қандайдир руҳий бир нарса бор эдики, буни Билли ҳеч ҳам тушуниб етмасди.

Шифолашлар кампаниялари вақтида, Биллининг чап қўли ёвуз руҳ таъсирида шишган пайтда, бу оддийгина касалликка қарши реакциядан кўра муҳимроқ, каттароқ нарса бор эди. Бу руҳий жанг эди. Гарчи Исо Масиҳ Қудрати ёвуз руҳлардан доимо устун келса-да, шунда ҳам улар касалларнинг танасидан қаршиликсиз чиқиб кетавермасди. Билли бу жангларнинг ҳар бирини ўзида ҳис қилар эди. Қачонки касалликнинг тебранишлари тўхтар экан, у ўзидан куч кетганини сезар эди. Ҳар бир шифоланиш хизматидан сўнг, Билли ҳушидан кетгудек, гандираклаб юрар эди. Кейинги куни у қанчалик кўп ухлаганига қарамай, қаттиқ чарчоқни ҳис қилар эди. Кейин навбатдаги оқшом ибодат навбати билан бошланар ва Билли яна тўрт-беш соатни бетоблар учун ибодат қилиб, жинлар билан жангда ўтказар эди. Унга ўз кучини тиклаши учун имконияти йўқ эди, ва унинг омонатгина саломатлиги аста-секин ёмонлашаверди.

Билли ўзининг қатъий жадвалида танаффус қилиши лозимлигини билар эди. Эҳтимол, агар бир неча ойга таътиб олганида, унинг организми йўқотган кучларини тиклаб олармиди. Сентябрнинг кўпроқ қисмини Билли янги уй қурилишига бағишлашни режалаштирди. Жефферсонвиллидаги Эвинг Лейн 208 манзилидан участка сотиб олди ва кейин қурилиш ишларини олиб бориш учун маҳаллий ҳужжатчини ёллади.

Билли хатларга ҳам жавоб ёзди. Кўп кунлар давомида у ўрмондаги ўзининг ғорига бориб, бир ўзи ўша ерда, унинг уйда бўлмаган пайтларида, тўпланиб қолган минглаб одамларнинг ибодат учун илтимосларига Худодан жавоб сўраб, ёлворди. Уларнинг орасида Биллини келиб, уларнинг регионларида ҳам шифолаш кампанияларини ўтказишини сўраган хизматчилардан ҳам юзлаб хатлар бор эди. Албатта, уларнинг ҳаммасига боролмасди. У бу ҳақида қанча кўп ибодат қилгани сайин, унга Гордон Линдсейнинг бир неча ойлар олдин қилган таклифи маъқул бўлаверди.

Жаноб Линдсей тинч океани шимоли-ғарби бўйлаб сафар қилишини таклиф этган эди. У бу йиғилишларни мутлақо янгича шаклда ташкил қилишни маслаҳат берган эди. Бундан келиб чиқиб, Биллининг улкан йиғилишлари катта деноменация доирасидан Масиҳчиларни жалб қилар эди, жаноб Линдсей иложи борича кўпроқ деноминацияларни ягона спонсорликка бирлаштиришни хохлар эди. Бу фикр Биллини илҳомлантирар эди, зеро Фариштa у билан учрашганидан ва унга топшириқ берганидан бери, майдаланиб кетган Масиҳчилар жамоасини унинг хизмати бирлаштиришига ёрдам бера олиши мумкин, деб умидвор юрар эди. У 1933 йил кўрган ваҳий тўғрисида кўп ўйлар эди, ўшанда у иккита боғ орасида олмалар ва қаролилар терганча турган эди. Айнан ўшанда, Раббий унга

“хушхабарчи ишини бажаришни”[126] буюрган эди. Билли ҳар доим буни — у Хушхабарни ҳамма деноминацияларда ваъз қилиши ва ҳеч қачон ҳеч қайси гуруҳга кирмаслиги керак, деб тушунар эди. Шу учун у мистер Линдсейга Тинч океани шимоли-ғарбида бир неча йиғилишларни ноябрнинг биринчи ярмида ташкил қилишига руҳсат берди.

[126] Инглизчадан таржима: “Хушхабарчи меҳнатини бажариш” — 2 Тимофейга 4:5. (Тарж.)

1947 ЙИЛ ОКТЯБРИДА Билли таътил олди. У ғарбга, Колорадо штатига келиб, бир неча юк ташувчи отларни ижарага олди ва баланд Қояли тоғларга бир неча ҳафта ов қилиш, очиқ ҳавода дам олиш ва ўзининг Тангриси билан мулоқот қилиш учун жўнади. Гарчи у ўтган йил давомида ўн минглаб одамлар билан бевосита контактда бўлган бўлса-да, дилида у ҳамишадагидек одам оёғи етмаган жойларнинг одамилигича қолган эди. Бу ерда, Колорадонинг Қояли тоғларининг баланд водийлар ва буюк чўққилари орасида, Билли одамлар тўдасидан ва кечиктириб бўлмас ишлардан узоқда, бемалол саёҳат қилиши мумкин эди. Совуқ тонглари гулханда исиниб, у куч ва қувват олар эди, а тушдан кейинги иссиқ вақтда сосналарни шивирлатаётган енгил шабада унинг чарчаб қолган асабларини тинчлантирар эди.

Бир куни Билли баланд тоғ қоёсида турган бир жуфт беркутни[127] кўриб қолди. Уларни табиий гўзаллигига маҳлиё бўлиб, бинокльда кузатди. Ниҳоят, улар қанотларини ёйдилар, чўққидан сакрадилар, ҳаво оқимини топиб олдилар ва тикка қоялик бўйлаб парвоз қилдилар. Уларнинг кучлари буюклигидан, Билли қалбида нимадир чуқур жунбушга келганини сезди.

[127] Беркут (тилло бургут) — лочинлар оиласидан бўлган, бутун танаси бўйлаб тилло-жигаррангли парлари билан қопланган йирик йиртқич қуш. (Тарж.)

Ўша оқшом гулхан ёруғида, Билли ўзининг Библия симфониясида[128] “бургут” деган сўзга қаради ва бутун Библия бўйича ҳавола қилинган жойларни ўрганди. Битта лавҳа уни жуда қизиқтирди. Бу Чиқиш китоби 19:4, у ерда Раббий Мусонинг хизматини бургут қанотларига ўхшатган эди. Нима учун Худо Ўзининг пайғамбарини бургутга ўхшатди? Мумкин, бургут жуда баланд учиб билгани ва ҳар қандай жонивордан узоқни кўра билгани сабаблидир. Ҳа, ҳамма Худо пайғамбарларининг вазифаси шунақа эди. Раббий уларга юкакликда парвоз қилиш ва руҳий сферада бошқа бировдан ўзоқни кўра билиш қобилиятини берди, шу билан уларга ўтмишни ва келажакни ва шунга ўхшаб, ҳақиқат ва ёлғонни кўрсатди.

[128] Симфония — Библияда учрайдиган учрайдиган сўзларнининг алфавит кўрсаткичи. (Тарж.)

Биллига келажакнинг алоҳида бир эпизодларини кўришига тўғри келган ва бу бир лаҳзали ўткинчи воқеалар кўринишлари, ҳар доим бўлиб ўтган эди. Бу Мусо билан бирор умумийликка эгалигини билдирадимикин? *“Мусога уни Худо юборганини тасдиқловчи иккита аломат берилгани каби, сенга ҳам шундай иккита аломат берилади”.*

Билли Чиқиш китобининг 3 бобини очди ва Худо чўпон Мусо билан учрашиб, унга Исроилликларга озод бўлиш ҳақидаги хабарни этишни буюргани ҳақида ўқиди, қайсики, улар ҳали мисрликларга қулликда эдилар. Чиқиш 4 бобида Билли қуйидагиларни ўқиди:

Мусо жавоб бериб, деди: агар улар менга ишонишмасачи ва менинг овозимга қулоқ солмасалар ва: сенга Раббий кўринмаган, — десаларчи?

Раббий унга деди: қўлингдаги нима сенинг? У жавоб берди: ҳасса.

Раббий деди: уни ерга ташла. У уни ерга ташлади ва ҳасса илонга айланди ва Мусо ундан қочди.

Ва Раббий Мусога деди: қўлингни унга чўз ва унинг думидан ушла. У қўлини чўзди ва уни олди; ва у унинг қўлида ҳасса бўлди.

Бу сенга Раббий, улар оталари Худоси, Иброҳим Худоси, Исҳоқ Худоси ва Ёқуб Худоси кўринганига ишонишлари учун.

Яна унга Раббий деди: қўлингни қўйнингга тиқ. Ва у қўлини қўйнига тиқди, уни чиқарди ва мана, унинг қўли моховдан қордай оқарди.

Яна [Раббий] деди: қўлингни яна қўйнингга тиқ. Ва у қўлини қўйнига тиқди ва уни қўйнидан чиқарди, ва мана, яна у унинг танасидай бўлди.

Агар улар ишонмасалар ва биринчи аломатнинг овозига қулоқ солмайсалар, унда бошқа аломатнинг овозига қулоқ соладилар.

Худо Исроилликлар Мусони пайғамбарлигига, уни Буюк “Мен Борман”[129] юборганлигига ишонишлари учун қанчалик беқарор бўлишларини шубҳасиз билар эди. Бу икки ғайритабиий аломат

маълум бир мақсад учун мўлжалланган эди: таассурот қолдириш ва ишониш. Албатта, одамлардан ҳеч ким ўзига бунақа нарса қилолмас эди.

[129] Чиқиш 3:14: “Худо Мусога деди: Мен Борман”. “Мен Борман” ифодаси Худонинг ҳислатларидан бирини очади, яъни, Худо “ҳозирги вақт” Худосидир — “Мен бор эдим” ёки “Мен бор бўламан” эмас, балки “Мен Борман”. (Тарж.)

Фариштa унга бутун дунё одамларига Илоҳий шифолашлар неъматини кўрсатиш турганлигини айтганида, Мусода бўлганидай, унда ҳам ўз топшириғини тасдиқловчи иккита аломат бўлиши ваъда этилган эди. Билли ўзининг чап қўлига қаради. Йиғилишлар вақтида, бутун оқшомлари мобайнида у қўлининг ичкари томони ҳар хил касалликлар тебранишларидан шишганини кузатган эди. Исо бу ёвуз руҳни қувганидан кейин, Билли қўлининг яна нормал кўриниш олишини кўрган эди.бу ҳар доим бехато бўлар эди. Иккинчи аломат хусусидачи? Ахир Фариштa деди: “Агар сен оддийгина ва камтар бўлсанг, шундай бўладики, сен ваҳий орқали уларнинг юрак сирларини билиб олишинг мумкин. Унда одамларни сенга ишонишига тўғри келади”, — Фариштa деди-ку, ахир. Булар ҳаммаси нима дегани ўзи? Ва бу қачон бўлади?

Билли гулханга яна битта ўтин ташлади ва орқасидаги дарахтга суянди-да, Мусо билан ўзининг ҳаёти ўртасида яна қанақа мослик топиш мумкин, деб ўйланиб қолди. Қачонки Худо Мусони Исроил болаларини миср қуллигидан озод қилишида фойдаланганида, У Ўзини кундузи булутда, кечқурун эса Олов Устунида кўрсатди. Шубҳасиз, тарих мобайнида Худо кўплаб ҳар хил формаларда пайдо бўлди; бироқ, булут ва Олов Устуни, гўё, Унинг иккита энг кўп “ниқоби” эди. Аслида, Раббий айнан Олов Устунида, энг аввало, даштда Мусони Ўзига жалб қилди, қачонки у ёнаётган тикан бутани кўрди, у эса ёниб тугамас эди[130]. Ўша Олов Устуни Персиядан Байтлаҳмгача мунажжимларга йўл кўрсатиб борган ўша юлдуз эмасмикан, улар у ерда чақалоқни, Подшоҳ-Исони топгандилар?[131] Шуниси аниқки, айнан ўша ёрқин Нур Тарслик Савлни ҳаворий Павелга айлантирди[132]. Ўша Олов Устуни Билли туғилганида, ўша кулбачада пайдо бўлган Нур эмасмикан? Бу ўша эмасмикан, қачонки у 1933 йилда ўзининг биринчи имонга кирганларини сувга чўмдираётганида, боши устида пайдо бўлган ўша юлдуз? Бу ўша Нур эмасмикан, қайсики ғорда, ўша кечаси Фариштa билан учрашганида пайдо бўлган? У Фариштa Олов Устуни орасидан чиқди. Ўша Олов Устуни ва Раббий Фариштaси орасида қанақанги аниқ ўзаро боғлиқлик бор экан? Ҳар сафар, Фариштa Биллига одам кўринишида келганида, ўша ғайритабиий Нур Фариштa бошидан ярим метр юқорида айланар эди.

[130] Чиқиш 3:2

[131] Матто 2:1-2

[132] Ҳаворийларнинг 9:1-5

Раббий Фариштaси ҳақида ўйлаб-ўйлаб, бирдан Билли ташвишга тушди. Унинг шифоланишлар кампаниясининг биринчи йили мобайнида Фариштa унга тез-тез келар эди. Энди эса, унинг охирги марта келганидан олти ой ўтиб кетди. Билли Фариштaни Иллинойс штати, Вандалияда, қачонки Фариштa унга мўъжизаларга кўп эътибор бераётганлигидан огоҳлантирганидан бери кўрмаган эди. Билли фариштa келишини соғинди. Нима учун у келмаяпти? Ҳалиям бирор нарса нотўғри бўлаяптимикан?

40 БОБ
ЖУДА МУҲИМ СИНОВ
1947

1947 ЙИЛ НОЯБРИДА Уилльям Бранхам Канаданинг Британия Колумбияси провинциясидаги Ванкуверда тўрт кунлик шифолаш кампаниясини ўтказиш билан, ўзининг Тинч океани шимоли-ғарбига сафарини бошлади. Маҳаллий хизматчиларнинг ҳамкорлиги Ванкувер аҳолиси, олдинлар деноминациялар орасидаги кўрган ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Ҳар кечқурун улкан активлар зали тўлиб кетди ва шифолаш хизматлари ҳам ғоят зўр бўлди. Бир маҳаллий хушхабарчи Эрн Бакстер бундан шунчалик таъсирландики, у ҳам Жек Моор ва Гордон Линдсейга ўхшаб, Бранхам кампаниясини у шаҳардан бу шаҳарга кузатиб бориш имкониятига эга бўлиш учун, ўзининг ҳамма ишларини ва вазифаларини бекор қилди.

Биллининг навбатдаги тўхтаган жойи Орегон штати, Портленд бўлди. Ванкуверда бўлганидек, юзлаб маҳаллий хизматчилар Порленддаги йиғилишлар муваффақиятли ўтиши учун ҳамкорлик қилдилар. Биринчи оқшомда, шаҳар ёнғиндан сақлаш бошлиғи эшикларни ёпишга буйруқ берганига қадар, аудиторияга 7000 киши кирди. Ташқарида яна минглаб одамлар қолиб кетди.
Портленд кампаниясининг учинчи оқшомида Биллини иблис ўлдирмоққа уриниб кўрди. Гордон Линдсей қўшиқлар айтишни бошқарар ва ҳамма биргаликда Биллининг асосий қўшиғини куйлашар эди: *“Ишон, фақат ишон; ишон, фақат ишон, Худога ҳамма нарса мумкин, ишон, фақат ишон!”*, бу пайтда Билли саҳнага чиқиб келди. Йиғилганларга салом бергач, Билли йиғилганларни Худога ишонишларига илҳомлантирди, У шифолай билади ва мўъжизалар қилолади, деди. Ҳали у гапирар экан, кулранг костюмда йирик одамни қаторлар аро ўрта йўлакдан платформага шиддат билан келаётганини кўриб қолди. Қачонки бу одам саҳнага зиналардан кўтарилаётган эди, Билли уни бирор муҳим хабар билан унга айтишга келаётган ёрдамчилардан бири бўлса керак, деб тахмин қилди. Эҳтимол, бирор киши беҳуш йиқилган ёки юрак ҳуружи бўлган бўлса, у учун шу заҳотиёқ ибодат қилиш керакдир. Қачонки у одам платформага кўтарилганида, Билли кўрдики, нимадир ҳалиям чатоққа ўхшайди... ҳатто жуда ҳам пачава.

Баҳайбат нотаниш одам тўхтади. У олдин одамлар тўла аудиторияга, кейин платформада ўтирган уч юз хизматчиларга олазарак қаради. Ниҳоят, у диққатини баландда турган паст бўйли ваъзхонга қаратди. Биллига диққатли нигоҳини қадади ва тишларини ғичирлатиб, пастки жавини у ёқ – бу ёққа қимирлатаверди. Кейин у полвон қўлини мушт қилди, гўё уни ҳозир ишлатадигандай, бесунақай бўлиб, олдинроққа юрди ва:

— Эй сен, тилёғламачи, маккор. Ҳозир мен сенга кўрсатиб қўяман, қандай сен Худонинг хизматкори. Мен сени нимжонгина танангдаги бор ҳамма суягингни майдалаб ташлайман, — деб ўшқирди.

Бир оғиз сўз айтмай, Билли хавфнинг юзига қараш учун бурилди. Йирик нотаниш одам кўринишидан ва гавдасига қараганда, дағдағасини бажариши ҳам қўлидан келар эди. У бўйи икки метрга яқин ва оғирлиги ҳеч бўлмаганда, 115 килограммлар бор бўлганда, Билли бор йўғи 55 килограммлар келар эди. Бу ақлсиз одамнинг қўллари Биллининг белидан катта кўринар эди.

Нотаниш одам аста-секин яқинлашаверди. Одамлар орасидан иккита полициячи уни ушлаш учун чиқди, лекин Билли қўрққанига ҳам эътибор қилмай, уларга кетаверишларини имо қилиб:

— Буни қонга ва танага алоқаси йўқ. Бу руҳий кучлар орасида бўладигани, — деди.

Полициячилар истар-истамас орқага қайтдилар ва маньякнинг аста-секин қатъий одимлашда давом этаётганини кузатиб турдилар. У яна бир бор бўкирди:

— Сен, қаллоб, ўзини Худонинг хизматкори қилиб кўрсатаётган. Мен бу одамларга сени ёлғончидан бошқа ҳеч ким эмаслигингни кўрсатаман. Ҳозир мен сенга шундай бир тушураманки, сен тўппа-тўғри уларнинг орасига бориб тушасан.

Паҳлавон яна яқинроқ келди ва Биллидан икки метрларда тўхтади. У шунчалик баландлигидан, Билли унинг юзини кўриши учун бошини кўтариши керак эди. Билли ичида ибодат қилди: “Азиз Худойим, менинг ягона умидим Сенда”.

У шамолнинг эсишини эслатадиган таниш товушни эшитди: “Хш-ш-ш-ш” ва ундан кейин Раббий Фариштасининг яқинлашаётганини ҳис этди. Бирданига Биллидаги қўрқув йўқолди ва уни чуқур муҳаббат тўлдирди.

Маньяк таҳдидини такрорлади:

— Сен, фирибгар, мен сенинг озғин танангдаги ҳар бир суягингни синдираман.

Қўлини мушт қилганида, унинг мушаклари таранг тортилди.

Билли ўйлади: “Бечора, у ақлдан озган. У нима қилаётганини билмайди”. Кейин Билли: “Дўстим, сенинг ўрнингда мен бундай қилмасдим”, демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади, аммо-лекин, унинг оғзидан ҳақиқатан ҳам чиққан сўзлар умуман бошқа сўзлар эди. Умуман ўйламасдан туриб, Билли шундай деди:

— РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕДИ: “Сен Муқаддас Руҳга даъват қилдингми, ҳозир сен Раббий Исо Масиҳ Исми олдида бош эгиб, менинг оёқларимга йиқиласан”.

Маньяк юзини бужмайтирди ва тўппа-тўғри Биллининг юзига тупурди. Кейин у ириллади:

— Сен, тилёғламачи, ҳозир мен сенга, мен кимнинг оёғига йиқилишимни кўрсатаман.

Олдинга бир қадам ташлаб, зарба учун муштини чоғлади.

— Иблис, чиқиб кет бу одамдан, — Билли аста айтди.

Маньякнинг зарбага ўқталган қўли ҳавода ҳайкалникидай қотди. У кўзлари чақчайиб, оғзини очди, тили тўхтамай, у ёқдан – бу ёққа ҳаракатлана бошлади. У орқасига қамчи билан тушурилган итга ўхшаб ғингшиди, кўзи орқасига кетди ва у ҳушидан кетиб, юз тубан йиқилди. Унинг боши Биллининг туфлисига тўғри келса, унинг бир қўли Биллининг оёғига қаттиқ ўралганидан, у ҳатто қимирлаёлмас эди.

Иккала полициячи олдинга чопиб чиқдилар ва беҳуш ётган одам ёнида энкайишди. Улардан бири юқорига қаради ва сўради:

— Нима бўлди? У ўликми?

— Йўқ, — жавоб берди Билли. — Бунда Худо ўша жинни олдида бош эгиши учун Ўз кучини кўрсатди, холос, бор гап шу.

— У билан ҳаммаси жойида бўладими? — нотаниш одамнинг бошини кўтариб, полициячи деди.

— Йўқ, сэр, — Билли жавоб берди. — Агар у ўша руҳни ўзидан отиб юборишни хохлаганида, у унга бошқа қайтиб келмаган бўлар эди, лекин у ўзини ҳақ деб ўйлайди. У ўша руҳга сиғинади, шу учун у ўша жинга яна чалиниб қолади. Сизлар уни оёғим тагидан кўтариб, четроққа этиб қўйолмайсизларми?

Полициячилар у одамни қўлини тортиб олдилар ва Биллидан оператив равишда олиб кетдилар. Уни платформадан тушириш учун бошқа бир нечта эркаклар уларга ёрдамга келдилар. Кетишидан олдин полициячилардан бири шундай деди:

— Мен бу одамни биламан. У черковларга кириб ва у ерда диний хизматчиларни хафа қилгани учун бир неча бор полиция билан тўқнашган эди. Уни жиннихонага жойлаштирдилар, лекин у ердан у қочиб кетди. Бизда уни қамашга ордер бор. Кечагина у бир одамни шундай қаттиқ урганидан, у эшикдан чиқиб кўчага тушган, чакаги синган. Бугун у ўзига муносиб рақибини топганга ўхшайди.

Юқорига қайтиб, Билли йиғилганларга мурожаат қилди:

— Кўриб турганингиздай, Самовий Отамиз осмонда ҳам, ерда ҳам бутун куч-қудратга эга...

Шу лаҳзада олдинги қаторларга яқинроқда раскладушкада ётган касал одам қичқирди:

— Ҳа, У бунга эга! У мени шифолади! — ва у шу заҳоти раскладушкадан сакраб туриб кетди.

Залнинг бошқа бурчагида қўлтиқ-таёқларига суянган бошқа бир одам қичқирди:

— У мени ҳам шифолади!

Унинг таёқлари бир томонга отилди ва у қатор ораларидаги йўлакдан иккала, мутлақо соппа-соғ оёқлари билан ҳаракатланиб, югуриб кетди.

Кейин ногиронлар аравачасидан бир эркак қичқириб турди:

— Мен ҳам шифоландим!

Шундан кейин Худо Қудрати бино бўйлаб ҳаракат қила бошлади, Худо шифолай олишга ва мўъжиза қилишга қодирлигига ишонган ҳар бир кишининг юрагига тегаверди.

Биллининг Тинч океан шимоли-ғарбига қилган қисқагина сафари Орегон штатининг Ашленд шаҳрида бошланганидан ўн беш кун ўтиб, тугади. Гордон Линдсей бу ҳақида қуйидагиларни ёзди: икки ҳафта мобайнида, қачонки биз хизмат ўтказганимизда, нисбатан озроқ газета рекламасидан фойдаланиб, тахминан 70 000 одам шифоловчи хушхабарни эшитдилар ва ҳеч бўлмаганда, улардан 1000 таси хизматчилар эди”[133].

[133] “Уилльям Бранхам — Худо юборган одам”, Гордон Линдсей, 1950й.

1947 ЙИЛ НОЯБРЬ ОХИРИДА Билли Аризона штати, Финиксга жума, шанба ва якшанбада уч кечки йиғилиш ўтказиш учун учди. Финиксга келиб, спонсор-хизматчилар Калгаридаги гувоҳликлардан таъсирланиб, ўзларида якшанба кечқурун “мўъжизакор навбатини” ўтказишни

режалаштирганликларидан хабар топди. Бир марта шунақа навбатни қилиб, Билли ўзини жуда ноқулай ҳис қилган, шундан яна шунақасини хохламас эди.

Ўша жума кечқурунги хизмат бошланишидан бир соат олдин, Билли саҳна ортидаги кичикроқ хонада ибодат қилар экан, шу пайт, бирданига унинг олдида Раббий Фариштаси пайдо бўлди. Олдингидай, Фариштанинг қўллари кўксида қовушган, унинг боши устида ўша ғайритабиий Нур гир айланар ва пульсация бериб турар эди. Унинг юз ифодаси ҳар доим қатъий эди, лекин бу сафар у қавоғи солиқ ва Биллига тешиб юборгудек қараб турар эди. Сесканиб кетиб, Билли қўрққанидан қичқириб, полга юз тубан йиқилди. Бу қичқириқни эшитиб, Гордон Линдсей нима бўлганига қараш учун хонага югуриб кирди. Шу онда Фаришта тумандай тарқади ва кўринмай қолди.

Билли кейинги икки кун давомида Фариштанинг келганидан ташвишга тушиб юрди. Нима учун у етти ой Фариштани кўрмаган эди? Нима учун Фаришта энди, ҳозир келди? Ва нима учун у ҳеч нарса демади? Унинг жаҳли чиқдимикан? Билли Фариштанинг жаҳл билан қараган нигоҳини ҳеч ҳам унутолмади.

Ҳар кечқурун Билли Финиксда одамларни ибодат навбатига тизишдан олдин ярим соат ваъз қилар эди. Унинг ваъзларининг мавзуси, Исроил болаларининг чўл орқали Ваъда этилган Ерга сафари ҳақида эди. Якшанба оқшомида, қачонки йиғилганлар “мўъжизалар навбатини” кўришни ҳаяжонланиб кутаётган пайтда, Билли ваъз учун Сонлар Китобининг 22-бобидан Худо ёлғончи пайғамбар Боломга подшоҳ Валак билан Исроилни лаънатлаш учун бормасликни буюрган парчани олди. Болом Худодан уни барибир боришига қўйиши учун, токи Худо, ниҳоят, унга руҳсат бермагунича, сўрашда давом этаверди. Кейин Раббий Фариштаси Боломнинг йўлини тўсди, агар Боломнинг эшаги ўч марта бошқа томонга бурилиб, ҳаётини сақлаб қолмаганида, уни ўлдирар эди ҳам.

Худонинг биринчи буйруғига бўйсунмаганликда Боломни айблаб, Билли тўсатдан ўзини ҳам ўша жиноятда айбдорлигини англади. Ахир Худо унга айтмадими, у мўъжизаларга жуда ҳам катта эътибор бераётганини? Бу нарса Фариштанинг икки кун олдин келишига сабаб бўлиши мумкинми? Бу “мўъжизали навбатлар” давом этишига йўл қўйиб бериб, Раббийга қулоқ солмагани учун, бу нарса огоҳлантириш эмасмикан? Билли ич-ичидан зил кетдики, тиззалари чалишиб кетаётибди ҳам, деб ўйлади. Кафедрадан ушлаб турганча ваъзини давом эттирмоқчи бўлди, аммо унинг нотоза виждони уни шунчалик айбладики, у тўхташга мажбур бўлди.

Ёнбошидаги йўлакда “мўъжизали навбат” тизилаётган пайтда, Билли жимгина ибодат қилди: “Самовий Ота, агар мен нотўғри иш қилган бўлсам ва менинг мўъжизаларга диққат қилишим, Сенинг Илоҳий ироданг бўлмаса, илтимос, менга буни очиқ-ойдин кўрсат. Агар одамлардан кимдир шу кечқурун ибодат навбатидан ўтади-ю, шифоланмайди, шундан биламанки, мен Сенинг иродангдан чиққанман ва мен бошқа ҳеч қачон ҳеч кимга навбатнинг олд қисмига энг оғир касалларни ўтказишларига ёки яна бир мўъжизали навбат” тузишларига йўл қўймайман.”

Биллига биринчи бўлиб она ва қиз келди. У қизчадан қаерда яшашини сўради, аммо у ҳеч нима жавоб бермади.

— У яхши эшитмайди, — онаси тушунтирди. — Мана, нима учун бу ёққа олиб келдим.

Товушини кўтариб, Билли қиздан яна сўради, қаерда яшашини

Бу сафар қиз жавоб берди:

— Калифорнияда.

Қизнинг ўнг қўлини олиб, Билли чап қўлида тебранишдан сапчишни сезди. Ё унда инфекция бор-у, шундан қулоқ пардаси тешилган, ёки шиш қулоқнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилаяпти, чунки тебраниш иблис ҳаёти унда бу муаммони туғдираётганини билдираётган эди. Кейин Билли ўша жинни Исо Масиҳ Исми билан ҳукм қилгач, тебраниш тўхтади.

Унинг қўлини қўйвориб, Билли деди:

— Қизалоқ шифоланди!

Кейин у билан гаплашмоқчи бўлди, аммо у ҳеч қандай жавоб бермади. Бу ғалати кўринди. Билли овозини кўтарди, бироқ ҳеч қандай жавоб олмади. Қиз токи, ниҳоят, бош ирғиб уни эшитолаётганини билдиргунча, у уч марта кафтида қарсак уруши керак эди. Яхшироқ эшитиши ўрнига, у ҳозир янада ёмонроқ эшитаётгандай эди. Ташвишланган Билли яна уни қўлидан олди. Тебраниш олдингидан ҳам кўра кучлироқ пульс билан ура бошлади.

Бу ўша жинни иккинчи марта Исо Масиҳ Исми билан қувди. У, гўё қизни биринчи мартадагидан кўпроқ қаршилик қилиб ташлаб кетди, аммо Билли уни чиққанини билар эди, чунки қўлидаги шиш пасайди ва тебраниш тўхтади. Бироқ, у қиз билан гаплашмоқчи бўлганидан (у ҳалиям қизнинг билагиги тегиб турганди), унинг чап қўли яна шишди ва тебраниш қайтди ва яна кучлироқ

ура бошлади. Ҳаммасидан ёмони, Билли қанчалик қичқиришига қарамай, қиз ҳозир умуман ҳеч нимани эшитмасди. Бу бадбахт қизчада олдин эшитиши ёмон эди, аммо ҳозир у бутунлай кар бўлиб қолди! Ҳам ҳаяжон, ҳам уятдан ҳижолатланган Билли, бу қизни тинч қўйиб ва кейинги касалга ўтишдан бошқа, яна нима қилишни билмас эди.

Навбатдаги одам қарироқ экан, у ҳам яхши эшитмаслигини айтди. Билли товушини кўтариб, деди:

— Сиз ишонасизми, сэр?

Одамгина имлаб маъқуллади ва бошини эгди. Билли унинг қўлини олди. Тебраниш бўлмади, бу дегани, унинг касали жин сабабли эмас; эҳтимол, асаблар қариб сезмай қолгандир, холос. Бу одамнинг шифоланиши учун Исо Исмидан ибодат қилиб, Билли нормал тонда сўради:

— Сэр, энди сиз мени эшита оласизми?

Бошини ҳалиям эгиб ва кўзларини юмиб олиб турган одам, ҳеч нима жавоб бермади. Билли овозини кўтарди ва яна саволини қайтарди. Яна жавоб бўлмади. Билли бор кучи билан кафтларини қарсиллатди, лекин одамгина ҳатто пинагини бузмади. У ҳам бутунлай кар бўлди!

Билли шифолаш инъоми одатдагидай таъсир қилмаётганини борган сари кўпроқ қўрқинч билан англаб етди. У ҳозир ўз кучлари билан нима ҳам қилиши мумкин? Раббий Фариштаси у билан платформада ёнма-ён турмаганидан, у ҳар қандай одам каби шунчалик ночор аҳволда қолди. Самсонда ҳам шунақа ҳолат бўлганмикин, Далида унинг сочларини кесганидан кейин, шундан у Филистимликлар олдида ожиз ва нимжон бўлиб қолган эди? Ўша кутиб турганлар ҳузурида Билли ўзини аҳмоқ... ўсал... жазолангандай ҳис қилди. Ягона, ҳозир унинг биладигани — йиғилганлар олдида ўз гуноҳини айтиб тавба қилиш ва йиғилишни тугатиш эди.

Ўша кечаси Билли ухлаёлмади ва қоронғида ўзининг ўйламай иш тутганидан қаттиқ қийналди. “Менга энг оғир касални келтиринг ва мен Исо Масиҳ сизнинг кўз ўнгингизда мўъжиза қилишига кафил бўламан”, — деб, у қандай қилиб бунчалар қўполлик қилиб, одамларга даъват қилди. Исо ҳеч қачон бунақа даъват қилмаган эди. Аслида, Библияда, Исо Ўзининг шаҳрида одамларнинг ишонмаганлиги сабабли буюк ишларни қилолмади, дейилган эди[134]. Агар бу Худо Ўғлига нисбатан ҳақиқат бўлса, унда Унинг шогирдлари хусусида нима дейиш мумкин? Энди Билли ҳар қандай одам, у ишонадими, ёки йўқми, бунга қарамай, шифоланиши мумкин, дея даъво қилиб, у Каломдан қанчалик четлашганини англаб етди. Тўғри, у бундай даъволар қилишдан Иллинойс штати, Вандалияда Фариштадан огоҳлантириш олиб, тўхтади; бироқ, у ҳали ҳам ўзининг ёрдамчиларига энг оғир касалларни ибодат навбатининг олдинги қисмига, ўтирганлар йиғилиш бошида бўлаётган мўъжизаларни кўра олишлари учун ўтказишларига қўйиб берар эди. Билли уларга “мўъжизали навбатлар” деб аталадиган навбатлар тизишларига қаршилик қилмас эди, чунки у Худони ҳар қандай одамни ҳамма нарсадан, у нима бўлмасин, шифолашга қодирлигини билар эди. Бироқ, биргина Худо ҳар нарса қилиб билади, деган фактнинг ўзи, буни қилиш Унинг иродаси деганини билдирмайди. Ўтган жума кечқурун Фариштанинг келиши иккинчи огоҳлантириш эди.

[134] Матто 13:58; Марк 6:5-6

Билли Боломни қаттиқ қоралади ва шу вақтнинг ўзида ўзи Боломнинг аҳволига тушганди! Болом мол-дунёга меҳри туфайли Худога қулоқ солмади. Ўзига келганда Билли билар эдики, уни қулоқ солмаслигига пулга меҳри эмас, балки одамларга раҳмдиллиги сабаб бўлди. Шунга қарамай, бунга нима сабаб бўлишидан қатъий назар, Раббийга бўйсунмаслик — ҳамма вақт нотўғри.

Кейинги эрталаб маъюс тортган ва эзилган бир ҳолатда, Билли Калифорния штати, Лонг-Бич шаҳрида навбатдаги йиғилишларни ўтказиш учун самолётга ўтирди. У ҳали-бери ўз фикрларидан қийналар эди ва бу нарса унинг юзидан маълум эди. Стюардесса унга қатор орасидаги йўлакдан келиб, сўради:

— Сэр, сизга нима бўлди?

У буни унга айтолмайди-ку, ахир. Уни қандай қилиб тушуниши мумкин? Раббийга қулоқ солмаганидан, у ҳозир Худо уни шифолаш инъомидан жудо қилишидан қайғурар эди.

Билли Лонг-Бич аэропортига қўнгач, уни бир неча хизматчилар меҳмонхона номерига этдилар. Улар тез орада Биллида тушкунликни пайқадилар ва у улар билан ўзининг чидаб бўлмас ғами ва ташвишини бўлишди.

Бу хизматчилардан бири Эрн Бакстер эди, у жуда эътиборли одам эди. У шу руҳини кўтараётган одам билан учрашиш учун шундай узоқ сафар уюштирган эди.

— Бранхам ака, менга ишонинг, “шифолаш инъоми” сизни тарк этгани йўқ. Римликларга 11:29 да “Худонинг инъомлари ва даъвати ўзгармасдир”, — деб айтилган. Бу дегани, улар бизнинг ҳаракатларимизга асосланмайди. Худо Ўз ваъдаси хусусида содиқ бўлмаган бўлар эди, агар У сиздан бу инъомни қайтариб олса. Бу сизни тарк этиши мумкин эмас. Самсон бутун тун фоҳиша билан ётди,

лекин унинг кучи ундан кетмади. Кейинги эрталаб шаҳар дарвозасини ошиқ-мошиғидан қўпариб, уни тепалик устига этиб ташлади[135]. Ва гарчи Филистимликлар Самсоннинг сочини кессалар ҳам, унинг кучи ундан вақтинча чекинди, унинг сочлари ўсди ва унинг кучи қайтди[136]. Эслайсизми, Мусо қояни урганида, Худо эса унга фақат гапиришни буюрган эди-ку, ахир? Сув ундан, ҳеч нарса бўлмагандай оқди[137]. Бранхам ака, сиз қандай хато қилганингизда ҳам, Худо сизга нисбатан, уларга нисбатан бўлганидай, шахсан иш кўради; бироқ, "шифолаш инъоми" сизда ҳали ҳам бор.

[135] Ҳакамлар 16:1-3
[136] Ҳакамлар 16:16-30
[137] Сонлар 20:7-13

Бакстернинг далиллари ёмон эшитилмади, аммо булар Биллининг ўзига тўғри келишига зўрға ишонди. У ич-ичида шундай бўшлиқни ва ёлғизликни ҳис этардики, гўё уни Худо тўлиқ ташлаб кетган эди. Бу, ердаги дўзах азобига ўхшарди. Агар уни шифолаш инъоми бутунлай ташлаб кетган бўлсачи? У бунга қандай қилиб чидай олар экан? Худони у панд берди, шуни била туриб, у қандай қилиб яшашда давом этавераркан? Шунга маҳкум бўлганми – йўқми, буни билишнинг ягона йўли бу — тайинланган жадвал бўйича навбатдаги шифолаш йиғилишини ўтказиш.

Лонг-Бич кампаниясининг бошланиши, чоршанбага, 3 декабрга тўғри келди ва бу йиғилишлар кетма-кет уч кечқурун давомида бўлиши керак эди. Чоршанба кечқурун Билли аудиторияга, қандай қилиб у шифоланишга эмас, балки мўъжизалар бўлишига жуда ҳам кўп эътиборини қаратиб, Худога қулоқ солмагани ҳақида айтиб берди. У йиғилганларга, унда ҳали ҳам шифолаш инъоми бор-йўқлигига ишончи йўқлигини айтди; бироқ унда, тез орада бу ҳақида билиб олишлиги турган эди. Қачонки Билли ибодат учун навбатга чақирганида, унинг кафтлари ва ёқалари тердан нам бўлди ва унинг қорни ҳам панд берди.

Олдинга ёнида бирга бораётган ўн яшар қизи билан аёл чиқди. Қизчанинг ўнг қўлини чап қўлига олган вақтда, Биллининг асаблари кутишдан таранг бўлиб кетди. У кучли тебранишнинг аниқ уришини, шу туфайли унинг қўли увушганини сезди, худди яшиндай тез юрагига бораётган электр кучидан бўлгандай эди у. Билли шифолаш инъомининг ҳеч бўлмаганда бу қисми ҳали ҳам унда бўлаётганини кўриб, енгил тортди. Бироқ, унда кейинги савол турган эди: бу муҳтож қизчанинг шифоланиши учун ибодатига Худо эътибор берармикин? Билли шишган қўлининг ички томонидаги оқ ғуддачаларнинг конфигурациясини ўргана бошлади.

— Бу қиз кар ва соқов, — деди у, — ва унда бунинг устига туберкулёз ҳам бор. Энди ҳамма бош эгсин ва мен билан бирга ибодат қилсин.

Билли аста ибодат қила бошлади: "Азиз Исо, илтимос, менинг ақлсизлигимни кечир. Илтимос, менинг хатоларим бу қизчанинг шифоланишига тўсиқ бўлишига йўл қўйма".

Кейин руҳини йиғиб олиб, у эълон қилди: "Кар ва Соқов руҳи ва туберкулёз жини, бу қизчадан Исо Масиҳ Исми ҳақи чиқинглар".

Бу энг катта синовнинг ўзи эди. Билли нафас олмай, жим турди. Ҳа, бу амалга ошди! Биллининг буюк енгил бўлгани ва қувончига, тебранишлар тўхтади ва унинг шишган қўллари ўзининг нормал ҳолатига қайтди. Гарчи у туберкулёз ҳозир йўқолганини билса-да, аудиториядаги одамлар буни кўролмасдилар. Шундай қилиб, Билли қизчадан сўради:

— Сен мени эшитоласанми?

Қизчанинг қувонганидан кўзлари катталашди ва у тушундики, қизча уни эшитди. Унда Билли секин айтди:

— Аминь.

Қизча бу товушни қайтаришга уринди, аммо унда "ах-а-а-а-а" деганга ўхшаш бир товуш чиқди. Билли тез айтди:

— Аминь!

Қизча яна уриниб кўрди ва деди:

— А-а-зи.

Билли деди:

— Дада

У қизча унинг лаблари қимирлашини такрорлади, "д-у-у-д-д-а-а" деганга ўхшаш товуш чиқарди.

Шу онда аудиторияни олов алангасидай имон тўлдирди. Кейинги бир неча соатда бутун бино бўйлаб шифолар ва мўъжизалар бўлиб ўтди. Шу атрофдаги гунглар мактабидан бир ўқитувчи, бешта туғма кар ва соқов болани олиб келди. Беш боланинг ҳаммаси эшитиш ва гапириш неъматига эга бўлдилар. Бир одам раскладушкада фалажликдан қалтираётган эди, қалтирашдан тўхтади. Кўплаб ногиронлар ўз ҳассаларини ташладилар, а бошқалари бўлса, ногиронлар аравачаларидан турдилар ва

Исо Масиҳни улуғлаб, бино бўйлаб югура бошладилар. Юқори қон босимлилар, глаукома[138], астма, яра-чақалар ва рак — ҳаммаси одамларнинг имонига бўйсундилар.

[138] Глаукома — кўз ичидаги босимнинг ошиб кетиши сабаб келиб чиқадиган касаллиги. (Тарж.)

Пайшанба кечқурун Билли ибодат навбатини бошлаган паллада, олдинга оёқлари полиомиелит[139] туфайли скоба ва қистирғичлар билан тортилган бола оқсоқланиб чиқди. У билан бирга онаси келди ва шундай деди:

[139] Полиомиелит — асаб системасининг вирусли касаллиги, кўпинча шол бўлишга олиб келади. (Тарж.)

— Бранхам ака, илтимос, у учун ибодат қилсангиз бас.

— Яхши, опа. Мана шундай, сиз хохламайсизми...

Онаси уни бўлди.

— Йўқ, мен мўъжиза бўлишини хохламайман. Мен фақат сизни ибодат қилишингизни истайман, холос. Мен ўзим ҳам Худога, ўғлимни шифолашига ишониб биламан.

Билли оддийгина ибодатида Исо Масиҳдан бу ногирон болани шифолашини сўради. Жума куни кечқурун худди шу бола черковнинг платформасига, елкасида оёқ скобаларини осилтирганча олдинга чиқди. Энди керак бўлмай қолган скобаларини одамлар кўз ўнгида осмонга кўтариб, бола Исо ҳамишагидай мўъжизалар қилаётганига гувоҳлик берди.

Лонг-Бичдаги охирги оқшомда Билли кучи қанча одамга етса, шунча одам учун ибодат қилишни хохлаганди. Шу учун қўлидаги касалликни фарқига бориш неъмати ўрнига, унинг олдидан одамлар калонна бўлиб ўтаётган пайтда, улар учун қисқа умумий ибодат қилиб, “тезкор навбат”ни ўтказди. Шу пайтда у бир соат ичида юзлаб одамлар учун ибодат қилиб билар эди. Бироқ бу навбат қанчалик тез ўтмасин, бу ҳали ҳам бу одамдан жуда кўп вақтини олар эди, бу одам эса тинимсиз бир ярим йилдан бери ўзидаги бор кучини берган ва шу бир неча кун ичида умуман кам ухлаган эди. Қарийб 3000 одам учун ибодат қилиб — шу вақтда яна юзлаб одамлар ўз навбатларини кутаётган эди, — Билли ҳушидан кетиб, ерга йиқилди.

Шанба эрталабига, ҳали ҳам чарчаган ва нимжон Билли, автобусда ортга, Финиксга кетди. У одамларга Худо уни кечирганини билдирмоқчи эди. Якшанба куни у черковда шундай деди:

— Қачонки мен шу кафедрада ўткан сафар турганимда, мен ҳукм қилинган, айбдор одам эдим. Мен Унинг ёнимдан мени ташлаб кетганлигини ҳис қилдим ва мен шуни англадимки, мен Усиз қанчалик ожизу-нотовонман. Бугун бу катта синов тугади. Мен шуни хохлайманки, Раббий йўлларини яхшироқ ўрганишим учун ва мен У билан янада яқинроқ алоқада бўлиб яшашим учун, бу мен учун муваффақият тоши (тўсиқ тоши эмас) бўлсин. Қачонки мен У билан қанча яқин муносабатда бўлсам, мен сизларга кўпроқ ёрдам бероламан ва Унинг Руҳи мени бошқаради. У менга шифолаш неъматини қайтиб бергани учун ва ҳамма олдинги ойларда бўлганидан кўра (олдинги ўтган якшанбадан бошлаб) катта ютуқлар учун мен Худога миннатдорчилик билдирмоқчиман. Инъом менга янада кўпроқ дуоли қайтди, энг бошидан бўлганидан ҳам кўра.

Кейин Билли нима учун унинг қилган даъвати нотўғри бўлганини тушунтирди.

— Мен у қанақа касаллик бўлмасин, аҳамияти йўқ, ибодат олдида туролмаслигини айтиб, бундай даъвони қилганман; ва агар мен у дард учун ибодат қилишга етарлича вақт ажратсам, у қанчалик оғир бўлмасин, ундан у одам шифоланмайдиган дард йўқ деб, бундай даъвони қилганман. Сизлар мени буни ҳамма ерда айтиб юрганимни эшитдингизлар. Ва бу ҳозир ҳам ҳақиқат... Бироқ мен бунинг ҳаммасини бир ўзим қилдим ва одамларни буларни қилишдан маҳрум қилдим. Сизлар ҳам худди шундай, Марфа ва Марияга қабр тошини олишни буюрганига ўхшаб, нимадир қилишларингиз керак[140]. Сиз ўзингиз нимадир қилишингиз лозим — боринглар, ишонинглар ва шифоланасизлар[141].

[140] Юҳанно 11:39

[141] 1947 йил 7 декабрда, Аризона штати, Финиксда Уилльям Бранхамнинг “Бошдан кечириш, 1 қисм” ваъзидан олинган.

41 БОБ
БОСВОРТ БИЛАН ТАНИШУВ. 1948

1948 ЙИЛ ЯНВАРИ ЎРТАЛАРИДА, Уилльям Бранхамга бундан ўн ой бурун Калифорния штатининг Лонг-Бичида учрашган ўспирин ваъзхон Кичкина Давид Уолкер қўнғироқ қилди.

— Салом, Бранхам ака! Мен Флориданинг Майамисидан қўнғироқ қилаяпман. Мен ҳозиргина шу ерда икки ҳафталик уйғониш йиғилишларини бошладим ва ҳаммаси муваффақиятсиз.

— О-о, а гап нимада?

— Менда 2500 киши сиғадиган чодирим бор, аммо ҳар оқшом шу моментда озгина одам келади. Жуда ноқулай аҳволдаман.

— Ажабланарли.

Бу йигитчани қанчалик усталик билан ваъз қилишини билган Билли, Кичкина Давиднинг йиғилишига одамлар кам келишидан ҳайрон бўлди.

— Одамларнинг келмаслигига нима сабаблигини тушуняпсанми ўзи?

— Мен ўйлашимча, бу ерлардаги черковлар раҳбарлари ўртасидаги шубҳа ва ҳасад бўлса керак. Менинг келишимни эшитишлари билан, шаҳардаги ҳар бир черковда бирданига ўз "ваъзхон бола"лари пайдо бўлди. Ишонишим қанчалик қийин-у, лекин ҳар куни Майами газеталарининг биринчи иккита саҳифалари уйғониш хизматлари ўтказаётган барча "ваъзхон бола"лар ҳақидаги рекламалар билан тўлиб кетган. Агар уларнинг одамларидан кимдир мени эшитишга келса, улардан ажралиб қоламан, деб қўрқаётган бўлишлари керак.

— Аттанг-а! — деди, черков раҳбарларидаги арзимас куйиш уларни қанчалик таъқиб қилиб юришини билган Билли. — Масиҳчилар Масиҳ муҳаббати билан жипслашолмаслиги жуда ҳам ёмон.

— Шубҳасиз.

Кичкина Давид озроқ жим қолди ва кейин қўнғироқ қилганининг ва суҳбатининг бош сабабига ўтди.

— Бранхам ака, сен Майамига келолмайсанми ва ёрдам қилолмайсанми?

— Албатта, бораман.

Жанубга жўнаётган навбатдаги поезднинг ўзида, Билли узоқ сафар учун яхшилаб ўтириб олди.

Теннесси штатидан ўта туриб, у Раббий Фариштаси яқинлашганини сезди. Қўрққанидан Биллининг энсасидаги сочлари тикка бўлди. Ўтган бир йил-у тўққиз ой давомида Фаришта билан бир неча марта учрашганига қарамай, у унинг ғайритабиий келишига кўниколмасди, холос. У ваҳийга кириб боришини сезган сайин, Биллидаги қўрқув тарқалиб кетаверди. Тез орада йўловчилар вагони кўринмай қолди...

Билли қараса, ям-яшил кедрлар ва бир биридан баланд қояларнинг узоқ занжири билан тўлиб кетган тепаликлар ўртасида турибди. Йўл ёқасида қимирламай ётган саккиз-ўн ёшлардаги бола унинг диққатини тортди. У дабдала бўлган ва ўлган кўринарди. Билли унга анча яқин келди ва унинг юз ифодасига синчиклаб қараёлди: япалоқ бурун, қўй кўз (жигарранг кўзлар), долчин рангли сочлари худди қўлидан келмайдиган одам уни текислагандай нотекис олинган эди. Бола чет элликларникига ўхшаш, эскирган кийим кийиб олган эди: пайпоғи тиззагача ва катта-катта мис тугмалари баланд белигача ўтказилган бриджида[142] эди. У ерда автомобил ҳалокати бўлиб ўткан бўлиши керак, чунки боланинг юзи қирилган ва дабдала, а кийимлари бўлса, йиртилган эди. Битта ботинкаси ҳали ҳам оёғида боғланган, лекин бошқаси кўринмади. Билли болада ҳеч қандай тириклик белгисини кўрмади.

[142] Бриджи — тиззагача тортиладиган тор кийим, одатда этик ичига тиқилади [авваллар от минганда кийилган]; худди шундай, тиззагача бўлган спорт шими ҳам бўлади. (Тарж.)

Бу ҳаммаси нимани билдиришини тушунмаган бир пайтда, Раббий Фариштаси унга ўнг томондан яқинроқ келаверди.

— Бу бола тирила оладими? — *Фаришта сўради.*

— Жаноб, мен билмайман, — Билли жавоб берди.

Энди Биллига, қандай қилиб ўлик тана устида эгилиш ва болага ибодат вақтида қандай қўл қўйиш кераклигини кўрсатиб, воқеалар саҳнасига Фаришта чиқди. Бир лаҳзада боланинг кўкраги ҳавога тўлди ва ўтириб олди.

Шу пайтда ваҳий тугади ва Билли Теннесси штатидан ўтаётган поезддаги ўз ўрнида пайдо бўлди.

Тез орада Билли Майамига келганида, Кичкина Давид у билан эрталабки газетадаги айрим информациялар билан бўлишди. Саҳифанинг юқорисидаги бурчакда муҳтарам Бранхамнинг келиши ҳақидаги хабар кичкина рамкачада босилган эди. У шаҳарда бешта шифоланиш хизматларини ўтказишни ният қилган эди. Саҳифанинг қолган қисми катта-катта ва кўпроқ кўзга ташланиб турадиган, шу жойлардаги черковлардаги шифолаш хизматлари ҳақида эълон қилувчи рекламалар билан тўлдирилган эди.

Кичкина Давид оғир хўрсинди.

— Бу нарса сени келишинг ҳақида биринчи эълон беришимдан кейинги куниёқ содир бўлди. Улар буни ўқишлари билан шаҳардаги ҳамма деноминациялар бирданига ўз черковларида Илоҳий шифоланишни ваъз қилишлари учун, кимларнидир топдилар.

— Мен бу ерга янги гуруҳ тузиш учун келмаганимизга уларни ишонтиришни қанчалик хохлардим, — Билли изоҳлади. — Биз фақат Масиҳ меҳнатини олдинга юритиш учун уларга ёрдам бериш мақсадида шу ердамиз.

Маҳаллий черковларнинг Билли обрўсини тушириш учун бу уринишларига қарамай, “Уилльям Бранхам” деган сўздан қандайдир тароват таралиб турар эди. Билли чодир қизиқувчи томошабинлар билан ярим тўлганини кўрди. Уларга у салом берди. Кейин шифолаш мавзусини айтиб ўтишдан олдин у Теннесси штатидан ўтаётиб, поездда кўрган ваҳийсини тавсифлаб берди. Билли аудиторияга ният қилиб деди:

— Буни Библияларингизнинг бошидаги варағига ёзиб қўйинглар, кейин эса кузатинглар. Мана, кўрасиз — Исо Масиҳнинг қудрати ўша болани ўлгандан тирилтиради. Бу қаерда ва қачон бўлади, мен билмайман, аммо бу нарса албатта бўлади, чунки бу “РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ”. Ва бу бўлиб ўтганидан кейин, биз уни Линдсей ака чиқармоқчи бўлаётган янги журналда эълон қиламиз.

Биллининг улкан хизмати потенциал имкониятларидан ҳали ҳам ҳаяжонланаётган Гордон Линдсей, аллақачон ўз маъмурий қобилиятини бу иш манфаати учун қўллаган эди. Билли йиғилишларни режалаштириш ва кампанияларнинг кўплаб нозикликлари ташвишини қилиш учун доимий ёрдамчидан фойдаланишни Линдсей Биллига таклиф қилди, натижада Билли касаллар учун ибодатга кўпроқ эътиборини бера олар эди. Биллининг Тинч океани шимоли-ғарби бўйлаб, Линдсей ташкил қилган сафари ютуқлари, бу ғоянинг аҳамиятини кўрсатди. Бироқ, Линдсей ўзи ишни бажаришни истамади; ҳеч бўлмаганда, у бу иш билан доим шуғулланишни истамас эди. Унда яна бир хохиши мавзуси бор эди.

Гордон Линдсей журнални нашр қилишга киришаётган эди, бу журнал Бранхам кампаниясининг расмий матбуот органи бўлар эди ва ўтган йиғилишлар, бўладиган ҳодисалар ҳақидаги эълонлар тўғрисида, жумладан, шифоланган одамлардан гувоҳликлар босиб чиқарар эди. Линдсей бу журнални *“Шифо Овози”* деб номлаш ниятида эди. Билли бу ғояга рози бўлиши биланоқ, Линдсей нашр қилишга тайёргарликни бошлаб юборди. *“Шифо Овози”* ойлик журналининг биринчи номери тахминан икки ойдан кейин босилиб чиқиши керак эди.

Майамидаги биринчи оқшомги йиғилиши вақтида, ибодат навбатидан юзлаб одамлар ўтишди. Қачонки аудитория Биллини қўлидаги неъмат воситасида касалликларни билиб олишини кўргач, имон “юксакликка парвоз қилди”. Одамлар кўплаб касалликлардан шифоландилар ва бир неча туғма кўр бўлган, кейин кўзи кўра бошлаган икки бола билан бирга бир қанча ақл бовар қилмайдиган мўъжиза бўлиб ўтди. Бу иккала мўъжиза ҳақидаги гувоҳлик газетанинг эрталабги нашрида оммага етказилди. Бу нарса маҳаллий радиостанция ҳодимларида ҳам қизиқиш уйғотди ва улар иккала болани ҳам тўппа-тўғри эфирга узатиш учун интервью олиш мақсадида радиостанцияга таклиф қилишди. Бу болалар тўла завқ-шавқ билан Исо Масиҳнинг шифоловчи кучи тўғрисида гувоҳлик бердилар. Бу нарса йиғилганларда қизиқиш уйғотди: айримлар бу нарсага қизиқсиниб қарадилар, бошқалар ҳаяжон билан, кимдир эса шубҳа билан қаради.

Бир радио эшитувчига, хусусан, маълум даражада ҳамма бу учала туйғу намоён бўлган эди. Муҳтарам Фред Босворт бу мавзуда ўтган қирқ йил мобайнида ваъз қилиб, ўз шахсий тажрибасидан Масиҳнинг шифоловчи кучини билар эди. **(№5 Сурат)** 1920 йилларда Босворт Американинг ўнлаб шаҳарларида улкан уйғониш йиғилишларини ўтказиб, гуноҳкорларни тавба қилишга ва Масиҳчиларни ўз касалликларидан шифоланишлари учун Худога ишонишларига ундаган эди. Унинг серғайрат стили ва мавзуларни тартиблаган баёни шунчалик муваффақиятли бўлдики, Канада пойтахти Оттавадаги бир йиғилишдан кейин 1924 йили тахминан 12 000 жон Исо шафкатида қутқарилиш истадилар.

Кейин Буюк Депрессия унинг хушхабарчилик хизматини кесди. 1930 йилларда иш ҳақи кескин камайганидан, бу улкан уйғониш йиғилишларини маблағ билан таъминлаш қийинлашиб кетди. Бу соҳадан кетиб, Фред Босворт Миллий Радио-эшиттириш Уйғониш Миссионерлик

Кампаниясини тузиб, хушхабарни радио-эшиттириш бўйича тонери бўлди. Шу билан бирга, у иккита китоб ҳам ёзди: “Масиҳчи эътиқоди” ва “Масиҳ — Шифокор”. Кейинроқ у истеъфога чиқди ва Флоридага кўчиб кетди.

Ҳозир 71 ёшида, Фред Босворт бир неча йилдан бери фаол хизматда бўлмаган эди. Ягона унга энди керак бўлгани, — бу кўплаб ташвишсиз кунлар ва бекорчилик. Шунга қарамай, қачонки у радио орқали бу иккита боланинг гувоҳлигини эшитгач, унда қизиқиш уйғонди. Туғма кўрлар? Ва энди улар кўриб биладилар? Кўп йиллар мобайнида Фред Босворт кўплаб мўъжизаларни кўрди: гунглар гапирдилар, карлар эшитдилар, чўлоқлар юриб кетди, рак ўсмалар йўқолиб кетди. Ҳақиқатан ҳам, унинг хизмати туфайли шифоланган одамлардан 200 000 дан кўп ёзма гувоҳликлар олган эди. Бироқ унга *туғма кўрлар* кўзи очилганини эшитишига ёки кўришига ҳеч қачон тўғри келмаган эди. Ва бу Уилльям Бранхам ким ўзи? У шубҳали шахс бўлганмикин? Ёки Муқаддас Руҳ у ҳали кўрмаган шундай тарзда ҳаракат қиляптимикин? Босворт қизиқиб қолди, тўлқинланганини бўйнига олиши ҳам керак. Мумкин, унга буларнинг ҳаммасини текшириб кўриши керакдир...

Жаноб Фред Босворт бу текширмоқчи бўлган, ягона одам эмас эди. Ҳафтанинг қолган кунларида Биллининг йиғилишига чодирга сиғадиганидан ҳам кўп одам келди. Улардан кўплари бурилдилар ва уйларига кетвордилар, аммо яна минглаб одамлар чодир ташқарисида ибодат навбатига киришга имкон кутиб туришар эди. Жуда кўп одамлар улар учун ибодат қилишларини хохлаганлигидан, Билли қўлидаги касалликни фарқлаш инъомидан фойдаланмасликка қарор қилди, чунки унда у жуда секин ҳаракат қиларди. Бунинг ўрнига у одамлардан унинг ёнидан “тезкор навбат” билан ўтишларини сўради, шунда у уларга қўл қўяр ва улар ўтаётганида қисқа ибодат қилар эди.

Охирги оқшом, Майамидаги йиғилишда, йиғилиш бошланишидан олдин, Кичкина Давид Биллига келиб деди:

— Ҳув орқада бир ота қий-чув қилаяпти. Унинг ўғли бугун суғориш завурида чўкибди. Отаси бутун бир ҳафта сенинг йиғилишларингда бўлган экан ва сен тирилган ўша кичкина бола ҳақидаги ваҳийни айтганингни ҳам эшитган экан. Энди у, бу ваҳий унинг ўғли ҳақида эмасмикин деб, билишни истайди. Шу ҳафтада у етарлича мўъжизалар кўриб, унинг ўғли билан ҳам шундай бўлиши мумкинлигига жуда ишонаяпти, шу учун ҳам дафн қилиш бюросидагиларга ўғлига токи боласини сен кўрмагунингча, теккани қўймаяпти.

— У билан кўришишдан хурсанд бўлардим, — деди Билли.

Одамлар орасидан қайғули ота турган жойга бориб, Билли бор-йўғи болага бир қаради-да, у ваҳийда бу болани кўрмаганини тушунди. Билли отага қараб шундай деди:

— Мен ачинаман, аммо бу ўша бола эмас. Мен кўрган болада жигарранг сочлар нотекис олинган ва у саккиз-ўн ёшларда эди. Сизнинг ўғилчангизни қора сочлари тартибли олинган ва у беш ёшдан ҳам катта эмас экан. Бунинг устига у жуда ҳам яхши кийинган экан, ваҳийдаги бола жуда юпун кийинган эди. Яна бунинг устига ўғлингиз чўккан экан, а мен ваҳийда кўрган бола худди авариядан зарар кўриб, қаттиқ шикастлангандай эди. Мен сизга ачинаман, сэр, ҳозир менинг қўлимдан келгани, — бу сизнинг оилангизга таскин бериш учун ибодат қилишим.

Майамидаги охирги оқшом йиғилишда Худодан шифо олишни истаганлар шунчалик кўп бўлганидан, Билли бир вақтнинг ўзида Кичкина Давид билан ибодат қилиш учун тўрт қатор ибодат навбатини қилди: у – устуннинг бир томонида, а Кичкина Давид бошқа томонидан. Юзлаб тиқилинчда турганлар ва ёнидан ўтаётганлар орасида, Билли бадбахт қизчани унга ёши каттароқ аёлни навбатда юришида ёрдам бераётганини пайқади. Қизча белигача боғлаб ташланган оғир оёқ қисқичларида қийналиб, юриб келар эди. Қизчанинг қўлини бир неча лаҳза ушлаб туриб, ёнидан ўтаётган пайтда, Билли полиомиелитдан ёвуз руҳ титроғини сезди. У шу билан бирга, бу қизчада шифоланиш учун етарлича имон йўқлигини сезди.

Қизчани четроққа чақириб, Билли унга деди:

— Болажон, мана шу менинг орқамда тур-да, Худо имонингни оширишини сўраб, ибодат қил.

Ногирон-қиз худди у айтганидай қилди ва бош эгиб ибодат қилганча, унинг костюми орқа этагидан ушлаб турди. Билли яна диққатини ибодат навбатига қаратди. Тез орада у қизчанинг имони: *тук-тук, тук-тук, тук-тук* этиб, юрак урганига ўхшаб ота бошлаганини ҳис қилди. Билли бурилиб, шундай деди:

— Энди, азизим, мен сени боғлаб ташлаган иблисни Исо Масиҳ Исми ҳақи фош қиламан. Иблис, ундан чиқ.

Қизчанинг олдида турган аёлга қараб, Билли деди:

— Унга бу қисқичларни ечишда ёрдам беринг .

Аёл қўрқувдан донг қотиб қолди.

— Бранхам ака, аммо у ўзи туролмайди-ку, ахир!

— Лэди, шубҳа қилманг. Фақат сизга нима дейиляпти, шуни қилинг.

Аёл ғазабини босди, лекин аниқ безовталанаётган эди. Бироқ, ҳар ҳолда қисқичларни еча бошлади. Кўп ўтмай қаттиқ қичқириқ одамлар шовқинини тешиб ўтди. Билли бурилди ва бу қачонлардир ногирон қизча, оёқ қисқичларини боши узра кўтарганча, платформада ҳар қандай соғлом боладай шунчалар моҳирлик билан у ёқдан – бу ёққа бораётганини кўрди.

Чодирда бундай мўъжизага ҳеч ким эътиборсиз қололмади. Одамлардаги имон "юксакликка парвоз қилди" ва улар Биллининг ёнидан дадил қўл тегизиб ўтавердилар. Билли қанча одам учун ибодат қилиб билса, шунча одам учун ибодат қилди. Бир неча дақиқадан сўнг имоннинг ўзига хос сапчишини ҳис қилди. Билли бу имоннинг манбаини излаб, дам-бадам бошини ҳар томонга бурди. Кейин у бу ёқдан чиқаётганини пайқади. Микрофонга бориб, у деди:

— Сэр, сиз, у охирида ўтирган, йўлакдан тўртинчи ўриндиқда ўтирган; оқ кўйлакда ўтирган одам. Мен сизнинг имонингизни нақ шу ердан ҳис қиляпман. Туринг, Исо Масиҳ сизни шифолади.

Одам қўлларини боши устида кўтарганча турди. Бироқ, унинг қўллари охиригача кўтарилгач, у бирдан қўлларини тушурди ва улардан бирига ҳайрон бўлиб қарай бошлади. Кейин у қичқириб юбордики, бундан ўз навбатида унинг ёнида ўтирган аёлни туришга мажбур қилди. У одамнинг қўлига қараб туриб, у ҳам ҳайрон бўлди-да, қўлларини шартта кўтарди ва ҳаяжондан қичқира бошлади.

Билли диққатини яна ибодат навбатига қаратди. Фред Босворт ўрнидан турди ва чодирнинг охирига кетди. Ҳозиргина шифоланган одам тинчланганидан кейин, Босворт ундан сўради:

— Сэр, мен — Инжил хизматчисиман, ва мен сиздан билиб олмоқчи эдим, нима бўлди?

У одам қўлини чўзди ва тўлқинланиб деди:

— Бунга қаранг бир!

— У мен учун одатдаги қўлдай кўринаяпти, — деб жавоб берди Босворт.

— У *нормал, соғлом!* Бу мўъжиза. Бир неча йил бурун мен отдан йиқилдим ва бутун оғирлигим билан шу қўлимга тушдим. Ўшандан бери у абжағи чиқиб, дабдала бўлган ва бефойда эди — аммо, шу дақиқагача!

У бармоқларини қанчалик улар яхши қимирлаётганини намойиш қилиш учун, уларни ғайрат билан қимирлата бошлади.

— Нима учун сиз бошқалар каби ибодат навбатига бормадингиз, — Босворт сўради.

— Мен бу кеч бу ерга танқидчидай келгандим, аммо қанча кўп кузатсам, Худо мўъжиза қилиб билишига, шунча кўп мен ишондим. Қачонки мен ўша қизча оёқларидан қисқичларини олганини кўрганимда, Худо мени ҳам қуриган қўлимни шифолай олишини билар эдим.

Босворт халқ орасидан платформага ўтаётиб, Биллининг эътиборини ўзига қаратди ва деди:

— Муҳтарам Бранхам, мен — Инжил хизматчисиман ва мен сенга савол бермоқчиман. Ўша одамни, охирида ўтирган, шифоланиши учун етарлича имонга эгалигини, сен қандай билиб олдинг?

— Мен бирдан ҳорғинлик сездим, — тушунтира бошлади Билли. — Мен билиб тургандим, кимнингдир имони шу инъомдан кучи билан тортаётган эди, шу учун мен атрофга қарай бошладим. Гўё, менинг бор-йўқ эътиборим ўша одамга қаратилгандай эди.

Ҳайрон бўлганидан Босворт кафтларини қарс этиб урди.

— Бу аниқ Исо билан бўлганидай, қачонки қон кетаётган аёл Унинг кийимига текканида[143]. Ундан қандай қилиб яхши хислат — куч чиққанини У айтди. Яхши фазилат — бу куч. Йиғилганларга бир неча сўз айтсам, мумкинми?

[143] Матто 9:20-22; Марк 5:25-34; Луқо 8:43-48

— Албатта.

Микрофонга келиб, Босворт бу мўъжизани ҳамма билан баҳам кўриб, қўшиб қўйди:

— Бу, Исо Масиҳ кеча, бугун ва абадул-абад Ўшалигини исбот қилади. Исо Масиҳда бўлган неъматни бутун Атлантика океани билан таққосласа, а унинг тўлқинлари мана шу қирғоққа урилаяпти, деса бўлади; бизнинг биродаримиздаги неъмат бўлса, шу океандан олинган бир қошиқ сувга ўхшайди. Бироқ океан сувларидаги ўша кимёвий элементлар ва минераллар шу бир қошиқ сувда ҳам бўлар эди.

Кейинги кечқурун Фред Босворт ва Билли меҳмонхонада бирга нонушта қилдилар. Босворт Биллига ўзининг қирқ йиллик хизмати даврида бўлган айрим мўъжизалар ҳақида айтиб берди.

— Шунга қарамай, мана шу йиллар ичида, — қайд қилиб ўтди у, — кеча кечқурунгига ўхшаш бирор нима кўришимга тўғри келмаган.

Шундай қилиб, Билли шу қария хизматчига қандай қилиб, 1946 йил Раббий Фариштаси учрашгани ва унга бутун дунё одамлари Илоҳий шифоланиши неъматини кўрсатишни унга буюрганини сўзлаб берди. Билли қўлидаги аломатни тушунтирди, у ёки бу касалликдан иблис ҳаёти

чиқарадиган титроқ туфайли кўп касалликларни қандай аниқлай олишини, унинг натижасида чап қўлини шишишини ва унинг орқа томонида оқ ғуддачалар конфигурацияси пайдо бўлишини айтиб берди.

Бирдан Фред Босвортнинг ҳаёлидан хизматдан кетиш фикри чиқиб кетди.

— Бранхам ака, менинг тажрибам ва қобилиятимни ишлатиб биласанми? Мен сен билан хурсанд бўлиб сафар қилардим ва қўлимдан келган ҳамма нарсада сенга ёрдам берар эдим.

— Босворт ака, сен билан шерик бўлиш мен учун шараф. Мен бизда администратор топилиши учун ибодат қиламан.

Меҳмонхонадан чиқиб, Масиҳнинг Иккинчи Келиши ҳақида суҳбатлашиб, улар океан соҳили бўйлаб сайр қила бошладилар. Қуёш соҳилдаги меҳмонхоналар ортига кирди, кўпикланаётган тўлқинлар эса бу иккала хизматчининг оёқларини сийпалар эди. Билли Фред Босвортнинг юришида чаққонликни пайқади, қайсики, у унинг судраланаётган қадамларидан жуда ҳам фарқ қилар эди. Билли ҳатто узоқ кундузги уйқудан кейин ҳам ҳолдан тойганини ҳис қилар эди. Худди у қумдан базўр оёқларини кўтараётганга ўхшар эди.

— Босворт ака, сен неча ёшдасан? — сўради у.

— Етмиш бирда.

— Энг яхши аҳволинг қачон бўлган?

— Ҳозирнинг ўзида, Бранхам ака. Мен бор-йўғи йигитчаман, эски уйда яшаётган.

Бундай дадилликка Биллининг ҳаваси келди. Мана, 38 ёшда, у чарчоқдан зўрға тирик эди. Уни ўзи нима бундай чарчатди?

Мартда Билли яна Финиксга, бу сафар тўлиқ бир ҳафта шифолаш кампаниясини ўтказиш учун бўлишни режалаштирди. Бу шаҳарга келган кунида, бу йиғилишни маблағ билан таъминлаган пасторга ўзининг сурункали чарчагани ҳақида эслатди.

— Бранхам ака, — деди пастор, — сени муаммонг сенинг жуда самимийлигингдадир. Худонинг болалари учун ибодат қилганингдан кейин, сен улар ҳақида унутишинг керак, холос. Нима бўлганда ҳам, одамлар шифоларни қабул қилишадими ёки йўқми, ахир бу нарса Худонинг қўлида-ку.

— Мен билмасдим ҳам, — Раббий учун меҳнат қилишда жуда ҳам самимий бўлишимни, — деб қўйди Билли. — Мен ўйлардим, мен қанчалик самимий бўлсам, худди шунча мени ишлатади деб.

— Нима ҳам дердим, агар сен худди шундай руҳда давом этаверсанг, — огоҳлантирди пастор, — унда сени асаб фаолиятинг бузилади.

Билли ибодат қилиш учун даштга чиқиб кетди. “Самовий Ота, нега мен бундай ҳолсизланаяпман? Бошқа хизматчиларда бу муаммо йўқ. Босворт ака мен каби шунақа тиғиз хизматларни йиллаб қилганини ва бу уни ҳеч қачон қийнамаганлигини айтди. Мумкин, унда мендан кўра кўпроқ Муқаддас Руҳ бордир. Агар менинг муаммом шунда бўлса, унда, илтимос, Раббим, мен баққуватроқ бўлишим учун менга кўпроқ Муқаддас Руҳингдан бергин”.

У пауза қилиб, даштга диққат билан тикилди, дашт кўп километрларга чўзилган ва опунция-кактуслари, “яшил таёқча” буталари ва мескит дарахтлари билан қопланган эди. Узоқда қояли тоғлар даштдан тикка чиққан тизмалари билан қад кўтариб турар эди. Тинглаб туриб, Билли, гўё Худо унга пастгина, лекин унинг фикрларида: *“У одамлар ўз имонларига ишонадилар ва ўз сўзлари билан ваъз қиладилар. Сенинг кучинг эса ғайритабиий инъом туфайли озиб-тўзийди”* — дегандай бўлди.

Бирдан Биллининг онгида Ёзувнинг айрим жойлари жонланди. У Дониёр пайғамбар ваҳий кўрганини ва бундан бир неча кун жисман титроқда бўлган ва бетоб бўлганлигини эслади[145]. Биллининг хотираси Фред Босвортнинг, Исонинг кийими четига тегиб, шифоланган аёл ҳақидаги мулоҳазаси келди. Исо Ўзидан қандай қилиб куч чиққанини У сезганини айтди. Ўша куни, қачонки Билли даштдан машинада қайтганида, унинг танаси авваллargидай бутунлай силласи қуриб қолгудек аҳволда эди, аммо, ҳеч бўлмаганда, ҳозир у нима учун шундай бўлишини тушуниб етди.

[145] Дониёр 7:15

Финиксдаги иккинчи оқшом хизматида, ибодат навбати охирига яқинлашган пайтида, Билли йирик аёлнинг қўлини ушлади. Олдинига у сезаётган титроқнинг маъносини тушунолмади.

— Сизда ё рак, ё аёллар касаллиги; уларнинг иккиси ҳам қарийб бир хил тебраниш. Бир минут... бу аёллар касаллиги. Шундай эмасми? Бу салкам рак. Сизнинг ҳаётингиз жуда машаққатли бўлган. Ҳа, сизда кўп муаммолар бўлган. Аммо бугун Исо Масиҳ сизнинг оғирликларингизни олиб ташлаши мумкин, агар сиз бунга ишонсангиз?

Навбат бўйича ўрта ёшлардаги яхши кийинган, кейинги одам келди. Билли унинг қўлини ушлади.

— Сэр, мен ҳеч қандай тебраниш сезмаяпман. Сизда қандай касаллик бўлмасин, у микроорганизм туфайли эмас.

У одам ҳўнгради.

— Бранхам ака, мен ўйлайман, соғлом бўа туриб, ибодат навбатига туриб, мен ёлғончи ролини ўйнадим, лекин мен сизни олдингизга келишим учун билган ягона йўл шу эди. Мен эшитдимки, сиз камбағал экансиз. Мен сизга кичикроқ эҳсон ҳадя қилишни хохлайман.

— Мен ҳадялар қабул қилмайман, — Билли жавоб берди ва чекни мулойимлик билан четга сурди.

— Менга қулоқ солингда, мен ахир фақат Раббимга миннатдорчилигимни билдиришни хохлайман, холос. Ўтган оқшом мен хотинимни ибодат навбатидан ногиронлар аравачасида олиб ўтган эдим. У учун сиз ибодат қилганингиздан кейин, у биринчи марта ўн олти йил давомида юра бошлади.

— Лекин умуман мен уни шифолаган эмасман, — Билли ўзиникида туриб олди. — Уни Исо Масиҳ шифолади.

— Хўп, мен — Техасдан нефьт кони хўжайиниман, мен сизнинг номингизга 25 000 долларга чек ёздим...

У одамнинг қўлидан чекни олиб, Билли уни иккига бўлди; кейин йиртилган бўлакларни устма-уст қилди-да ва уларни ҳам иккига бўлди. Шундан кейин у чекнинг бўлакларини унинг эгасига топширди.

— Сэр, менга сизнинг пулингиз керак эмас. Мана мен нима хохлайман: сизнинг имонингиз Исо Масиҳга қаттиқ боғлансин.

Ўша оқшом Билли ибодат қилган охирги одам, платформага қийналиб келаётган чўлоқ аёл эди. У Билли кутиб турган жойга, платформага бор-йўқ кучи билан зиналардан кўтарилмоқчи бўлаётганида, унга эри ёрдам берди.

Билли аёлнинг қўлини олиб, деди:

— Мен сизда ҳам ҳеч қандай тебраниш сезмаяпман.

— Менда артрит бор, — у жавоб берди.

— Нима ҳам дердим, бу ҳаммасини равшан қилаяпти, — Билли тушунтирди. — Тебраниш фақат микроорганизмдан ва вируслардан чиқади. Мен сизнинг касалингизни сеза олмайман, чунки артрит кислотали яллиғланишдан келиб чиқади. Шунга қарамай, агар сиз Унинг қодирлигига ишонсангиз, Исо Масиҳ сизни шифолаши мумкин. У менга берган неъмат шифолашни амалга оширмайди; бу неъмат одамларда имонни кўтариш учун. Исо Масиҳ — ягона шифокор.

Қачонки Билли бу артритдан қийналаётган аёл учун ибодат қила бошлаганида, унинг кўзлари шишадай йилтиллаб, мушаклари эса худди у ҳушидан кетгандек бўшаб қолди. Бу йиғилишларни маблағ билан таъминлаб турган пастор йиғилган одамларни тарқатиш учун микрофонга келган вақтда, бу аёл ҳали бери донг қотиб турган эди; Билли гандираклаб платформадан ён томондаги эшикдан чиқаётганида ҳам, аёл ундан кўз узмай, орқасидан қараб қолди.

Бир неча кун ўтиб, шу аёлнинг эри уни Биллининг меҳмонхона номери эшигига ўтказишлари учун ёлвориб келди. Билли уни ўзининг хонасига таклиф қилди.

— Бранхам ака, сиз мени кўрмагансиз, лекин сиз мени хотинимни шу ҳафта бошларида ибодат навбатида кўргансиз. Унда артрит бор эди ва у сиз ўша оқшом ибодат қилган охирги киши эди.

— Ҳа, мен уни эслайман. Унинг аҳволи қандай?

— У артиритдан тузалаётган кўринади, аммо унда яна нимадир жойида эмас. У худди алаҳлаётгандай, босинқираётган одамга ўхшаб гапиради.

— Сиз нимани кўзда тутаётибсиз?

— Сиз у учун ибодат қилганингиздан кейин, биз уйга келгунимизча у транс ҳолатида, беҳушдай эди. Эрталабига у мендан сўради: Бранхам ака мен учун ибодат қилган пайтда, у билан бирга келган бошқа одам эди". Мен жавоб бердим: "У ерда бошқа ҳеч қандай одам йўқ эди". У айтди: "О, ҳа, у ерда у бор эди. Бу қора танли, баланд бўйли ва сочлари қора, елкаларига тушиб турган одам эди". Бранхам ака, у нима ҳақида гапиряпти? Ахир сиз билан платформада ҳеч ким йўқ эди-ку.

Билли тушундики, у Раббий Фариштасини кўрган, аммо у ҳозирча бу ҳақида гапиришни истамади.

— Сэр, сизми ёки хотинингизми, олдин, қачон бўлса ҳам менинг йиғилишларимда бўлганмидингизлар ва сизлар менинг тарихимни айтиб берганимни эшитгансизларми?

— Йўқ, биз сиз ҳақингизда фақат шу ҳафтада эшитдик.

— Тушунарли. Менга кўпроқ хотинингиз менинг ёнимда, платформада кўрган “бошқа одам” ҳақида гапириб беринг. У нима қилди?

Биллига келган одам худди унинг ҳимояси ҳақиқатга хилоф туюладимикан, дея ҳавотирлангандай, тараддудланди.

— У айтдики, бу одам ҳали сиз хотиним учун ибодат қилаётган пайтда, пастга сизга қараб турган экан. Қачонки сиз тугатгач, бу одам хотинимга қараган ва шундай деган: *“Сен шифоланиш учун келдинг. Хавотир олма, Бранхам аканинг ибодатига жавоб берилади ва сен шифоланасан”.* Кейин бу одам яна сизга қаради ва хотинимга қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилди: *“Чиндан ҳам Бранхам ака ориқ ва бемажол кўринмайдими? Аммо у яна бақувват бўлади”.* Кейин, қачонки сиз кетдингиз, у бу нотаниш одамни айнан сиз билан ёнбош томондаги эшик орқали чиққанини кузатиб турган. Бранхам ака, мен ҳам ўша ерда турган эдим. Мен биламан, у ерда фақат сиз ва менинг хотиним тургандингизлар. Сиз буларнинг ҳаммасини қандай тушунтирасиз?

Билли хотиржам тушунтирди:

— Бу менга зоҳир бўлиб юрган Раббий Фариштаси. Мен сиз келганингиз ва буни айтиб берганингиз учун сиздан хурсандман. Мен шунчалик чарчаган ва ҳолдан тойганман. Ҳадемай, мен билан ҳаммаси жойида бўлишини билиш ажойиб.

42 БОБ
СИНГАН ВА ТИКЛАНГАН
1948

АРИЗОНА ШТАТИ, ФИНИКСДАН КЕЙИН, Уилльям Бранхам Флорида штати, Пенсаколда; Канзас штати Канзас-Ситида; Миссури штати Седамда ва Иллинойс штати Элгинда шифолаш кампанияларини ўтказди. Ҳар бир шаҳарда у кўплаб одамларга ўлган боланинг тирилгани ҳақидаги ваҳийсини айтиб юрди: "Буни Библиянгизнинг бошидаги варағига, қачонки бу нарса бўлиб ўтса, мен сизга ҳақиқатни айтганимга ишонишингиз учун ёзиб қўйинг".

Биллининг соғлиги ёмонлашаверди. Ибодат хизматлари вақтида, касаллар учун ибодат қилаётганда, базўр мувозанатни ушлаб турар эди. Бунинг устига, ҳар бир йиғилишдан кейин у уйқуга кетолмасди; ва агар бир амаллаб ухлаганда ҳам, кейинги хизматга бориш учун уйғониши жуда қийин бўлар эди. Унда доимий бош оғриқлари бўлар ва вақти-вақти билан бутун танаси қалтирар эди. Ошқозонида кислота миқдори ошиб ва у нима еганида ҳам унинг организми бу овқатни қабул қилмас эди. Айрим пайтлар у диққатини бир жойга тўплаб ёки тўплаёлмай, унинг ақли туманлашар эди. Билли ўзини батамом мункиллаб қолгандай ҳис қилди.

1948 йилнинг 13 майи, пайшанба куни у Вашингтон штати, Такомада беш кунлик шифолаш кампаниясини бошлади. **(№6 Сурат)** Олти минг киши "Музли Аренани" охиригача тўлдирди. Ҳар оқшом узун ибодат навбатлар аста-секин олдинлар, бу пайтда Билли одамлар касалликларини аниқлаш ва улардан Исо Масиҳнинг шифоловчи кучига ишонишлари учун имонини етарли даражага кўтариш мақсадида, қўлидаги аломатдан фойдаланар эди. Олдинга чиққанлар орасида Руби Диллард деган аёл бор эди. Ўша пайтда Руби томоғидаги рак ўсмасидан бўғилиб, ўлишига сал қолган эди. Кейинчалик у *"Шифоланиш Овози"* журналида қуйидагиларни ёзди: "Гарчи рак мен кетган пайтда томоғим жуда қаттиқ оғриган бўлса-да, мен ўша пайтдан бери ҳеч қандай муаммони сезмаяпман". Такомадаги шифолаш кампаниясидан кейин юзлаб одамларда бундан ҳам ҳайратланарли гувоҳликлар бўлган эди.

Душанба кечқурун хизмат охирида Билли яна бутунлай силласи қуриш даражасига келди. У ибодат навбатидан кетиб, орқага қараб гандираклаб кетди, ва агар уни орқасидан иккита одам ушлаб қолмаганида, шубҳасиз, у йиқилган бўлар эди. Улар уни кўтариб чиқаётганларида, Билли одамлар билан хайрлашишларига қўйишларини улардан илтимос қилди. Гордон Линдсей бу "хайрлашишни", ўша вақтда унинг чуқур аҳамиятини англаб етмай, аудиторияга узатди.

Кейинги куни Билли ўзининг ёрдамчилари гуруҳи — Жек Моор, Гордон Линдсей, Эрн Бакстер ва Фред Босвортни чақириб, уларга унинг охирги хизмати Орегон штати, Юджин шаҳрида бўлишини айтди. Шундан кейин у ўз кампанияларини бир неча вақтга тўхтатмоқчи бўлди, шу учун унинг бошқа мажбуриятларини бекор қилиш лозим бўлади. Албатта, бу хизматчилар у қанчалик узоқ вақт бу соҳада бўлмаслигини билишни хохлашар эди. Билли уларга, бу ҳақида унинг ўзига ҳам ҳеч нарса маълум эмаслигини билдирди; бу бор-йўғи бир неча ой давом этиши ҳам мумкин ёки бўлмаса, бир йилдан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Бироқ у ўз ҳаёлида унчалар ҳам оптимист эмас эди. Бу вақтга келиб, унинг куч-қуввати шунчалик поёнига еткан эдики, у яна касаллар учун ибодат қилиб билармикан, дея ўзига савол берар эди.

Бу янгилик, хусусан, Гордон Линдсей учун қаттиқ зарба бўлди. Линдсей нафақат Орегон штати, Ашленддаги ўз черкови пасторлик лавозимидан Бранхам кампанияси билан юриш учун кетган эди, балки у шу билан бирга, бутун куч-қувватини *"Шифолаш Овози"* журналини режалаштиришга ҳам сарфлаган эди, бу журнал эса тўсатдан ўз мақсадидан маҳрум бўлди. Узоқ давомли ва машаққатли ибодатлардан кейин Линдсей *"Шифолаш Овози"* нашриётини жуда узоққа этганини англаб етди, шу учун орқага қайтиш бемаънилик бўлар эди. Биринчи иккита журнал номери нашриётдан аллақачон чиққан ва у шахсий жамғармасини нашрни давом эттиришга беришга қарор қилди. Бироқ, ҳозир бу журналнинг диққат маркази нима бўларкин? Эҳтимол, журнал нашрларига янги хизмат кетидан боришдан бошқа ҳеч нарса қолмаганди...

Албатта, номзодларни танлашда етишмовчилик бўлмаган эди. Уилльям Бранхамнинг 1946 йили миллий аренадаги машҳурликка ҳайратга соладиган сакраши, одамларни Илоҳий шифоловчи куч ҳақида хабардорликни фақатгина оширибгина қолмай, аммо худди шундай бошқаларни Биллининг изидан боришга илҳомлантирди. 1947 йилда ўнлаб шифолаш хизматлари туғилди ва бу вақтга келиб, 1948 йилда бу рўйхат олдингидай тўлаверди. *"Шифолаш Овози"*нинг бир неча номерида асосий ўрин, касаллар учун ибодатида ўртача муваффақиятга эга бўлган ёш одам Уилльям

Фрименга ажратилди. Бироқ, Гордон Линдсей сездики, агар *“Шифолаш Овози”*га Уилльям Бранхам номи таъсирисиз бор бўлишлик давом этиши тақдир қилган бўлса, унда унинг нашрларига фақат бир одам ҳақидаги статьялар билан чегараланиши керак эмас, балки улар бу нашрга кенг доирадаги шифолаш ва касалликлардан озод қилиш хизматларини киритишлари керак бўлади. “Умуман олганда, — Линдсей ўйлади, — ахир мен Бранхам аканинг неча марталаб: “Исо Масиҳ — ягона шифоловчи”, деганини эшитдим-ку.”

Бу вақтда Билли касал ва дили хуфтон, уйида қийналар эди. У кундан-кун тинимсиз тўшагида у ёқдан бу ёққа тўлғонар эди, унинг ошқозони эса ўювчи кислотали бакка ўхшаб, қайнар эди. Ҳар сафар, қачон у емоқчи бўлса, унинг қизилўнгачидан қайноқ ёғли суюқлик кўтарилар ва оғзини ачитар эди. Билли жуда озиб кетди ва энди 45 килограмдан сал кўпроқ келар эди. Кўзлари ичига кириб кетган, юзи эса озғин ва рангпар кўринар эди. У турган пайтида, чакка томирларида қон ургани шундоқ кўриниб турар ва у базўр оёғида турар эди. У худди ўлаётгандай ўзини ҳис қилар эди.

Врачлар унга ёрдам беролмас, ночор аҳволда эдилар. Улар унинг касалини зўриқиш туфайли келиб чиққан, “асаб толоқиши” каиегориясига қўшиб қўйдилар ва унга узоқ тўшакда ётиш режимини маслаҳат бердилар. Бироқ, врачларнинг берган маслаҳатларига икки ой риоя қилганидан кейин ҳам, Билли ўзини олдингидай ўласи аҳволда ҳис этди.

У Раббийга ибодатларда — Исога, ўзининг Ҳаётига ялинди; Исога, ўзининг муҳаббатига; Исога, ўзининг бирдан-бир умидига ялиниб ёлворди. Кунларнинг-куни билан у шифоланиши учун ёлворди, аммо, буларнинг ҳаммасига қарамай, унинг аҳволи яхшиланмади. Билли ўйловга чўкди. У ўзининг йиғилишларидан неча минглаб шифолар ва мўъжизаларни кўрди? Раббий у одамларни шифолади. Нима учун У уни ҳам шифоламас экан? Бу худди адолатсизликдай туюлар эди.

Ниҳоят, Билли бу саволга жавобни англаб етди: Раббий уни жиддий ва муҳим бир нарсага ўргатаётган эди. Ўзининг охирги икки йиллик хизматини кўриб чиқиб, ақлга тўғри келмайдиган ишлар қилиб, ўзини тинка-мадорини қуритганидан, Билли уялиб кетди. Жонсбородаги йиғилишлар бунинг яққол намунасидир, қачонки у саккиз кун-у ва саккиз кеча мобайнида узлуксиз касаллар учун кафедрада туриб ибодат қилган эди. Аммо, умуман олганда, у одатдагидек ибодат навбатларига кечаси бир ёки иккигача келаверишига қўйиб бергани сабабдан, ўзига жуда кўпроқ зиён етказди. Амалда, шу ҳамма вақтлар ҳам хато қилаётган бўлса керак, деб шубҳаланган эди-ю, аммо юрагида ҳамма ўша қийналаётган одамларга, уларнинг кўплари учун ҳаёт ва ўлим унинг ибодатига боғлиқлигини билганидан, улар учун жони ачир эди. Хуллас, Билли ўзини чарчатган, ҳолдан тойдирган ва янада кўпроқ чарчатган эди... Энди эса у бу учун қаттиқ таъзирини тортаётган эди.

У ўзини шу аҳволгача тушурди ва ҳозир Худо уни бундан ўз сабоғини олишини хохлар эди. Билли шуни тушундики, Худо унга шифолаш инъомини берган фактини ўзи, Худо барча оғирликларини унинг елкасига юкламоқчи дегани эмас эди. У Чиқиш китобининг 18-бобида, Мусога Синай даштида икки миллионлик Исроилликлар ташвишини қилиш топширилганида, у одамлар муаммосини бир ўзи ечмоқчи бўлиб, қанчалик ўзини жуда чарчатиб қўйгани ҳақида ўқиди. Мусонинг қайнотаси Ятро ўша катта мушкул ишларни қароргоҳдаги лаёқатли, диёнатли одамларга бўлиб беришга уни кўндирди. Чиқиш 11-бобида, Билли Худо Мусода бўлган Руҳдан қандай олиб ва Уни Мусога халқ оғирликларини тортишда ёрдам беришлари учун етмишта оқсоқолга берганини ҳам ўқиди.

“Шифолаш Овози” журналининг янги номерини варақлаб, шунчалик кўплаб эркаклар ва аёллар бутун Қўшма Штатлар ва Канада бўйлаб шифолаш кампанияларини ўтказаётганликларидан ҳайрон бўлди: Уилльям Фримен, Орал Робертс, Жек Коу, Томми Осборн, А.А. Аллен, У.В. Грант ва кўплаб бошқалар. Бу одамлардан айримлари билан Уилльям Бранхам шахсан таниш эди, чунки улар унинг йиғилишларида бўлган ва қўл бериб кўришишган эдилар. Масалан, Томми Осборн **(№7 Сурат)** Орегон штати, Портленддаги ўша кечқурун Биллини суякларини синдириб ташламоқчи бўлган васвас-маньяк бўлган йиғилишда бўлган ёшгина хизматчи эди. Бироқ, Осборн ўша 120 килограммлик йирик одам ҳушидан кетиб ва полга қулаганидаги воқеадан илҳомланмаган эди; уни илҳомлантирган нарса, қачонки Билли кар-сақов қизга қўлини қўйди ва бемалол: “Кар ва сақов руҳи, Исо Исми билан буюраман, бу боладан чиқиб кет”, — дея айгани эди. Билли бармоқларини қирсиллатганида, қизча эшита билди, кейин у гапирворди ҳам. Бу нарса Томми Осборннинг мустақил хизматни бошлаши учун, касбида ўт ёқди. Бу хизмат одамлар юрагида Масиҳга ишонишни алангалатиб, ҳозирда иблис территориясида нажот топишга ва шифоланишга йўл очди.

Билли билиб олган бошқа бир хизматчи Орал Робертс эди. **(№8 Сурат)** Билли бу ёш одам билан биринчи марта Оклахома штатида, Талсда учрашди. Ўша пайтда 32 ёшли Робертс ўзининг шифолашлар хизматини эндигина бошлаган бўлиб, қайси йўналишда сафар қилишни билолмай, ҳали ўзига унча қатъий ишонмас эди. Биллининг йиғилишларидан бирида бўлгач ва Исо Масиҳнинг

шифоловчи қудратини кўргач, Орал Робертс ўз хизматида ҳам Илоҳий шифоланишга катта аҳамият бериши кераклигига қарор қилди. Билли Орал Робертс билан баҳорда, Канзас-Ситида учрашди ва бу одам ўн ой ичида қанчалик камолга эришганини кўриб ҳайрон қолди. Ҳозир Робертсдан ўзига ишонч ва лидерлик уфуриб турар эди. Унинг омма олдида томошаларни ташкил қилиб билишдек ва одамларни диққатини торта олишдек туғма қобилияти сабабдан, унинг хизмати ой сайин кенгаяверар эди. Бунинг устига, Робертс ўткир бизнесменлик ақлига эга эди. Кампанияларида қўшимча харажат-чиқимларни камайтириш учун у ўзига чодир сотиб олди. Радиопрограмма эшиттиришларидан ташқари, у ўзининг *"Шифобахш Сувлар"* номли журналини ҳам нашр қилди. Бу иккала фаолият унинг таъсир сферасини кенгайтирар ва молиявий ёрдам асосини оширар эди.

Орал Робертснинг самимийлиги ва ташаббускорлигидан таъсирланган Билли, бу ёш, жасур воизга таъсир қилганини кўриб, анчагина таскин топди. Амалда *"Шифолаш Овози"* журналини варақлаб, Билли шу нарсани англадики, унинг ўз хизмати бу эркак ёки аёлларнинг ҳар бирига тўғридан-тўғри ёки қисман таъсир қилган эди. Қачонки у 1946 йил хизматини бошлаганида, Америкада бошқа ҳеч қандай хизматчи катта кампанияларни ўтказмаган ва Илоҳий шифоланишни ваъз қилмаган эди. Энди бу воизлар, гўё ҳамма жойда бордай эди ва уларнинг ҳар бири Биллининг — Исо Масиҳ кеча, бугун ва абадул-абад Ўшадир, деган мавзусини турлича ваъз қилишар эдилар. Бу нарса уни ҳайрон қилмади. Ахир, Раббий Фриштаси ғорда унга айтгани шу нарса эмасмиди? *"Сен Илоҳий шифоланиш неъматини бутун дунё одамларига кўрсатиш учун юборилгансан"*. Ўша пайтда Билли бу неъматни шахсан ўзи наоён қилиши керак, деб ўйлаган бўлса, энди эса у бор-йўғи бутун дунё уйғониши учун учқун бўлганини кўрди. Унинг икки йиллик хизмати ўн минглаб одамларнинг қалбида муқаддас олов ёқди ва ҳозир Муқаддас Руҳнинг шабадаси уйғониш алангасини ҳамма томонга пуфлаб юборди.

Бу нарса Худо у билан ишни тамомлади, дегани эмасмикин? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Ахир Фаришта унга, уни Худо томонидан юборилганини тасдиқлаш учун иккита аломат берилади, деган эди-ку. Ҳозиргача Билли улардан биттасини — ўз қўлидаги аломатни кўрди. Иккинчи аломат хусусидачи? Унга Фаришта айтдики, агар у самимий бўлса, шундай бўладики, у одамларнинг юрак сирларини билиб олади, деган эди. Бу нарса нималиги ҳақида Биллида озроқ бўлса ҳам фарази йўқ эди, бироқ у бу нарса ҳали бўлмаганини билар эди. Бунинг устига, ўша боланинг тирилиши ҳақидаги ваҳийси амалга ошмаган эди. Албатта, у шундай ҳолдан кетиб, эҳтимол, Худонинг унинг ҳаётидаги режасини буздимикан, дея ибодат қилди. Шуни ҳисобламаса, Худо уни ишлатишни ҳали албатта тугатмаган.

1948 ЙИЛНИНГ 15 СЕНТЯБРИДА Билли Миннесота штати, Рочестердаги Майо клиникасига, у ердаги врачлар унга ёрдам бериб билади деб, умидворлик билан борди. Уч кун давомида мутахассислар гуруҳи унинг касаллигига ташхис қўйиш учун калит бўла оладиган ҳар турли текшириш ва анализлар ўтказишди.

Рочестердаги охирги куни эрталаб Билли бетоқат кутиши ҳисси билан уйғонди. Бир неча соатдан кейин у клиникага жўнайди ва соғлиги тўғрисида охирги маълумотни олади. У учун ҳеч бўлмаса озгинагина умид нурчаси бўлармикан? Ёки бўлмаса, унинг куни битдимикан? У кроват четига ўтирди ва ибодат қила бошлади: "Азиз Исо, одамлар ҳар турли асаб бузилишлари билан менинг йиғилишларимга келар ва Сен уларни шифолардинг. Сен нима учун мени шифоламайсан? Кўп йиллардан бери Сен менга бошқа одамларнинг шифоланишлари ҳақида ваҳий кўрсатдинг-у, аммо Сен менинг соғайишим ҳақида бир марта ҳам ваҳийда кўрсатмадинг. Мен бошдан, болалигимдан бери вақти-вақти билан бу даҳшатли асабийликдан қийналаман. Энди бўлса менинг шунчалик кучим қолмадики, шифо олишим учун Сенинг Каломингга ишонишим учун ўзимни ҳам бошқаролмаётгандайман. Мен билан нима бўлади энди?

Ибодатини тугатиши билан, Билли ваҳийга кираётганини ҳис қилди. Меҳмонхона номери ички кўриниши йўқолди ва у, гўё сердарахт сойликда пайдо бўлди. Билли рўпарасида эски қуриган дарахт тўнкаси ёнида етти ёшар болани кўрди. Бу юзни Билли аввал қаерда кўрган эдийкан? Ахир бу болакай ўша ёшида, худди ўзига ўхшаб кўринар эди. Ана холос, бу ахир унинг ўзи-ку!

Тўсатдан Билли, бу дарахт тўнкасидаги тешикка қандайдир юнгли ҳайвонча лип этиб кириб кетганини кўриб қолди. Билли болага деди:

— Кел-чи, мен сенга у ёқдан бу олмахонни қандай ҳайдаб чиқаришни кўрсатай.

У таёқни олди-да, дарахт танасини бир томонидан, ости-устидан тақиллата бошлади. Бу овчиларнинг дарахт ковагидан олмахонни ҳайдаб чиқариш учун эски ҳийласи эди. Ҳозир ҳам бу амал қилди, аммо ковакдан ўрмалаб чиққан жонивор, тўлиқ демасак, кўпроқ латчага[146] *ўхшаб кетар эди.*

Унинг танаси ориқ, қора тусли узунчоқ бўлиб, боши кичкина ва зиғирдеккина кўзчалари қора мунчоқдек эди.ҳайвонча ёвуз ва йиртқич кўринар эди.

[146] Латча — сувсарларга мансуб кичкина йиртқич ҳайвон. (Тарж.)

— Ҳушёр бўл, — Билли болани огоҳлантирди, — бу эски дарахтга яқин келма. Бу ҳайвон қанчалик хавфли бўлиши мумкинлигини айтиб бўлмайди.

Билли уни огоҳлантиришини эшитдимикан дея, бола томонга бурилди. Бола — ўзининг, у бола кўринишида — энди у ерда йўқ эди.

Билли яна дарахтга қараб бурилди. Ҳайвонча ҳужумга ҳозирлангандай, танаси тортилиб, бақира бошлади. Биллида ўзи билан қуроли йўқ эди; тасмасига қистирилган кичикроқ овчилар пичоғи — ўзини ҳимоя қилиши учун ёнида бўлган бор-йўғи, шу эди. Асабийлашиб, у ўйлади: "Агар бу олмахон ҳужум қилиб қолса, бу пичоқ мени унчалик ҳимоя қилиб қолмайди. Шу ерда аниқ, менинг аҳволим чатоқ".

Орқасидан, ўнг томондан Билли Раббий Фариштасининг сўзларини эшитди:

— Эсингда тут, унинг узунлиги бор-йўғи олти дюйм[147].

[147] 6 дюйм = 15 сантиметр. (Тарж.)

Билли пичоғини чиқара бошлади. У пичоғи дамини чиқаришга ҳам улгурмай, ҳайвонча сакради ва унинг елкасига ўтириб олди. Билли пичоғ билан ҳамла қила бошлади, аммо бу "олмахон" жуда ҳам чаққон эди. У ўқдай у елкасидан – бу елкасига югуриб ўтканидан, Билли ҳатто унга пичоғини тегизолмадиям. Кейин у нимадир демоқчи бўлиб, оғзини очган эди, бу ҳайвонча ўқдай унинг оғзига кириб кетди ва қизилўнгачдан пастга тушди. Билли ҳайвоннинг, унинг ошқозони бўйлаб, у ёқдан – бу ёққа югуриб, уни нимталаб ташлаганини сезди. Қўлларини озод кўтариб, Билли қичқирди:

— О Худойим, менга раҳминг келсин!

Ваҳийдан чиқаётиб, у Фариштанинг ўша сирли сўзларини такрорлаётган овозини эшитди.

— Эсингда тут, унинг узунлиги бор-йўғи олти дюйм.

Ҳаяжонланган Билли кроватга йиқилди. Меда қимирлаб қўйди, лекин уйғониб кетмади. Билли бу ваҳийни фикрлаб, узоқ вақт ётди. Бу ғалати олмахон унинг асабий ҳолатини билдирган бўлиши керак, қайсики унинг ошқозонига шундай қаттиқ ҳужум қилганидан, у гўё ўлаётгандай эди. Аммо бу етти ёшар бола нимани билдирадийкин? Билли эслади, унда биринчи марта асабийлик ҳуруж қилганида, у етти ёшда эди. Етти ёш — шу ёшида унинг ҳаётида қанчалар нотўғри нарсалар бўлган эди: отаси ичар, оиласи қашшоқ эди, ўзи мактабда омадсиз эди; ва буларнинг ҳаммаси етмагандек, у бошқа одамлар кўриб билмайдиган нарсаларни кўрди. Асабий бўлиб кетганига ва умидсизликка тушганига ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади. Бу ваҳий маъносига эга бўла бошлади.

Бирдан Билли маълум бир қонуниятни кўрди... Бу асабийлик унга, тахминан ҳар етти йилдан кейин мунтазам қайтиб келар эди. Унга иккинчи марта ёпирилганида, у ўн тўрт ёшида эди, ўшанда амакиваччаси тасодифан уни оёғига сочма ўқли милтиқдан отиб қўйганди. Ўша қиш тўшакка михланиб, у асаби бузилишидан ойлаб қийналган эди. Кейин тахминан етти йил ўтди ва Билли газ қувуридан чиққан газдан заҳарланганидан, унда шундай ҳам қаттиқ ошқозони оғридики, ундан базўр ўлмай қолди. Беш ой мобайнида у арпа қайнатмаси ва қора олхўри шарбатидан озиқланиб юрди. Агар Раббий уни шифоламаганида, у очликдан ўлиши аниқ эди. Яна етти йил ўтиб, Хоуп ва Шарон Роуз ўлдилар. Бу фожеадан эзилган эди, шунинг натижасида шунчалик асабий ҳолатга келганидан, жонига қасд қилиб, ҳаётини тугатмоқчи ҳам бўлди. Раббий Исо аста-секин унга кучини ва руҳини йиғишига ёрдам берди ва кейинги бир неча йиллар мобайнида унинг асаблари вазминлашди ва уни одатдан зиёд безовта қилмади. Кейин Фариштадан топшириқ келди ва охирги икки йил мобайнида Билли ўзининг табиий бардоши борича, ўзини чарчатиб қўйди. Ниҳоят, унинг организми асабийликнинг бу "зиндонига" солиб, норозилик билдирди".

Ҳамон ваҳий ҳақида ўйлаб, кейин Билли ўша кичикроқ пичоққа эътиборини қаратди. Бу икки ҳафталик текшириш ва таҳлиллар вақтида, врачлардан бири унинг касалини шифолаб бўладиган усулини — ошқозонга туташиб турган бир неча нервларини кесиб ташлашни таклиф қилди. Ваҳийдаги ўша пичоқ скальпелини билдириб, шу билан Биллига, бу душманга қарши операция бефойдалигини кўрсатмоқчи бўлган бўлиши керак.

Фариштанинг эса ўша: *"Эсингда тут, унинг узунлиги бор-йўғи олти дюйм"* — деган сўзлари, нима дегани бўлди экан? Бу ошқозони касаллигидан фақат олти ой қийналади, дегани эмасмикин? Агар шу тўғри бўлса, унда Худо уни тез орада шифолаш ниятида, зотан, бу касалликнинг бошланганидан ярим йилга яқин вақт ўтди. Тез орада шифоланиши умидида руҳи кўтарилди. Бироқ, ақлини ишлатиб қарагач, Билли булутлардан ерга тушди. Ваҳийда ҳеч нарса бу ғалати олмахонни ўлган деб ўйлашига обормас эди. Бу муаммо етти йилдан кейин қайтади, деганини билдирмасмикин?

Унда бу касалликдан қолган умрида мунтазам қийналишига тўғри келармикан? О-о, агар у фақат ваҳийда ўша “олмахонни” ўлганини кўрса эди — унда у билар эдики, бу касаллик билан тамом!

Бир неча соат ўтиб, Билли Майо клиникаси кабинетида, унинг анализлари натижаларини тушунтираётган кекса врачни диққат билан тинглаб ўтирар эди.

— Яхши йигит, буни айтиш мен учун жуда оғир, лекин сизнинг соғлигингиз аҳволи сизга наслдан ўтган. Кўп ирландлар каби отангиз вискини яхши кўрган. Онангиз — ярим индианка ва бизга маълумки, индеецлар алкаголни ёқтиришмайди. Бу икки генлар гуруҳи аралашишидан сизда асабийлик ҳолати келиб чиқди. Сиз ҳеч қачон тузалмайсиз. Сизнинг асабларингиз ошқозонингизга таъсир қилади ва бунинг натижасида овқат орқага қайтарилади. Буни шифолаш учун ҳеч қандай дори-дармон йўқ; биз сизга ҳеч қандай ёрдам беролмаймиз. Сиз бундан бутун қолган умрингизда қийналасиз.

Билли Жефферсонвиллига қайтганида, унга клиникада врачлар нима деганини билишни истаб, уникига онаси келган эди. Билли айтиб қўйди:

— Агар Раббим ўша ваҳийда мени умидвор қилмаганида, мен ҳозир кўнглим чўкиб турган бўлар эдим.

Элла Бранхам маъқуллаб бош ирғади.

— Билли, жуда ғалати, сен пайшанба эрталаб ўша ваҳийда кўрганинг, чунки ўша эрталаб мен сен ҳақингда ўзгача туш кўргандим.

Билли онаси жуда кам туш кўришини билар эди. Бироқ айрим пайтлар бирор-бир туш кўрса, унинг тушлари ҳар доим руҳий характердаги тушлар бўлар эди, — ўша, Билли эндигина имонга келганидагидек, қачонки онаси уни оппоқ булутларда туриб, бутун дунёга ваъз қилаётганини кўрганига ўхшаб.

Элла давом этди:

— Мен тушимда, сен айвонда ошқозонинг оғриғидан ўлиб қолгудек бўлиб ётибсан. Сен Ғарбдаги бир тепаликда уй кўрдинг. Кейин мен қарасам...

— Она, — Билли уни бўлди, — рухсат бер, мен тугатай. Ўша ерда касал ҳолда ётганимни кўрганингдан кейин, осмондан “S” шаклида олтита оқ кабутарни учиб келганини ва менинг кўксимга ўтирганини кўрдим. Ҳаммасидан ҳам менинг бошимга яқинроқ бўлган кабутар дам-бадам ғув-ғувлаб ва менга ниманидир айтмоқчи бўлиб, бошчаси билан юзимга суйкаланар эди. У, гўё менга ҳамдардлик билдирар эди. Кейин, сен уйғонишингдан олдин, мен “Раббийга Санолар”, деб қичқирдим.

— Бу ҳақиқат. Буни сен қандай билдинг?

— Она, ахир сен биласан-ку, ҳар сафар, кимдир менга илоҳий аҳамиятга эга бўлган тушини айтиб берганида, Раббий менга худди шу тушни таъбири билан кўрсатади. Бу Библиядагидан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайди. Эсингдами, шох Новуходоносорни ёмон туш қийнаганида, у бу нимани билдиришини билишни хохлади. Муаммо шунда эдики, ўша туш нима ҳақида бўлганини у эслаёлмаган эди.шундай қилиб, Раббий Дониёрга ўша тушни кўрсатди, Дониёр шохга ўшанда нима тушига кирганини эслатди ва шундан Новуходоносор Дониёрнинг таъбири Худодан келганини тушунди[148].

[148] Дониёр китобининг 2-боби

— Билли, унда менинг тушим нимани билдиради?

— Раббий бу тушни сенга, қачонки У менга ўша ваҳийни кўрсатган вақтда юборди. Ўша ғалати олмахон менда қарийб ҳар етти йилда бўлиб турадиган асабийлик ҳолатимни билдиради. Менга ҳужум қилган ҳайвончанинг узунлиги олти дюйм эди, сен эса олтита кабутарни кўрдинг. Бу дегани, ошқозон касаллигининг ҳар циклидан кейин, мен шифоланаман... бир неча вақтга. Библия бўйича олти — бу тугалланмаганлик сони. Худо еттида мукаммалдир. Бир ажойиб кунда мен ўша ғалати олмахонни ўлганини кўраман; кейин еттинчи кабутарни кўраман ва бу жанг охирига етади.

Икки кун ўтиб, Билли айвонида Фред Босвортнинг *“Масиҳчилик эътиқоди”* китобини ўқиб ўтирган эди. Китобни қўйиб, у ўзининг Библиясини олди ва уни таваккал очди. Саҳифалар Наби Ясунинг Китоби, 1-бобида икки томонга ажралди. Билли ўқий бошлади: *“Маҳкам ва жасур бўл... зеро Худовандинг Раббий сен билан, сен қаёққа борма, ҳамма ерда”*. Бирдан у англадики, бу унинг эътиқоди бўлиши керак. Кейин у ички бир овоз, — *“Мен Раббий, шифоловчинг”*[149] — деб шивирлаганини эшитди. Билли қувониб уйига кирди, хотинини бағрига босди ва:

— Азизам, ҳозиргина Худо мени шифолади! — деди.

43 БОБ
ИККИНЧИ АЛОМАТНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ
1948

Майо клиникасидан қайтганидан биро ҳафталар ўтиб, Уилльям Бранхам салкам олти килограммга тўлишди. У ҳали ҳам беҳоллик ва қалтироқни ҳис қилар, ўз хизматини тиклай олиши учун, унинг аҳволи етарлича яхшиланмаганига, бу нарса вақтнинг ҳукмидалиги унга маълум эди.

Биллида қуввати тикланаверар экан, у катта қизиқиш билан Палестинадаги уруш ҳақидаги янгиликларн кузатиб борди. Тикланган Исроил ўзининг анча йирик ва кучли араб қўшниларига қаршилик қилиб, позициясини мустақил ўзи ушлаб турар эди. Билли кўп нарсада ўзини эндигина оёққа тура бошлаган Исроил давлатига ўхшатар эди. Унинг ҳаётига хавф солаётган асабий ҳолати сабабли ўз хизматини тўхтатиб қолган пайтда, тахминан шу вақтда, палестина яҳудийлари ҳам ўз ҳаётлари учун жанг қилишга мажбур эдилар. 1948 йил 14 май куни улар ўзларини мустақил миллат сифатида эълон қилдилар. Кейинги куннинг ўзидаёқ беш араб давлатлари унинг чегараларидан қўшинларини ўтказиб ва ҳамма яҳудийларни денгизга ҳайдаймиз, дея қасамёд қилиб, Исроилга уруш эълон қилдилар. Исроилда ўз армияси йўқ эди, бироқ унинг томонида чорасизлик бор эди — худди шундай Биллида ҳам. Биринчи вақтларда, гўё Палестина яҳудийлари ўлимга маҳкум эдилар, аммо кундан-кунга қаршилик ўчоқлари то душманларини ҳарбий ҳаракатларини тўхтатишга мажбур қилмагунларича жанг қилиб бирлашдилар. Энди уруш музокараларга ўралашиб қолди.

Билли соатлаб бу воқеаларнинг библиявий аҳамияти ҳақида ўйлади. Исроил яна миллат бўлди! Салкам ўн тўққиз аср давомида яҳудийлар дунёнинг ҳар бурчакларида тарқалиб кетган эди. Энди бўлса улар Ваъда этилган Ерга қайтдилар. Мабодо, Луқо Хушхабари 21 бобда Исо айтган анжир эмасмикин? Билли бу янги Исроил давлати бу конфликтдан ғолиб чиқишига ўзида ишонч сезди, чунки Библияга мувофиқ, Исроил замоннинг охирида Худонинг режасида етакчи рол ўйнайди. Буни кузатиб бориш жуда ҳаяжонли эди. Гўё, ҳар бир қадамда Билли библиявий башоратлар амалга ошаётганини кузатар эди.

Сентябр охирида Билли Гордон Линдсейга қўнғироқ қилди ва унга Майо клиникаси врачлари ва уларнинг аянчли ташхислари ҳақида, у ғалати олмахон ҳақидаги ваҳийси тўғрисида ва уни Раббий ҳозирги вақтда қандай шифолагани тўғрисида айтиб берди. Буни эшитиб, Линдсей хурсанд бўлди ва унда мамлакатнинг ҳар бурчакларидан, Биллидан шифоланиш кампанияларини ўтказиш учун келишини сўраган таклифномалардан унда бир чамадон борлигини айтди. Билли ўз администраторини огоҳлантириб, ҳали у тўлиқ жадвал бўйича йиғилишлар ўтказиш учун жуда ҳам заифлигини айтди. Кейин Линдсей, шу вақтда *“Шифолаш Овози”* журналини нашр қилиш билан анчагина бандлигидан, Биллига Эрн Бакстерни кампанияларни ташкил қилишда ўзининг администратори сифатида фойдаланишни таклиф қилди. Эрн Бакстерни нафақат ташкилотчилик қобилияти, балки у бунинг устига, серғайрат воиз ҳам эди ва қўлидан келган ҳар қандай ёрдамини аямас эди. Билли бу ҳақда ибодат қилиб, администраторини алмаштиришга рози бўлди.

Муҳтарам Бакстер кампанияларни ташкил қилишда яхши администратор экан. У Фред Босворт билан биргаликда Биллини аста-секин шифолаш хизматига қайтаришни ният қилдилар. Ҳаддан зиёд зўриқишдан Биллини соғлигини ҳимоя қилиш уларнинг асосий мақсади эди. Ҳаммасидан олдин, улар олдинги хатоларини тахлил қилдилар. Биллининг бутун континент бўйлаб ўтказилган кўпсонли кампаниялар вақтида, ўзларида хизматни ташкил қилган маҳаллий пасторлар, кўпинча, ҳар бир Илоҳий шифолаш хизматлари қачон тамом бўлиши кераклигини ҳал қилар эдилар. Бу одамлар тушунмасдики, фарқлай билиш инъоми Биллининг куч-қувватини қанчалик олар эди. Токи Билли оёғида туриб билар ва касаллар учун ибодат қилар экан, унда ҳаммаси жойида деб ўйлаб, улар оқшомдан оқшомгача ибодат навбатларини соатлаб, тинмай давом этишига қўйиб берар эдилар. Бу ёмон аломат бўлиб чиқди, Биллини касал одамларга жуда буюк қайғуриши бўлганлигидан, олдинга чиққан ҳар бир киши учун ибодат қилишга уриниб, уни қанча кучи бўлса, у ўзидан бор кучини ишга соларди. Унда мойланиш бор экан, унинг танаси аста-секин қотиб қолаверар, ақли эса ўз фикрларига нисбатан туманлашаверар эди. Охир-оқибатда, унинг куч-қуввати тамом бўлди. Ҳар бир хизматнинг охирида Билли шунчалик бўлар эдики, нима қилаётганини билмасди: юрар, судралар ёки бўлмаса, ёрдамчилар томонидан кўтариб олиб кетилар эди.

Бакстер ва Босворт бундан буён ҳар бир хизматнинг тугашини белгилаш, Биллига шахсан қараб юрадиган одамларга қўйиб берилиши керак, деган бир фикрга келдилар, — у одамлар Биллига диққат билан қараб боришлари ва унда чарчагаликнинг илк аломатини пайқаганлари ҳамон, ибодат

навбатини тўхтатар эдилар. Бу оддий ишчан амалий ўзгариш Биллини ҳар қандай бўлажак ҳолдан тойишдан асраш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши керак эди.

Келажакда эҳтиёткорлик сифатида, Биллининг администраторлари ҳар қандай кечки йиғилишларда ибодат навбатларида одамлар сонини чегаралашни таклиф қилдилар. Билли бундай ёндашишда доноликни кўрди. Кейинги савол эса, улар ибодат навбати учун одамларни қандай қилиб танлашлари, турган эди. Бир неча вариантларни ўйлашиб кўриб, улар яна ибодат карточкаларидан фойдаланишга қарор қилдилар.

Билли бутун мамлакат бўйлаб олдинги хизматларида ибодат навбатларини чегаралаш учун тартиб жорий қилганди. Ҳар бир хизматдан олдин номерланган карточкалар тарқатилар ва ҳеч кимга шу карточкалардан бирисиз навбатга туришига рухсат берилмас эди. Бу усул қолганларидан ҳам қулай бўлар, гарчи Билли одатда жуда ҳам кўп карточка — кўпинча 150 тадан 200 тагача бир кечада тарқатилар эди. Бунинг устига, аудиторияга: “Бу оқшом мен бу бинодаги ҳар бир одам учун ибодат қилишга ҳаракат қиламан”, — дея, ўзининг карточкалар системасига умуман эътибор қилмаган йиғилиш кечалари ҳам кам бўлмас эди. Кейин ибодат учун навбат тўхтамай келаверар ва Билли шундай бўлардики, токи соат бир-икки кечасигача, ҳолдан қолганигача, одамлар учун ибодат қилар эди. Энди эса бундай давом этиши мумкин эмас, — бирор ўзгартириш киритиш керак эди.

Ибодат карточкалар тартибини қайта тиклаш зарур эди ва унга қаттиқ риоя қилиш керак эди. Ҳар бир оқшомги хизмат вақтида, ибодат навбатига рухсат берилаётган одамлар сонига қаттиқ эътибор берилиб, назорат қилиш керак бўлади. Биллини яна қийналишларига, соғлом фикридан устун келишига яна қўйиб бермаслиги керак. Энг аввало, бошқаларни соғайишига ёрдам беришидан олдин, у ўзи соғлом бўлиши керак.

Фред Босворт ва Эрн Бакстер Биллига қолган ҳамма икр-чикирларни тўғирлашда ёрдам бердилар. Хизматнинг бошланишига бир-икки соат қолганида, ёрдамчилардан бирор киши аудиторияда юрар ва номерланган карточкаларни ибодат навбатида бўлмоқчи бўлганларнинг ҳаммасига тарқатар эди. Қачонки касаллар учун ибодат қилиш вақти бўлганида, Билли таваккалига номер сайлар ва шундай дерди (мисол учун): “Келинглар, бугун Б-75 карточкасидан бошлаймиз. Биз қанча одам учун ибодат қилиб билсак, шунча одам учун ибодат қилишга ҳаракат қиламиз, лекин келинг, 15 кишидан бошлаймиз — 75-номердан 90 гача. Шундай қилиб ҳеч кимга, касаллар учун ибодат қиларканман, жуда ҳам кўп туриб туришига тўғри келмайди. Кимда Б-75 номерли карточка бор? Ёрдамчилар кўриши учун қўлингизни кўтаринг. Мана, бу ерда. Энди, кимда Б-76 номерли карточка...?”

У номерларни айтаётган бир пайтда, ёрдамчилар аудиториянинг бир томонидан, Биллининг ўнг томонидан одамларни қаторга қўйишар эди. (Билли ҳамма вақт ибодат навбатини ўзининг ўнг томонидан қатор қилар эди, чунки Фаришта унинг ўнг томонида турар эди.) Одамлар навбатда туриб, кутар эдилар, бу орада ким учун ибодат қилиниши керак бўлса, ўша одам хушхабарчи билан яккама-якка учрашиш учун платформага зиналардан чиқиб, кўтарилиб келар эди. Шу тарзда Биллининг администраторлари унинг кучи сарфланишини кузатиб билишар ва у етарлича ибодат қилганини сезгани ҳамоно, хизматни тўхтатиб билишар эдилар.

1948 ЙИЛНИНГ 29-31 ОКТЯБРИДА Уилльям Бранхам Калифорния штати, Фресно шаҳрида уч кунлик шифолаш кампаниясини ўтказиб, ўзининг кучини текшириб кўрди. Кейин, 1 ноябрда у Вашингтон штати, Сиэтлга борди, у ерда у Фред Босвортнинг икки ҳафтадан бери бўлаётган кампаниясига қўшилди. **(№9 Сурат)** Кейинги олти оқшом касаллар учун ибодатдан сўнг, Билли ўзининг силласи қуриганини сезди. Хизматга қайтишига ҳали тайёр эмас эканлигини тушуниб, яхши дам олиши учун уйига қайтди.

1949 йил январида у Арканзас штати, Хот-Стрингс шаҳрида беш кунлик кампаниясини ўтказиш билан хизматини тиклашга уриниб кўрди. У бу ерда стресс ҳолатини осонроқ ўтказса-да, бироқ доимий равишда хизматда бўлолмаслигини олдингидай ҳис этди. Бир ой ўтказиб, у Флорида штати, Майамидаги етти кунлик кампанияда ваъз қилди. Бу сафар у ўзини, балиқ ўзини сувда ҳис ҳис қилгандай, ҳис этди, шу учун, Эрн Бакстердан унинг жадвалини йилнинг қолган қисмида тўлдиришини илтимос қилди.

1949 йилнинг 11 мартида доимий воизлик қилишидаги ўн ойлик танаффусдан кейин Иллинойс штати, Сион шаҳрида тўрт кунлик кампаниясини бошлаб, Билли ўзининг тўлақонли хушхабарчилик меҳнатини тиклади. Кейинги тўрт ой давомида Миссури, Индиана, Техас, Мичиган, Вашингтон, Шимолий Дакота штатлари ва Канаданинг Британия Колумбиясида кампаниялар ўтказди. Хушхабарчилик соҳасидаги шифолашлар хизматларининг ғоят кўплигига қарамай, Уилльям Бранхамнинг сирлилиги, унинг хизматда бўлмаган вақтларида ҳам ўзига жалб қилиш қудратидан

маҳрум бўлмади. Минглаб одамлар унинг йиғилишига келдилар. Ғоят кўплаб мўъжизалар бўлиб ўтди.

У июлда икки ойлик шиддатли кампанияни бошлади ва шу вақт ичида у Канаданинг бутунлай марказий қисмидан ўтди. Айнан шу сафар вақтида Масиҳчилик тарихи йўли бутунлай ўзгарди.1949 йил 24 июлда Билли Саскачеван провинциясида, Реджайнда бўлиб, ўн минглик оммага ваъз қилди. У одамларни энди ибодат навбатига чақирган ва ёрдамчилар ўн беш кишини тартиб бўйича навбатга тизишгунича, у аудиторияга шундай деди:

— Қачонки мен бир йил олдин Флориданинг Майами шаҳрида бўлганимда, Раббий Исо менга ваҳийда ўликдан қайтиб тирилган болани кўрсатди. Ўша бола саккиз-ўн ёшларда, жигарранг сочли ва жигарранг кўз эди. У озгина ғалатироқ кийинган, гўё, қандайдир чет давлатда яшайдиганга ўхшар эди. Бу ҳали бўлиб ўтмади, аммо бу РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ, шу учун бу бир куни албатта бўлади. Сиз буни Библиянгизнинг биринчи варағига ёзиб қўйинг. Бу қачондир содир бўлса, мен Гордон Линдсей акага бу тўғрисидаги гувоҳликни Шифолашлар Овози" журналида, сиз ҳаммаларингиз бу ҳақида билиб олишингиз учун босиб чиқаришига ғамхўрлик қиламан.

— Ибодат навбати тайёрга ўхшайди. Энди ҳаммангиз ҳурмат-эҳтиромли бўлинглар. Фикрингизни Исога қаратинг ва ишонинг. Булар касал одамлар. Айримлари учун бу охирги умидидир. Мен ҳам ҳурмат-эҳтиромли бўлишим зарур. Фаришта менга қўлимдаги бу аломатни берди ва шундай деди: "Агар сен самимий бўлсанг ва одамларни ўзингга ишонтиролсанг, шунда сенинг ибодатинг олдида ҳеч нарса туролмайди, ҳатто рак ҳам". Мен қаерларда бўлмай, бу ҳамма ерда ҳақиқат бўлди. Сизлардан кўпларингиз буни шахсан кўрдингизлар. Фаришта менга яна шундай деди: "Агар сен мен берган нарсага чин дилдан самимий муомалада бўлсанг, унда бир куни сен одамларнинг юрагидаги сир-у – асрорларини ва улар ҳаётларида нимани нотўғри қилганларини ва шундай бошқа нарсаларни ҳам айтиб берасан".

Ўз укаси Донига бурилиб, Билли деди:

— Яхши, биринчи касални олиб келишинг мумкин.

Июл ҳавоси қиздирилган духовкадагидек айлантирар эди. Биллининг пешонасидан тер қуйилар ва орқасида куйлаги эса ҳўл бўлган эди. Пешонасини дастрўмоли билан артди. Томоғи қуриб, товуши хириллаб қолганди. Биринчи одам ибодат учун олдинга ўтган вақтида, Билли бир стакан сув ичиб олиш учун микрофондан узоқлашди.

— Бранхам ака, сени Худо дуо қилсин, — деди жаноб Бакстер.

— Рахмат, Бакстер ака.

Билли микрофонга қайтди. Баландроқ жойда уни ўрта ёшлардаги аёл кутаётган эди.

— Салом, леди.

— Салом, — асабийлашганча жавоб берди у.

Унинг безовталанаётганини тушунган Билли деди:

— Хўш, сиз ҳис қилиб турган бу нарса, ниманингдир шу ерда борлиги, у сизга зарар қилмайди. Бу Раббий Фариштаси. Мен буни сиз билан ўзим ўртамизда, ҳавода муаллақ турган нур кўринишида кўриб турибман. Мен ҳам буни ҳис қилаяпман. Бу ҳақиқатан ҳам муқаддас ҳиссиёт...

Ҳали Билли гапирётган экан, ғоят ҳайратланарли нарса бўлиб ўтди. Бир лаҳзада у одатдаги ўрта ёшар аёлга қараб турган эди, а яна бир онда бу аёл гўё товуш тезлигида ундан узоқлашгандай, кичрая бошлади. Гўё, у кичраявериши билан бир вақтда яшараверди. Қачонки унинг ўзгариши ўн икки ёшига етганида, ўзгаришдан тўхтади. Энди Билли кўрса, унинг кўриниши, ҳозир платформада турган аёлдан жуда ҳам фарқ қилар эди. У партада ўтирганча ўхшайди. Унинг атрофида бошқа парталар бор эди; а деворда эса синф доскаси осиғлиқ эди. Бу мактаб синфига ўхшар эди. Бу кўриниш жуда кичик бўлиб кўринаётган бўлса-да, бу қизча ҳаракатланаётган эдики, Билли унинг ҳарактларини аниқ-равшан кўриб билаётган эди.

— Нимадир бўлаяпти, — Билли аудиторияга мурожаат қилди, микрофон унинг сўзларини кучайтириб берди. — Бу ўрта яшар аёл мендан узоқлашди ва мен мактаб синфида ўтирган ўн икки яшар қизчани кўряпман. У партага қалами билан ураяпти... Йўқ, бу ручка. О-о! Мен уни юқорига учганини ва тўппа-тўғри унинг кўзига кирганини кўряпман...

Энди Билли узоқдан келаётган қичқириқни эшитди. Мактаб синфи кўринмай қолди. Билли бош чайқади ва кутилмагандаги бир аҳволда, кўзларини ишқай бошлади. Мана унинг олдида платформада аввалгидек, ўша ўрта яшар аёл турар эди. Ахир у умуман ҳеч қаёққа кетмаган эди. Унда у қаерда бўлди ва у нимани кўрди экан?

Унинг ёнида турган аёл яна қичқириб юборди. У қўлини оғзига қўйди ва қалтирай бошлади.

— Бранхам ака, бу мен эдим. Бу кўп йиллар бурун, мен ҳали мактабга бориб юрган вақтлари бўлган эди. Ручка юзимга урилган эди ва ҳозир мени ўнг кўзим кўрмайди.

Билли яна бошини силкиди.

— Бунақаси менда олдин ҳеч қачон бўлмаган эди. Бир дақиқа... мана, бу яна пайдо бўлаяпти. Мен ўн олти яшар қизчани кўряпман, катакли кўйлакда кийинган. Унинг сочлари иккита қилиб ўрилган ва тепасида катта лента билан тугилган. Мен уни бор кучи билан югурганини кўряпман ва у қўрққан кўринади. Шошманг... уни ит қуваяпти, катта сариқ ит. Мен бу қизчани айвонга қочиб кирганини кўряпман. Ҳозир эшик очиляпти ва каттароқ аёл уни уйга олиб кирди.

Ўрта яшар аёл яна қичқириб юборди.

— Бранхам ака, бу нарса бўлган эди, ўшанда мен ўрта мактабда ўқир эдим. Мен кўп йиллар бу ҳақида эсламаган эдим!

Биллининг юз териси увушди, тили ва лаблари оғирлашиб қолди.

— Дўстлар, бу ерда нимадир бўлди. Мен билмайман, ўзи нималар бўлаяпти. Опа, ижозат беринг, қўлингизни ушлашимга.

У жумбоқнинг ечимини топиш учун, аёлнинг билагидан ушлади.

— Нима ҳам дердим, мен бунда ҳеч қандай тебранишни сезмаяпман.

У аёлнинг қўлини орқа томонидаги веналарига қаради ва бирдан атрофидаги ҳолат яна ўзгарди ва у қараса, у умуман бошқа кўринишни кўраяпти. У аёлнинг қизил омбордан чиққанини ва оқсоқланиб оқ уйга бораётганини кузатди. Билли деди:

— Мен аста-секин юраётган ледини кўраяпман... опа, бу сиз! Мен сизни оқ уй зиналаридан қандай қийналиб кўтарилаётганингизни кўряпман. Сизни орқангизга нимадир бўлган. Мен сизни ўша зиналардан кўтарила олмаётганингизни кўряпман. Энди мен сизни ўнг томонингиздаги гулзор тўғараги устига эгилганингизни ва йиғлаётганингизни кўряпман. Бир дақиқа...

Билли ваҳийдаги аёлнинг сўзларини эшитиб олиш учун аудиторияга гапирмай қўйди.

— Мен сизни, "Агар мен қачон бўлса ҳам, Бранхам аканинг йиғилишида бўлиб қолсам, бу нарса бархам топади" — деганингизни эшитдим.

Бу сафар аёл битта сўз ҳам демади, аммо унинг кўзлари орқага кетди ва беҳуш йиқилди. Яхшиям, ёрдамчилардан бири яқинроқ турган эди, шу учун у аёлни ушлаб қолди ва эҳтиётлаб ерга қўйди. Бир-икки дақиқа ўтиб ўзига келгач, у нафақат орқаси билан у ёқ – бу ёққа бурилар, лекин у ўнг кўзи билан яхшигина кўра олар эди ҳам!

Ўша ердаги одамлар нималар бўлаётганини бор кучлари билан тушунишга уринаётганларидан, диққат-эътибор жуда кучайди. Билли ҳам қолган одамлардай, худди шундай ҳайратда эди.

— Нима десам экан... ҳм... нимадир бўлди, дўстлар ва мен билмайман ҳам...

Шу вақт Эрн Бакстер микрофонни олди ва кўтаринки руҳда шундай деди:

— Бранхам ака, бу ахир сен бўлади деган нарсанинг айни ўзи-ку. Бу ўша, сенга Фаришта айтган иккинчи аломат.

Омма орасидан жўшқин олқишлашлар кўтарилди. Одамлар турдилар, қарсак чалдилар, ҳайқирдилар ва Ўз халқини шундай ғаройиботлари билан йўқлаган Раббий Исо Масиҳга сиғиндилар.

Шу уйғониш ва олқишлар вақтида, ибодат карточкаси бўлмаса ҳам, бир йигит қўлтиқ-таёқлар ёрдамида платформага кўтарилди ва хушхабарчига оқсоқланиб яқинлаша бошлади. Икки ёрдамчи, бу одам нима қилмоқчилигини англаб, платформадан тушириш учун уни ушладилар.

Ўша қўлтиқ-таёқлар тақиллашини эшитиб, Билли ўша томонга қаради ва ўша тартибсизликни кўрди.

— Сен қайтишинг керак, ўғлим, ва ибодат карточкасини олишинг керак, — деди у мулойимлик билан.

Йигит ялина бошлади:

— Бранхам ака, менга айтинг, мен нима қилай; мени битта истагим — сиз менга, нима қилишни айтсангиз.

— Нима десам, ўғлим, билмайман, сенга нима дейишни... Бир дақиқа. Ёрдамчилар, ҳозирча уни олиб кетманглар.

Бу яна содир бўлди. Ногирон-йигит Биллининг кўз ўнгидан узоқлаша-узоқлаша, кичрая бошлади... Билли энди аудиторияни бошқа кўрмай қолди; унинг ўрнига у, олд шиша устида аниқ тасвирланган "Regina Beach"[150] номли автобусни кўрди. Автобус эшиги очилди ва у ёқдан оқсоқланиб, бу йигит таёқлари билан чиқди.

[150] Реджайна-Бич — шаҳар номи. (Тарж.)

— Сен бугун эрталаб Реджайна-Бичдан жўнадинг, шундай эмасми? — деди Билли.— Сен бу ерга автобусда келдинг. Сенга эркак киши ва аёлнинг, бу ерга келишинг мумкин эмас, деб айтганини кўряпман. О-о, бу сенинг ота-онанг.

— Бу рост, — йигит хитоб қилди.

— Бошқа бир эркак сенга келишинг учун қарз бераётганини кўряпман. У нимаси биландир сенинг отангга, унчалик бўлмаса-да, ўхшайди...

— Бу менинг амаким.

— Энди мен сени хонада турганингни ва ёпиқ балкондан қараётганингни кўряпман.

— Бу менинг холамни уйи. Мен унинг уйида меҳмон бўлгандим,— йигит очиқчасига ҳаяжонланиб деди. — Бранхам ака, мен нима қилишим керак?

— Сен бутун юрагинг билан ишонасанми?

— Мен бутун қалбим билан Исо Масиҳ шу ердалигига ишонаман.

— Унда таёқларингни ташла ва оёқларингда тур, — Билли унга буюрди ва бармоғи билан тўғри унга кўрсатди. — Исо Масиҳ сени шифолади.

Иккала таёқ ҳам ёғоч платформани тўқиллатиб, пастга отилди. Ёрдамчининг ушлаб турганидан чаққон ҳаракат билан озод бўлди-да, йигит биттагина эҳтиёткор қадам ташлади, кейин дадилроқ қадам, кейин учинчи ва тўртинчи қадамини ташлади. Ўзига борган сари ишончи кўпайганча, у қадамини тезлаштира борди, кейин қўлларини кўтариб, Исо Масиҳга ҳар қадамида рахматлар айтди.

Омма жўш урган ва жазавада олқишлаб қайнаган бир вақтда, Билли Раббийни Мусога: *“Агар улар сенга ишонмасалар ва биринчи аломатнинг овозига қулоқ солмасалар, унда бошқа аломат овозига ишонадилар”*[151] — деганини эслади.

[151] Чиқиш 4:8

44 БОБ
ЎЗ ХИЗМАТИНИ ИДРОК ЭТИШИ
1948 — 1949

ИККИНЧИ АЛОМАТ Уилльям Бранхам хизматини тубдан ўзгартириб юборди. Шу вақтдан бошлаб Билли қўлидаги аломатдан ташқари, одамларнинг юрагида турган сирларини кўриб билар эди. Бу иккинчи инъом — ваҳий орқали юрак сирларини билиб олиш, — у билан яқин контактда бўлган ҳар қандай одамни, ҳатто Биллининг ўзини ҳам ҳайратга солиб, дабдиратиб қўяр эди. Гарчи у болалигидан бошлаб ваҳий кўрган бўлса-да, улар олдинлари ҳеч қачон бунчалик кўплаб ва бундай тезликдаги натижалар билан келмаган эди. Хизмат кетидан хизмат, оқшом кетидан оқшом, нотаниш кетидан нотаниш, касаллик кетидан касаллик, сир кетидан сир, — Худо очмоқчи бўлганида, ҳеч нарса сирлигича қолмасди. Биллининг қўлидаги аломат, агар у уни ишлатмоқчи бўлса, олдингидай амал қилар эди. Бироқ, бу янги инъом чегарани ва тўсиқни билмайдигандай эди, у имонлиларнинг ишончини кучайтиришда анча муваффақиятли эдики, бундан улар ўз шифоларини қабул қилиб билар эдилар.

Бу янги феномен одамлар қачон бўлса ҳам олдин кўрган ҳар қандай одатдан ташқари ҳодисотлардан кескин фарқ қилар экан, Билли тез-тез ўз тингловчиларига тушунтиришга уриниб, шундай дерди: “Сизларнинг кўпларингиз туш кўрасизлар. Туш — бу қачонки сизнинг онгингиз уйқу ҳолатида бўлганида, онгингиз остидаги ҳис туйғуларингиз ҳаракатидир. Аммо башорат қилувчи билан бутулай бошқача бўлади; башорат қилувчида онг ости туйғулари унинг онги билан шунчалик қаттиқ кучли ўзаро боғлиқ бўладики, шу сабабли у ухламаган ҳолатда ҳам ваҳий кўра олади”.

Дарҳақиқат, инъомни намойиш қилиш, уни тушунтиришдан кўра осонроқ эди. Қачонки аудитория ваҳий орқали сирларни ошкор бўлаётганини кўрганларида, кўплаб одамлар бунчалик бехато аниқлик инсоний қутрат ва қобилиятидан юқори эканлигини англар эдилар. Билли, Исо Масиҳни ҳозир Муқаддас Руҳ кўринишида шу ерда Ўзини инъом орқали очиб, Фаришта орқали бошқаради, деб тушунтирди.

Бундай тушунтириш ҳаммани ҳам ишонтиравермас эди. Айрим одамлар Билли психологияни ишлатади ва аудиторияни алдайди, деб ҳисоблашар эди. Бошқалар бўлса, у ибодат карточкалари билан “фокус кўрсатади”, деб шубҳаланишар эдилар. Ҳар бир карточканинг орқа томонида касаллар у ерда ўз исми, манзили ва ибодат навбатига келиш сабабини ёзишлари учун бир неча линия-чизиқлари бор эди. Ўша жойдаги кампанияни молиявий ташкил қилган хизматчилар шунда бу одамлар ва уларнинг соғлиги ҳақида маълумотга эга бўлишлари учун бу информациядан фойдалана олардилар. Билли умуман бу карточкаларни кўрмасди. Ёрдамчи одамлар аудиториянинг бир томонида тизилганларида, уларни йиғиб олар эди. Шунга қарамай, айрим шубҳаланувчилар, ёрдамчилардан бири, эҳтимол бу карточкаларни ўқийди ва бу информацияни Биллига ақлий телепатия орқали узатади, деб ўйлар эдилар. Бундай асослаш мантиққа умуман тўғри келмайди: ахир ҳамма касаллар ҳам ибодат карточкалари орқасида ўз муаммоларини ёзишмасди; бунинг устига, ақлий телепатия Билли касал одамларнинг биргина ўзига тегишли шахсий сирларини қандай қилиб очишини тушунтириб беролмасди. Айрим одамлар, Билли ўзгалар фикрини ўқий билади, деб ўйлар эди, бироқ, ҳатто фикрларни ўқий билиш ёрдамида ҳам у қандай қилиб келажакни билганлигини тушунтиришнинг иложи йўқ эди. Шунга қарамай, шубҳаланувчилар ўз фикрларида қолдилар.

Канаданинг Саскачеван провинцияси, Реджайнедаги хизматдан кейин, Билли Онтарио провинциясидаги Виндзорда кампания ўтказди. Биринчи оқшомдаги йиғилишда 8000 дан кўп одам бор эди. Ибодат навбати охирида, Биллига ёшгина одам келди ва шундай деди:

— Жаноби Бранхам, мен шифоланишни истайман.

Билли ўша оқшомги кучли руҳий курашдан ўз танасида хорғирлик сезар ва унинг кўз олдида предметлар озроқ чайқалиб кўринар эди. Бироқ, у қараб кўрса, бу унинг олдида турган ёш одам соппа-соғ ва бақувват кўринар эди. Билли унинг қўлини ушлади. Унда ҳеч қандай тебраниш йўқ эди.

— Сизда ҳеч қандай вирусли касаллик йўқ.

— У менда бор, ҳам — эркак тортиша бошлади. — Менинг ибодат карточкамни олган ёрдамчингиздан сўранг.

Билли бош чайқади.

— Сиз ибодат карточкангизга нима ёзганлигингиз мен учун муҳим эмас. Агар сиз касал бўлганингизда эди, мен буни ўз қўлимда сезган бўлар эдим. Сиз умуман касалмассиз.

Одамгина ўзиникида туриб олди:

— Мен касалман. Мен туберкулёз бўлганман. Бу менинг карточкамда ёзилган.

— Сэр, эҳтимол, сиз бу билан олдин касал бўлгандирсиз, лекин ҳозир эмас. Мумкин сизнинг имонингиз, ҳали сиз аудиториядалигингизда, сизни шифолагандир.

Эркак қўлларини шими чўнтагига солди-да, микрофонга яқинроқ келди-да, иржайганча шундай деди:

— Мана гап нимада, а? Имон, ҳали мен аудиториядалигимда... Мен буни билардим ҳам, бу ерда нимадир шубҳали бўлаётган эди.

Бир неча сония Билли саросимада қолди. Кейин ҳаммаси унинг кўз ўнгида ваҳийда очилди, худди театр саҳнасида парда кўтарилганидай. Бу қаллобга қараб туриб, Билли деди:

— Сиз Масиҳ Черковига қарашлисиз. Сиз — ўша черковда хизматчисиз.

Нотаниш одамнинг юз ифодаси фош қилувчидан, фош бўлган кишига ўзгарди. У буни инкор қилмоқчи бўлаётган эди, аммо уни Билли бўлди:

— *Худо ҳузурида ҳатто бошқа ёлғон гапирманг. Ўтган оқшом сиз стол атрофида икки одам билан ўтирган эдингизлар. Сизнинг тўғрингизда кўк рангли костюмдаги одам, сизнинг ўнг томонингизда эса яшил кўйлакли аёл ўтирганди. Аёл яшил бўйинбоғини столга қўйди. Унинг бир қисми столдан қандай осилиб турганини мен кўряпман. Сиз уларга ибодат карточкасини олмоқчилигингизни ва унда сиз туберкулёзман, деб ёзмоқчилигингизни айтдингиз. Сиз ўйладингизки, мен ақлий телепатиядан фойдаланаман ва сиз мени ёлғончини каби фош қилмоқчи бўлдингиз.*

Тўппа-тўғри аудиториянинг ўзидан қандайдир эркак ўрнидан сакраб турди ва қичқирди:

— *Бу ҳақиқат. Мен ўша, у ерда бирга бўлган одам.*

Бирдан Биллига ўз товуши устидан назоратни йўқотгандай бўлди. У ўзининг овозини қуйидаги сўзларни деганини эшитди:

— *Сен ўша ибодат карточкасида ёзган касаллик, ҳозир сенинг бутун қолган ҳаётинг давомида сенда бўлади.*

Одамгина полга йиқилди ва Биллининг шими барига ёпишди.

— Жаноб Бранхам, мен чиндан ҳам бу ҳаммаси ўйлаб топилган, деб ўйлагандим. Мени кечирилишим учун бирор бир умид борми?

— Сэр, бу сен билан Худо ўртасида, сен билан менинг ўртамдаги нарса эмас.

ГАРЧИ БИЛЛИ ваҳийлар қандай бўлиб ўтишини аниқ-тиниқ тушунмаса-да, у ҳар қалай нимани кутиш кераклигини билишга ёрдам берадиган маълум бир қонуниятни англаб олди. Қачонки хизмат вақтида Раббий Фариштаси аудиторияга келганида, Билли муқадас борлиқнинг аниқ иштирокини ҳис этар, ундан унинг танаси худди ўша ерда ҳавода электр энергияси бордай, санчилар эди. Хизматлари вақтида Билли Раббий Фариштасини тез-тез нурли тож кўринишида, ундан бир метрча нарида ҳавода муаллақ турганини кўрар эди. Фаришта доим унинг ўнг томонида турарди. Қачонки одамлар ибодат навбатида олдинга чиқар эканлар, улар ҳам худди шундай ўз яқинларида хос иштироклиликни ҳис этар эдилар. Кўпинча уларнинг юз ифодаси ўзгарар, кўплар ҳаяжонланишар ва асабийлашар эдилар, а бошқалар бўлса, ҳатто бир неча қадам орқага кетишар эдилар.

Раббий Фариштаси бўлган вақтда одам билан одатдагидек суҳбатлашганида ваҳий пайдо бўлар эди. Билли буни “инсон руҳи билан контакт” деб атар эди. Суҳбат чоғи Билли у одамдан, токи у ўша одамнинг кичрайишини ва шу вақтнинг ўзида ҳавода кўтарилишини кўра бошламагунича, кўзини узмас эди. Ваҳий тушдан фарқ қилади: биринчидан, Билли ухламаяпти, а иккинчидан, у, гўёки ўша ерда ҳақиқатан ҳам бўлар эди. У бунақанги кечинмани тушунтиришга қийналар эди. У айтар эдики, бу нарса, гўё у бир вақтнинг ўзида икки жойда бўлар эди.бир томонлама нуқтаи-назардан қараса, у кўплаб одамларга гапира туриб, олдингидай аудиторияда бўлиб турар эди; бироқ, шу билан бирга, у вақт бўйича, эҳтимол, қирқ йил орқага, кимнингдир ҳаётида нимадир бўлиб ўтаётганини кузатиб турар эди. У гўёки бутунлай бошқа оламда бўлар эди... ёки бошқа ўлчовда бўларди.

Ваҳийда маълум бир ҳолат юз бераётган бир вақтда, Билли олдингидай халққа гапира билар эди. Аслида, у нутқини тўхтатолмас эди. Ваҳий вақтида, гўё у ўз овозини назорат қилишига кучи етмайдиганга ўхшар эди. Гўё, Билли орқали ваҳийда бўлаётган воқеаларни тасвирлаш учун унинг товуш пайчаларини ишлатиб, Раббий Исо гапираётганга ўхшар эди. У касал одамнинг ҳаётидаги қанақадир гуноҳини, бахтсиз ҳодисани ёки яна қандайдир бунга боғлиқ ҳодисани, — масалан, операция ёки врачга боришини кўриб билар эди. Агар халқ шовқин қилмаса, Билли ҳатто врач ўз кабинетида нимани гапирганини эшита олар эди. Кейин Билли ўша сўзларни ҳаммага эшиттириб такрорлар эди. Ваҳий ҳеч қачон хато қилмасди, бироқ диққат-эътиборликни талаб қилар эди.

Ибодат навбатида ўз навбатини кутаётган кўплаб одамлар шундай мулоҳаза қилар эдилар: “Мана, бошқа одамлар ҳаётидаги воқеаларни, ҳатто уларнинг исмлари, уй манзиллари ва ўз

хоналарида якка ўзлари бўлганларида айтган ибодатларигача айтиб бераётган бегона одам турибдики, у уларни ҳеч қандай тарзда билиши мумкин эмас! Бу инсоний имкониятлардан юксакдир. Ва шунга қарамай, у бу нарсани ҳар сафар, ҳақиқатан ҳам қандай бехато қилаётганини мен кўриб турибман ва эшитяпман ҳам. Бу ерда нимадир одатдан ташқари нарса бўлаяпти, — нимадирки, уни мен тушунмайман. Бу Ўзининг биздан манфаатдорлигини ифодалаётиб, У Худолигини исботлаётган (бу одам айтаётганидай) Раббий Исо Масиҳнинг шу ерда ғайритабиий иштирок этаётганлиги бўлиши мумкинмикан? Агар Бранхам ака менинг ҳаётим ҳақида менга бирор нарса айта олса, шундан мен биламанки, Исо Масиҳ, менга ҳозир ёрдам бериш учун шу ерда".

Одамларга уларнинг юракларидаги сирларини билиб олишлари учун, уларни ибодат навбатида туришлари шарт эмас эди. Айрим пайт бу ғайритабиий Нур платформадан кетаётган одамга эргашар, кейин эса халқнинг устидан, токи кучли имон билан ибодат қилаётган кимнингдир устида тўхтамагунича, кўчиб юрар эди. Шундан сўнг ўша одам устида ваҳий пайдо бўлар, ва Билли нима кўрганини айтиб берар эди. Токи Раббий Фариштаси платформага қайтмагунича, у ибодат навбатидаги одамлар учун ибодат қилишни давом эттиролмас эди.

Қачонки ваҳий тугаса, Билли улардан эшитган ва кўрганларининг кўп қисмини худди тушдагидай, одам уйғонган пайтда тез йўқолиб қолганидай, унитар эди. Айрим пайт у баъзи тафсилотларни эслаб қолар, бошқа ҳолларда эса ҳамма нарсани унитар эди. Шунга қарамай, ўша мойланиш остида у нима гапирмасин, ҳақиқатлигини билар эди. Бир неча ваҳийлардан кейин Билли касалларга кўпинча шундай дерди: "Хўш, нима айтилган бўлмасин, бу ҳақиқат эди, шундай эмасми? Албатта, энди булар менинг хотирамдан кетди, аммо нима дейилган бўлмасин,бу айнан шундай, қандай айтилган бўлса. Шундайми ахир?" Аудиторияда йиғилганлар манфаати учун Билли бу фикрларни тасдиқлашлари ёки инкор қилишлари учун касал одамларга тез-тез имконият берар эди. Улар бу ваҳийларни доим тасдиқлардилар.

Ўша мойланиш унга фақат ўша ваҳий вақтидагина устунроқ таъсир ўтказар эди. Ваҳийлар орасида мойланиш камаяр эди. Агар у камаймаганида, Билли полга йиқилмай ўн беш дақиқадан кўп туролмас эди. У ҳар бир навбатдаги ваҳийдан кейин борган сари кўпроқ ҳолдан тояр эди. Биллининг мадори қуриганидан чайқалиши учун бор-йўғи ўн беш ёки йигирмата ваҳий етарли бўлар эди. Унинг администраторлари Фред Босворт ва Эрн Бакстер бу вазиятни тушунишар ва Биллини диққат билан кузатишар эдилар. Қачонки улар у ёки бу оқшомда етарлича қийналган деб хулоса чиқаришса, улар уни йиғилишдан олиб кетишар эдилар.

Қачонки Билли платформадан кетса, одатда ундан мойланиш кетар эди. Бу у учун эсиб турган шамолдай, қайсики, ундан узоқлашиб, тинадиган шамолдай эшитилар эди. Бу вақтга келиб, Билли шундай чарчоқни ҳис қилганлигидан, у кўпинча қаердалигини ёки унга нима бўлганини билмасди. Баъзида, унинг аҳволи шунчаликка борар эдики, у ўзи юраяптими ёки бўлмаса, уни олиб кетаяптиларми, билмасди. Охир-оқибат, у йиғилишни қолдириб чиққанлигини англаб билар эди. У ҳеч қачон йиғилиш ҳақида дарҳол гаплашишни хохламас эди. Ўша мўъжизакор Исо Масиҳга ўзига хос яқинлигини соғиниб, у кўпинча ўзини ғамгин ҳис қилар эди. У ўзини бўш қўйиш ва тинчланишга ҳаракат қилиб, меҳмонхонаси номерида бир-икки мартагина ўтирмади ва бир соат ёки ундан кўп вақт давомида Библиясини ўқимади. Кейинроқ Эрн Бакстер ва Фред Босворт унинг аҳволини билиш учун ёнига кирардилар. Билли сўрар эди:

— Биродар, шу оқшом нималар бўлиб ўтди? Мен ибодат қилган бир неча одамни сал-пал эслаёламан ва бир неча ваҳийни эслайман, мана шу ҳаммаси.

— О-о, Бранхам ака, бу жуда ажойиб йиғилиш эди!..

Кейин администраторлардан бири унга бу ҳақида айтиб беришар эди.

Тинчгина меҳмонхона номерида, Билли диққат билан юракдаги фикрларни биладиган бу янги инъомни Библия лойиҳаси билан солиштирди. Бу айнан Фариштa олдиндан айтиб қўйганига аниқ мос тушган эди. У Юҳанно 5:19 даги каломни ўқиди: *"Ўғил Отанинг қилган ишларини кўрмагунича, Ўзи ҳеч нарса қила олмайди".* Бу дегани, Исо ҳар бир мўъжиза ҳақида, ҳали у бўлиб ўтишидан олдин ваҳий кўрган. А нима учун шундай бўлмасин ҳам? Бу Қудратли Худо учун келажак ва ўтмиш — ҳозирги моментдай шунчалик равшан ва ойдин. Исога Пасха байрами таомини ейиш учун жой керак бўлганида, У Пётр билан Юҳаннога шундай деб, олдиндан юборди: *"Шаҳарга боринглар; сизларга кўзада сув кўтариб кетаётган одам учрайди; унинг орқасидан боринглар. У кирадиган уйнинг эгасига: "Устозимиз: Шогирдларим билан Пасха байрам таомини ейдиган хона қаерда деб сўраяпти", деб айтинглар. У киши сизларга шинам тайёрлаб қўйилган катта болахонани кўрсатади. У ерда биз учун ҳозирлик кўринглар"*[152]. Исо қандай қилиб билар эдики, айнан ўша одам маълум бир кўчадан ва куннинг айнан ўша вақтида кўзада сув кўтариб кетаётган бўлади? У бу ҳақида билар эди,

чунки У буни қандай содир бўлганини аллақачон кўрган эди. У келажакни ваҳий воситасида кўрганди.
[152] Марк 14:13-15

Қачонки Филипп акаси Нафанаилни Устози олдига олиб келганида, Исо бор-йўғи Нафанаилга бир назар ташлади-ю, шундай деди: *"Қаранг, ҳеч ҳийлани билмайди, худди ҳақиқий Исроиллик!"* Бу Нафанаилни ҳайрон қолдирди ва у сўради: *"Сен мени қа*ердан *танийсан?"* Исо жавоб берди: *"Филипп сени чақирмасидан олдин, сен анжир дарахтининг тагида эдинг. Мен сени ўша ерда кўрган эдим"*[153]. Бу ҳолда Билли, ўша пайтда Исо анжир дарахти тагида ўтирган Нафанаилни ваҳийда кўрганини яна бир бор англади. Билли ўз Устози ҳаётининг қайси томонига қарамасин, Исони ваҳийлар билан юрганини кўрди. Шубҳасиз, бу ваҳийлар Исога одатдан ташқари сезгирлик берганидан, У одамлар фикрларини тушунар, мулоҳазаларини сезар эди[154]. Юҳанно баён этган Хушхабарнинг 1-бобида Исо — *"Каломуллоҳ инсон қиёфасига кирди",* — деб хабар берилади. Ибронийларга мактубнинг 4-бобида ҳақиқий баркамол фарқлаш, Исо Масиҳ-Каломуллоҳ орқали келганлиги ҳақидаги тушунча қўшимча қилинади. *"Зеро, Худо Каломи... юракнинг ҳаёл-у ниятларини фош қилади*[155]*. Ва Унинг олдида пинҳон қолган ҳеч бир махлуқ йўқ, бироқ Унинг кўзи олдида ҳамма нарса очиқ ва аёндир..."*
[153] Юҳанно 1:43-50
[154] Луқо 5:22
[155]

Ваҳий, гўё ҳамма вақт Устознинг фаолияти билан ўзаро боғлиқдай эди, масалан, қачонки Исо Унга Самария орқали ўтиши кераклигини айтганида бўлгандагидай. Бу Унинг манзилга борадиган йўлдан умуман бошқа томонда эди, аммо У ваҳий кўрди ва у бажарилиши керак эди. Қудуқ олдида аёл билан учрашиб, У аёл билан, токи унинг руҳи билан алоқада бўлмагунича, суҳбатлашди. Кейин У деди: *"Бориб, бу ерга эрингни чақириб кел".* Қачонки аёл эри йўқлигини айтганида, Исо унинг муаммоси моҳиятига тушунди: *"Эрим йўқ деб сен тўғрисини айтдинг. Сенинг беш нафар эринг бўлган, ҳозиргиси ҳам эринг эмас. Буни сен тўғри айтдинг".* Нотаниш киши унинг ўтмишини билаолишидан ҳайрон бўлган бу аёл қувониб кетди: *"Ҳазрат, кўриб турибманки, Сен пайғамбарсан... Мен биламан, Масиҳ келажагини биламан, қачонки Масиҳ келганида, У ҳамма нарсани бизга маълум қилади".* Исо шунда шундай жавоб берди: *"Бу Ўша, сен билан гаплашаётган".* Ва аёл имон келтирди[156].
[156] Юҳанно 4:1-39

Мана, чиндан ҳам шундай-да, — жумбоғ ечимига Билли излаган калит. Ваҳий Исони ўша ерга, ўша куни ва ўша соатда, У айнан ўша самариялик аёл билан учрашиши ва унинг муаммосини очиб ташлаш учун олиб борган эди. Албатта, Унинг жони қутқарилишини хохлар эди. (Исо Ўзи айтганидай: *"Зеро, Инсон Ўғли адашганни излаб топиш ва қутқариш учун келган")*[157] Самариялик аёл Исога, қачонки У унинг ўтмишида гуноҳларини билганидан кейин ишонди. У Исо-одамда пайғамбарлик аломатини ҳам, Масиҳ-Қутқарувчилик аломатини ҳам кўрди. Ҳақиқатан ҳам, иккала аломат ҳам бир хил эди, чунки пайғамбарларда бўлган инъом Буюк Инъом, инсониятнинг Қутқарувчиси — Исо Масиҳнинг келишини хабар берар эди. Билли, ўзининг хизматини тушуниш учун, бу калит эканлигини энди тушунди: ваҳий орқали юрак сирларини билиш — Масиҳнинг аломати эди.
[157] Луқо 19:10

Уилльям Бранхамнинг соғайиб кетгани ҳақидаги хабар тарқалгани сайин, Американинг ҳамма бурчакларидан унинг идорасига хатлар – гувоҳликлар, ибодат қилишни сўраган ва таклифлар битилган хатлар оқиб кела бошлади. Айрим одамлар конвертларига қуйидагича манзил ёзгандилар холос: Индиана, Жефферсонвилли, Уилльям Бранхамга. Бу хатлар ҳар доим ўз тайинланган жойига бориб етар эди. Ахир Биллининг манзили сир эмас эди. Билли ҳар ойда *"Шифоланиш Овози"* ойномасидан олган машҳурлиги туфайли, юзлаб одамлар унинг хизмат манзилини билиб олгандилар, қайсики унинг бир умр хизматида, кейинчалик унга почта индексини қўшганларидан ташқари, умуман ўзгармади:

Branham Campaigns
P. O. Box 325
Jeffersonville, Indiana 47131 (USA)[158]

[158] Бу манзил ҳали-ҳали амал қилаяпти. У бўйича Уилльям Бранхамнинг нашр қилинган ваъзларини, шу билан бирга аудиокассеталарини заказ қилса бўлади. Бироқ, энди "Бранхам Кампанияси" деб эмас, а "Уилльям Бранхамнинг Евангелистик Ассоциацияси деб аталади. (The William Branham Evangelistic Association).

Вақт ўтиши билан хатлар оқими "тўфонга айланди; ҳар куни минглаб хат келар эди. Улардан кўплари Биллидан ўзлари учун ибодат қилишини сўрагандилар. У ҳар бир илтимосга жавоб бериш имкониятини хохлар, аммо буни қилишга кучи етмасди: фақат хатлар жуда ҳам кўп эди, холос. Бошқа томондан, бу ҳамма юкни котибига узатишни ҳам хато деб ҳисоблар эди. Бу одамлар ўзлари учун ундан ибодат қилишини сўраб ёзгандилар. У нима ҳам қилиб билар эди?

Билли ўзининг муаммосини ечимига жавобни Ҳаворийлар Фаолияти 19-боб 11 ва 12 оятида топди: *"Худо Павелнинг қўллари билан кўп қудратли ишларни қилар эди. Ҳатто унинг баданига теккан рўмоллар ва камарлар ҳам беморларнинг устига қўйилганда, улар касалликлардан халос бўлар, ичкаридаги ёвуз руҳлар эса чиқиб кетарди".* Билли шундай деб тушундики, эҳтимол, Павелда бундай ғоя, ўша Елисей хизматкорига ҳассасни бергани ва уни Сонамитян аёлнинг ўлик ўғли устига қўйишни буюргани ҳақида ҳикоя қилувчи тарихни ўқиганда пайдо бўлгандир[159]. Бу шифоланиш қайси манба орқали амалга ошганига қарамай, Павелнинг руҳий илҳоми самара берган эди. Бу нарса ўн тўққиз юз йил бурун амал қилган экан, бизнинг кунларимизда ҳам амал қилишини Билли биларди. Нима бўлганда ҳам шифолар ҳаворий Павелдан келмаган эди; улар одамларнинг Раббий Исо Масиҳга шахсан имонлари туфайли амалга ошган эди. Рўмоллар ва камарлар бўлса, имонлилар ўз ишончини қаратиб биладиган бир моддий нарсалар эди, холос. Исо Масиҳ ўша даврларда худди бугундагидек, шундай даражада Шифокор эди.

[159] 4 Шоҳлар 4:29

Эндиликда Билли, ундан улар учун ибодат қилишини сўраган минглаб одамлар учун нима қила олишини билар эди. Павелга ўхшаб, у ҳам газлама бўлаги устидан ибодат қилиши мумкин-ку, ахир, ва бу ибодат қилинган газлама унинг "ўринбосари" бўларди. У кўплаб миқдорда дастрўмолларни улгуржи сотиб олмоқчи бўлиб кўрди, аммо уларнинг ҳар бири ўн центга тушишини билганидан кейин у бундай исрофгарчилик ниятидан қайтди. Бу ибодат газламаларини текин юбормоқчи бўлганлигидан, у ўзининг харажатларини минимумгача камайтиришни хохлар эди. Биринчи пайтларда Билли чойшаблардан, уларни жўнатиш учун йўл-йўл қилиб кесиб фойдаланди. Ахийри, у лентага дуч келди. У бир мартанинг ўзида ленталарнинг катта ғалтакларда юзлаб метрлаб харид қилди. Уйга келиб ҳар хил машғулотлар орасида у кўплаб соатлар мобайнида ленталарни ўн сантиметрли бўлакларга бўлар, кесаётганида уларнинг ҳар бири учун ибодат қилар эди. Кейинчалик унинг котиби бу ибодат газламаларни ўша одамларга, уларга Худонинг Каломига ишониб, Илоҳий шифони қандай қилиб қабул қилишни тушунтирадиган кўрсатмалар билан жўнатар эди. Билли одамларга ўз ибодат газламаларини Библиянинг Ҳаворийлар Фаолияти 19 бобида жойлашган саҳифалари орасида сақлашни тавсия қилди. Шундай бўлганида, агар оилага касаллик ёки мусубат келганида, бу ибодат газаламасини уларнинг имонини кўтарадиган Калом жойида осонгина топишлари мумкин бўлади[160].

[160]1965 йилда, Бранхам ака абадийликка кетишдан бир неча кун олдин, Пэрри Грин ака ("Пайғамбарнинг фаолияти" китоби муаллифи) чойшабларни, скатертлар ва бошқа газлама бўлакларини тўплади, кейин Бранхам улар учун ибодат қилди. Кейинроқ Грин ака бу ибодат қилинган газлама яшикларини ўзининг омборхонасига қўйди ва у у ерда 2000 йил январигача қолиб кетди. Қачонки Пэрри Грин ака 2002 йил мартида Гаитига ва бу ибодат газламалари одамлар учун қанақанги дуоли бўлганини кўргач, шундан кейин уларни, ҳали бери улар унда мавжуд экан, ҳар қандай кишига олса бўладиган қилди. Бу ибодат газламаларини маълум бир муҳтож учун олишни ушбу манзилга ёзинг: **Denis Pecevic, Kastanu 24, Kekava, Rigas raj., LV-2123, LATVIJA;** ёки электрон почта бўйича: **intheday@junik.lv.** Инглиз тилини билувчилар учун бу ибодат газламалари учун шахсан Пэрри Грин акага қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Pearry Green, Tucson Tabernacle, 2555 North Stone Avenue, Tucson, Arizona 85705, USA.** (Тарж.)

Тез орада ушбу ибодат газламалари билан ўзаро боғлиқ бўлган шифоланишлар ва мўъжизалар ҳақидаги гувоҳликлар билан жавоб хатлари кела бошлади. Вақти-вақти билан Билли, ҳатто натижаларни кўрди. Бир ҳайратланарли гувоҳлик Арканзас штати Камден яқинларидан, пахта етиштирадиган жойда яшайдиган аёлдан келди. Керосин чироқни тозалаётган пайтда, чироқ шишаси унинг қўлидан сийрилиб, столга тушиб кетди ва унинг парчаси қўлидаги вена томирига суқилди. Аёл кесилган жойини ёстиқ жилди билан боғлади, лекин қон кетиш тўхтамади. Аёл қўлини чойшаб билан ўрамоқчи бўлди, аммо жароҳатдан ҳалиям қон шариллаб оқаверди. Эри Камденда ишда эди, а энг яқин қўшниси бўлса, улардан уч километр нарида эди; уни на телефони, на машинаси бор эди ва ҳар бир секундда борган сари заифлашгандан-заифлашаверди. У тез орада ўлишини билар эди, агарки... Бирдан у ибодат газламасини эслади. Библиясини варақлаб, у Ҳаворийлар Фаолияти 19 бобини очди, лента бўлакчасини чангаллади-да, уни жароҳатига қўйди. Қон кетиш ўша заҳоти тўхтади. Ўша куни

у, улардан 160 километрча олисдаги Арканзас штати Литл-Рокка жўнайдиган тез юрар автобусга улгуриш учун, уч километрли лойли йўлни босиб ўтди, а у ерда, Литл-Рокда Билли йиғилиш ўтказаётган эди. Шундай мўъжиза учун Исога баланд овозда мадҳлар айтиб, лой этикда у йиғилишга кириб келди. Билли унинг қўлидаги чуқур жароҳатни ва у фойдаланган ибодат газламасини кўрди. Бир томчи қон ҳам ибодат газламасини доғ қилмаган эди. Худо бу аёлнинг оддийгина имонини ҳурмат қилган эди.

БУ ЯНГИ ИНЪОМ, ваҳий орқали билиш, ўзининг аниқлигида ҳеч қачон хато қилмас эди. Худонинг қудрати ва яқинлигини кўриб, бундан аудиториядаги одамлар ҳайрон бўлиб қолар эдилар. Юрак фикрларини билиб, Исо Масиҳ ҳақиқатан ҳам платформадалигига ишонган кишиларга келсак, улар ҳамма нарса мумкинлигига ишона билишлари учун, уларнинг имони етарлича юксакликка кўтарилар эди.

Қачонки Билли Техас штати, Бомонтда ўзининг биринчи йиғилишини ўтказаётганида, шаҳарнинг катта стадиони одамларга лиқ тўлган эди. Ибодат навбатидаги учинчи одам олдинга чиқишини кутаётиб, Билли иккита одамни қаторлар аро йўлакдан касал одамни замбилда, оркестр жойлашган чуқур жой томонга қараб олиб кетаётганини кўриб қолди. Замбилда чойшаб билан ёпилганча, эркак киши ётган эди. Билли касалнинг юзи қип-қизил эканлигини пайқади. Тўсатдан кафедрада ваъз қилаётган одамда, замбилдаги одам тўғрисида ваҳий пайдо бўлди.

Билли замбил томонга қўли билан кўрсатиб:

— Сэр, сиз — Хушхабар хизматчисисиз, — деди.

У одам бошини кўтарди ва жавоб берди:

— Ҳа. Буни сиз қандай билдингиз?

Билли унга дарҳол жавоб бермади, негаки, ваҳийда бўлаётган ниманидир кузатаётган эди. Кейин у деди:

— Ҳа, сиз — хизматчи, тахминан тўрт йилча бурун Худо сизга нимадир қилишни айтди, уни сиз қилмадингиз. Ўшандан бери сизда муттасил муаммолар, ва мана ҳозир ҳам сиз оёғингиздаги суякни алмаштириш бўйича касалхонадасиз.

Қизил юзли одам қичқириб юборди: “Исо, менга раҳм-шавқат қил!” Шу онда Раббий уни шифолади.

Билли кейинги одам ким эканлигини кўриш учун девор бўйлаб қарай бошлади. Донни Бранхам ёш аёлга зиналардан платформага чиқишда ёрдам берди.

Ҳозиргина шифоланган қизил юзли одамга кўз қирини ташлаб, Билли ҳалиям Фаришта унинг замбили устида муаллақ турганини кўрди. Билли диққат билан кузатди. Тез орада бу нур боғчаси ногиронлар аравачасида ўтирганлар ёки замбилларда ётган ўнлаб одамлар бўлган оркестр жойи бўлган томонга йўнала бошлади. Ҳар қандай ваҳий бу Нурдан пайдо бўлиши кераклигини билиб, Билли Раббий Фаришасидан кўзини узмади. Тез орада ғайритабиий Нур замбилда ётган бошқа бир одам устида тўхтади. Ўша заҳоти Нур боғчаси чаплашиб кетди ва ваҳийга айланди. Билли Техас чўлидаги нефть вишкасини кўрди. Вишкада, баландда турган ишчи, кўтариш блоклари ёрдамида қандайдир оғир юкни кўтариш учун арқонга иккиланган боғ тугди. Билли уни қандай қоқилиб кетганини ва ерга шиддат билан йиқилганини кўрди.

— Сэр, сиз, у ерда, замбилда ётган киши, — унга қўли билан кўрсатиб Билли деди. — Олдин сиз нефть конларида ишлагансиз, шундай эмасми? Сиз нефть вишкасида ишчи эдингиз.

— Ҳа, сэр, — одамгина жавоб берди. — Бу тўғри.

— Тахминан, тўрт йил бурун сиз вишкадан йиқилдингиз. Сизни касалхонага олиб боришди ва баланд бўйли, қора сочли одам сизнинг врачингиз эди. Хотинингиз сариқ сочли ва иккита ёш болангиз бор. Мен сиз ҳаммангизни врач билан гаплашаётганингизни кўряпман. У сизга ҳеч қандай ёрдам беролмади ва шундан буён сизнинг оёқларингиз белингизгача фалаж бўлиб қолган.

Одамгина жавоб берди:

— Жаноб Бранхам, мен билмайман, бу ҳаммаси қандай қилиб сизга маълум, аммо бу ҳаммаси тўғри. Мен нима қилишим лозим?

Худди шу пайт Билли, жигарранг костюм кийган ўша одамни “Раббийга шукур! Раббийга шукур”, — деб, одамлар устида юрганини кўрди.

Ҳали ваҳий унинг кўз ўнгида турар экан, Билли эълон қилди:

— Сэр, Исо Масиҳ сизни шифолади. Оёғингизга туринг.

Тўрт йиллик фалаж бўлишига қарамай, у турди, ликиллаб турган оёқларида мувозанатга келди, кейин эса йўлакдан юқорига, ўзининг Шифокори, Исо Масиҳни улуғлаб, юриб кетди. Омма жўшиб, Худога сажда қила бошлади.

Билли бу ғайритабиий Нурдан кўзини узмади. Нурли шар оркестр жойини айланиб ўтди-да, ниҳоят, ногиронлар аравачасидан туролмай қолган ёш аёл устида тўхтади. Ваҳий намоён бўла бошлагач, Билли бошқа бир аёлни, шу ногирон аёлга ўхшаш аёлни кўрди, аммо у анча ундан фарқ қилар, шу туфайли Билли, бу ҳам ўша аёл билан битта шахс эмаслигини билар эди. Ваҳийда ўша бошқа аёл, қўлида оқ попукли кўк адёлчада ўралган, янги туғилган чақалоқни ушлаб турар эди, қайсики, бу бола спастик фалаж билан зарарланган эди. Кейин ваҳий, гўёки, икки томонга бўлинган эди: ваҳийнинг бир қисми ногиронлар аравачасидаги аёлдан бир неча қатор узоқ масофадаги аудиторияда ўтирган, ёши катта аёлга қаратилган эди. Билли бу қари аёл ваҳийдаги ёш она эканлигини таниди. Энди у ҳаммасини тушунди.

Ногиронлар аравачасидаи аёлни кўрсатиб, у шундай деди:

— Ёш аёл, сиз спастик фалаж билан шикастланган ҳолда туғилмаганмисиз, ахир?

Халқ бу янги саҳна воқеасини қандай боришини эшитиш учун бирдан етарли даражада тинчланди.

— Ҳа, мен фалаж бўлиб туғилганман, — деди у.

— Мен сизнинг онангиз ҳақида ваҳий кўрдим, қайсики, у қўлида сизни кўк адёлчада, қачонки сиз йигирма беш йил олдин ёш бола эдингиз, ушлаб турганини кўрдим.сиз бу ногиронлар аравачасига ўн етти йилдан бери ёпишиб қолгансиз. Тўппа-тўғри анави ерда, бу ердан тахминан тўрт қатор нарида сизнинг онангиз ўтирибди. Хоним, бу киши сизнинг қизингиз, шундай эмасми?

— Ҳа, сэр, — қари аёл тасдиқлади.

— Келинг бу ёққа ва қизингиз ёнида туринг.

Она ҳали ёни билан қатордан юриб, марказий йўлакка борар экан, аравачадаги унинг қизи сўради:

— Бранхам ака, мен нима қилишим керак? Мен энди шифоландимми?

— Опа, менга маълум бўлгани биргина нарса, бу мен ваҳийда кўрганимдир. У ҳозир мендан кетди. У менга нимани гапиришни буюришидан бошқа, мен ҳеч нарса айтолмайман.

Билли Олов Устунини аудиторияда бошқа кўрмай қолгач, у ўз эътиборини ибодат навбатига қаратди. Энди унинг ёнида навбатдаги бемор турган эди. Бу — елкаларидан қора сочлари тушиб турадиган чиройли ёш аёл турар эди: у йигирма беш ёшлардан сал каттароқ эди. У Худонинг муқаддасидек кўринар эди.

— Хайрли кеч, опа.

Билли унинг ўнг қўлини ўзининг чап қўлига олди.

— Мен карлик руҳини сезяпман, лекин титроқ жуда кучли эмас. Опа, сиз мени эшита оласизми?

— Ҳа, мен сизни эшитяпман. Менинг битта қулоғим эшитмайди. Мен кўп йиллардан бери шу аҳволдаман.

— Бу ҳаммасини тушунтиради-қўяди. Сиз ишонасизми, агар мен Ундан сўрасам, Исо сизни шифолашига?

— Мен бунга бутун юрагим билан ишонаман.

Билли бош эгиб, Раббийдан бу аёлни шифолашини сўради. Бу тинчгина ибодат эди, — шундай, қайсики, у доим айтадиган ибодатидан эди. Худо шовқин ҳис туйғуларга жавоб бермаслигини у билар эди; У Унинг Сўзига бўлган имонга жавоб беради. Бу сафар иблис, ёвуз руҳ чиқмади. Билли ҳали ҳам ўша паст кучланишли электр токи каби уриб турган, ўша тебранишни сезар эди. У яна ибодат қилди. Оқ ғуддачаларнинг конфигурацияси, қайсики, у карликни кўрсатиб турар эди, унинг шишган чап қўлининг орқа томонида ҳаракат қилишда давом этаверди.

— Бу ерда қандайдир нотўғрилик бор. Гаранглик руҳи кетмаяпти.

Билли бу ёш аёлнинг кўзлари тубига қаради. Бирданига у, яшин тезлигида платформадан учиб кетди, ва унинг ўрнига, сочлари кокил қилиб ўрилган қизча ҳақида ваҳий намоён бўлди. Билли гапирар ва шу вақтнинг ўзида, ваҳийнинг қандай давом этиб боришини кузатар эди.

— Қачонки сиз ўн тўрт ёшда эдингиз, сиз сочларингизни охирини ранг-баранг лентачалар билан боғлаб, уларни кокил қилиб ўрардингиз. Тахминан, шу ёшларингизда сиз нотўғри йўлга бурилдингиз. Сиз эрга чиқишингизгача, қайсидир эркакдан бола туғдингиз.

Аёл юзларини қўли билан бекитди.

— Бу ҳақиқат, Бранхам ака.

— Сиз ўзингиз севмаган одамга турмушга чиқдингиз, шу туфайли ундан кетдингиз. Кейин сизни қандайдир диний оқимга жалб қилдилар ва бошқа эркакка турмушга чиқишингизга ундадилар. Сиз уни ҳам яхши кўрмасдингиз. Хуллас, сиз ундан ҳам кетдингиз. А-а, энди бўлса, сиз бошқа эркакка турмушга чиққансиз.

— Бу сўзларнинг ҳар бири — ҳақиқатнинг ўзи — йиғлаганча деди у.

Билли давом этди:

— Бир кунлар сиз Масиҳчи эдингиз, аммо сиз Худодан қайтдингиз.

— Бу ҳақиқат, — зўрға нафас олганча, жавоб берди у ва гандираклай бошлади, гўё ҳар қайси лаҳзада беҳуш йиқилишга тайёрдек эди. Бирдан у қичқириб юборди. Худо нафақат унинг гуноҳларини кечирди, балки У унинг касал қулоғидаги эшитишини ҳам тиклади.

Халқ ҳали Худога сиғинар экан, Билли диққатини ҳозир ўша опа спастик фалаж билан шикастланган қизи олдида турган жой, оркестр жойига қаратди. У ўша Нурни уларнинг устида осилиб турганини кўрди. Бир неча лаҳзадан кейин унинг олдида, ўша ногирон қиз ногиронлар аравачасидан турганини кўрсатаётган ваҳий намоён бўлди. Бу, шубҳасиз, ваҳий эди, чунки унда бошқа кўйлак эди. Ногирон қиз одамлар боши узра, "Худога шукур! Худога шукур!" — деб хитоб қилганча юрганини, то ваҳий кўринмай қолгунича, кузатиб турди.

Билли қўли билан ўша фалаж аёлни кўрсатди.

— Опа, Исо Масиҳ, Худонинг Ўғли сенинг ибодатларингни эшитди ва сени шифолади. Оёғингга тур.

У тура бошлади. Униг онаси унга аравачадан туришга ёрдам берди ва қўлидан ушлаб турмоқчи бўлди, лекин, ҳозир спастик фалаждан шифоланган билан шикастланмаган қиз, ўзи юриши учун онасини қўлидан чиқди.

Аудиторияда ҳамма бир одамдек кўтарилди. Худонинг қудрати ҳамма ишонганларни шифолаб, бинода кезар эди. Билли айрим одамларнинг таёқ ва ҳассаларини ташлаганларини кўрди, бошқалар эса ногиронлар аравачаларидан туриб кетдилар. Бунинг устига, яна неча юзлаб одамлар касалликларидан фориғ бўлганлигини, уларда ташқи белгилари, аломатлари йўқлигидан, билишнинг иложи йўқ эди! Ҳатто Биллига ибодат навбатини давом эттиришга ҳожат йўқ эди. Гўёки, бинода касаллар қолмаганга ўхшар, улар учун ибодат қилиш керак бўлмагандай эди. "Бу мана шундай бўлиши керак", — ўйлади Билли.

Шунга ўхшайдиган мўъжизалар одамларга шифо олишлари учун умуман ибодат навбатларига ўтишларига зарурат бўлмаганлиги ҳақиқатлигини тасдиқлаб турар эди; уларга Худо ваъдаларига ишонишлари лозим эди. Мана нима учун Билли ҳар бир йиғилишда унинг лейтмотив қўшиғи сўзларини ва куйи янграшини истар эди:

Ишон, фақат ишон, ишон, фақат ишон,
Худога ҳамма нарса мумкин, ишон, фақат ишон.

Исо шу ерда, Исо шу ерда,
Худога ҳамма нарса мумкин, Исо шу ерда...

— Ёдингизда бўлсин, — Билли ўз аудиториясига айтар эди, — бу инъомлар сизларни шифолай олмайдилар. Айнан сизнинг, Худо ваъдаларига бўлган шахсий имонингиз шифолашни амалга оширади. Бу инъомлар бор-йўғи сизга ғайритабиий Худо Ўзининг ваъдаларини бажариши учун шу ерда эканлигини англашингизга ёрдам бериши мумкин. Мен ишонаман, Исо Масиҳнинг келиши яқинлашаяпти. Мен том маънода Масиҳнинг жисмонан Иккинчи Келишига ишонаман. Мен бизларга қиладиган меҳнатимиз умуман оз қолганига ишонаман. Ва мен ишонаманки, бутун мамлакат бўйлаб шундай куч билан елиб бораётган дунё миқёсидаги уйғонш, бу мактубни тасдиқловчи ғайритабиий далилдир: Нуҳ даврида бўлганидек — халқлар гуноҳга ботган ва йўқ бўлиб кетишга маҳкум эдилар, а Нуҳ эса ўзининг "фанатик" Хушхабарини одамларни хавфсизлик кемасига чорлаб, чақириб ваъз қилди. Мен ишонаманки, Муқаддас Руҳдан намоён бўлган Худо Ўғлининг Хушхабари одамларни хавфсизлик Кемаси бўлган — Раббий Исо Масиҳга чақириб, бутун мамлакатни қамраб олаяпти[161].

[161] *"Хизматни тушунтириш"* ваҳзидан, қайсики, Уилльям Бранхам 11 июль 1950 йилда Миннесота штати, Миннеаполисда ваъз қилган эди.

45 БОБ
ФОРТ-УЭЙНДАГИ НОЁБ ҲОДИСА
1949

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ администратори маслаҳатини қабул қилди ва қаттиқ панд еган одамнинг ҳушёрлиги билан, аста-секин хизматига шўнғиди. Гарчи у 1949 йилда кўплаб бир кунлик йиғилишлар ўтказган бўлса-да, у жуда ҳам кам давомли кампанияларни белгилади: Канаданинг Саскачеван провинциясидаги Реджайнеда; Онтарио провинциясидаги Виндзорда; Техас штатидаги Бомонтда; Иллинойс штатидаги Сионда; Миннесота штатидаги Миннеаполисда; ва ниҳоят, кеч кузда Индиана штатидаги Форт-Уэйнда учта кечки йиғилишлар.

Меда ўзи билан уч яшар қизи Беккини[162] олиб, Форт-Уэйнда Биллига ҳамроҳлик қилди. **(№10 Сурат)** Марджи Морган ҳам у ёққа, касалларга, улар ибодат навбатида турганларида тинчлантириш ва ёрдам бериш учун тиббий ҳамшира сифатида борди. Марджи рақдан шифоланганлигига уч йил бўлди. Билли уни биринчи марта кўрганида, у 25 килограммлар келар эди. Энди бўлса у 70 килограммлар келар ва ажойиб кайфиятда эди.

[162] Бекки — инглизчада Рив□о исмини □ис□ача эркалаш формаси. (Тарж.)

Биринчи оқшом Форт-Уэйнда 5000дан кўп одам шаҳар марказидаги театрга тиқилдилар. Билли одатдагидек, йиғилганларга Исо Масиҳнинг амалга оширган меҳнатига ишониш ҳақида гапирди. У Илоҳий шифоланиш процессини, унинг Библиявий асосига алоҳида эътибор белиб, тушунтирди. Шунга ўхшаб, у ўзининг топшириғи ҳақида ҳам эслатиб ўтди, ўзидаги иккита аломатни тавсифлади ва қўлидан келганча, бу аломатларнинг ҳар бири қандай амал қилишини ҳам тушунтирди. Кейин у, ўлган бола ва унга қайта ҳаёт нафаси киргани тўғрисидаги ваҳийсини айтиб берди. “Буни Библиянгиз бошидаги варағига белгиланг, — ишонтирди у — Кейин, бу ҳодиса амалга ошганида, мени тўғри гапирганимни биласиз”.

Залдаги вазият шубҳа ва гумондан “зирилларди”. Қачонки Билли Раббий Фариштаси ҳақида эслатганида, аудиториядаги кўплаб шубҳаланивчиларнинг бир-бирига қараб олганини кўрди. Бу одамлар соппа-соғ бўлиши керак, деб Билли ўйлади. Улар касал бўлганларида эди, очлар овқатга интилганларидай, ёрдамга интилар эдилар.

Ҳали ёрдамчилар одамларни ибодат навбатига тизар эканлар, оқ кўйлакли ёш аёл саҳна пастида роялда ўйнади. Моҳир бармоқлари ёрдамида у аудиторияни “Буюк Шифокор” деган эски куй билан тўлдираверди.

Навбатга биринчи бўлиб полиомиелитдан шикастланган кичкина болакай келди. Унинг онаси ўз жойида ўтираверишиучун уни Говард Бранхам платформага олиб келди. **(№11 Сурат)** Иложсиз болани қўлига кўтариб, Билли бош эгди ва ибодат қила бошлади: “Самовий Ота, мен Сендан раҳминг келишини...”

Бирдан Билли кўзни оладиган нурни кўрди. Олдинига у, бинога қаровчи одам прожектор нурини тўппа-тўғри унинг кўзига тўғрилади, деб тахмин қилди. Билли шундай ўйлади: “Бу ҳурматсизлик. Ҳатто, агар назоратчи бу йиғилишларни маъқуллаганда ҳам, у бундай қилиши керак эмас”. Кўзларини қисиб, назоратчи прожекторни ўчириши учун унга имо-ишора қиламанми, деган умидда, у баландга, балкон томонга қаради. Кейин Билли бу прожектор нури эмаслигини англади; бу шифтдан тушаётган ва одатдагидан кўра ёрқинроқ нурланаётган Раббий Фариштаси эди. Энди Билли Фариштага хос, “Хш-ш-ш-ш” — кучли шамол шовқинини эшита олар эди. Фаришта тўппа-тўғри саҳнага тушди.

Билли шундай қилиб, бундан сўнг нима бўлганини билмадиям: у болани ерга тушуриб юбордимикин, ёки бўлмаса, бола унинг қўлидан сакраб тушдими. Бола полга тушди ва унинг оёқлари мутлақо нормал ҳолатга келди. Ҳаяжонланганидан қичқириб, платформадан тушадиган зиналарга қараб чопди. Унинг онаси қичқириб юборди ва агар боласи йиқилиб кетса, уни ушлаб оламан, дея қўлларини ёйганча, ўрнидан ирғиб турди. Кейин у ҳам бу ғайритабиий юлдузни кўрди... ва беҳуш йиқилди.

Роялда ўйнаётган ёш аёл буни кўргач, қўлларини баланд кўтарди ва қичқириб юборди. Пянино клавишлари қандайдир ғайритабиий тарзда пастга-юқорига ҳаракат қилишда давом этиб, ўша мадҳнинг оҳангина ўйнайверди:

Буюк Шифокор ҳозир яқинда,
У яхши кўради, қайғураяпти.

Ғамгин дўстим, ўша овозни эшит,
Уйғонгин, Исо чақираяпти.

Бу ёш пианиночи турди (унинг қўллари олдингидай осмонга кўтарилганди) ва роялнинг ўзи унга жўр бўлаётган бир пайтда, шу гимнни ўзга тилда куйлай бошлади. Оппоқ куйлаги ва орқасига сочилган узун оқ-сариқ сочлари билан, у Руҳга кириб чайқалганида, ўзининг қиёфаси ва овози билан фариштага ўхшар эди.

Бу икки мўъжизадан кейин бутун аудитория бўйлаб одамлар юраги кучли имон билан алангалана бошлади. Етти юз одам олдинга ўтмоқчи ва ҳаётини Исо Масиҳга бермоқчи бўлиб, қатор ораларидаги ҳамма йўлакларни тўсиб қўйдилар. Шунча одам учун олдинда етарлича жой бўлмаганлигидан, ўша ердагиларнинг кўплари тўппа-тўғри йўлакларда "Худойим, мен гуноҳкорга раҳм-шавқат қил!" — дея ялинганча, тиз чўкдилар.

Ниҳоят, ибодат навбатини давом эттириш мумкин бўлгач, икки эркак саҳнага қари кўр одамни, у учун ибодат қилишга олиб келдилар. Билли ундан сўради:

— Сэр, сиз ишонасизми, мен нима айтаётган бўлсам, ҳақиқат эканлигига?

— Ҳа, мен ишонаман, — у жавоб берди.

Кейин ваҳий ғалабани очиб ташлади. Билли деди:

— Сизни Жон Раин дейдилар. Сиз — католик. Сиз Бентон-Харборда яшайсиз, ўша ерда, кўча бурчагида газета сотасиз. Сиз, тахминан, йигирма йилдан бери кўрмайсиз. РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: "Сиз шифоландингиз".

Раинни боши қотиб қолган эди.

— Аммо мен аввалгидай ҳеч нарса кўрмаяпман-ку, ахир.

— Бу *ушбу нарса* билан ҳеч алоқаси йўқ. Сиз шифолангансиз. Мен буни қандай бўлганини ваҳийда кўрдим, а-а, ваҳий бўлса ҳеч қачон адашмайди.

Жон Раин Биллига миннатдорчилик билдирди ва кўзи ожиз одамни платформадан олиб кетдилар. Кейинроқ, ўша оқшом ўша икки одам Жон Раинни ибодат навбати бўйича иккинчи марта олиб келдилар.

— Бранхам ака, сиз менга айтдингиз-ку, шифоланганлигимни, — деди Раин.

— А сиз бўлсангиз, менга ишонаман деб айтингиз, — қарши фикр билан Билли жавоб берди.

— Мен сизга ишонаман. Сиз мени ҳаётимдаги, сиз шахсан билишингиз мумкин бўлмаган далилларни айтдингиз. Шу учун сизни сўзларингизга ишонмаслигимга менда сабаб йўқ. Мен билмайман, мен ҳозир нима қилсам экан.

Билли кўрдики, бу одам, унинг имонда мустаҳкам туриши учун нимагадир муҳтож эди.

— "Унинг яралари билан шифоландим", деб такрорлашда давом этаверинг, ва ҳаммага, Раббий мени шифолади, деб гувоҳлик бераверинг. Бу бўлиб ўтади, чунки бу РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ.

Иккинчи оқшомда Жон Раин балконда ўтирган эди. У хизмат вақтида тез-тез турар ва "мен шифоланганим учун Раббийга шукур!" дерди, гарчи у ҳамишагидек ҳеч нарса кўрмасди.

Ўша оқшом ибодат навбати орқали қўлида қизчасини ушлаганча, бир аёл ўтди, қизчанинг бир оёғига тахтакач қўйилган эди. Тахтакачни кўриб, Билли деди:

— Қизчанинг оёғи кафти майиб бўлган, шундай эмасми? Опа, сизга нима қилиш кераклигини айтсам, қиласизми?

Аёл шундай қиламан, деди. Ҳатто қизча учун ибодат қилмасидан, Билли унинг онасига кўрсатма берди:

— Уйингизга боринг ва боланинг оёғидан бу тахтакачларни ечинг. Сиз учун оёғи яхши бўлганини кўрасиз. Қизчани эртага кечқурун яна бу ёққа олиб келинг ва Исо Масиҳ қилган буюк иш ҳақида гувоҳлик билдиринг.

Шифолаш кампаниясининг ўша иккинчи оқшомида, энг мисли кўрилмаган мўъжиза, қачонки Исо Масиҳ кўзи кўр қизчани кўзини очганида юз берди. Шундай бўлса-да, ҳар бир шифоланиш, у ҳайратга соладиганми ёки оддийгина, — ибодат карточкасини ололмаган, кўзи ғилай қизча билан бўлгандагидек — ўша одамга уни, шифони олган одамга муҳим эди. Ибодат хизмати ярмига борганида, бу қизча Босворт хоним Христиан адабиётларини сотган жойга, фойега қайтди. Босворт хоним қизчани йиғлаётганини кўрди ва ундан нима бўлганини сўради.

— Мен ҳозиргина саҳнада кўзи ғилай қизнинг қандай шифоланганини кўрдим, — ҳиқиллаб йиғлаганча қиз деди. — Агар мен фақат шу ибодат навбатига тушсам эдим, мен ҳам шифоланган бўлардим. Аммо мен ибодат карточкасини ололмайман.

Унинг кўзлари жуда ҳам ғилайлигини кўриб, Босворт хонимни раҳми келиб кетди. У қизчага деди:

— Сингилча, сенга ибодат карточкаси керак эмас. Сен имонга эга бўлишинг керак: аудиторияга қайт, қаерда Бранхам акани кўриб билсанг, ўша ерда тур ва юрак сирларини билиш Худодан юборилган инъом эканлигига бутун юрагинг билан ишон. Бир неча дақиқадан кейин у сени чақиради, деб сени ишонтираман.

Саҳнада туриб, Билли ибодат навбатига турганлар учун ибодат қилаётганида, у бу қизчага орқасини қилди. Орқасида бирдан кучайган имонни сезди, унинг томонига қаради ва имон манбасини излаб, бино охиридаги одамларга қарай бошлади. Шунчалик кўп одамлар ундаги инъомдан тортқилаётган эдиларки, улардан битта-бир интилишни ажратиш қийин эди. Бироқ Билли кимнингдир имони олий даражага кўтарилганини ҳис қилди. Кейин у бу қизчани пайқади ва микрофонга деди:

— Ёш қиз, яшил пальтодаги, у охирда ўтирган. Сенда кўз ғилайлиги, шундай эмасми? Бошқа қўрқиш керак эмас; Исо Масиҳ сени шифолади.

Ўша заҳоти қизча шифоланди.

Ибодат хизмати тугаган вақтда, Билли боши айланаётганини ва чарчоқни сезди. Гандираклаганча, у саҳнадан, уни одамлар кўзидан пана қилаётган ёнбошдаги парда орқасига ўтиб кетди.

У ерда уни суҳбатлашиш учун доктор Педигру деган баптистлар воизи кутаётган эди.

— Мистер Бранхам, сиз мен эшитишимга тўғри келган жамоат ораторининг энг ёмон грамматикасини ишлатасиз. Бунинг устига, сиз бундайин кўп халқ олдида турасиз... бу чинданам даҳшат!

Биллига олдин доктор Педигру билан гаплашишига тўғри келганди ва у бу одамни дипломатдай баландпарвоз ва сиполик билан гапиришини билар эди.

— Ҳа, сэр, — Билли камтарлик билан уни гапига қўшилди, — биламан, менинг грамматикам ҳеч нарсага ярамайди. Мен ўнта боланинг каттаси эдим, ва мен ҳали ёш бола эканимда отам касал бўлганди, шу учун мен мактабга бориш ўрнига, ишлашга мажбур эдим.

— Бу важ бўлолмайди, — Педигру ўзиникини маъқуллайверди. — Ҳозир сиз эркаксиз. Сиз мухбирлар курсига қатнашишингиз мумкин ва ўз грамматикангизни яхшилашингиз мумкин.

— Нима ҳам дейман, ҳозир Раббий мени бу меҳнатни қилишга чақирган экан, ҳамма вақтимни касал одамлар учун ибодат қилиб ўтказаман. Мени кўп ҳам бўш вақтим қолмайди.

— Ғирт уят! — Педигру жовради. — Бу минглаб одамларнинг ҳаммаси сизнинг анави, манави, этти-кетти деган сўзларни ишлатишингизни эшитяптилар.

— О-о, аммо улар мени тамоман яхши тушунадилар чоғимда.

— Гап бунда эмас. У одамлар сизни лидер деб ҳурмат қилишади. Сиз уларга хушмуомалаликни кўрсатишингиз даркор. Масалан, бу оқшом сиз шундай дедингиз: “Сиз ҳаммаларингиз, бу кофедранинг олдидан ўтаётганлар”.

— Ҳа, сэр. Бу ахир тўғри-ку, шундай эмасми?

— Йўқ, йўқ, йўқ! Бу *кофедра* эмас, балки *кафедра*. Агар сиз сўзларни тўғри айтсангиз, одамлар сизни кўпроқ қадрлайдилар.

Юрак сирларини билишдан зўриқишдан чарчаган Билли, бу мунозарани давом эттиролмас эди.

— Сэр, ўша ердаги одамларга, мен *кафедра* дейманми, ёки *кофедра* деймани, муҳим эмас; улар мени тўғри ҳаёт тарзимни ва нима дейдиган бўлсам, шуни бажаришимни хохлайдилар. Мен бу дунёга аллақачон зарарли ҳиссасини қўшган саводсизлик тарафдори эмасман. Бироқ, бошқа томондан қараса, инсонга Исо Масиҳни таниш ва Абадий Ҳаётга эга бўлиши учун жуда кўп илм олиши керак эмаслигига мен ишонаман.

Худди шу пайт Эрн Бакстер ёрдамга улгурди. Билли билан оиласини “Индиана Хоутэл” меҳмонхонасига элтиб қўйиб, у сўради:

— Бранхам ака, нима учун оёқ кафти майиб бўлган қизча учун ибодат қилмадинг?

— У учун ибодат қилишнинг кераги йўқ эди. Бугун кундузи унинг шифолангани ҳақида ваҳий кўрган эдим. Мен ҳеч қачон ваҳийларни хато бўлишини кўрмаганман.

Шунда Марджи Морган деди:

— Билли ака, ме олдинда ўтирган ногиронларга ёрдам бераётган эдим ва мен бир одамга бошқача ачиниб кетдим. Мен ўйлайман, бу нарса, у менинг эримга жуда ўхшашлигидан. Унинг исми мистер Лиман. Сиз пайқаб қолдингизми уни?

— Йўқ, мен уни сезмадим, Марджи опа. Мен уни эрта кечқурун топишга ҳаракат қиламан.

Жума куни, Форт-Уэйндаги охирги оқшомда, Билли ўз администраторларига, агар улар уни бундай қилиб билади деб ҳисобласалар, “тезлаштирилган навбат”ни ўтказиш истагидалигини айтди. Улар рози бўлишди, лекин бир шарт билан, агар бу ибодат навбати жуда ҳам узоққа чўзилмаслиги учун, у бу оғир юкни маҳаллий хизматчилар билан бўлишади. Билли ҳеч ҳам қаршилик қилмади. Ибодат навбати олдинги оқшом оёқ кафти майиб қизчани олиб келган аёлнинг гувоҳлиги билан бошланди. Кечаги йиғилишдан кейин у аёл қизчани уйига олиб борган ва бир соатлар ундаги тахтакачни арралаган эди. Қизчанинг оёғи соппа-соғ экан. Бугун эрталаб врачнинг рентген сурати буни тасдиқлади — суяклар беками-кўст эди.

Бу гувоҳлик кучли бир умумий имон учун муҳит яратди. Шунчалик кўп одам тиқилиша бошлаганидан, “тезлаштирилган навбат”га тушиш учун, уларнинг кўплари жуда оғир аҳволда бўлган ногиронлар навбатга туролмадилар. Билли ташқи кўринишидан Марджи Морганнинг эрига ўхшаган ногирон одамни, мистер Лиманни пайқади. Баъзи одамлар уни навбатга қўйишга урониб, унга ёрдам бердилар, бироқ навбат жуда ҳам тиқилинчлигидан, бунинг уддасидан чиқолмадилар. Шу сабабдан эркаклар мистер Лиманни Билли ибодат қилаётган жойга яқинроқ олиб келишди; кейин унинг учун ибодат қилиниши умидида, уни кўтардиларда, саҳнага қўйдилар. Афсуски, бунақа тиқилинчда ибодат навбатидан ўтаётган баъзи одамлар платформада ётган ночор одамни пайқамадилар ҳам. Шу орада мистер Лиманнинг оқ куйлаги оёқ кийим изларидан ифлос бўлди.

Мистер Лиманнинг ачинарли аҳволини кўрган Билли, микрофонга:

— Бу бечора одамни у ерда ташлаб қўйманг, — деди.

Бу сўзларни айтаётиб, у мистер Лиманнинг нигоҳига кўзи тушди ва унда имонининг кўтарилганини сезди. Икки одам мистер Лиманни олдинги жойига этиб қўйганларида, бирданига Биллида платформадан тушишга ва бориб, у билан гаплашишга хохиш пайдо бўлганини сезди.

— О-о, Бранхам ака, — деди мистер Лиман, қачонки Билли унинг ёнига борганида, — агарда мен ўша саҳнада фақат сенинг шимингни барига қўл тегизолсам эди, ишонаманки, шифоланган бўлар эдим.

— Худо сизни дуо қилсин, биродар, — деди Билли ва шундан кейин унинг кўз ўнгида ваҳий пайдо бўлди.

Ҳар хил бўлаётган воқеалар орасида, Билли ёвондан бораётган мистер Лиманни кўрди; кейин у бошқа бир одамни трактор кабинасидан тушганини ва мистер Лиман томонга чопганини кўрди. Икки одам бир-бирини қўлтиқлашганини кузатиб турди. Шу билан ваҳий тугади.

Билли деди:

— Биродар, сизда паришонхотирлик склерози[163], шундай эмасми? Бу судралувчи фалажлик ва у сизни охирги ўн йил тўшакка михлаб қўйган. Сиз — Форт-Уэйнда бизнесменсиз ва сиз ўз ишингизни асло тўхтатмагансиз. Мен сизни ёзадиган машинада ишласа бўладиган махсус кроватда ётганингизни кўряпман.

[163] Паришонхотирлик склерози — сурункали авж оладиган касаллик; бош ва орқа миядаги оқ моддада склероит ўчоқлари ҳосил бўлиши билан характерланадиган касаллик. (Тарж.)

Мистер Лиман ҳайронликдан ғўлдиради:

— Бу чиндан ҳам ҳақиқат, Бранхам ака. Сиз буни қандай билдингиз?

— Раббий менга ваҳийда кўрсатди. Сиз жуда қаттиқ ва узоқ ибодат қилдингиз ва У ибодатларингизни эшитди.Исо Масиҳ сизни шифолади. Оёғингизга туринг.

Бино шундай шовқинга ва ҳаракатга келгандики, бу ёши ўтган одамнинг ўн йил ичида биринчи марта оёққа турганини озроққина одам пайқади. Билли саҳнага кўтарадиган зиналарга қараб қайта бошлади. Олдинги қаторда ўтирган бошқа бир жентльмен қўлини чўзди ва қачонки у ёнидан ўтаётганида, Биллининг костюмидан ушлади. Қариянинг қоқ-суяк қўли жуда ҳам майиб бўлган эди. У нимадир деди, бироқ Билли эшитолмай қолди, шу учун одамлар шовқини орасидан унинг сўзларини эшитиш учун, унга энгашди.

Эркак киши шундай деди:

— Агар мен фақат сизнинг кийимингизга тегсам бас, Бранхам ака, мен шифоланишимни биламан.

Бирданига Билли бу одамни олдин қаердадир кўрганини билиб қолди... ҳозиргина кўрган мистер Лиман ҳақидаги ваҳийсида. Ахир бу трактордаги ўша одам эди-ку!

— Сиз — фермерсиз, шундай эмасми? Ва сиз — мистер Лиманнинг дўстисиз, ҳу анави ердаги.

Билли қўли билан мистер Лиман томонни кўрсатди. У эса калта-калта, аммо дадилроқ қадамлар ташлар, қўлини кўтарар ва Раббийни улуғлаб, бошқа одамлар овозига қўшилар эди.

— Ҳа, ҳа, — бемор тасдиқлади.

— Сиз кўп йиллардан бери артритдан шикастлангансиз, аммо ташвишланманг, зеро РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Сиз шифоланасиз”.

КЕЙИНГИ ЭРТАЛАБ меҳмонхона хизматчиси Биллининг номерини тақиллатди.

— Жаноби Бранхам, безовта қилганим учун кечиринг, лекин сиз бу ёқдан олд эшикдан чиқолмайсиз. Қандайдир қилиб у одамлар сизни шу ердалигингизни билиб қолдилар, ва ҳозир вестибюль сизни кўрмоқчи бўлганлар билан тўла.

— Бу чакки иш — деди Билли. — Биз энди нонуштага бормоқчи эдик.

Хизматчи таклиф қилди:

— Мен сизни иситадиган залдан олиб ўтказа оламан, агар сиз кул-пуллар устидан ўтишга кўнсангиз.

— Бу, умуман нонуштасиз қолишдан кўра яхшироқ чоғимда.

— Мен борай, у ерда бирор тўсиқ йўқмикин, бир неча дақиқада сизларни этиш учун қайтаман.

Тез орада хизматчи қайтди. Билли, Меда, Бекки ва Марджи Морган бу ёш йигит ортидан ертўлага кирдилар, кўмир ёқиладиган печ олдидан ўтдилар, кул тўдаларидан ўтиб, эшик орқали тор кўчага чиқиб олдилар. Ҳеч ким уларни қандай чиқиб кетганларини кўриб қолмади. Ўзини таниб қолмасликлари учун, Билли шляпасини кўзигача бостирди ва плаши ёқасини кўтариб олди. У қизи Беккини кўтариб борар, қизи ҳам бошчаси билан унинг юзига қапишиб олгани ҳам уни юзини яширишига ёрдам берар эди. Улар Сэконд Стрит кўчаси бўйлаб бир квартал ўтдилар ва ундан кейин улар охирги бир неча кун доим борадиган бошқа томонга, “Хоббс Хаус” ресторанига ўта бошладилар. Бирдан Биллининг танаси Раббий Фариштасининг борлигини сезгач, санча бошлади. У тўхтаб қолди.

— Азизим, нима бўлди? — деди Меда.

— Раббий Руҳи ҳозиргина менга чап томон кетишимни айтди.

Билли қизини Медага узатди-да, юра бошлади.

— Бироқ, Билли ака, — деди Маржи, — биз ахир айнан шу ерда овқатланганмиз.

Меда кўрсаткич бармоғини лабига қўйиб:

— Тс-с-с — деди. — Мен олдин ҳам унинг юзини шундай кўрганман. Уни Руҳ етаклаяпти. Фақат унинг ортидан юравер.

Яна бир неча квартал ўтиб, Билли “Миллер Кафетерийси” деб аталадиган, одамларга тўла кафега кирди. Хўрандалар буфетдан овқатларни олиб, столларга ўтирар эдилар. Билли бир бурда қовурилган нон бўлагини тишлашга улгурмай, қўшни столда ўтирган аёл хитоб қилди: “Худо дуолидир!” ва Билли томонга қараб, ўрнидан турди.

Маржи Биллига шивирлади:

— Яхшиси бу ердан кетишинг керак. Агар кетмасанг, бу ердагиларнинг ҳаммаси сени ушлаб қоладилар.

— Маржи, бундай дема. Муқаддас Руҳ нимадир қилаяпти.

Ўша аёл Биллининг столига келди ва асабий равишда шундай деди:

— Бранхам ака, умид қиламанки, сиз мени сурбетликка йўймайсиз, бироқ мен ўйлайман, сизни мен билан учрашишга Раббий олиб келган.

— Опа, нима учун энди сиз ўз тарихингизни менга айтмас экансиз?

— Мен билан акам асли Техасданмиз, — у столида ўтирган юзлари сўлғин, рангпар одамни қўли билан кўрсатиб, бошлади. Эркак киши уларга қараб тураверди-ю, аммо ўрнидан туришни лозим кўрмади. Юзларидан унинг бетоблиги кўриниб турар эди. Леди давом этди:

— Акам юрак хасталигидан адо бўлаяпти. Врачлар унга ҳеч қандай ёрдам беролмаяптилар. Унинг юраги шунчалик катталашганидан, диафрагмани[164] босаяпти. Ўтган ҳафта уни врачи текширди ва унга умуман озгина умри қолганини айтди. Бранхам ака, биз ҳозиргача ўнта мажлис давомида сиздан бир қадам ҳам қолмадик, аммо акам ибодат навбатига тушмади-тушмади. Пулимиз ҳам тугади, аммо биз яна уриниб кўрмоқчи бўлдик; шу сабабдан Форт-Уэйнга келиш учун етарли нақд пул топиш учун сигиримизни сотдик. Қачонки бу ёққа келсак, одамларнинг кўплигидан биз ҳатто бинога ҳам киролмадик. Ўтган оқшом оташинлигимдан кечаси билан ибодат қилиб чиқдим. Тонгга яқин мен ухлаб қолибман, ва менга Худо “Миллер Кафетерийси” деб аталадиган жойни топишни ва агар мен акам билан соат тўққизда ўша ерда бўлсак, акам шифоланади, деб айтди.

[164] Диафрагма — қорин ва кўкрак қафасини ажратиб турувчи пай-мускулли тўсиқ. (Тарж.)

Билли соатига қаради. Улар роппа-роса тўққизни кўрсатаётган эди.

— Акангизни бу ёққа олиб келинг.

Билли у одамнинг ўнг қўлини чап қўлига олди. Иблисга хос тебранишлар унинг қўл соатини ишламайдиган қилиб, қўлини титратди. Бошини эгиб, Билли аста ибодат қила бошлади: “Ота, Сенинг Ўғлинг, Исо Масиҳ Исми ҳақи, илтимос, бу одамни шифола”.

Титроқ тўхтаб қолди. Одамгина қўлларини кўксига қўйди ва чуқур нафас олди.

— Мен ўзимни бошқача ҳис этаяпман, — деди у.

У яна чуқур нафас олди ва бунда ҳеч қандай оғриқ сезмаганига ҳайрон бўлди.

— О-о, ўзимни фақат ёшлигимда бундай ҳис қилган эдим.

Бу воқеа кафетерийдаги бошқа хўрандаларнинг эътиборини ўзига тортди. Гарчи Билли шу зайилда ўз нонуштасига қўл тегизмаган бўлса-да, одамлар уни билиб қолишларидан олдин кетиб қолишга қарор қилди.

У бу кафедан чиқиши билан, эшик олдида, кўчада турган аёл унга кўзларини катта-катта қилиб, ҳайрон бўлиб қаради. Кейинги дақиқада у йўлакда Биллининг ёнида чўкка тушганча, унинг шимидан ушлаб олди. “О, Худойим!” — нидо қилди у, кўзларини юмиб йиғлаганча. — “О, Худойим, Сендан миннатдорман”. У жуссаси кичикроқ бўлиб, қора кийимда эди. Унинг танаси титрар, кўзларидан эса шашқатор ёш оқар эди.

Билли унинг елкасига оҳиста қўлини қўйди ва деди:

— Опа, ўрнингиздан туринг ва менга нима бўлганини айтинг.

— Мен — Чикагодан миссис Дамико, — у оёққа тураётиб, титроқ овоз билан жавоб берди. — Менда хавфли ўсма бор. Ҳатто Майо клиникасида ҳам менга ҳеч қандай ёрдам беришолмади. Мен радий[165] билан шифолаш курсини ўтдим ва рентген нурлари билан нурландим ҳам, аммо ўсма катталашишда давом этаяпти. Турмуш ўртоғим каттагина макарон фирмаси эгаси, шу учун менда операция учун етарли пул бор, бироқ врачлар менга, бу ҳеч қандай ёрдам беролмайди дейишди. Бранхам ака, мен сизнинг йиғилишларингизга қатнашиб юрдим. Мен бор кучим билан сизгача боришга ҳаракат қилдим, аммо уддасидан чиқолмадим. Мен ибодат қилавердим, қилавердим... Мен шундай мушкул аҳволда қолдим. Бугун эрталаб тушимда, Раббий мени “Миллер Кафетерийси”га боришимни ва тўққиздан ўн дақиқа ўтганда ташқарида туришимни хохлади. Ва мана, сиз бу ерда пайдо бўлдингиз!

[165] Радий — радиоактив хусусияти бор кимёвий металл-элемент. (Тарж.)

Аёлнинг билагидан олиб, Билли ибодат қила бошлади: “Самовий Ота, Сени раҳбарлигингни билаяпман. Бу аёлни Сенинг Ўғлинг, Исо Масиҳ Исми ҳақи шифола”. Бир неча сониядан сўнг у рак ўсимтаси ҳаёти пульс уришдан тўхтаганини ҳис этди.

Меҳмонхонага қайтишда, Меда бўяш учун китобча ва рангли қаламлар сотиб олиши учун буфетли аптекага киришди; бу Бекки учун меҳмонхона номерида яхши машғулот бўлади. Билли бўлса, балиқчилик анжомларига қараш учун спорт-товар бўлимига ўтди.

У яна Фариштанинг борлигини ҳис қилди. Бош эгиб ибодат қила бошлади: “Самовий Ота, Сен мени нима қилишимни хохлайсан?”

У сотувчи билан гаплашаётган хотинини эшитиб турганидек, Фариштанинг унга: ***“Квартал охирига бор, кўчанинг у томонига ўт ва ўша ерда тур”****, — деб айтганини аниқ эшитди.*

Меда билан Маржини ўзларини меҳмонхонага жўнатиб, Билли Раббий кўрсатмасига амал қила бошлади. У узоқ вақт кўча муюлишида, йўғон ирланд-полициячининг кўча ҳаракатини тартибга солиб, ҳуштак чалишини кузатиб тураверди. Пиёдалар ўтиш жойидан икки томонга одамлар ўтишар эди. Билли нима учун Раббий уни шу ерда туришини хохлаганига ҳайрон бўлиб, уларнинг юз ифодаларига диққат билан қараб, кузатиб турди. Ўн дақиқалар ўтиб, Билли кўчанинг охиридаги тротуар четига келган ёш аёлга эътибор берди. Унинг эгнида оқ-қора чормоки кўйлак ва шотланд берети стилидаги бош кийими бор эди. Айнан шу аёл билан учрашиши кераклигидан, Биллида тушуниб бўлмайдиган таассурот уйғонди. У ўз турган ҳолатини шундай ўзгартирдики, қачонки у кўчани кесиб ўтса, унга ўзини олдидан ўтишига тўғри келар эди. Тартибга солувчи-полициячи қўлини кўтарди ва ҳуштагини чалди; машиналар тўхтади ва ёш аёл бошқа томонга ўтди. Бошини экканча, у Биллини олдидан уни пайқамай ўтди.уни кузата туриб, Билли ўйлади: “Ғалати... Нима учун Раббий мени унга яқинроқ боришимни хохлайди?”

Аёл олти метрлар ўтди, тўхтади ва кескин бурилди. Унинг юзида кутилмаганда ҳайронлик ифодаси пайдо бўлди.

— О-о, Бранхам ака! — хитоб қилди у ва унга чопиб келди. — Бранхам ака, мен туш кўряпманми, ёки бу чиндан ҳам сизми?

— Ҳа, опа, бу мен. Бирор ёрдан бероламанми сизга?

Гўё у айтиб тугатгунича, у йўқолиб қолишидан қўрққандай, бир нафас олишда жавобини айтиб ташлади.

— Мен Канададанман. Мен ногиронлигим нафақаси ҳисобига яшайман: йилига 150 доллар. Шу йиғилишларга келиш учун мен бу пулнинг охирги қисмини ҳам сарф қилдим, аммо ибодат учун навбатга туролмадим. Ўтган икки кеча меҳмонхона вестибюлида стулда ухладим. Бугун эрталаб охирги беш центни бир чашка кофе учун ишлатдим ва уйимга йўл-йўлакай ҳамроҳ машиналарда етиб олишим учун шоссе томонга юра бошладим. Кейин ғалати бир нарса бўлди. Гўё, менинг бошимда бир овоз менга бурилишимни ва бошқа томонга юришимни айтди. Шундан кейин мен эслайдиганим, — мен кўзимни очдим ва сизни кўрдим.

— Нима бўлган ўзи, опа?

— Мени қўлим майиб бўлиб қолган. Мени ҳали кичкинагина қизчалик пайтим эди, мен итни миниб олган эдим. Ундан йиқилиб тушдим ва бутун вазним билан қўлимни босиб қолдим. Шундан бери шу қўлим ишламайди.

Бу ҳаммаси нима учун эканлигига Биллининг фикрида бошқа ҳеч қандай савол қолмади.

— Қўлингизни чўзинг, — буюрди у. — Исо Масиҳ сизни шифолади.

Ёш аёл майиб қўлини кўтарди ва бу қўли ҳам соғ қўлидан соппа-соғлигини кўрганидан, қичқириб юборди. Кўчадаги одамлар Билли атрофида, у ибодат қилишини сўраб тўпландилар. Ирланд-полициячи ҳам ўз постидан кетди ва у ҳам уларга қўшилди. Ўша ерда, Индиана штати, Форт-Уэйн кўчасида Билли қарийб бир соатга чўзилган ибодат навбатини ўтказди. Ниҳоят, ўша ерлик пастор уни топди ва меҳмонхонага олиб кетди.

ФОРТ-УЭЙНДАГИ ЙИҒИЛИШЛАР ТУГАГАЧ, Жон Раин уйига, Мичиган штати, Бентон-Харборга қайтди. Икки ҳафта давомида ўзининг кўчаси бурчагида: “Шошилинч нашр, шошилинч нашр, Худога Ҳамдлар бўлсин, менинг шифоланганим учун!” — деганча газета сотиб турар эди. Унинг кўзи кўрмаслиги очиқ-ойдин кўриниб турганидан, ҳамма уни ақлдан озган деб ўйлашди. Кейин бир куни газета ташувчи бола уни соқолини олишлари учун сартарошхонага олиб борди. Жон Раинни юзларини кўпиклаб туриб, сартарош унга текажоғлик қилди:

— Жон, кимдир менга сени Форт-Уэйнга, сен учун ўша муқаддас сакровчилар воизи ибодат қилиши учун борганингни айтди. Мен ҳатто сени шифолангансан деб эшитдим.

Жон жавоб берди:

— Бу ҳақиқат. Худога Шукур, менинг шифоланганим учун.

У шундай дейиши билан кўзи очилиб кўра бошлади. Қувонганидан қичқириб, у креслодан сакраб турди ва кўча бўйлаб чопалаб кетди. Унинг бўйнида ҳалиям сартарошхона сочиғи бор эди ва бор овози билан ҳамма ўткинчиларга яхши хабарни эълон қилар эди. Ўша оқшомдаёқ, у Уилльям Бранхамга қўнғироқ қилди.

Бир неча ой ўтиб, Билли Бентон-Харборга Жон Раинни кўргани келди. Етмиш ёшли қария газетани овозини чиқариб ўқиб, кўзининг ўткирлигини намойиш қилиб кўрсатди. Кейин Раин Биллидан яҳудийлар коллежига у билан боришни истамасмикин, деб сўради, у ерда бир раввин у билан учрашмоқчи эди. Билли рози бўлди.

Яҳудийлар коллежи тепалик устида жойлашган бўлиб, гаванга қараб турар эди. Малла соқолли ёшгина раввин синагога эшигига келди. *Таклиф* буюрганлар билан саломлашгач, раввин Биллидан сўради:

— Мен биламан, Жон кўрмас эди. Кўп йиллар давомида мен унга садақа берганман. Сиз қандай ҳокимият билан унинг кўзини очганингизни мен билишни истар эдим.

— Мен унинг кўзларини очганим йўқ. Исо Масиҳ, Худонинг Ўғли уни очди.

— Кулгили холос. Исо Худонинг Ўғли эмас эди; ва у Масиҳ ҳам эмас эди. Қачонки Мессия келади, У буюк ҳоким бўлади.

— Сэр, сиз Унинг Иккинчи Келишига қараяпсиз. Ўша Ёзувларнинг ўзлари Унинг Биринчи Келиши ҳақида, Қурбонлик Қўзиси ҳақида каби айтадилар.

Раввин бош чайқади:

— Сиз, Масиҳчилар, битта Худо ҳақида учта шахсда гапирасизлар. Сизлар айтасиз: “Худо Ота, Худо Ўғил ва Худо Муқаддас Руҳ”. Бу ҳатто ҳар қандай маънодан ҳам маҳрум, бемаънилик. Агар Ота шахс ҳисобланса ва Ўғил ҳам шахс ҳисобланса, унда биттадан кўп бўлиб чиқади; а бу дегани эса, сизда худди мажусийлардаги каби худолар бор экан. Сизлар, мажусийлар, Худони уч қисмга бўлолмайсизлар ва Уни яҳудийларга таклиф қилолмайсизлар.

Билли жавоб берди:

— Айрим Масиҳчилар, эҳтимол, Худони учга бўларлар, аммо мен бундай қилмайман. Битта Худо бор. Эски Аҳдда у Ешуа эди, ва У Ўзини ҳар хил усуллар билан кўрсатди; масалан: Исроилни Миср қуллигидан олиб чиққан, Олов Устунида. Янги Аҳдда Худо Ўзини Исо танасида зоҳир қилди,

Ўз Ўғлида, дунёнинг гуноҳлари учун ўлиш учун. Сэр, наҳотки сиз ўз пайғамбарларингизга ишонмайсиз?

— Албатта, ишонаман.

— Ишайё айтди: *“Зеро, бизда чақалоқ бола туғилди, — Ўғил берилди бизга; салтанати Унинг белида (камарида), ва Унга исм қўядилар: Ажойиб Маслаҳатчи, Мустаҳкам Худо, Абадийлик Отаси, Дунё Ҳокими”*[166]. Кўряпсизми, бу учта ҳар хил шахс эмас; бу битта Худо Ўзини уч кўринишда намоён этаётган. Ҳар хил даврда Худо Ўзини турли формада очди: биринчидан, Отадек каби, кейин Ўғилдек, а бизнинг кунларимизда Муқаддас Руҳ каби. Мана, нима учун мен одамларни Раббий Исо Масиҳ Исмига чўқинтираман, чунки бу Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳнинг Исмидир.

[166] Ишайё 9:6

Раввиннинг кўзлари ёшланди; кўз ёшлари юзидан оқиб, унинг қалин соқоллари орасида кўринмай қолар эди. Билли умидвор бўлиб сўради:

— Энди сиз Исони Мессия бўлганлигига ишонасиз, шундай эмасми?

Раввин ўзининг илоҳийлик рутба символини қўли билан кўрсатди — синагога қуббасини яшнатиб турган Довуднинг олтибурчакли юлдузини. У шундай деди:

— Мен шу билан яхши тирикчилигимни қиламан. Агар мен раввин бўлмаганимда, эҳтимол, мен кўчаларда садақа сўраб, оч-наҳор юрган бўлар эдим.

— А мен бўлсам, оддий сувни ичишни, қотган нонни ейишни ва ҳақиқатни сўзлашни афзал кўрар эдим, — деди Билли, — ҳар куни қовурилган товуқ ейишдан ва ёлғонни ҳимоя қилишдан кўра.

Раввин қалтираганча бурилди ва синагогасига кетди.

ШУ УЧРАШУВДАН КЎП ВАҚТ ЎТМАЙ, Уилльям Бранхам Арканзас штатининг Пайн-Блафф шаҳрида бир кунлик оқшомги шифолаш хизматини ўтказди. Йиғилиш тугаб, у шаҳар марказида жойлашган меҳмонхонанинг учинчи қаватидаги ўз номерига қайтди. У шунчалик чарчаганидан, кроватига уст-боши билан ётди ва аста-секин уйқуга кетаётганида, бирданига эшигини тақиллатганларини эшитди. Хонага меҳмонхона администратори кирди.

— Жаноб Бранхам сиз эмасмисиз?

— Ҳа. Бирор нима бўлдими?

У одам ҳаяжонланар эди.

— Мени кечиринг-у, бироқ менга сиздан бу меҳмонхонани тарк этишингизни сўрашимга тўғри келадими, деб қўрқаман.

— Нима учун? Мен нима қилдим ўзи?

— Сиз ножўя ҳеч нарса қилмадингиз; биз меҳмонхонамиз олдида бундай нарса бўлишига йўл қўёлмаймиз.

Администратор дераза олдига келди ва пастни, кўчани кўрсатди.

Билли ҳам деразага қаради ва меҳмонхона вестибюль эшиги олдида навбат билан турган одамларни кўрди. Бу навбат бутун квартал бўйича чўзилган эди.

— Улар қандайдир тарзда сизни шу ерда тунаётганлигингизни билиб қолганлар ва мен уларни тарқалишларига кўндиролмайман.

Билли шунчалик қаттиқ чарчаганлигидан, бу кичикроқ муаммо унга ҳаддан ташқари оғир бўлиб кўринди.

— Тўғрисини айтсам, сэр, мен ҳатто нима қилишни ҳам билмай қолдим.

Меҳмонхона хўжайини унга ўзининг режасини очди.

— Сиз пастга ёнғин пайтида фойдаланиладиган чиқиш йўлидан кўчага чиқасиз, а мен бўлсам, шу пайт такси чақираман. Мен таксистга орқадан тор кўчага ўтишни ва сизни олишни айтаман. Мен сизни шаҳардаги бошқа меҳмонхонага жойлаштиришларини гаплашиб қўйдим.

Билли деразадан қаради. Қор ёғаяпти. У касал болаларини қордан пана қилиш учун уларнинг устиларида газета ушлаб турган оналарни кўрди. У ногиронлар ҳассаларида турган бошқа одамларни кўрди. Кейин у бир одамни ё совуқдан, ё фалаж бўлганидан қалтираётганини пайқади. Билли бу одамларни ташлаб, уларни кўчада қолишлари учун, қолдириб кетишга ўзини мажбур қилолмади. У меҳмонхона администраторига шундай деди:

— Менда бошқа режа бор.

Пальтосини ёпиниб, Билли кўчага чиқди ва бурчакда тўхтади. Ўша ерда, Пайн-Блаффда, кўча фонарининг оч-сариқ ёруғида, осмондан юмшоқ қор ёғаётган бир пайтда, Билли касаллар учун ибодат қилди. Бу ибодатлар вақтида ҳам режалаштирилган йиғилишлар пайтида бўладиган натижалар юз берди. Бир одам: “Исога шукур, мен шифоландим!” деб хитоб қилиб, ҳассасини отиб юборди. Кейин бошқа одам шифоланди, ундан кейин яна бири, янада кўпроқ миннатдор бўлиб,

шукроналар айтдилар. Кейин кимдир куйлай бошлади. Бошқалар бир овоздан мелодияга аҳил бўлиб жўр бўлдилар. Имон кучаяверди. Қорчалар оқшомги қоронғи осмондан тушаётиб ва фонар нурида ялтираб бураларди. Бу Билли билган энг ажойиб ибодат хизматларидан бири бўлган эди. У токи ибодат қилишини истаган бошқа одам қолмагунича ва бармоқлари совуқдан қотиб қолмагунича, кўчада турди. Кейин зинадан ҳориб-чарчаб, номерига кўтарилди ва ухлаб қолди.

ФОРТ-УЭЙНДАГИ йиғилишдан тахминан бир ой кейин Билли Арканзас штатида, Литл-Рокда йиғилиш ўтказди. Миссис Дамико ўша ерда бўлиб, у ўрнидан турди ва шавқ-завқ билан гувоҳлик берди. Унинг танасида ўша хавфли ўсмадан битта ҳам ҳужайра қолмаганди!

Бир неча ой ўтиб, Билли мистер Лимандан хат олди, унда у, врачлар унинг организмида паришонхотирлик склерозидан ҳатто из ҳам топишолмаганини хабар қилган эди. У шу билан бирга, бор-йўғи бир ҳафта бурун қишлоқ жойидан машинасида ўтаётганида, бир кунлар артрит билан шикастланган фермер-дўстини ёвонда ишлаётганини кўрганини ҳам ёзган эди. Мистер Лиман машинасини тўхтатди ва жўякдан тракторга қараб борган. Уни кўриб, ўртоғи трактор кабинасидан чиққан ва унга пешвоз чопган. Улар ёвон ўртасида учрашганлар, навбат билан бир-бирларини кўтариб, қучоғлай кетганлар ва биргаликда Исо Масиҳни улуғлаганлар. (Билли ўша ваҳийни эслаб, жилмайди.) Мистер Лиман ўз хатида яна бир фактни айтиб ўтганди. У шифоланганлигини ҳамма дўстлари ва танишларига, шу жумладан, Англиядаги бир дўстига, дарвоқе, у қирол Георг VI нинг шахсий секретари экан, ўша дўстига ҳам айтиб берганди.

Бу, Билли бир неча кундан кейин Англиядан олган телеграмманинг сабабини билдирар эди. Кўриниб турибдики, 64 ёшли қирол Георгнинг соғлиги охирги бир неча йил доим ёмонлашаверган. Мистер Лиманнинг шифоланганидан таъсирланганидан, қирол Уилльям Бранхам Англияга келишини ва у учун ҳам ибодат қилишини истар эди. Худо иродаси бўйича, Билли 1950 йилнинг баҳорига белгиланган Скандинавия сафарига ҳатто ҳозирдан тайёрланаётган эди. Унга Ҳазрати Олийлари қирол Георг учун ибодат қилиш учун Лондонга тўхтаб ўтиш умуман қийин эмас.

Билли фикран ўз топшириғини олган ўша оқшомга кўчди. Фаришта унга шундай деган эди: *“Сен ер куррасининг кўп ерларига борасан ва қироллар, ҳоким ва монархлар учун ибодат қиласан...”* Ўша пайтда бундай башорат сўзи ҳақиқатга ўхшамайдигандай ва “зўрма-зўраки далилдек” туюлар эди. Энди бўлса, у нарса ана-мана бажариладиганга ўхшар эди.

46 БОБ
ФАРИШТА ХЬЮСТОНДА СУРАТГА ОЛИНДИ
1950

НИҲОЯТ, УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ узоқ давом этадиган кампаниялар ўтказиш учун етарлича саломатлиги яхшиланди. Хуллас, 1950 йил январида унинг администраторлари у учун Техас штати, Хьюстонда кетма-кет ўн етти кечки йиғилишнинг жадвалини туздилар. Улар бу йиғилишларни 4000 киши сиғдира биладиган мусиқа залида ўтказа бошладилар. (**№12 Сурат)** Биринчи оқшомдаёқ бу кичикроқ бино, у ерда бўлишни истаган одамларни сиғдиролмаслиги аниқ бўлиб қолди. Иккинчи оқшом йиғилишни Хьюстоннинг Колизей Сэм деган биносига кўчирдилар. (**№13 Сурат**) Энди ҳаммани ўтқизиш мумкин бўлади. Кутилмагандаги реклама туфайли кампаниянинг охирги икки оқшомидаги йиғилишида бино лиқ тўлмагунича, ҳар бир йиғилишда ўртача 8000 одам иштирок этди.

Гарчи кўпчиликМасиҳчи хизматчилар бу йиғилишни муваффақиятли бўлиши учун бирга меҳнат қилган бўлсалар-да, бошқа бир хизматчилар ҳеч қандай кўмаклашмадилар. Битта воиз шунчаликка борди-ки, Бранхам кампаниясига қарши қаттиқ жамоатчилик танқидини бошлади. Умуман яқингинада баптистлар семинариясини тугатган жаноби Бест, ҳозирда Хьюстондаги катта черковнинг пастори эди. Унинг қаттиқ огоҳлантиришига қарамай, унинг черковидан айрим аъзолари Бранхам йиғилишларида иштирок этдилар. Бу нарсадан доктор Бест жуда ғазабга келди. У маҳаллий газетанинг эрталабки нашрида катта реклама босди ва унда бунақа Илоҳий шифолашни ва хусусан, Уилльям Бранхамни жуда ғазабланиб танқид қилди.

Фред Босворт “Хьюстон Хроникаси” газетасининг ўша сонини Биллининг “Райс Хоутэл” меҳмонхонаси номерига келтирди.

— Бранхам ака, бунга қара-да. Шу ерда шаҳарда доктор Бест деган хизматчи бор, ва у сени Илоҳий шифолаш ҳақида баҳсга чақиряпти. Мана, эшит, у нима деб ёзган: “Уилльям Бранхам дин фанатиги ва қаллобдир. Уни шаҳардан ҳайдаш керак ва мен шуни амалга оширувчиси бўлишим керак”. Бранхам ака, сенинг ўрнингда бўлганимда мен бу чақириқдан фойдаланган бўлардим ва бу қўполчага Худо Каломи ҳақида бир-иккита дарс берган бўлар эдим.

— Босворт ака, мен ҳеч ким билан баҳслашишни истамайман. Худо мени ибодат қилиш учун юборди. Бунга ишонадиган минглаб одамлар бор. Шундай экан, бунга ишонмайдиган битта олов одам билан оворагарчиликнинг нима кераги бор? Уни ўз ҳолига қўй. Шунақа, унга ўхшаган — кўрларнинг – кўр йўл бошловчилари[167] бўлади, деб Исо айтган.

[167] Матто 15: 12-14

Қачонки унинг чақириғи жавобсиз қолгач, кейинги куни доктор Бест, биринчисидан ҳам заҳарлироқ бошқа реклама учун пул сарфлади. Фред Босворт Биллининг хонасига келди, газетани кроватга ташлади ва деди:

— Бу хизматчи бугун сен тўғрингда нима деганига ишомайсан.

— У бу сафар нима дедийкин?

Босворт газетани олди ва ўқиб берди: “Уилльям Брнхам Ҳақиқатдан қўрқади. У ўзининг Илоҳий шифоланиш ҳақидаги таълимотини Худо Каломи бўйича текширишдан қўрқади. Қачонки унга ҳақиқий Хушхабар келтирилса, у бу мавзуда баҳслашишдан уялади, чунки бунда унинг адашганлиги очилиб қолар эди. У ўзининг психологияси ва ирим-чириминнинг макрли аралашмаси билан камбағал ва саводсиз одамларни алдашидан хурсанд”. Босворт газетани яна кроватга ташлади.

— Бранхам ака, унга Худо Каломини таҳқирлашга йўл қўйма. Унинг чақириғини қабул қил.

— Босворт ака, — деди Билли, олдингидек вазмин, — ҳар оқшом йиғилишга 9000 га яқин одам келади ва улардан тахминан 7000 киши у учун ибодат қилинишини истайди. Менга бу ерда, Хьюстонда бор-йўғи бир неча кун бўлишим мумкин. Бу ғалати одам билан оворагарчиликни бизга нима керак, қачонки биз касаллар ва муҳтожлар учун ибодат қилишимиз мумкин?

— Аммо, Бранхам ака, йиғилишга келаётган барча одамлар, Ҳақиқат нималигини билишлари лозим. Улардан айримлари биз нимада туришимизни билишимизга шубҳа қила бошлаяптилар.

— Босворт ака, менда Муқаддас Руҳ мойланиши бор ҳозир. Мени ташвиш ва баҳс-тортишувларга вақтим йўқ.

— Унда бу чақириқни қабул қилишни, мана *менга қўйиб бер.*

Бу 73 ёшли Хушхабар сипоҳига қараб, Билли Каломни ўқилган жойи ҳақида ўйлади, у ерда Халев, “Ҳозир мен саксон беш ёшдаман ва мен ўшандагидек, қачонки Мусо мени қирқ беш йил

бурун Канъон ерини текширишга юборганидек бақувватман”[169], деб, Наби Ясудан унга Емак[168] ўғилларига ҳужум қилиши учун рухсат сўрайди.

— Босворт ака, сенинг ғайратингга қойилман... — деди Билли.

Шундай деди-ю, дадил, ишонч билан нима дейиши кераклигини билмай қолди: ҳа ёки йўқ.

Бу ишончсизликни сезиб, Босворт ўзиникида туриб олди.

— Бу хизматчида ўз далилларини асослаши учун Каломда бирорта ҳам ёзув жойи йўқ. Буни исботлашимга рухсат бер — нафақат уни бир ўзига, балки шифоланиш учун имонга эга бўлмоқчи бўлган барча одамларга ҳам.

— Яхши Босворт ака, агар сен бундай қилишни истасанг, қилишинг мумкин, аммо, фақат менга сен у ерда сарсончилик қилмайман, деб ваъда бер.

Фред Босворт қувончидан яшнади.

— У билан баҳслашмайман, деб ваъда бераман. Мен фақат унга соф Хушхабарни келтираман.

Ҳаяжонланган Босворт, уни пастда кутиб турган муҳбирларга бу ҳақида хабар бериш учун хонадан чиқди.

“Хьюстон Хроникаси” газетасининг навбатдаги номерида, бўлажак муҳокамалар ҳақида, “Черковнинг пати совирилади”, деган ғалати сарлавҳали мақола босилган эди. “Ассошиэйтед Пресс”[170] шу заҳотиёқ бу мақолани бутун мамлакат бўйлаб бошқа газета таҳририятига юборди. Минглаб одамлар бу тўқнашувни ўз кўзлари билан кўриш учун Хьюстонга келдилар. Ўша оқшом бу тортишувлар бўлиши керак бўлган соат олтида, Сэм Хьюстон Колизейининг қарийб барча 30 000 ўрни эгалланган эди.

Олдинига Биллида бу баҳсларни эшитиш учун боришга умуман нияти йўқ эди; бу икки одамнинг Илоҳий шифоланиш тўғрисида тортишувини эшитиш ҳақидаги фикрнинг ўзи, унинг миясига етиб бормасди. Унингча, Худо Каломини баҳслашишга эмас, балки ҳаётга тадбиқ қилиш керак эди. Бироқ, ўша оқшом яқинлашаверар экан, у ўзида, нима бўлганда ҳам у ерга боришга ғалати иштиёқ сезди. Меда уни унинг акаси Говард ва иккита полициячи билан кузатиб борди.улар Сэм Хьюстон Колизейига келган пайтда, ягона иккита бўш ўрин учинчи яруснинг баланд балконида қолган эди. Пальтоси ёқасини кўтариб, Билли зиналардан 30-бўлимга кўтарилди ва ўтирди. Ҳеч ким уни таниб қолмади.

Олдин ҳеч қачон жамоат музокараларида иштирок қатнашмаган Фред Босворт, улар иккаласи навбатма-навбат Библия тушунчалари ва лавҳалари хусусида баҳслашадилар деб ўйлаб, Ёзув жойларининг узун рўйхати билан келди. Бироқ, доктор Бест семинарияда дискуссияни ўз усулида ўтказишга ўрганган эди. У жаноб Босворт ўз далил-исботларини биринчи ярим соат ичида кўрсатсин, деб туриб олди, у бўлса, ўз нуқтаи-назарини ифодалаш учун қолган ярим соатдан фойдаланмоқчи бўлди.агар бирор-бир тортишув зарур бўлса, у энг охирида бўлади.

Библияни кўп йиллик ўрганганига ва ибодатларда бўлганига таянган Фред Босворт, ишонч билан платформага кўтарилди.

— Доктор Бест, бизга Худо Каломи ҳақида шундай тортишимизга тўғри келаётганидан мен афсусдаман, аммо сиз газетада, Бранхам ака қаллоб ва Илоҳий шифоланиш ҳам умуман йўқ, деб айтгансиз. Шундай қилиб, бу оқшом бизнинг баҳсимиз мавзуси, Бранхам акадаги юрак сирларини били инъоми эмас — Худонинг инъоми ўзи-ўзини исботлай олади. Бугунги баҳсимиз мавзуси бундай: Библия Илоҳий шифоланиш ҳақида ўргатадими ёки йўқ?

Босворт гапиришда давом этиб, ўзи белгилаганларини юқорига кўтарди:

— Бу ерда, менда Ёзувдан бир неча юз жой ёзилганки, улар Масиҳниг касал одамларга ҳозирги вақтдаги муносабати бугун ҳам, ҳар доим қандай бўлган бўлса, бугун ҳам шундайдир. Агар Ёзувнинг шу оятларидан бирини олиб ва менинг фикримни ёлғончилигини Библиянинг қолган қисми билан исботлай билсангиз, унда бизга бу тўғрисида баҳслашишнинг кераги бўлмайди — мен енгилганимни тан оламан ва платформадан кетаман.

Шу сўзлардан кейин Босворт ўз мухолифига Ёзув жойларига ҳаволалари нусхасини таклиф қилди.

— Буларнинг ҳаммасини у ёққа чиққанимда қарайман. Сиз нима демоқчи бўлсангиз, гапиришда давом этаверинг, — дея, Бест уларни олмади ҳам.

— Унда, мистер Бест, мен сизга битта савол бераман, ва агар сиз менга “ҳа” ёки “йўқ” десангиз бўлди, мен қаноатланаман. Исога Ешуанинг гуноҳ кечирадиган исми қўлланилганми? Ҳа ёки йўқ?

Доктор Бест киприк ҳам урмади.

Босворт давом этди:

— Сиз олим бўлганингиз туфайли, доктор Бест, сизни Ешуанинг етти таркибли номлари билан, улар бутун Эски Аҳд бўйича тарқалган, танишлигингизни биламан. Бироқ, шу аудиториядагилар учун мен уларни тезгина кўриб чиқаман. Менинг Библиямни Скоуфилд изоҳлари билан 6-чи ва 7-чи саҳифаларида, ўз изоҳларида шундай ёзади: "Ешуа, шак-шубҳасиз, Худонинг гуноҳ кечирувчи исмидир. "У Ўзича Бор бўлган ва Ўзини очувчи", деганидир. Нажоткор, Қутқарувчи эканлигидан, Ешуа еттита мураккаб исмга эга бўлиб, бу Унинг одамни ҳар қандай енг мушкул ҳолатидан то энг охиригача бўлган ҳар қандай муҳтожига жавоб бероладиган қобилиятини кўрсатади". Мистер Скоуфилд бу етти мураккаб исмларни қатор қилади:

1. **Ешуа-Ире**
   - Раббий Ўзига қурбонлик таъминлайди (Ибтидо 22:14)
2. **Ешуа-Рафа**
   - Раббий — бизнинг шифокор (Чиқиш 16:26
3. **Ешуа-Нисси**
   - Раббий — бизнинг байроғимиз (Чиқиш 17:15)
4. **Ешуа-Шалом**
   - Раббий — бизнинг тинчлигимиз (Қозилар 6:24)
5. **Ешуа-Раах**
   - Раббий — бизнинг Чўпон (Санолар 22:1)
6. **Ешуа-Цидкену**
   - Раббий — бизнинг оқланишимиз (Еремия 23:6)
7. **Ешуа-Шаммах**
   - Раббий — у ерда (Езекииль 48:35)

— Доктор Бест, мен сизга саволимни яна бермоқчиман: Исога қутқарувчилик исми қўлланилганмикин?

Доктор Бест ўз ҳолатини ўзгартирди, бироқ бирор сўз ҳам демади.

— Турган гап, мистер Бест, ҳеч қандай гап қайтармаётганингизга ҳайрон қоламан. Бу менинг кичкинагина далилларимдан бири. Ҳақиқатан ҳам менинг нуқтаи-назаримни англаёлмаяпсизмикин? Агар Исога Ешуа-Ире қўлланиб бўлинса — ва ҳар бир Масиҳчи бу билан рози бўлади — унда Ешуа-Рафа ҳам Унга қўлланилади. Агар Исо бизнинг гуноҳларимизда қутқариш учун Худо тақдир этган Қурбонлиги бўлса, унда У бизнинг шифокоримиз ҳам бўлиши керак. Бунга сиз нима дейсиз, мистер Бест?

— Мен... а!... мен буни ўша ёққа чиққанимда кўриб чиқаман. Сиз ўз вақтингизни ишлатсангиз бўлди.

Хуллас, жаноб Босворт кейинги йигирма дақиқа давомида, Ёзувнинг шифоланишга тегишли жойларидан вақти етгунча, уларнинг ҳақиқатнинг ягона, ишонарли "полотно"сига тикиб, тушунтириб, кўриб чиқди. У Библиянинг қуйидаги оятларига тўхталди :

"... Мен Раббий, сенинг шифокоринг"
Чиқиш 15:26

"У сенинг барча қонунсизлигингни кечиради, сенинг ҳамма касалликларингни шифолайди".
Санолар 102:3

"Кеч кириши билан, жинга чалинган бир талай кишини Исони олдига олиб келтиришди. У сўз билан ёвуз руҳларни қувиб чиқарди, дардга йўлиққанларнинг ҳаммасини соғайтирди. Шу тариқа Ишаъё пайғамбарга ваҳий бўлган ушбу оят бажо бўлди: "У бизнинг касалликларимизни кўтарди, дардларимизни эса Ўзи чекди"."
Матто 8:16,17

"Исо ҳамма шаҳар-қишлақларни айланадиган бўлди. Маҳаллий ибодатхоналарда таълим бериб, Худонинг Шоҳлиги тўғрисидаги Хушхабарни эълон қилар ва одамларнинг ҳар хил дард-у – дармонсизликларини даволар эди".
Матто 9:35

“У [Исо] қаерга бормасин — қишлоқларгами, шаҳарларгами, овулларгами — одамлар касалларни очиқ майдонларга қўяр, ақалли кийимининг бир чеккасига тегиш учун Ундан илтимос қилишарди. Унга қўл тегизганлар эса шифо топарди”.
Марк 6:56

“Бутун халқ Унга қўл тегизиш илинжида интилар эди, чунки Ундан ҳаммани соғайтирадиган шифобахш бир куч чиқар эди”.
Луқо 6:19

“... Худонинг Ўзи Исо билан бирга бўлгани учун, У Муқаддас Руҳ ва қудратга тўлган ҳолда эзгулик қилар, иблиснинг золим ҳукми остида қийналиб юрганларнинг ҳаммасини соғайтирар эди”.
Ҳаворийлар 10:38

“Исо Масиҳ кеча, бугун ва абадий худди Ўшанинг Ўзидир”.
Ибронийларга 13:8

(Жаноб Босворт Ёзувнинг шу жойини такрорлаб, бу билан Уилльям Бранхамнинг барча кампанияларидаги асосий мавзу шу эканлигини таъкидлади: Исо ўтмишда Ким бўлган бўлса, бизнинг кунларимизда Ўшадир, ва Абадийлик давомида ҳам шундай бўлади.)

“... Унинг яраларидан сиз шифо топдингиз”.
Пётрнинг 1 – 2:24

“... мана, Мен ҳар куни, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан”.
Матто 28:20

“Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг Номим билан жинларни қувиб чиқарадилар... Беморларга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетадилар”.
Марк 16:17-18

“Имон билан қилинган дуо беморни соғайтиради, Раббимиз Ўзи уни тузатади...”
Ёқубнинг 5:15

“... сиз ибодатда нимаики сўрасангиз, олишингизга ишонинглар — ва унга эришасизлар”.
Марк 11:24

“Исо унга: — тўғриси, сен бир оз бўлса ҳам ишона олсанг эди..! эътиқодли киши барча имконга эга”.
Марк 9:23

Унинг ўттиз дақиқаси ўтган пайтида, жаноб Босворт ўзининг Каломдан кўчирмаларининг бор-йўғи озгина қисминигина ололди. Аммо йиғилган одамларда Қутқарувчи Исо Масиҳ, шу каби, Исо Масиҳ-Шифокор ҳам экан, деган фикр пайдо бўлди. Ҳозир доктор Бестга саҳнага чиқиш ва бундай ишонишни инкор қилиш фурсати келганди.

Доктор Бест ўз нутқини Коринфликларга биринчи мактубнинг 15-бобидан бошлади: *“Ўликларнинг тирилиши ҳам бунга ўхшайди: тана ўткинчи бўлиб экилади-ю, ўлмайдиган бўлиб тирилади... заифликда экилади-ю, қудрат билан тирилади... Бу ўткинчи бадан чиримайдиган, бу ўладиган вужудимиз ўлмайдиган бўлиб қолган пайтда, қуйидаги таврот оятлари амалга ошади: “ўлим ғалаба билан ютилди”.”* Доктор Бест, Худони фақат одамлар жони қутқарилиши қизиқтиради, а одамларни танасини шифолаш эмас, деган далиллар келтирди. Акс ҳолда Масиҳчилар қариликдан ташқари бошқа ҳеч нарсадан ўлмас эдилар, чунки улар ҳар сафар касал бўлганлариа, Худо уларни ҳар сафар шифолайверар эди. Масиҳчилар ҳам қолган одамлар каби касал бўлар ва ўлар эканлар, унда Худонинг шифоловчи қудрати қаерда? Тўғри, қачонки У ерда бўлганида, Исо шифолади, бироқ бу фақат Унинг Худо Ўғли эканлигини исботлаш учун, Унинг кунларига тааллуқлидир. Бизнинг кунларимизда шифолаш энди бошқа исбот-далил сифатида кераги йўқ, зеро бизда Янги Аҳд ёзуви бор.

Бу вақтга келиб, доктор Бестнинг ярим соат муҳлати тугай бошлагач, унинг далиллари шу ердагиларга таъсир қилмаганлиги аниқ бўлиб қолган эди. Бу доктор Бестнинг ғазабини қўзғади.

— Фақат муқаддас сакровчилар гир-гир айланиб, Илоҳий шифоланишга ишонадилар, — қичқирди у. — Ҳеч қандай ҳақиқий баптист бунақа сафсатага ишонмайди.

Фред Босворт иккинчи микрофонга келди. **(№14 Сурат)**

— Бир дақиқа, мистер Бест. Мен бу аудиториядан сўрамоқчиман: шу ерда ўтирганлардан қанча баптист врачнинг ёзма хулосаси билан Хьюстондаги бу йиғилишлар вақтида шифоланганини исботлай олади? Марҳамат, ўрнингиздан турингглар.

Уч юзтача одам турди.

— Бу умуман ҳеч нарсани исботламайди, — доктор Бест тўнғиллади. — Одамлар ҳар нарсани гувоҳлик бериши мумкин.

Босворт бамайлихотир равишда, шундай жавоб берди:

— Каломда айтилган, бу ҳақиқат эканлиги, ва мана, шу ернинг ўзида одамларнинг ўзи тирик гувоҳлардир. Сиз қандай қилиб буни инкор қилишда давом этаоласиз?

Ғазабланган доктор Бест бақирди:

— Бу ёққа ўша Илоҳий шифоловчини олиб келинг қани, ва мен кўриб қўяйчи, у буни қандай амалга оширар экан.

— Мистер Бест, Бранхам ака ҳеч қандай Илоҳий шифоловчи эмас-ку, ахир. У шундай шифоловчиман, деб ҳеч қачон айтмаган. У фақат Исо Масиҳдан одамларни шифолашини сўрайди.

— Бу ёққа ўша Илоҳий шифоловчини олиб келинг ва у бирор кишини шифолашини менга кўрсатинг, — қайтарди доктор Бест.

— Мистер Бест, қутқарилиш Исо Масиҳдан эканини ваъз қиласиз, шундай эмасми?

— Ҳа, ваъз қиламан.

— Бу нарса сизни Илоҳий қутқарувчи қиладими?

— Йўқ, албатта.

— Нима ҳам дердик, унда Исо Масиҳ шифолашини ваъз қилиш ҳам Бранхам акани Илоҳий шифокор қилмайди.

— Унда менга тушунтириб беринг, нима учун у кўчага “Ҳар оқшом мўъжизалар” деган сўзлар билан вивеска осиб қўйган.

— Биринчидан, бу вивескани мен осиб қўйганман. Шунга қарамай, ундаги сўзлар тўғри. Мўъжиза — бу бир нарсаки, уни одам идроки билан тушуниш мумкин эмас. Бранхам акада ғайритабиий инъом борки, у одамлар ҳаётига кириб бориши ва келажак воқеаларни башорат қилиши мумкин. Унинг ваҳийлари ҳамма вақт, уни қандай кўрган бўлса, худди шундай тарзда содир бўлади. Бу мўъжиза. Бунақа ҳодисалар ҳар оқшом йиғилишларда бўлиб ўтади. Сиз эртага кечқурун бу ерга келишингиз мумкин ва сиз барча ўтирганлар билан буни кузатишингиз мумкин.

— Бир дақиқа, — деди доктор Бест. У бошқа томонга бурилди ва икки фотографга олдинга чиқишларини имлаб кўрсатди. Кипперман ва Айерс Хьюстондаги Дуглос Студиясининг профессионал фотографлари эди; улар Америка Фотографлар Ассоциацияси аъзолари эдилар. Доктор Бест уларни бу дебатларни газетанинг эртанги номерига босиб чиқариш учун, суратга олишлари учун шахсан ёллаганди. Бест уларни ёллаганлиги туфайли, у фотосуратлар мазмунини назорат қилишга уринди. Бирдан бармоғини тўппа-тўғри ўз мухолифи бурнига қўйиб, у шундай деди:

— Энди буни суратга тушурингглар.

Чарақлашгандан кейин Бест муштини Босвортнинг чакагига этди ва ўшқирди:

— Яна бир бор олингглар.

У олтита негатив ишлатилмагунича, кеккайиб, ҳар хил вазиятларда туришда давом этди.

Фред Босворт шундай деди:

— Менга келсак, йиғилиш тугади. Мистер Бест мен унга берган Ёзувнинг ўша жойларидан биттасига ҳам жавоб беролмайди. У бу баҳсларда енгилди, деб ўйлайман. Шу ердагиларнинг қанчаси шундай фикрда? “Омин” денг.

Залнинг улкан гумбазлари остида одамларнинг “Омин” деб қичқирганлари акс-садо бўлиб янгради.

Доктор Бест дарғазаб бўлиб, бақира бошлади:

— Ўша Илоҳий шифоловчини бу ёққа олиб келинг ва кўрамиз, қани, мен уни кузатиб тураман, у нима қилиб билар экан.

Босворт хотиржамлик билан шундай деди:

— Бранхам ака шу ерда, бинодалигини биламан, чунки мен уни кирганини кўргандим. Доктор Бест, у сиз билан тортишмайди, — бу унинг усули эмас. Аммо биз бу баҳсларнинг ниҳоясига етиб

келган эканмиз, агар у бу ерга келишни ва одамларни тарқатишни истаса, мен қаршилик қилмайман. Аммо у бундай қилишга мажбур ҳам эмас.

Одамлар бутун “колизей” бўйлаб, гир атрофга аланглай бошладилар. Говард Бранхам қўлини Биллининг елкасига қўйди ва пичирлади:

— Жим ўтир.

— Мен ўтирмоқчиман, — Билли жавоб берди.

Бироқ, бир неча лаҳза ўтиб, у қуюннинг эсишига ўхшаш ўша ғувиллаган товушни эшитди: “Хш-ш-ш-ш”. Кейи у унинг танасига босаётган муқаррар босимни ҳис қилди, ва у Раббий Фариштасида бошқача режалари бўлганини тушунди.

Билли турди.

— Азизим, йўқ..., — дея, Меда унинг қўлига тармашди.

— Азизим, Раббий Фариштаси менга у ёққа боргин деяпти.

Билли платформага кўтарилган эдиямки, мистер Айерс унга ўз фотоаппаратини тўғрилади. Шу заҳоти Гордон Линдсей мистер Айерс ва мистер Киппермандан бошқа суратга олмасликларини сўраб, атайин уларнинг орасида туриб олди. Жаноб Босвортни суратга олганларида, бу иккала эркакнинг ниятларини кўрган Линдсей, Уилльям Бранхамнинг кўринишига ҳам доғ туширишларини хохламаганди. Билли микрофонга келди ва шундай деди:

— Бу тортишувлар бўлиши кераклигидан мен афсусдаман. Мистер Бестга ёмон муносабатда бўлманглар. У ўз ғояларида туришга худди мен каби ҳаққи бор.

— Мен ҳеч ҳам Илоҳий шифокор эмасман. Мен ҳеч қачон шифокорман, дея даъво қилмаганман. Исо Масиҳ — ягона Илоҳий Шифокордир. Аммо, мана мен нима дейман: ўша мен туғилган кунимда нимадир, ғайритабиий бир нарса содир бўлди. Бу воқеа Кентукки штатининг узоқ ўрмонлари ичкарисидаги ёғоч кулбачада бўлган эди. Бу фақир кулбачада пол ҳам йўқ эди — ҳатто дераза ҳам йўқ эди; фақат эшикда одам кўзига тўғри келадиган жойида кичикроқ дарча бўларди. Менинг туғилганимдан бир неча дақиқа ўтгач, тонгги бешларга яқин, улар ўша дарчани очдилар ва кулбага нур учиб кирди, онам қўлларида мени олиб ётган кроват устида айлана бошлади. Ўшандан бери, мен шуни англадимки, бу Раббий Фариштаси, чунки бу менинг ҳаётимни ҳар бир кунида эргашади. Бу йиғилишга нур кўринишида келади, ва кейин мен одамлар ҳақида маълум бир нарсаларни кўриш қобилиятига эга бўламан, — баъзида уларнинг ўтмиши тўғрисида, а айрим пайт эса уларнинг келажаги тўғрисида. Мен ҳар қандай одамга, ҳар қандай жойда ҳар қандай одамни чақираман, қаерда мен бир марта бўлса ҳам, қачондир Исо Масиҳ номидан даъво қилдим-у, ва ўша мен бу ҳақида қандай айтган бўлсам, аниқ-равшан бажарилмаган, у киши менга айтсин.Худо Ҳақиқатдир, ва Унда адашиш билан ҳеч қандай умумийлик бўлмайди. Агар мен ҳақиқат ҳақида гувоҳлик қилсам, Худо гувоҳлик беради, мен ҳақимда...

Билли яна ўша “Хш-ш-ш-ш” деган товушни бу сафар олдингидан ҳам баландроқ эшитди. Юқорига қараб, у ўша ғайритабиий Нурни, балконнинг учинчи яруси, 30-бўлимида, у ҳозиргина ўтирган ўша жойда муаллақ турганини кўрди. Билли уни кўриши билан, Нур унга қараб йўналди.

Бинога тўсатдан жимжитлик чўкди: аудиторияда одамлар одатдан ташқари бир нарса юз берганини сездилар. Улардан баъзилари, уларга ғалати товуш эшитилди деб ўйлашди. Бошқалари эса миниатюр галактикага[171] ўхшаган спиралсимон шуълани кўрдилар, у балкондан гир айланиб, тушиб келган эди. (Бу шунчалик тез юз бердики, кейинроқ одамлар кўзимизга кўринмадимикин, деб ҳайрон бўлдилар.) Бу нур гардиши платформага тушди ва тўппа-тўғри Уилльям Бранхамнинг боши устида осилиб турди. Ана шу лаҳзанинг ўзида мистер Айерс олдинга сакраб чиқди ва ўз фотоаппарати билан сурат олди. Ёрқин чақнаш йиғилганлар кўзини бир-неча секунд қамаштириб турди. Улар кўзлари ёритишган жойга яна мослашган вақтида, сирли Нур кўринмай қолган эди.

[171] Галактика — улкан юлдуз системаси. Улардан кўплари ҳар хил формага эгадирлар ва спирал галактика ҳам улардан биридир.

Ўз фотостудияларига бораётиб, иккала фотограф бу ғайритабиий ҳодисани муҳокама қилдидар. Айерс ўз ҳамкасбидан сўради:

— Сен бу ҳақида нима деб ўйлайсан?

— Мен — яҳудийман. Масиҳчилик ҳақида мен умуман озгина тушунаман, — деб жавоб берди Кипперман, елкаларини қисиб.

— А мен — католик, — деди Айерс, — ва у бизларга мўъжиза содир бўлиши мумкин, аммо улар Худодан бўлиши учун католик черкови орқали келиши керак, дейди. Мен олдин бунга ишонар эдим, аммо ҳозир ҳатто билмай ҳам қолдим. Ўтган бир неча кун ичида айрим ҳайратга соладиган нарсалар бўлганини кўрдим. Мумкин, бу ерда менинг ақлим етмайдиган нимадир бўлгандир. Эҳтимол, мен Бранхамга нисбатан жуда ҳам кескин муносабатда бўлгандирман.

— Сен уни жуда қаттиқ танқид қилдинг.

— Нима десамийкан, у куни кечқурун ногирон-солдатни гипноз қилган, деб ўйлаган эдим. Бошқачасига қандай қилиб умуртқа поғонаси синган одам туриб ва юриб кетади?

Кипперман яна елкаларини қисди:

— Айтишим қийин. Мен бу ҳақида умуман ҳеч нарса билмайман.

Фотостудияда Айерс деди:

— Мен, энг аввало, плёнкани проявить қилмоқчиман. Мистер Бест ялтироқ қоғозда газетанинг эртанги номери учун бир неча сурат олишни хохлайди.

— Мен эса чарчадим, — Кипперман жавоб берди. — Юқорига борай ва озроқ чўзилай.

Мистер Айерс фотолабораторияга кирди, эшикни ёпди ва плёнкани моҳирлик билан ювди. Бу ювиш жараёнини тугатиб, у чироқни ёқди ва биринчи негативга қаради. Плёнка куйганлигига ҳайрон бўлди. Иккинчи ва учинчи кадрлар шундай бўлиб чиқди. Ажабо... У бу фотоаппарат ва бу маълум бир маркали фотоплёнкадан тез-тез фойдаланар эди. Чатоғ жойи нимадан бўлса экан? У тўртинчи, бешинчи ва олтинчи кадрларга қаради. Улар ҳам шу сингари куйган эди. Аммо у еттинчи негативга қараганида, у охиргиси эди, — у ерда тасвир бор эди!

Айерс қичқириб юборди ва ўзини орқага отди. Унинг кўкрагида, гўёки юрак ҳуружи бўлганидай, қаттиқ оғриқ тутди. Қалтираб-титраб, оғир нафас олганча, у коридорга чопиб чиқди ва шеригини чақириб, қичқира бошлади.

Тед Кипперман шу заҳоти югуриб келди.

— Нима бўлди?

— Бунга қараб кўрчи, — негативни кўрсатиб, Айерс деди. — бу ҳақиқат, Тед. Фотоаппарат алдамайди.

Ўн дақиқа давомида иккала фотограф бу негативдан бир неча фотонусха қилдилар. Фотографияда Уилльям Бранхам ён томондан кўриниб турар эди, чап томондан; у қора костюмда эди ва кафедрага суяниб турган эди. Чап қўлини бўлса ёнида эркин осилтириб турар эди. Суратда, чап томондан Хушхабарчига энгаштирилган, гўё унинг сўзларини кучайтиришга тайёр иккита микрофон кўриниб турар эди. Бироқ, мана шу лаҳзада, у айнан гапирмаётган эди. Унинг оғзи юмуқ, а юзи эса хотиржам эди. Уилльям Бранхамнинг юз тузилиши, сочлари тўкилиб қолган пешонаси, бурни ва лаблари оралиғида вертикал тери бурмалари, иягидаги салгина чуқурчани аудиторияга диққат билан қараб турган чуқур кўзларини қоронғи фонда жуда ажралиб турар эди.

Бироқ, бу фотосуратнинг ҳайрон қолдирадиган элементи — иккала фотографни титратган элемент — суратнинг ўнг томон юқорисида қия ҳолатда турган узунчоқ, юпқа нур йўлчаси эди. Наҳотки, бу улар кўрган, балкондан тушиб келган ўша сирли нур бўлса-я? Кипперман бу нур парчасини диққат билан қаради. Унинг четлари ноаниқ кўриниб турган эди. Бу ўз-ўзидан ўринсиз эди. Суратдаги бошқа барча чизиқлар аниқ ажралиб турар, аммо бу нур парчасининг четлари ёйилиб, чаплашиб турган эди, гўё, худди нур шунчалик тез пульс урганидан, фотоаппарат унинг четларини аниқ акс эттиролмаган эди. Нур Бранхам боши устида чамбардай муаллақ турган эди. Бу Илоҳий тақдир қилинганга ўхшар эди. **(№15 Сурат)**

Қўлларидаги нарса қимматбаҳо, муҳимлигига тушунганларидан, иккала фотограф ҳам бу сурат билан Билли жойлашган “Райс Хоутэл” меҳмонхонасига қараб ғизиллаб кетишди. Уларнинг илтимосларига қарамай, Хушхабарчини якка қолиши ва тинчини бирор кишига бузишга қўймайдиган қўриқловчилар орқали ҳам хабар етказолмадилар. Шу учун улар аэропортга кетишди ва ўша оқшомги 11 ларда, унга муаллифлик ҳуқуқи берилиши учун, негатив Колумбия округи Вашингтон йўлида эди.

Кейинги кун кимдир Биллига бу сурат нусхасини кўрсатди. У бундан мамнун бўлди. Кўп оқшомлар давомида Муқаддас Руҳнинг ўша алангасини йиғилишлари вақтида кўрди ва бу ҳақида ўша ердагиларга айтиб берди. Худо унинг гувоҳлигини бу сурат орқали тасдиқлади.

Фред Босворт Биллининг йиғилишларида Олов Устунини суратга биринчи бор олиниши эмаслигини ҳаммага эслатди. Олдинги сафарларнинг ҳар бирида танқидчилар бу суратларга шубҳаланар эдилар. Нима учун энди бу сафар бошқача бўлиши керак?

Гордон Линдсей бу сафар бошқача *бўлади*, деди. Линдсей Дуглас Студияси розилиги билан бу негативни хусусий эксперт Жорж Ж. Леэйсига узатилишига келишди. Бу экспертни ФБР[172] вакиллари тортишувли ҳужжатларни текшириш учун тез-тез ёллашар эди. Лэйси негативни олди ва унда икки кун мобайнида ҳар турли илмий тажрибалар ўтказди. Шу негативни пухта текшириш билан бирга, Жорж Лейси фотоаппаратни ҳам плёнкага бошқа ердан ёруғлик тушмаганига ишонч ҳосил қилиш учун диққат билан кўздан кечирди. У ҳатто прожекторлардан бу аберрацияни[173] акси тушмаганмикин деб, шуни кўриш учун Сэм Хьюстон Колизейига келди.

[172] ФБР — федерал тергов бюроси (Тарж.)

[173] Аберрация — бирор нарсадан оғиш, четга чиқиш, шу билан бирга ниманидир хато қилиши. Оптик системадар аберрацияси (тасвирни бузиб кўрсатиш). (Тарж.)

Бир неча кундан кейин мистер Лэйси матбуот конференциясини уюштирди. У ерда *“Хьюстон Хабарлари”* газетаси муҳбирларидан ташқари *“Нигоҳ”, “Коллиерс”* ва *“Вақт”* журналлари редакторлари ҳам иштирок этди. Билли залнинг охирида ўтирди, Жорж Лэйси хонанинг бир чеккасидаги столда ўтирди. Мистер Лэйси ўзини таништирди ва собиқ полиция бошлиғидек бу йиғилиш сабабини қисқача тушунтирди. Кейин у сўради:

— Бу ерда ким муҳтарам Уилльям Бранхам?

Билли ўрнидан турди.

— Мен, сэр.

— Жаноб Бранхам, сиз бу дунёдан ҳамма қатори ўтасиз, аммо ҳали Масиҳчилар мавжуд бўлар экан, сизнинг суратингиз у билан яшайверади. Менга маълум бўлишича, бу бутун дунё тарихида биринчи марта ғайритабиий зот суратга олинди ва илмий исбот қилинди. Менга келсак, мен ҳам сизни танқид қилган эдим. Мен сизнинг йиғилишларингиз ҳақида журналларда ўқиганман ва сизнинг Фаришта ҳақидаги даъвонгизни шубҳа қилиб эшитганман. Мен буни фикримда психология деганман. Аммо, мистер Бранхам фотоаппаратнинг механик кўзи психологияни идрок қилмайди. Объективга нур тушган. Негатив буни исботлаяпти. Мистер Бранхам, марҳамат, олдинга ўтинг.

Билли столга келди.

Жорж Лэйси давом этди:

— Худога ишонмайдиганлар ғайритабиий Худо ҳақида исбот-далил йўқ деб тез-тез айтишади. Бу кунлар энди, ўтмишда ғойиб бўлди. Жаноб Бранхам, марҳамат, негативни олинг.

Билли бош чайқади.

— У менга тегишли эмас. Менинг тушунишимча, муаллифлик ҳуқуқи Америка Фотографлар Ассоциациясига тегишлидир.

Жорж Лэйси ҳайрон бўлди.

— Жаноб Бранхам, бу сурат ўзининг асл қийматига эга бўладиган кунгача яшайолмайсиз, чунки васиятнома кучга киришидан олдин васият қилувчи ҳар доим вафот этган бўлади. Бир кун келиб бу сурат мамлакатнинг ҳар бир универсал дўконида сотилади. Бироқ сиз унинг ҳозирги нархини англай оласизми? Агар менга таклиф қилишга тўғри келганида эди, мен уни 100 000 доллардан кўп баҳолаган бўлар эдим.

— Сэр, бу мен учун ҳаётим билан баробар. Агар Исо Масиҳ мени ҳақимда шунчалик ўйлаб, тушиб келди ва мен билан суратга тушган экан, бу суратдан фойда олишдан ҳам кўра, Уни жуда ҳам қаттиқ яхши кўраман. Суратни Дуглас Студияси қилган; унда улар уни тарқатсин. Мен бунга ҳеч қандай аралашмайман. Мен ягона, биргина сўраган нарсам, бу унинг нусхасини камбағал одамлар сотиб олиб биладиган анча паст нархда сотсинлар.

— Биз шундай қиламиз, — деди Тед Кипперман, негативни олиш учун олдинга ўта туриб. — Аммо мени ташвишлантирадигани, биз қандай қилиб фотосурат асли эканлигини исботлаймиз.

Мистер Лэйси деди:

— Мен сизларга ҳисоботимни фотонусхасини беришим мумкин **(№16 Сурат)**, уни сиз кўпайтириб ва сотилаётган ҳар бир сурат билан бирга тарқатишингиз мумкин.

Билли бу ҳисоботни ўқиди:

Жорж Ж. Лэйси
Мунозарали ҳужжатлар бўйича эксперт
Шелл биноси
Хьюстон, Техас штати.

29 январ 1950 йил.

БАЖАРИЛГАН ЭКСПЕРТИЗА ВА ЭКСПЕРТ ФИКРИ

Экспертиза мавзуси: мунозарали негатив

1950 йил 28 январида Индиана штати, Жефферсонвиллида, муҳтарам Уилльям Бранхам манфаатларини ифодаловчи муҳтарам Гордон Линдсейнинг талаби бўйича, мен Хьюстон шаҳри 1610, Авеню Раскда жойлашган Дуглас Студиясидан, экспонировка қилинган ва кейин проявить қилинган 4га 5дюйм ўлчамли фотография плёнкасини олдим. Бу Дуглас фотостудиясида проявка қилинган бу фотография плёнкасида муҳтарам Уилльям Бранхам Сэм Хьюстон Колизейида 1950 йил январидаги сафари вақтида тасвирланган.

ТАЛАБ

Муҳтарам Линдсей юқорида айтиб ўтган негативда илмий текшириш ўтказишни расман талаб қилди. У, муҳтарам Бранхам боши устида гардиш ҳолатида ёруғлик парчаси ҳосил бўлишига сабаб бўладиган, негатив ретушланганми ёки у плёнка ювилгандан кейин бошқа усул билан “тўғриланган”ми, агар бу мумкин бўлса, шуни аниқлашимни ва ўз фикримни айтишимни мендан талаб қилди.

ЎТКАЗИЛГАН ЭКСПЕРТИЗА

“Кодак” фирмасига тегишли плёнкада, икки томони юзасида, макроскопик ва микроскопик текшириш ўтказилди (Eastman Kodak Safety Film). Плёнка икки томонидан фильтр орқали ўтказилган ультрабинафша нурлари дастасида текширилди ва инфрақизил нурланишида суратга туширилди.

МУНОЗАРАЛИ ҲУЖЖАТЛАР БЎЙИЧА АМЕРИКА ЭКСПЕРТЛАР ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ

Плёнкани микроскоп остида қилинган анализ, унда бизга маълум бўлган қилинадиган ретушлаш излари йўқлигини тасдиқлади. Ундан ташқари, микроскопик анализ плёнканинг биз текширадиган нур парчаси турган жойда ва унинг атрофида эмульсия қатлами бузилган излари йўқлигини тасдиқлади.

Плёнкани ультрабинафша нурлари дастасида текшириш, негативда нур гардиши ҳосил бўлишига сабаб бўлиб хизмат қиладиган, унинг икки томонида ҳам бирор кимёвий реакция излари, бегона моддалар бўлмаганлигини тасдиқлашга имкон берди. Инфрақизил нурларидаги сурат ҳам фотоплёнкада бирор-бир ретушланганидан далолат берадиган изларни кўрсатмади.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил текширилаётган фотоплёнкада негативлар монтажини ҳам ошкор қилмади.

Текширилаётган нур гардиши плёнкани проявка қилиш жараёнида қандайдир ҳийла-найранг натижасида эканлигига ҳеч қандай далил-исбот олинмади. Негатив қандайдир номаълум усуллар билан проявка қилинган, деган ҳеч қанақа далил-исботга эришилмади. Ёруғлик доғи зичлигини таққослаш анализи ҳам нормадан қандайдир четга чиқишни кўрсатмади.

ЭКСПЕРТ ФИКРИ

Ўтказилган экспертиза ва текшириш натижасида мен, экспертизага топширилган фотоплёнка негативи ретушланмаган, монтаж ёки икки марта экспонировка қилиш натижаси эмаслиги ҳақидаги маълум бир ўз фикримни билдираман.

Бундан ташқари, мен муқаррар билдираманки, бош устидаги гардиш ҳолатидаги нур чамбари негативга нур дастаси таъсири этиши натижасида ҳосил бўлган.

Ҳурмат билан, GJL/ll
Жорж Ж. Лэйси
(George J. Lacy)

Бу Биллини бутунлай қониқтирди. Яна бундан каттароқ қанақа исбот келтириш мумкин эди? Одамлар ё бунга ишонади, ё бўлмаса ўз хохишлари бўйича ишонмай қўяверади.

ҲАР БИР кампаниядан кейин бир неча ҳафта давомида Биллининг Жефферсонвиллидаги идорасига унинг йиғилишлари вақтида шифоланган одамлар гувоҳликлари “оқиб келаверди”. Бу сафар — Техас штати, Хьюстондаги хизматдан кейин, — кўплаб одамлар, ўша баҳслар бўлган оқшом, Биллининг боши атрофида одатдан ташқари нурни кўрганини айтиб ўтган эдилар.

Шунга ўхшаш хат, ошқозони қаттиқ оғриғидан қийналган Техас штати, Кливлендлик савдогар, мистер Беккердан келди. Гарчи у Илоҳий шифоланишга ишонмаса-да, унинг хотини уни Билли ўтказаётган уйғониш хизматларига боришига кўндирди. Улар у ёққа ўша баҳслашув оқшоми келдилар. У шундай ёзади: “Мен баҳслар тугагач, жаноб Бранхам платформага чиққан пайтида, боши атрофида нур кўрдим. Бу ялт этган чироқнинг шуъласи эмас эди; бу унинг боши устида кўпроқ гардишни эслатар эди”. Қачонки Билли мехробга чақирганида, мистер Беккер туриб борди ва ҳаётини Исо Масиҳга бағишлади. У охирги оқшом йиғилишида бўлди ва ибодат карточкасини олди, аммо унинг номери эълон қилинмаган эди. Шунга қарамай, қачонки Билли Хьюстон кампаниясини шифоланиш ҳақидаги умумий ибодати билан тугатганида, унинг ошқозони муаммоси бартараф бўлди. Билли: “Шифоланиш учун сизга ибодат навбатига туриш шарт эмас. Сиз имонга эга бўлишингиз керак”, — деб тез-тез айтадиган сўзларининг ҳақиқат эканлигини яна бир бор исботлади.

47 БОБ
“БУЛБУЛННГ” ЖАСОРАТЛИ ПАРВОЗИ
1950

ХЬЮСТОНДАГИ БАҲСЛАРНИНГ ЭРТАСИ ЭРТАЛАБИДА, Фред Босворт Биллининг меҳмонхона номерига, унга хатни бериш учун кирди. Меда эрининг елкаси орқали қаради-да, шундай деди:

— Бу Дурбандан, Жанубий Африка. Билли, уни оч.

Билли хатни очиб, ўқий бошлади. У Флоренс Найтингейл[174] Шёрло деган аёлнинг шахсий ҳамширасидан келган эди. Шёрлонинг тасдиқлашича, Флоренс Найтингейлнинг қариндоши экан. Мисс Шёрло ракдан ўлаётган эди ва Биллининг иложи борича тезроқ Жанубий Африкага, Дурбанга келишини ва у учун ибодат қилишини ёлвориб сўраганди. У Америкага учиб келиши учун жуда ҳам бемажол эди. Рак ўсмаси унинг ошқозонида, ўн икки бармоқли ичаги атрофида ўсган бўлиб, унга ҳеч қандай озуқани ҳазм қилишига қўймас эди. Кўп ойлар мобайнида ҳамшира ҳар куни унинг венасига қўйилган трубка орқали озиқлантирар эди. Флоренс аста-секин заифлашаверди. Врачлар уни яқин вақтларда ўлади, деб ўйладилар. У Исо Масиҳдан мўъжизага муҳтож эди.

[174] Найтингейл (nightingale) инглизчадан таржимаси *“булбул”* деган маънони англатади. (Тарж.)

Ўзининг умидсиз ҳолатини кўрсатиш учун, мисс Шёрло конвертга ўз суратини[175] солган эди. Меда даҳшатдан оғзини очди, а Билли бўлса, бутунлай изтиробдан суратга жимгина қараб тураверди. Унинг ҳаётида олдин ҳеч қачон бунчалик озғин одамни кўришига тўғри келмаган эди. Унинг қўллари, билагининг ҳар бир бўғими қабариқлигидан ташқари, супурги дастасига ўхшар эди. Билли унинг қовурғаларини қийналмай санай олар эди. Бечора аёл, тери қопланган скелетни эслатар эди.

[175] Бу суратнинг нусхаси Юлиус Стедсклюнинг “Пайғамбар Уилльям Бранхам Жанубий Африкага ташриф буюради” деган китобининг 49-саҳифасида ҳам бор.

Флоренс Найтингейл Шёрло конвертга хати ва сурати билан бирга самолётга билет ҳам солган эди. Билли билетга қаради, а ундан кейин ўз администраторига савол назари билан қаради.

Фред Босворт Билли нима ҳақида ўйлаганини билар эди.

— Бранхам ака, сен ҳозирнинг ўзида Жанубий Африкага учолмайсан. Сен бир неча кундан кейин Бомонтда бўлишинг керак; кейин Флорида штати, Пенсаколга боришинг керак; ундан кейин сенда Арканзасда бир неча йиғилиш бўлади, а бундан кейин эса сен Нью-Мексико штати, Карлсбадга жўнайсан, — сенинг Қўшма Штатлар бўйлаб сафаринг ҳаттоки апрелгача, қачонки сен Европага учасан, лиммолим тўла. Май ойида Скандинавиядан қайтганингда, сенда бу жадвалга кирмаган бўш вақтинг бўлади. Сен ўшанда у ёққа жунасанг бўлади.

— Унинг хатига қараганда, — деди Билли ва яна бир бор суратга қаради, — ва унинг суратига қараганда, май ойида, эҳтимол, ўлган бўлади.

— Мумкин, — Босворт рози бўлди, — аммо Бранхам ака, сен ахир ҳамма вақт ўлим ёқасидаги одамлардан хатлар оласан. Сенга самолётга билет юборганларга сен учолмайсан ва ҳар бир ўлаётган одам учун ибодат қилолмайсан. Агар сен шундай иш тутсанг эди, унда сен ўзинг ҳатто бор вақтингни шу билан шуғулланиб ўтказар эдинг. Сен Руҳга қўйиб беришинг керак.

— Бу айнан керак бўлган нарса, — деди Билли. — Руҳ менга айтаяптики, бу аёлда нимадир муҳим нарса мавжуд. Эҳтимол, Раббий мени Жанубий Африкага чақиряпти.

Босворт бунга ҳеч қандай жавоб қилмади. Билли давом этди:

— Келинглар, ҳеч бўлмаса, ҳозир мисс Шёрло учун ибодат қиламиз.

Хатни ва суратни полга қўйиб, улар хат атрофида тиззада турдилар ва Билли ибодат қила бошлади: “Самовий Ота, қачонки мен бу хатда “Дурбан, Жанубий Африка” сўзларини кўрганимда, менинг ичимда нимадир ўйнаб кетди. Сен хохлайсанми, мени Дурбанга йиғилиш ўтказишга жўнашимни? Ота, мана, бечора ўлаётган аёл, ва у бу ҳаётда охирги умиди, Сенга қараяпти. Мен Сендан илтимос қиламан, Сенинг Ўғлинг Исми Исо ҳақи, Флоренс Найтингейл Шёрлони шифола. Ва Раббим, агар Сен уни шифоласанг, мен буни, Сендан мен Жанубий Африкага шифолашлар кампаниясини бошлашим керак, деган белги деб қабул қиламан”.

1950 ЙИЛ ФЕВРАЛИДА Билли Флоридада ваъз қилаётганида, миссис Рис унга шаҳарлараро телефондан қўнғироқ қилди. Унинг эри, Биллининг эски дўстини фалаж йиқитган ва у касалхонада ўлим тўшагида ётган эди. Биллининг бор-йўғи қилиб билгани — бу ўртоғи учун телефондан ибодат қилиб, Худодан унга раҳм-шавқат сўраш бўлди. Кейинги кун миссис Рис яна қўнғироқ қилди ва

кечаси эрининг аҳволи яхшилангани ҳақида хабар етказди. Энди врачлар у яшай олади, деб ишонгандай эдилар. Билли Раббийга унинг дўстини яшашига йўл қўйгани учун миннатдорчилигини айтди.

Март ойида Билли Нью-Мексико штати, Карлсбадда кампания ўтказди. Хизматларнинг бирини охирида мистер Рисни черковдан чиқаётганини кўриб қолди. Билли унга қараб саломлашиш учун борди ва унинг дўсти ўша уни охирги бор кўрганидан буён қанчалар қариганлигини кўриб, ҳайратга тушди. Бир қўли шалвираб осилган ва ҳеч нарсага ярамайдиган эди, а бошқасини у ясама қийинчилик билан ҳаракатлантирар эди. Унга хотини ва ҳайдовчисига юришида ёрдам беришига тўғри келар эди.

— Бранхам ака, — деди у аста-аста ва аниқ эшиттиролмай, — ўтган оқшом менинг ибодат карточкам шундай яқин бўлган эди. Сен 35-дан – 35-гача чақирдинг, а мен 36-номер бўлган эдим. О-о, агар мен фақат ўша ибодат навбатига тушиб билсайдим!..

— Рис ака, фақат ибодат навбатига туриш билан сен шифони ололмас эдинг.

— Биламан, Бранхам ака. Бироқ мен билишни истардимки, мен шунга лойиқ бўлганимга яраша, мен нима қилдим. Агар мен бирор нарсани нотўғри қилган бўлсам, Худо шоҳид, мен бундан афсусдаман. Мен тирик қолганимга хурсандман, аммо... нима учун энди мен қолган умрим бўйи шундай қийналишим керак?

— Нима десам, мистер Рис, билмайман, нима учун шунақа содир бўлади. Хизмат вақтида мен дастлабки номерларни ҳар бир одамга бир хил имконият бериш учун таваккалига танлайман. Агарки Худо шундай бўлишини тайин этган...

— Ҳаммаси жойида, Бранхам ака. Бунда сенинг айбинг йўқ. Мен сенинг орқангдан эргашиб юраман ва қачон Худо менга шифоламанми ёки йўқми кўрсатмагунича, сенинг йиғилишларингда бўлиб, урунишда давом этавераман.

Билли кўк костюм ва қизил галстук билан оқ кўйлакда тротуарда турган бемажол дўстига қаради.

Бирданига Билли жигарранг костюмда ва жигарранг галстук билан оқ кўйлак кийган, бошқа мистер Рисни кўрди; у пальма остида турган эди, — икки қўлини баланд кўтариб ва Худони улуғлаб, тетик ва соғлом турар эди.

Ваҳий кўринмай қолгач, Билли деди:

— Рис ака, РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Сен соғ-саломат одам бўласан”. Мен бу қаерда бўлади билмайман, аммо мен биланман, бу шу ерда бўлмайди, чунки бу ерда пальмалар йўқ. Бир ажойиб кун сен пальма ёнида турасан, устингда жигарранг костюм ва жигарранг галстук билан оқ кўйлак бўлади. Сен мени кўрасан ва ўшанда шифоланасан. Бу шу йил бўлиб ўтадими, келаси йилми ёки ўн йилдан сўнгми, мен билмайман. Бироқ эсингда тут, Рис ака, бу РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ.

1950 ЙИЛ 6 АПРЕЛДА Уилльям Бранхам, Эрн Бакстер, Жек Моор, Гордон Линдсей ва Говард Бранхам Англия пойтахти, Лондонга жўнайдиган самолётга ўтиришди. Билли ўзининг 41-туғилган кунини “қанотларини ёйиб” ва бутун жаҳон хизмати юксакликларига “парвоз” қилиб нишонлаши бутунлай муносибдек эди. Уларнинг самолёти Лондонга қўнганида, у билан саломлашиш учун кутаётган минглаб одамларни кўриб, Билли ҳайрон бўлиб қолди. Унда Британия ороллари да ҳеч қандай йиғилишлар режалаштирилмаганди; бу Англия қироли ГеоргVI учун ибодат қилиши учун, Финляндияга кетишда бор-йўғи бир тўхташ эди.

Билли ва унга ҳамроҳлик қилаётганлар одамлар орасидан қийналиб ўтаётганларида, Билли аэропортнинг акустик системасидан ўзининг исмини эълон қилинганини эшитиб қолди. Жаноб Бакстер бориб, бу ҳаммаси нималигини аниқлашга тайёрлигини билдирди.

Ўн дақиқалардан кейин Эрн Бакстер яна бир сюрприз билан қайтиб келди.

— Бранхам ака, сен бунга ишонмайсан, аммо Жанубий Африкадан ўша аёл – Флоренс Найтингейл Шёрло сени бугун шу ерда қўнишингни қандайдир қилиб билиб олибди, шу учун охирги ҳал қилувчи урунишда шу ёққа учиб келиб, сен у учун шахсан ибодат қилишинг учун таваккал қилишга қарор қилибди. Унинг самолёти бор-йўғи бир неча дақиқа бизникидан олдин қўнди. Самолёт у ерда турибди ва у аёл ҳали ҳам унинг бортида.

Эрн Бакстер учиб-қўниш йўлининг бошқа томонида турган самолётни кўрсатди.

— Бранхам ака, мисс Шёрло сен ҳозирнинг ўзидаёқ унинг ёнига боришингни ва у учун ибодат қилишингни хохлайди. Унга у ҳозирнинг ўзида ўлаётгандай туюляпти.

Билли вазиятни ишонқирамай ўргана бошлади. Улар билан ва Флоренс Шёло самолёти орасида минглаб одамлар тиқилиб турганди. Маҳаллий хизматчиларнинг бири, англичан епископига мурожаат қилиб, Билли қуйидаги таклифни берди:

— Нима учун энди сиз мисс Шёрлони уйингизга этсангиз бўлмайди экан? Мен қирол учун ибодат қилишга Букингем саройига бораман, кейинроқ сизнинг уйингизга келаман ва у учун ибодат қиламан. Бу учун вақтни тайинлаш учун, менга “Пиккадилли Хоутэл” меҳмонхонасига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

— Лекин, Бранхам ака, — епископ эътироз билдирди, — у, мумкин, бунчалик узоқ яшамайди.

— Нима қилсам, аммо мен унга бу ёқдан боролмайман-ку, ахир. Халққа қараб, сиз ўзингиз кўришингиз мумкин.

Епископ маъқул маъносида бош ирғади.

— Яхши, агар бу биз қилса бўладиганининг энг яхшиси бўлса. Сиз ҳақсиз; сиз унинг самолётига бу одамлар орасидан ўтолмайсиз.

Ўша кунги мажбурияти, Билли ўйлаганидан ҳам кўп вақтини олди. Билли Букингем саройида қирол учун ибодат қилганидан кейин[176], маҳаллий хизматчилар Биллини методистлар черковининг асосчиси бўлган, XVIII асрнинг буюк Хушхабарчиси Жон Веслейнинг уй мўзейига этдилар **(№17,18 Сурат)**. Билли тиззада турди ва ўша буюк Худонинг хизматкори уйида бўлган вақти ҳар эрталаб соат бешда ибодат қилган хонада ибодат қила бошлади. Кейин Билли Веслейнинг ридосини кийди, черковга кирди ва унинг кафедрасида турди. Билли Веслей қандай ваъз қилгани ҳақида ўйлади, у қандай муқаддасланиш мактубини ваъз қилиб одамларни Исони нафақат ўз Қутқарувчисидек қабул қилишлари, бироқ уларга муқаддас ҳаёт кечиришлари ҳақида ҳам ваъз қилгани ҳақида ўйлади. У Худо Жон Веслейни бутун Англияни қучган ва Масиҳчиларнинг бошқа кўплаб регионларига ўтган уйғонишни алангалатиш учун қанчалар ишлатгани ҳақида ўйлаб қолди. Биллининг унинг хизматидан кейин ҳозир у тарқатаётган уйғониш ҳақида, тарих саҳифаларида нима деб айтишларини билишни истар эди.

[176] Қирол ГеоргVI Бюргер касаллигидан қийналар эди, артериосклерознинг оғир кўриниши, у унинг оёқлари ва товонига қон юришини чеклайди. Уилльям Бранхам у учун ибодат қилганидан кейин қиролнинг соғлиги шунчалик яхшиландики, у биринчи марта кўп ойлардан кейин жамият ҳузурида кўринди.

Ўша куни кечроқ, уйида Билли меҳмон бўлиб турган хизматчи уни Вестминстер аббатлигига олиб келди, у ерда у билан учрашиш учун катта хизматчилар гуруҳи кутиб турганди. Улар уни “Пиккадилли Хоутэл” меҳмонхонасига фақат соат кечки иккида келтиришди.

Кейинги кун эрталабига бутун шаҳарни туман қоплаган эди. Билли ва уни кузатиб бораётганлар епископ уйига етиб олиш учун такси чақирдилар. У улкан англичан черковига туташиб турган чиройли пастор уйида яшар эди. Епископ уларни эшик олдида кутиб олди ва айланма зинадан иккинчи қаватга, унинг кошонаси жойлашган жойга олиб борди.

Флоренс Найтингейл Шёрлога бир қараганидан Билли бир неча лаҳза “тилдан қолди”. У орқасига ётган эди, ва унинг биқинларига оқ чойшаб билан қистирилганидан, уни мисрнинг мумиёланганларига ўхшатиб қўйган эди. Унинг бетлари косадай чуқурлашган эди, кўзлари чўккан, а оғзи бўлса шунчалар қисилганидан, Билли унинг тишларини териси орқали кўра оларди. Бечора аёл худди 25 килограмм келадигандай кўринар эди. Билли Жоржи Картерни эслади, Раббий уни туберкулёздан шифолашидан олдин у ҳам 25 килограммгача озиб кетган эди. Ҳатто Жоржи ҳам Флоренс Найтингейлдай бунчалик қўрқинчли кўринмаган эди. Жоржи Картер кичикроқ аёл эди, а Флоренс Найтингейлнинг бўйи бир метр ва саксон сантиметр эди.

Врач эшик олдида турган эди. Билли яна тилга кирди ва секингина сўради:

— У учун қандайдир умид бормикан?

Врач бош чайқади:

— Ҳеч қандай шанс йўқ. У икки ойдан бери қаттиқ овқат емайди. Энди бўлса, шунчалик озганидан унинг оёқ ва қўлларидаги веналари қисилган ва биз унга ична ёрдамида озиқлантиролмаймиз.

— О-о, бу жуда ҳам ёмон, — пичирлади Билли. У кроватга келди ва деди:

— Салом, мисс Шёрло. Мен — Бранхам ака.

Пирпиратиб, у кўзларини очди ва унинг лаблари қимирлади, аммо Билли унинг шивирлашини англаёлмади. Ҳамшира унга эшитиш учун энгашди, ва кейин шундай деди:

— Бранхам ака, у сизни қўлингизни қисишни истайди.

Ҳамшира чойшаб остидан беморнинг қўлини чиқарди ва уни Биллининг қўлига қўйди. Қўл ўликникидай совуқ эди. Ундаги тери суякларни қаттиқ тортиб турганидан, гўё Биллига скелетни қўлини ушлаб тургандай кўринди.

— Бранхам ака, — деди ҳамшира, — Флоренс сизнинг хизматингизни диққат қилиб кузатиб юрди. У шундай зўр бериб ибодат қилди ва агар у бор-йўғи сизнинг олдингизда бўла олсайди, уни Исо Масиҳ шифолашига ишониб, сиз билан кўришишни жуда ҳам хохлади. Аммо у, ниҳоят ҳар

қандай умидни йўқотди, деб қўрқаман. Мен ўйлайман, у мана ҳозир ўлади, Бранхам ака, чунки у сизни ўлими олдидан кўришни истаган эди.

Қачонки у базўр эшитиладиган таклифини айтганида, мисс Шёрлонинг кўзи бурчакларидан ёшлар оқа бошлади. Билли унда йиғлаши учун етарли ёш топилганига ҳайрон қолди.

— Уни танасига қарашингизни хохлаяпти, — ҳамшира деди.

Қачонки улар чойшабни олганларида, Билли ўзида навбатдаги қайғуришни кўнгил айниши билан бирга аралаш келганини ҳис этди. Аёлнинг қўллари ва оёқлари, қайсики суякдан қалинроқ эмас эди, улар қисилган веналарининг қорамтир-кўкиш линиялари билан тўлиб кетган эди. Унинг кўкраги ва қорни чўккан эди, а қовурғалари эса бутунлай аниқлик билан кўриниб қолган эди. Териси ҳатто тоссон суяги бўғинларининг думалоқлигини билдириб турган эди. У тирик скелетга ўхшаб қолган эди.

Флоренс яна лабларини қимирлатди. Унинг овозини эшитиш учун пастга эгилди ва кейин пациентнинг сўзларини қайтарди:

— Бранхам акага айтинг, у Худодан мени ўлишимга қўйишини сўрасин.

Биллининг юраги иккига бўлингандай туюлди.

— Келинглар, ибодат қиламиз, — деди у.

Гордон Линдсей, Эрн Бакстер, Жек Моор, уч инглиз хизматчиси, икки ҳамшира ва врач, — ҳаммалари Флоренс Шёрлонинг кровати атрофида йиғилдилар. Билли Раббий Ибодатини айта бошлади: “Бизнинг Осмондаги Отамиз! Сенинг Исминг Муқаддаслансин...” Ибодат вақтида кабутар учиб келди ва Биллининг бошидан сал баландроқда, айни орқа томонидаги очиқ дераза токчасига қўнди. Кабутарча олдинга ва орқага “Вр-р-р, вр-р-р, вр-р-р” деб безовта ғуруллаб юраверди. Раббий Ибодатини тугатиб, Билли давом этди: “Қудратли Худо, Сенинг дуоларинг шу бечора, ўлаётган аёлга бўлишини Сендан илтижо қиламан. Мен Сендан унинг ўлимини сўраёлмайман; ахир у ҳаёти учун шундай қаттиқ ибодат қилди. Илтимос, унга раҳминг келсин, Ота. Мен буни Сенинг Ўғлинг Исо Исми Ҳақи сўрайман. Омин”.

Кабутар учиб кетди. Билли кўзини очганида, хизматчилар ибодат қилмаётганини, а бу қушни кузатаётганларини кўрди.

— Сиз анави кабутарни сездингизми? — улардан бири сўради.

“Ҳа, мен сездим” дейиш учун оғзини очганда, бунинг ўрнига:

— РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Бу аёл ўлмайди, балки яшайди!”, — деб, ўзи эълон қилганини эшитиб, ҳайрон бўлди.

Хонадагиларнинг ҳаммасини юзида ҳайронлик пайдо бўлди. Бу мутлақо мумкин эмасдай туюлди.

— Бранхам ака, сен шунга аминмисан? — сўради Эрн Бакстер.

— Менинг фикримда умуман бошқа нарса бор эди, гапиришга, — жавоб қилди Билли. — Буни мен гапирмадим, балки У гапирди, шу учун бу нарса амалга ошади. Ва қачон бу бажарилса, бу Дурбанга, Жанубий Африкага боришим белгиси бўлади.

48 БОБ
БОЛА ВАҲИЙ БЎЙИЧА ТИРИЛДИ
1950

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ Финляндия пойтахти, Хельсинкига 1950 йилнинг 14 апрелида қўнди. Аэропортда у билан кўришиш учун бир гуруҳ хизматчилар турган эди; улар орасида Биллига биринчи таклифни юборган пастор Маннинен ва Биллига таржимонлик қилиши керак бўлган фин-америка аёли мисс Мэй Исааксонлар бор эди **(№19 Сурат)**.

Ўша кеч йиғилиш Хельсинкининг 25 000 одам жойлаштирса бўладиган "Мессухалли Холл" деган энг катта аудиториясида бошланди. Биринчи оқшом одамлар фақат 7000 кишини ташкил қилди. Бироқ, ўтирганларда юрак сирларини билиш инъоми шунчалик чуқур таассурот қолдирганлигидан, кейинги оқшомни ўзидаёқ, бор-йўғи оғзаки реклама туфайли, одамлар сони уч баробарга кўпайди.

Финляндия Америкадан қанчалик фарқ қилишини кўриб, Билли ҳайрон қолди. Иккинчи Жаҳон Уруши тугаганига беш йил бўлганига қарамай, лекин фин иқтисодиёти ҳали ҳам ўнгланмади. Кўплаб одамлар қашшоқлик даражасида яшарди. Ҳатто пулдор финлар ҳам ўз бойлигига кам нарса сотиб ола билардилар. Асосий озиқ-овқатлар ва товарлар юқори нархларда сотилар эди, а зеб-зийнатлар бўлса, жуда камчил эди. Гарчи "Мессухалли Холл"ни 20 000 одам тўлдириб турган бўлса-да, шунга қарамай, бино олдида фақат ўнта машина турганини санади. Одамлар яёв ёки велосипедларда келгандилар.

Афсуски, бу йиғилишлар Хельсинкида кетма-кет давом этолмади, унинг кетидан беш кун танаффус бўлди. Бу кунларда у ердан фойдаланишнинг иложи йўқ эди; у олдиндан бошқа тадбирлар учун заказ қилинган эди. Бу интервал вақтида эски қалтироқ паравоз Уилльям Бранхам ва унинг гуруҳини 360 километр шимолдаги Куопио — Шимолий қутб яқинроғида жойлашган, Финляндиянинг яна бир йирик шаҳрига етказиб қўйди.

21 апрель, жумада, Биллининг Куопиода иккинчи куни унинг кампаниясини молиялаштирган маҳаллий хизматчилар у учун баланд Пуйо Хилл тепалиги чўққисидаги ресторанда хизматчилар тушлигини ташкил қилдилар. Олдинги кун оқшом Куопиодаги биринчи йиғилишида олиб борган оғир руҳий кураши оқибатида, Билли бу кучқурун хизматини ўтказишда танасини Худо билан кўпроқ руҳий мулоқотда бўлиши учун, у рўза тутди. Ўзининг таржимони Мэй Исааксон орқали Билли тинглади ва узун букет столида ўтирган ўттизта хизматчига нутқ қилди. Куопио Губернатори ҳам ўша ерда, шаҳарни бошқа юқори лавозимли бошлиқлари билан бирга ўтирган эди.

— Қани ҳа, Бранхам ака, бирор нима енг, — ундади уни Гордон Линдсей.

— Йўқ, Линдсей ака, мен соат олтигача емоқчи эмасман. Бироқ, мана мен нима демоқчиман: нимадир содир бўлиши керак. Мен билмайман, нима бу, аммо руҳим сезяпти; руҳий нимадир содир бўлади.

Тушлик соат учда тугади. Куопиога қайтишдан олдин, Билли ва бир неча бошқа хизматчилар, чор атрофни қуш учадиган баландликдан қараш учун кузатиш вишкасига зиналардан кўтарилдилар. Яқинроқдаги шаҳардан ташқари, туманли гаризонтгача чўзилиб кетган кўплаб кўл ва қарағайзорларни Билли кўрди. Пастга қараб, Билли Пуйо Хилл тепалиги этагида қий-чувга кўзи тушди. Йўл четидаги ариқда машина ётганга ўхшар эди. Ҳамма томондан одамлар шу машина томонга югурдилар, бироқ у ерда нима бўлганини билиш учун Билли жуда узоқда турган эди. Унинг "бургут уяси"дан одамлар худди майда чуйда буюмлар атрофида ўрмалашган ва югургилаган чумолилардан кўринар эди.

Пуйо Хилл чўққисида фақат иккита машина бор эди. Кўпчилик хизматчилар киракаш отларда келишганди. Билли машиналарнинг бирига Гордон Линдсей, Жек Моор, Мэй Исааксон ва фин пастори – Вильхо Сойнинен билан бирга ўтирди. Тор, эгри-бугри йўллардан тепалик пастига тушганларича, уларга салкам йигирма дақиқа керак бўлди. Қачонки улар ўша қий-чув жойига етиб келганларида, Билли кўрган йўл четида ётган машина энди жойида йўқ эди. Йўл четида одамлар ҳар томондан, ўтда қимирламай ётган кичикроқ фигурани ўраб олдилар.

— Автоҳалокат бўлганга ўхшайди, — деди пастор Сойнинен. — Мумкин, бирор ёрдам берармиз.

Машинани тўхтатиб, Вильхо Сойнинен нима бўлганини билиш учун чиқди. Мисс Исааксон унинг кетидан кетди. Икковлари қайтгач, мисс Исааксон ҳамма гапни айтиб берди. Иккита кичкина болани мактабдан қайтишларида машина урган эди. Финляндияда машиналар жуда камлигидан,

болалар йўлнинг у ёқ – бу ёғига қарамай, бепарво ўтганлар ва 1938 йилда ишлаб чиқарилган “Форд” автомобили тепаликдан тез тушаётиб, уларни ғафлатга қолдирди. Болалар ҳар томонга қочдилар: улардан бири шимолга отилди, бошқаси жанубга. Урмасликка ҳаракат қилиб, машина ҳайдовчиси шимолга бурди ва тормозни босди. Бахтга қарши, унинг оёғи тормоз педалига тушмади, унинг натижасида, у бор кучи билан газ педалига босди.

Болаларда қутулишларига ҳеч қандай имконият йўқ эди. Жануб томонга қочган бола олдинги қаноти билан урилганди ва зарбдан учиб йўлдан ўтиб, боши билан дарахтга урилди. Гарчи у жиддий жароҳатланган бўлса-да, у ҳали ҳам тирик эди, шу учун уни дарров машинада яқинроқдаги касалхонага олиб кетишди. Иккинчи бола бўлса, шимолга югурганини омади келмади. Машина кескин бурилиб, уни урганидан, машина пастга тушди, орқа ғилдираклари уни босди ва ундан кейин уни машина орқасидан осмонга отворди. У шу заҳоти ўлди.

Финляндия қонуни, мансабдор шахслар ҳалокат жойидан ўлган болани олиб кетишларидан олдин, ота-онанинг рухсатини талаб этар эди, шу сабабли кимдир далаларда ишлаётган ота-онасини олиб келиш учун кетди.

Линдсей ва Моор ўша болани кўриш учун машинадан чиқишди. Улар машинага жуда ҳам қаттиқ шокка тушиб, қайтдилар. Жек Моор деди:

— Менга ҳеч қачон бундайин дабдала бўлган болани кўришимга тўғри келмаган. Мен ўйламайман дейман-у, а нима, агар бу менинг ўғлим бўлгандачи? Бранхам ака, сен боришинг ва унга бир қарашинг керак.

Билли ўғли, энди ўн тўртга кирган Билли Поль ҳақида ўйлади. Нима бўлади, агар океан ортидан телеграмма юборсалар, унда у йўл ҳалокатида ўлди, дейилса? Бу фикр Биллига, у она ёвондан бу ёққа келса-ю, ва ўзининг азиз ўғилчасини ўт устида, юзига кийим ёпилган, совуқ ва қимирламай ётганини кўрса, бу бечора фин аёли юрагини қандай ҳис-туйғулар тўлдириши мумкинлигини англашга ундади. Билли машинадан чиқди ва ўлик болачани ўраб турган одамлар гуруҳи ёнига келди. Қачонки одамлар Биллини кўргач, улар ўзаро пичирлаша бошладилар.

Мисс Исааксон Биллига деди:

— Бу даҳшат эмасми? Бу одамлар ўзаро: “Мана бу мўъжизакор Америкадан. Қизиқ, у бу сафар нима қилади экан?” дейишяпти.

— Улар буни тушунишмайди, бор-йўғи шу, — деб, Билли бу мулоҳазани унчалик аҳамияти йўқдай, уни қабул қилмади.

Узун, қалин юбкада кийинган ва оғир ишчилар этигини кийган бир неча аёл қаттиқ йиғларди. Эркаклардан бири тиззада чўккалади-да, ўлик болага одёлдай ёпиб қўйилган пальтони олди. Бола кўринишидан саккиз-ўн ёшлар бор эди. Унинг юзи майиб бўлган ва қонга бўялган эди. Оғзи катта очиқ, тили чиқиб турган эди. Кўзлари орқага тортилганидан, кўпроқ оқсил қисми кўриниб қолганди. Унда одатдаги фин кийимлари эди: чолворчаси оёғини ярмигача иссиқ оқ йўл-йўл пайпоқлари билан эди.ҳалокат пайтида ботинкалардан бири бутунлай унинг оёғидан учиб кетган ва ҳозир унинг пайпоғи учидаги тешигидан бармоқчалари чиқиб турар эди.

Бу айниқса, худди шундай ўғилчалари катта бўлаётган Линдсей ва Моор учун юракни эзадиган кўриниш эди. Гордон Линдсей чуқур-чуқур ҳиқиллаб йиғлаганидан, қалтирар эди. Билли қотди қолди. Кейин у бурилди ва машинага қайта бошлади.

Бирдан у, кимнидир қўли уни елкасини ушлаганини ҳис қилди. Билли тўхтади ва ким бундай қилганини кўриш учун қайрилди. Қанчалик ғалати бўлмасин, унга тегилиш учун етарлича яқинда ҳеч ким турмаган эди. У яна машина томонга бурилди ва яна бир қадам босди. Кўринмас қўл яна уни ушлаб қолди. Қачонки билли бурилиб ва бахтсиз ҳодиса қурбонига қарагач, кўринмас қўл уни қўйворди. Энди Билли қуюнга ўхшаган, шитирлаган товушни эшита билди. Раббий Фариштаси ёнида эди.

Билли бу ҳодисада қандайдир маъно яширинлигини англади. Ҳар-қалай, унда таниш нимадир бор эди. Билли мисс Исааксонга мурожаат қилди:

— Анави хизматчилардан сўранг, бу бола кеча кучқурун ибодат навбатида бўлмаганмикин?

Хизматчилардан ҳеч қайсиси болани танимади.

— Мен бу болани қаердадир кўрганман, аммо қаердалигини эслаёлмайман.

Билли эслашга тиришиб, бири бошқасига айқаш-уйқаш қалашиб турган чўққилар қатламига эътибор берди. Бирдан, худди яшин ургандай, унинг хотирасида ҳаммаси равшан бўлди. У ҳаёжонидан титраганича, ҳамроҳларини чақирди:

— Моор ака, Линдсей ака, мен сизга Америкада айтган ўша ваҳийни эслайсизми, — ўшанда ўлик бола тирилади, деб кўрсатилган эди? Библиянгизни очинг ва менга ўқиб беринг, биринчи варақда бу ҳақида нима ёзилган.

Жек Моор Библиясини тез варақлай бошлади ва икки йил бурун нима ёзилганини тез ўқиди:

— Жигарранг сочлари... қўй кўзлари... саккиз-ўн ёшлар... чет эл кийимида юпун кийинган... автоҳалокатда абжағи чиққан... юксалиб турган чўққилар ва доимо яшил дарахтлари бор жойда... Бранхам ака, бу ёзув ҳақиқатга тўғри келади.

— Бу ўша, — маъқуллади Билли.

Ўша ваҳий қандай тугагани ёдига тушганидан, юраги ҳаприқиб кетди.

— ВА РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Бу бола тирилади”.

Гордон Линдсей эшитганига ишонолмади.

— Бранхам ака, сен шу дабдала бўлган бола яна ҳаётга қайтади, демоқчи эмасмисан мабодо? Бу қандай ҳам бўлиши мумкин?

Билли ўзида ишончга ишонч қўшилганини ҳис қилди. Бола ярим соатдан бери ўликлиги ҳам ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди — ваҳийлар доим бехато бўлар эди.

У қўрқмай эълон қилди:

— Агар бир неча дақиқада бу бола тирилмаса, менинг орқамга “ёлғончи пайғамбар” деган тахтача осишингиз мумкин. Энди бу аёлни тинчлантиришга ҳаракат қилинг.

Мисс Исааксон ўша ерлик аёллар ўзларини қўлга олишларини сўраган пайтда, Билли ҳамма нарсани у ваҳийда қандай кўрган бўлса, аниқ худди шундай бўлишлигини кузата туриб, ўлик бола ёнида тиззада турди. У ибодатини бошлади: “Самовий Ота, мен эслайман, Сенинг Ўғлинг Исо Ўз шогирдларига шундай деган эди: *“Ҳасталарни соғайтиринглар, моховларни поклaнглар, ўликларни тирилтиринглар, жинларни қувиб чиқаринглар. Текин олдингизлар, текин беринглар”*[177]. Икки йилдан кўпроқ бурун Сен бу манзарани менга кўрсатгандинг. Сенинг Сўзингга амал қилиб, — Сенинг ёзилган Сўзингдек, Сенинг ваҳийда айтган Сўзингдек ҳам, — мен ўлимга айтаман: “Сен бу болани бошқа ушлаб туролмайсан. Уни қўйиб юбор. Исо Масиҳ Исми ҳақи”.”

[177] Матто 10:8

Ўзга дунёнинг сирли йўлининг қаеридадир бу жон тўхтади ва орқага қайтди. Ўпкасига ҳаво кира бошлагач, боланинг кўкрак қафаси кўтарилиб-туша бошлади. У қовоқчаларини пирпиратди, а кейин кўзларини очди ва атрофга умуман бошқача қаради. Шундан кейин у бошини кўтарди.

Шу туфайли аёллар йиғилари ҳайронлик қичқириқларига айланди. Бир неча дақиқадан сўнг бола уни у ёқ – бу ёғини кўришлари учун туриб ўтирди. Танасида битта ҳам синган жойи топилмади. Агар енгил тирналган ва кўкарган жойларини демаса, бола туппа-тузук ҳолатда эди **(№20 Сурат)**.

БУ МЎЪЖИЗА ҳақидаги хабар бутун Куопио провинцияси бўйлаб, ўз йўлида ҳамма нарсани куйдирадиган ўрмондаги ёнғиндай тарқалди. Ўша оқшом Куопио аудиторияси охиригача тўлган эди. Имон ловуллар ва кўплаб мўъжизалар бўлиб ўтарди. Кейинги оқшомда шунчалик кўплаб одамлар аудиторияга киришни хохлаганликларидан, улкан бино уларнинг ҳаммасини сиғдиролмади. Эшикларни олдинроқ ёпишга ва бинога ҳеч ҳам киролмаган минглаб одамларни кўчада қолдиришга тўғри келди. Тартибни ушлаб туриш учун, фин ҳукумати ҳатто миллий гвардияни ёрдамга чақирди.

Йиғилишдан кейин Билли меҳмонхонасига энди кирмоқчи бўлаётган эди, худди шу лаҳзада ёш финлар, уни киришда кутиб турган эр-хотин, фин тилида шундай тинимсиз бидирлаб, уни ўраб олишдики, ҳатто мисс Исааксон ҳам уларни тушунолмади. Улар ялиниб-ёлвордилар, айниқса ёшгина аёл, у Биллига хиппа ёпишиб, ушлаб олдики, гўё ҳаёти бунга боғлиқдай эди. Линдсей, Бакстер ва Моорга Биллини иккала жазаваси тутган одамдан, уни меҳмонхонасига бир амаллаб киритиш учун, аниқроғи, судрашларига тўғри келди. Билли базўр костюмини тортиб олди.

Мисс Исааксон бу эр-хотинларга Биллидан нима кераклигини билиш учун, кўчада қолди. Ўн дақиқадан кейин у юқорига кўтарилди ва шундай деди:

— Булар шу кунлари автоҳалокатга тушган иккинчи боланинг ота-онаси. Уларнинг ўғли комада, ҳали ҳам ўзига келмабди, ва врачлар у яшамайди, деб ўйлашяпти. Уни ота-онаси сизни касалхонага боришингизни ва у учун ибодат қилишингизни истайди (**№21 Сурат**). — Бранхам ака, биз сенга бундай қилишинга қўйиб беролмаймиз, — деди Эрн Бакстер. — Бу нарса, Босворт ака ва мен сенинг йиғилишларингни бошқариб бошлаганимиздан бери, ҳамма вақт бизнинг қоидамиз бўлган. Агар сен касалхонага бир одам учун ибодат қилгани борсанг, бу ҳақида шу заҳот газетада хабар беришади ва сени бошқа касалхонагами ёки уйга келиб, улар учун ибодат қилишингни сўраган тушкун аҳволдагиларнинг илтимослари билан кўмиб ташлайдилар. Шубҳасиз, сен уларнинг ҳаммаси учун боролмас экансан, бу норозиликни келтириб чиқаради ва оқибатда йиғилишнинг обрўси тушиши билан тугайди. Йўқ, мен ўша ёш она учун қанчалик қаттиқ қайғурмай, мен ўйлайман, бизнинг тартиб-қоидамиз бутунлай тўғри: улар йиғилишга касаллар ва хасталар билан бирга келишлари керак, бу ерда эса ҳаммага бир хил имконият берилади.

Билли маъюслик билан унга рози бўлди, бироқ қўшиб қўйди:

— Ҳеч бўлмаса, мен улар билан гаплашмоқчиман ва ҳаммасини тушунтирмоқчиман. Уларни бу ёққа олиб келинг.

Ўша боланинг отаси ва онаси йигирма ёшдан кўп ҳам катта эмас эди. Уларнинг эски кийимларидан камбағалликлари кўриниб турар эди. Она ҳали ҳам йиғлаб ва жазавада илтимосини бидирлаб айта бошлади. Мисс Исааксон таржима қилди:

— Юринг, боламизни шифоланг. У ҳали ҳам ўзига келмади, врач, у энди ўлади, деяпти.

— Мени кечирасиз, аммо мен сизнинг ўғлингизни шифолаёлмайман, — Билли жавоб берди.

— Сиз бошқа болани шифоладингиз-ку.

— Йўқ, мен эмас, Исо Масиҳ уни шифолади. Мени бунга умуман алоқам йўқ. Икки йилдан кўпроқ олдин, Худо менга ваҳийда иккинчи бола тирилади, деб кўрсатган эди. У менга сизнинг ўғлингизни умуман кўрсатгани йўқ.

— Унда бизнинг ўғлимиз ҳақида ваҳий кўринг.

Билли бош чайқади.

— Мен ваҳий кўролмайман, қачон истасам. Мен уни фақат ўшанда, қачон Худо менга қачон кўрсатса, кўраман. Аммо мен сизнинг ўғлингиз учун, уни Худо шифолаши учун ибодат қиламан. Шунга қарамай, у шифоланадими ёки йўқми, — бу ҳаммаси Худога ва сизнинг имонингизга боғлиқ. Сиз иккингиз ҳам Масиҳчимисиз?

Улар Масиҳчи бўлмаганлигидан, Билли уларга Хушхабарни қисқача ва оддий қилиб тушунтирди.

— Биласизми, Худодан ўғлингизни шифолашни сўраб, сиз жуда ҳам кўп нарсани кутасиз, ваҳоланки, сиз ўзингиз Унга ҳаётингизни берганингиз йўқ. Бу ҳақида мана бундай ўйлаб кўринг: агар ўғлингиз ўлса, Худо уни осмонга олади, чунки у умуман гўдак ва ҳозирча ўз ҳаёти учун жавобгарликни билмайди. Кейин, сиз, гуноҳкорлар ўлсангизлар, сизлар бошқа у билан ҳеч қачон кўриша олмайсизлар. Аммо, агар сизлар Исо Масиҳни ўз шахсий Қутқарувчингиз деб қабул қилсангиз, унда, ҳатто агар ўғлингиз ўлса ҳам сиз бир куни у билан осмонда яна кўришасиз, чунки айнан ўша ёққа Масиҳчилар ўлимидан кейин жўнайдилар. Хуллас, нима учун сизлар ҳозирнинг ўзида ҳаётингизни Исо Масиҳга бермаслигингиз керак? Масиҳчи бўлсангиз, сиз Худога ишонч билан мурожаат қилиб биласиз ва Ундан ўғлингизни шифоланишини сўраб биласиз. Мумкин, Худо уни ҳаётини сақлар.

Бу келишув уларга, ундан ҳеч нима ютқазмайдиган бўлиб кўринди. Улар ҳаммалари полда тиз чўкдилар ва Билли бу жуфтни Исо Масиҳдан уларнинг ҳаёти Раббийси бўлишини сўраб, ибодат қилди. Улар ибодатни тугатишлари билан, она ўрнидан турди ва жазава билан ғўлдиради:

— Энди ўғлимиз ҳақида ваҳий кўринг.

— Мен сизга айдим-ку, мен Худони ваҳий кўрсатишига мажбур қилолмайман деб. Агар У уни кўрсатмаса, демак кўрсатмайди. Агар кўрсатса, мен сизларга бу ҳақида хабар бераман. Менга телефон рақамингизни қолдиринг, у орқали мен сиз билан боғланиб биламан.

Умидсиз, тушкун она учун бу умуман етарли эмас эди. Кейинги кун, 23 апрель, якшанбада, у ҳар ўн беш дақиқада мисс Исааксондан: “У ваҳий кўрдими?”, деб сўраб, меҳмонхонага қўнғироқ қилаверди.

ЎЛГАН БОЛАНИНГ ТИРИЛГАНИ ҳақидаги хабарлар, ҳатто то лапландлар манзилгоҳларига етиб бормагунигача, Финляндиянинг шимолий қисмидаги ҳар бир кўл ва дарёлардан кечиб ўтди. Финларнинг узлуксиз оқими провинциянинг ҳамма томонларидан Куопио шаҳрига қараб оқиб, ҳар куни вақтидан олдин аудиторияни охиригача тўлдираверди. Кимки аудиторияга киролмаса, кўчаларни тўлдириб юравердилар. Биллига кафедрага чиқиш вақти келганида, у бошқаларнинг ёрдамисиз бинога уч квартал масофага яқин боролмаслигини кўрди. Губернатор унга ёрдамга миллий гвардия отрядини юборди. Бу солдатлар хушхабарчи атрофида найза кўринишида сафландилар ва қиличларини баланд кўтарган ҳолда олдинга ҳарбийча марш қилдилар. Халқ орқага тисарила бошлади ва ўзларини орқароқ олдилар.

Гвардиячилар Биллини аудиториянинг пастки қаватига олиб ўтдилар ва унинг орқасида эшикни ёпдилар. Отряднинг асосий қисми ташқарида қолди, а бошқа тўрт қоровул эса — иккитаси олдинда ва иккитаси орқада — Билли билан то уни платформагача этиш учун бирга юраверишди. Ярим ертўланинг каттакон юзаси, агар жамоат ҳожатхоналари олдида навбатда турган бир неча кишини ҳисобламаса, бўм-бўш эди. Баланддаги асосий аудиториядан келаётган мусиқа эшитилаётган эди; фин қўшиқлари минор оҳанглари жўрлигида куйланаётган эди. Тез орада унга кафедрага чиқишлиги кераклигини билиб, Билли зиналарга томон йўналди.

У бор-йўғи бир неча қадам кетувдиям, шу пайт аёллар ҳожатхонаси эшиги очилди, у ёқдан қўлтиқтаёқларда каловланиб ногирон-қизча чиқди. У ўн ёшларда эди. Унинг сочлари елкасига нотекис тушиб турар ва гўё уни ўзи қайчи билан кесганга ўхшар эди. Унинг кўйлаги парча-парча осилиб турган ва тиззадан пастигача осилиб турар эди. Билли унинг скоба ва боғламаларига разм солиб тикилди: у кўрганлари ичида, ҳали ўзи юра оладиган энг қийналиб қолган бола эди. Унинг бир оёғи бақувват ва соғлом эди, а бошқаси ҳаракатсиз осилиб турар ва ҳеч нарсага ярамас эди; у бошқасидан бир неча сантиметрга калта ва таглиги қалин ботинка билан ушлаб турилган эди. Унинг хаста оёғига оғир тасмалар боғланган, улар эса унинг белидаги металл чамбарга тақилган эди. Яна нималарнидир Билли тушуниб етмади: ботинкасининг олдинги қисмидаги қалин таглигидан арқон тортилиб, қизчанинг елкаси орқали ўтказилган ва унинг орқасидаги тасмага боғланган эди.

Билли унга қараб турганини қизча кўриши билан, у бошини эгди ва унинг бетларидан, баланддаги кучли лампалар нурида йилтиллаб, кўз ёшлари думалади. Билли, қизча уни кимлигини билишлигига ишончи комил эди ва унинг ҳаёлида қизча унга келишни истаяпти, аммо бу бемоврид кўринадими деб қўрқаяпти, деган аниқ фикр пайдо бўлди.

Биллининг олдида бораётган солдатлар, у нима учун тўхтаганини кўриш учун тўхтадилар ва орқага қарадилар. Икки гвардиячи, юра бошласин деб, уни орқасидан салгина туртдилар. Тўртала гвардиячидан ҳеч қайсиси инглизча гапирмаганлиги туфайли, Билли боши ва қўллари билан у озроқ тўхташни хохлаётганини ишора қилиб кўрсатди. Қачонки қизча яна бошини кўтарганида, Билли унга кел деб имо қилди. У унга қараб каловланиб кела бошлади. Билли унинг елкаси ва ногирон оёғидаги ботинка тумшуғига тортилган арқоннинг вазифасини, энди тушунди. Энг аввало, қизча иккила таёқни ўзидан олдинга қўйди, кейин унга таянди ва елкасини кўтарди, унинг натижасида жароҳатли оёғи олдинга силжиди. Бу беўхшов бўлиб кўринар, аммо амал қилар эди! Биллининг раҳми келаётганидан, юраги ёрилгудай бўлди.

Биллига яқин келиб, бу ногирон-қизча Биллининг костюми пастки этагини кўтарди, уни юзига этди, ўпди ва уни туширди. Унинг мовий кўзларидан ёшлари дарёдай оқди. Бошини эгди ва жўлдур юбкасини тўғрилаб, у финчада “рахмат” деб, беўхшовгина икки букилиб таъзим қилди.

Билли унинг боши узра, шу қизчанинг кўринишидай, ҳавода икки мутлақо соппа-соғ оёқларида юрган сояни кўрди.

— Азизагинам, — деди ҳаяжонланиб у, — сен ҳозир бу боғичларни ечишинг мумкин. Худо сени шифолади.

Албатта, у инглизча сўзларни тушунолмади, ва у ерда унга таржима қилишга ҳеч ким йўқлигидан, бу сўзлар у учун маънога эга бўлмай қолаверди. Унинг орқасидаги солдатлар, у жуда узоқ қолиб кетаяпти дея, уни зинага томон итара бошладилар. Билли унга бошқа ёрдам беришга ожиз ҳолда ўйлади: “О Худойим, бир кун у албатта тушиниб олади”.

Ўша оқшом қачонки қўпол лапландлар Исо Масиҳни юрак сирларини билишини кўрган вақтда, юзлаб касал одамларга шифоланишлари учун ибодатига яқинроқ келишларига ҳожат қолмаганди. Билли платформада турганча, қандай улар ҳассаларини ташлаганларини ва ногирон аравачаларидан турганларини кўрди.

Қачонки Билли икки марта ибодат карточкаларини ишлатгач, Говард акасини елкасига қўлини қўйди ва огоҳлантирди:

— Билли, эҳтимол, шуни ўзи, бу оқшомга етар. Бу сафарингда ҳали кўп йиғилишлар ўтказиш олдингда турибди ва биз сени чарчаб қолишингни истамаймиз.

— Говард, ҳали мени озроқ ҳаракатим бор. Кел, яна ўнта карточка эълон қиламиз, 45-номердан бошлаб.

Говард охирги ўнта касални навбатга қўйгунича, Билли халққа орқасини қилиб, бир стакан сув ичди. Бирдан у орқасидан шақирлаган, жаранглаган товушни эшитди. Қайрилиб, у олдинроқ пастки қаватда гаплашган ўша ногирон-қизчани кўрди. Ҳозир у қийналиб-қийналиб, платформага зиналардан чиқаётган эди. Унинг карточкасининг номери 45 эди.

Биллининг юраги қувончдан дукиллади. У мисс Исааксонга бурилиб, шундай деди:

— Мен истардимки, сиз менинг сўзларимни, ҳатто нима учунлигини тушунмасангиз ҳам аниқ таржима қилсангиз ва уларни такрорласангиз.

Унга қараб каловланиб келаётиб, қизча жилмайди. Унинг олд тишларидан бири йўқ экан.

— Сен ўша, мен хизмат олдидан пастда учратган қизчасан, шундай эмасми? — сўради Билли.

— Ҳа, — жавоб берди у. — Менинг исмим Вира Ихалайнен. Мен етимман. Ота-онамни руслар ўлдиришган. Ҳозир мен Куопиода, шу ердаги палаткада яшайман. Сиз нима деб ўйлайсиз, Исо мени шифолайдими?

— Азизам, Исо Масиҳ аллақачон сени шифолади. У сени ўша ерда, хизматдан олдин, пастки қаватда шифолади. Ана у ерда ўтир ва сенга бирор киши бу боғичларни ечишсин. Кейин менга кўрингин.

Ҳали фин хизматчиси Виранинг оёқларидаги боғичларни ечар экан, Билли кейинги касал билан гаплаша бошлади. Тўсатдан қаттиқ қичқириқ эшитилди, ва мана, платформага бир қўлида ҳасса, а бошқасида тасмаларни ушлаганча, хурсандлик-севинч нидоси билан Вира чиқди. У оёқ яланг чопар, ёғоч платформани оёғи билан дукуллатар ва шимол буғучасидай сакрар эди (**№22 Сурат**). Биллининг овози аудиториядан чайқалиб чиққан ҳамду-санолар оҳангига қўшилиб кетди.

Хизматдан кейин Говард Биллига меҳмонхонага етиб боришига ёрдам берди. Меҳмонхона вестибюлидан ўтаётиб, акасини Руҳ илҳомлантиришидан чиқариш ва орқага, жисмоний дунёга олиб кириш учун у билан озроқ гаплаша бошлади.

— Билли эслайсанми, биз Принс-Альбертда бўлган вақтимизда, сен ўша баттарин канада карамелидан еганингни?

— Аҳа.

— Хўш, агар сен ўша конфетларни ёқимсиз деб ҳисоблаган бўлсанг, сен бу фин ширинликларидан татиб кўришинг керак. Мен ўйлайман, қолган ҳамма нарса каби бу ерда шакар ҳам камёбдир, шу учун улар етишмаган нарсаларни крахмал билан тўлдиришга ҳаракат қиладилар. Мана, бир нечтасини еб кўр.

Говард икки дона карамелни акасини қўлига қўйди, аммо Билли уларни емади.

Лифтдан чиқиб, улар меҳмонхонанинг ўша қавати учун қўйилган ягона телефон ёнидан ўтишди. Телефон эски модадаги бўлиб, ёғоч яшик-корпусга қаттиқ маҳкамланган қўнғироқсимон микрофондан, унинг ёрдамида операторга қўнғироқ қилиш керак бўлган буралувчи тутқичдан ва симнинг охиридаги қўнғироққа ўхшаб кетадиган телефон трубкасидан иборат эди.

— Биласизларми, — изоҳ берди мисс Исааксон, — ўша иккинчи бола, ҳалокатга учраган, ҳали ҳам ўзига келгани йўқ. Унинг онаси куни бўйи менга ҳар ўн беш дақиқада қўнғироқ қилиб, сиз ваҳий кўрдингизми, деб сўрашини қўймайди. Агар у эртага ҳам худди шундай қўнғироқ қилиб турса, унда мен ақлдан озсам керак.

Кейин мисс Исааксон ўз номери эшигини очди.

— Раббий ҳозирча менга у ҳақида ҳеч нарса кўрсатмади, — деди Билли, ўз номери эшигини очиб кираётиб.

Библияси ва иккита конфетни мармар тахтали эски намунадаги столга қўйиб, Билли деразага келди ва Россия томонга, шарққа қаради. Гарчи ярим кечага яқинлашган бўлса ҳам, оқшом осмони, кўпроқ унинг она штати Индианадаги ғира-шира, қош қораёган пайтни эслатар эди: кўчада ҳали етарлича ёруғлигидан газета ўқиса бўлар эди. Бу ярим тунги қуёшли мамлакат — шу қадар Шимолий қутбга яқин эдики, апрель ойида қуёш траекторияси озгина вақт горизонтга яширинар, а кейин бошқатдан ўз чиқиш ёйидан кейинги кундан хабар бериб, юра бошлар эди. Кўчалар аудиториядан чиққан ва бир-бирлари билан гаплашиб турган одамларга қайнаган эди. Улар шак-шубҳасиз, ўша оқшомги йиғилишда ўзлари гувоҳ бўлган буюк воқеалар ҳақида гапириб, “асалари уясидек ғувиллашарди”. Кейин Билли бир гуруҳ фин солдатлари рус солдатларини қучоқлаганларини кўриб, ҳайрон бўлди. У ўйлаб қолди: “Ҳар қандай финни русни қучоқлашга мажбур қилаётган нарса, ер юзидаги ҳар бир уришга хотима беради. Исо Масиҳ — бунга жавоб, ҳа жаноблар”.

Билли қўлини кўтарди ва Худога сиғина бошлади: “Самовий Ота, Сен шу қадар ажойибсан. Мен Сени қанчалик севаман, Сен бугун ўша етим-ногирон қизни шифолаганинг учун. О-о, Буюк Худо Ешуа, Сен қандай яхшисан! Бир куни Сен ўша шарқ осмонини очиб, бу сафар шон-шухратинг билан яна келасан. Минглаб бу финлар бу оқшом қилган қарорлари туфайли, Абадий Ҳаётга ўтадилар. О Исо Масиҳ, мен Раббим ва Раҳбарим, Сени қанчалик яхши кўраман мен; Сен учун меҳнат қилаётганимга қанчалик миннатдорман”.

Билли орқа томондан жаранглаган товушни эшитди. Бурилиб, ўша эски стол ёнида турган Раббий Фариштасини кўриб, чўчиб кетди. Фаришта ҳамишадагидек кўринар эди: баланд бўйли, соқолсиз, оч-жигарранг териси ва елкаларигача тушган сочлари қоп-қора эди; у оппоқ кийимга кийинган бўлиб, кийими унинг яланг оёқларини тўлиқ ёпиб турмасди. Одатдагидек, унинг юз ифодаси жиддий эди. Фаришта устида, ўша ҳамма ерда бор бўлган Нур гир айланиб, пульсланар эди, қўллари эса унинг кенг кўкрагида қовуштирилган эди. Унинг олдида столда бўғзи тор гулдон турган эди, қайсики олдин ўша ерда йўқ эди. Билли эшитган жаранглаган товуш — Фаришта ўша гулдонни мармар юзали столга қўйиши туфайли чиққан бўлса керак.

Гулдонда иккита сариқ наргис гули солинган эди: улардан бири шимолга оғиб турган эди, а бошқаси бўлса жунубга. Фаришта нигоҳини бу гулларга қадади ва сўради:

— Бу нима?

— Мен учун бу наргисларга ўхшайди, — жавоб берди Билли.

— Бу иккита гул, уч кун илгари ҳалокатга учраган ўша икки болани ифодалайди. Машина шимолга отиб юборган бола ўша заҳоти ўлди, аммо у яна ҳаётга қайтди. Жанубга отилган бола бўлса, ҳатто ҳозир ҳам ўлим ёқасида ётибди.

Қачонки Билли ҳамма бу нарсани кузатиб турар экан, шимолга оғиб турган гул тез эгилди, шунинг учун унинг гулбарглари столга тегди, шу вақтнинг ўзида жанубга оғиб турган гул соатнинг секунд стрелкасига ўхшаб, қайсики ҳар бир тиқиллашдан янада пастга тушавериб, аста-секин эгилаверди.

— Сенга уканг нима берди? — сўради Фаришта.

— иккита конфет.

— Уларни еб қўй.

Икки конфет гулдоннинг иккала томонида, ҳар бир гул билан бир тўғри чизиқда ётган эди. Билли шимол томонда ётган конфетни олиб, оғзига солди. Унинг таъми жуда ёқимли эди. Ҳали у бу конфетни чайнар экан, столга гулбарглари тегиб ётган наргис бирдан кескин равишда тўғриланди ва гулдонда тикка турди. Бироқ, жанубга қараган гул, ҳар бир вақтнинг бўлакчасида ҳам пастга, янада пастга эгилишда давом этаверди: тик, тик, тик, тик...

— Энди бошқа конфетни егин, — *Фаришта буюрди.*

Оғзига иккинчи конфет бўлагини солиб, Билли уни чайнай бошлади. У шунчалар таъмсиз ва серкрахмаллилигидан, Билли уни қўлига тупурди.

Фаришта уни огоҳлантирди:

— Агар шу конфетни емасанг, иккинчи бола ўлади.

Бу пайтга келиб, шимолга эгилган наргис қарийб столнинг юзасигача букилди. Билли яна иккинчи конфетни оғзига солди. У жуда ёмон, бемаза эди, аммо у уни барибир чайнади. Қачонки у уни ютганида, хам бўлиб қолган гул ҳам худди "ҳамроҳи"дек кескин кўтарилди. Озгина бошини эгиб, Фаришта столдан гуллар билан гулдонни олди ва боши устида пульс ураётган Нурда, токи бу олов шари ва Фаришта бутунлай кўринмай қолгунларича "парлана" бошлади.

Бутун танаси увушиб қолганидан, Билли бир неча дақиқа қимирламади. Ниҳоят, у коридорга туртила-туртила чиқди ва қичқирди:

— Исааксон опа, тезроқ бу ёққа келинг!

Мисс Исааксон эшигини очиб юборди ва коридорга чиқди.

— Бранхам ака, нима гап? Нима бўлди?

— Раббий Фариштаси ҳозиргина хонамда менга келди ва ҳалокатга учраган иккинчи бола хусусида сўз берди. Мен сизни ўша ёш онага қўнғироқ қилишингизни ва унга: "РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: "Ўғлингиз яшайди"", — деб айтишингизни истайман.

Мисс Исааксон коридорнинг охирига қараб чопди ва оператор билан боғланиш учун телефон тутқичини айлантира бошлади, у эса ундан кейин ўша боланинг ота-онасига қўнғироқ қилди. Мисс Исааксон фин тилида қисқагина нимадир деди, эшитиб турди-да ва трубкани осди.

— Бу уларнинг уйига келадиган энага. Ота-онаси тахминан ярим соат олдин касалхонага кетганлар. Уларга у ёқдан ўғиллари ўлаяпти, деб хабар берганларига ўхшайди.

— Яхши, — деди Билли, — унда касалхонага қўнғироқ қиламиз. Мен унга, Худо бирор нарса кўрсатиши билан хабар қиламан дегандим.

Мисс Исааксон бошқатдан операторга қўнғироқ қилди, у эса касалхона билан боғлади. Тез орада у ёш она билан финчада: "Бранхам ака айтаяпти: "РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: ўғлингиз яшайди"", — деб айтди.

Мисс Исааксон озроқ эшитиб турди ва кейин юзида ҳайронлик билан жилмайиб, Биллига қаради.

— Онаси айтаяптики, у бу ҳақида билар экан. Улар касалхонага келганларида, ўғлининг пульс тезлиги кескин камайган экан. Улар кроват ёнида, унинг охирги нафасини кутиб ўтирган эканлар, аммо бирдан, беш дақиқача олдинроқ унинг пульси кутилмаганда нормага келган, худди ҳеч нарса бўлмагандай. Кейин болача кўзини очган ва улар билан гаплашган. Унинг аҳволи нормаллашган ва у мутлақо соғга ўхшайди. Врачлар жуда ҳам ҳайрон қолганлар. Улар айтаяптики, агар у кўриниб тургандай шунчалик соғ экан, унда у эрталаб уйига кетиши мумкин.

Билли мамнун бош ирғади.

— Уларга айтинг, биз болани яхши бўлганига жуда хурсандмиз. Ва унга эслатиб қўйингки, уни ўғлини на мен ва на ваҳий шифолади; буни унинг Раббий Исо Масиҳга бўлган имони шифолади.

ФИНЛЯНДИЯДАН КЕЙИН Бранхам миссияси қўшни мамлакатлар: Швеция ва Норвегияга келди **(№23 Сурат)**.

Норвегиядалигининг иккинчи кунида, Билли соат бешда ногоҳон уйғонди. Унинг олдида Раббий Фариштаси турар ва унга қараб турган эди. Фариштанинг қўллари одатдагидек кўкрагида қовуштирилган эди. Унинг боши узра ўша ғайритабиий Нур меҳмонхона номери деворига хурофий бир қўрқув соладиган шуълалар ташлаб, пульсланиб турар эди.

— Кийин, — *буюрди Фаришта, кейин боши устидаги Нурга қўшилди ва шу олов шари билан бирга ғойиб бўлди.*

Билли кийинди ва кута бошлади. Бошқа ҳеч нарса содир бўлмади. “Бу ҳаммаси нима бўлсайкин?” — фикрлади у. “Қизиқ, Раббий нимани хохласайкин, мен бажаришим керак?”

Фаришта унга бошқа ҳеч қандай кўрсатма бермаганлигидан, Билли эрталаб сайр қилмоққа ва бу ҳақида ибодат қилишга қарор қилди. У шу Норвегия шаҳри бўйлаб беш километрга яқин ўтди ва ниҳоят, дарёга бориб қолди. Дарахт тагида қулай ўтириб олиб, Билли дармонсизланди ва ибодат қила бошлади, қуёш бўлса, бу орада, осмон гумбазида борган сари юқорилайверди. Эрталабки соат тўққизларда, у номерида йўқлигидан бошқалар ташвишланишини ўйлаб, асабийлашди.

Худди шу лаҳзада Билли Фариштанинг:

— Тур ўрнингдан ва орқага юр, — *деб шивирлаганини эшитди.*

Бир ярим километрлар ўтиб, Билли Фариштанинг:

— Ўнгга қайт, — *деб қаттиқ айтганини эшитди.*

Билли ўнгга бурилди. Қачонки у бир неча квартал ўтган эди, Фаришта яна гапирди:

— Чап томонга бурил.

Билли Фаришта кўрсатмаларига, Раббий уни қаёққа этишини билишни хохлаб, қулоқ солаверди.

Кейин у ўтган оқшомги охирги йиғилиши вақтида унинг таржимони бўлган норвегни кўрди. У одам ҳам Биллини кўрди ва у билан кўришиш учун келди. У деди:

— Бранхам ака, бу қандайдир бошқача, мен...

— Бир дақиқа, — Билли уни бўлди.

У билан у одам ўртасида ваҳий пайдо бўлди ва унда бу одамнинг муаммоси кўрсатилган эди. Кейин Билли ўзини кеча оқшомги йиғилишнинг охирида кўрди. Ваҳийда у ўзига қаради, қачонки у бошини эккан, кўзини юмган ва одамларни ибодатда қўйиб юборган эди. Энди Билли бир нарса бўлиб ўтганини, у нарсани кеча кечқурун билмаганини кўрди.

Ваҳий тугагач, Билли кўчадаги одамга деди:

— Сиз ҳозиргина касалхонадан қайтдингиз, шундай эмасми?

— Ҳа, а нима? Сиз буни қандай билдингиз?

— Сизда фақат битта буйрак ва сиз ундан ҳам айриламан, деб ҳавотирланасиз.

— Бу ҳақиқат. Кеча мен дармонсизликдан базўр оёқда турган эдим. Мен платформага кўтарилдим ва сизни таржима қилдим. Кеча оқшом қилган ҳамма ишим шу.

Билли бош ирғади.

— Уч ёки тўрт йилча бурун, сиз Раббий учун нимадир қилишингиз керак эди ва сиз буни қилмадингиз. Шундай эмасми, ахир?

Одамнинг ҳайрон бўлганлиги, унинг юзидаги ҳар бир буришиқ ва ажинларида битилган эди.

— Бранхам ака, бу ҳақиқат.

— Шундан кейин сизни операция қилдилар ва битта буйракни олиб ташладилар. Ўша вақтдан бошлаб, бу бошқа буйракка ўтди ва айнан шу учун сиз ҳавотирдасиз. Кеча кечқурун, йиғилишни жавоб бериш учун ибодат қилган вақтимда, сиз наҳотки менинг костюмимнинг пастки қисмидан астагина ушлаб, “Илтимос, Раббий Исо, мени шифола”, — деб ибодат қилмадингиз?

У одам қўлларини осмонга чўзди.

— Бу ҳақиқат, Бранхам ака. Мен ҳам Худодан, агар мен чиндан ҳам шифоланган бўлсам, тасдиқлашини сўрагандим. Тахминан ярим соат олдин менда ғалати бир ҳис уйғондики, мен бу ерга келишим ва кўчада туришим керак эди. Ва мана шу ерда сиз билан тўқнашдим! Энди мен бутунлай ишонаман, Исо Масиҳ мени шифолади.

Қачонки Билли меҳмонхонага қайтганида, Линдсей, Моор, Бакстер ва уларни меҳмон сифатида қабул қилган норвег пастори нонуштага боришга тайёр эдилар. Улар биргаликда шаҳар марказига бордилар ва ресторанга киришдан олдин, дўконнинг витринасида тўхтади.

Билли ҳамроҳларига бурилиб, шундай деди:

— РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: бинодан бир одам чиқади ва бизларни тўхтатади. У қора костюм ва оқиш шляпада бўлади. У мендан ўзи билан баландга чиқишни ва унинг хотини учун

ибодат қилишимни илтимос қилади, аммо мен буни қилолмайман, чунки у аёлга бу дунёдан ўтиш вақти келган.

— Қачон бу бўлади? — сўради Жек Моор.

— Эҳтимол, биз меҳмонхонага қайтишимиздан олдин бўлади, — жавоб берди Билли, — чунки ваҳийда бу шу бугун эрталаб бўлиши очиқ-ойдин кўрсатилган эди.

Нонушта қилишиб, улар бешовлашиб меҳмонхонага, дўкон витриналаридаги товарларга қараб-қараб қайтаётган эдилар. Бирдан битта дўкондан, улар билан учрашганидан хурсанд бўлиб, бир одам чопиб чиқди. Норвег пасторининг таржимаси туфайли, улар бу одам дўконнинг устидаги квартирада яшашини ва унинг хотини оғир касалликдан ўлим тўшагида ётганини билиб олдилар. Дўкон эгаси “буюк Америкалик хушхабарчи”га унинг квартирасига чиқишини ва унинг хотини учун ибодат қилишини ёлвориб сўради.

Билли унинг илтимосини рад қилишни жуда ҳам хохламас эди, аммо у “йўқ” дейишга мажбур эди. Кўргани унга ёқадими ёки йўқми, у ваҳийларга бўйсуниши кераклигини билар эди. Бу унинг инъоми ва чақириғига эргашадиган юқори баҳо эди.

49 БОБ
ДЎСТЛАР ВА ҒАНИМЛАР
1950

1950 ЙИЛ ИЮНИДА Уилльям Бранхам Техас штати, Лаббок шаҳрида шифолаш кампаниясини ўтказаётиб, галдаги жамоатчилик танқидига учради. Маҳаллий газета муҳаррири Биллини, у ишонувчан Масиҳчиларни турли хил психологик ҳийла-найранг билан алдаяпти, деган захархандали мақолани босиб чиқарди.

Гордон Линдсейнинг ғазаби қайнар эди.

— Бранхам ака, сен бу мақолани ўқидингми? Унда сенинг йиғилишларинг вақтида шунчалик кўп пул йиғганингдан, уни олиб кетиш учун иккита бақувват одам керак бўлади, деб айтилган. Бу мақола шунга ўхшаш ёлғонларга тўлиб кетган. Бу мени жаҳлимни чиқаряпти. Бранхам ака, нима учун энди сен осмондан олов тушурмаслигинг ва ўша жойни ёндирмаслигинг керак?

Билли кулиб юборди.

— О-о, Линдсей ака, зап одамсанда. Худди шу нарсани Ёқуб ва Юҳанно Раббийни шаҳарлардан бири қабул қилмаган вақтида қилмоқчи бўлувдилар, шунга ўхшади. Исо уларга деди: *"Сизлар қандай руҳда бораётганлигингизни билмайсизлар; зеро Инсон Ўғли инсон жонини ҳалок қилиш учун эмас, халос қилиш учун келган"*[178].

[178] Луқо 9:51-56

— Мен одамларни кўзда тутмадим. Мен шундай бўлмағур гап босаётган, босиш станоги ҳақида гапирдим.

— Нимасини айтай, Линдсей ака, мен бундай ақлсизликка эътибор бермасликка ҳаракат қиламан, холос. Бунинг устига, агар мен бевосита фақат Раббийдан буйруқ олган пайтимдагина, мен шунчалар бирор буюк нарса қилган бўлар эдим.

Бу жавобдан Линдсей қониқмади.

— Бугун бизга нима керак, бу Илёсга ўхшаган пайғамбарлар керак. Унга ҳаракат қилишидан олдин ваҳий керак эмас эди. У Кормил тоғига шитоб билан борди, қурбонгоҳ қурди ва ўша Боол пайғамбарларини чақирди: "Бу ёққа келинглар-чи, кўрайлик қани, ким Худо экан". Илёс Боолни масҳара қилиб ва ўша одамлар устидан кулиб: "Қани ҳа! Келинглар, Боол нима қилиб билар экан, кўрайлик", дея, у ёқдан бу ёққа юрган эди. Боолнинг ўша ёлғончи пайғамбарлари қачонки осмондан олов тушиб, Илёсни қурбонлигини сув ва ҳамма қолган нарсаларни ютганида, анчайин аҳмоқони аҳволда қолгандилар. Илёс ваҳийсиз билар эди, нимада турганини. Бугун бизга шундай пайғамбарлар керак.

— Бир дақиқа, Линдсей ака, — Билли унга эътироз билдирди. — Сен ажойиб ўқитувчисан, аммо сен бир муҳим моментни ўтказиб юборяпсан.қачонки Илёс ҳаммасини керакли тарзда бажаргач — бузоқларни иккига бўлди, уларни қурбонгоҳга қўйди ва сув сепа бошлади, — шунда у деди: "Раббим мен бу ҳаммасини Сенинг сўзинг бўйича қилдим"[179]. Тушуняпсанми, ҳаммасидан олдин унга ваҳий кўрсатди. Пайғамбарлар билан ҳам худди шундай — улар ҳар доим ваҳийга амал қилганлар. Ҳатто Исо ҳам, Худо-Пайғамбар бўла туриб, шундай деди: "Мен фақат Отам Менга нимани кўрсатса, шуни қиламан"[180].

[179] 3 Шоҳлар 18:17-40

[180] Юҳанно 5:19

Линдсей истар-истамас, ғўлдираб чекинди:

— Ҳар қалай, шу кунларимизда Илёсдек кўплаб пайғамбарларни кўришни хохлардим.

Бундан бир неча ҳафта ўтиб, Билли Мексика чегарасидан 30 километрлар шимолда жойлашаган кичикроқ шаҳар — Техас штати Харлингенда уч кунлик кампания ўтказди. Биринчи оқшом йиғилганлар ғамгин кайфиятда бўлгандай эдилар. Йиғилишда кўп одам иштирок этди (4000 га яқин одам аудиторияни тўлдирди), бироқ уларда Билли бошқа ерларда кўрган ўша ҳаяжон ва завқланиш йўқ эди. Бахтимизга бу одамларнинг бу руҳий тушкунлиги платформада инъомга таъсир қилмади. Шунга қарамасдан, Раббий Фариштаси бошқа йиғилишлар пайтида бўлганидек, одамлар қаторлари оралаб силжиб юрмади.

Кейинги куни, кун қиёмига етганидан кейин, Билли меҳмонхона номерида ибодат қилиб турганида, унга администратори қўнғироқ қилиб қолди.

— Бранхам ака, мен ҳозир шаҳар марказига тушлик учун боряпман. Сен мен билан бормоқчи эмасмисан?

— Йўқ. Бакстер ака, миннатдорман, фақат бугун эмас. Мен ҳали ҳам Раббим олдида рўзадаман.

— Яхши. Унда мен сен билан бир неча дақиқадан сўнг меҳмонхона вестибюлида учрашсам бўладими? Менга сен билан айрим нарсаларни кечки хизмат бошланишигача, ўйлаб олишим керак.

— Албатта, мен ҳозироқ пастга тушаман.

Вестибюлда Эрн Бакстер ўзининг ҳавотирланаётганини умумий қилиб, Биллига аён қилди.

— Ўтган оқшом қилинган ҳайр-эҳсонлар жуда ҳам кам бўлди, ва ҳозир оператив фондимизда бу кампанияни ўтказиш учун кўплаб маблағ етишмайди.

— Қанча етишмайди? — Билли сўради.

— Бизга ишларимиз тўғриланиши учун камида 900 доллар керак бўлади.

— Қизиқ, сабаби нимада бўлсайкин, — Билли ҳайрон бўлди. — шундай кўп одам шунча пулни бемалол берадиганга ўхшаса.

— Мен ҳам шу саволни ўйлаб кўрувдим, шунинг учун шу ерлик пастордан сўрагандим. Хорлинген орқали кўплаб бошқа хушхабарчилар ўтиб, улар охирги бир неча ой ичида “шифолаш кампаниялари” ўтказганлар ва бу хизматчилар бу одамларни яхшигина шилганга ўхшайди.

Мана энди Билли ўткан оқшомги халқнинг кайфиятини тушунди.

— Мен ўйлайман, улар менга бундай шубҳа билан қараётганларида, уларни айблаёлмайман.

— Бранхам ака, яхшиси сен бизларга ўз томонимиздан озроқ пул йиғишга қўйиб бер, акс ҳолда, бунинг ҳаммаси бизни қарздор бўлиб қолишимиз билан тугайди.

Билли ўзининг Раббийга берган ваъдаси тўғрисида ўйлади, ҳеч қачон одамлардан пул сўрашига тўғри келмаслиги учун, токи Раббий унинг муҳтожларини қондираверар экан, у хушхабарчи бўлиб қолаверади.

— Бўлмаган гап. Йўқ, сэр, сен бундай қилмайсан. Бакстер ака, агар сен бирор вақт менинг йиғилишларимни бирида шундай пул йиғсанг, ўша кунни ўзида биз бирodарлардек бир-биримизни қўлимизни қисамиз, ва сўнгра мен бир ўзим кетаман. Йўқ, менинг йиғилишларимда ҳеч қандай пул таъма қилинмайди. Худонинг чорвалари минглаб тоғларда[181], ва ҳаммаси Унга тегишлидир. Мен унга тегишлиман. У менга ғамхўрлик қилади.

[181] Сано 49:10 га таянган ҳавола. (Тарж.)

— Яхши, Бранхам ака, агар сен бу ҳақда шу фикрга амал қилсанг, унда мен пулни четга қўяман.

Меҳмонхона номерига қайта туриб, Билли тасодифан юрак-бағирни эзадиган йиғини эшитиб қолди. Атрофга қараб, у иккита ўспирин қизчаларни бир-бирини қучоқлаганларича, худди уларни ўлимга ҳукм қилгандай, йиғлаётганини кўрди. Билли уларга келди ва сўради:

— Нима бўлди?

Қизлардан бири ҳайронликдан оғзини очиб, ҳайқириб юборди:

— О-о, Бранхам ака, бу сизми?!

— Нима десам, кўриб турибман, сизлар мени биларкансиз. Мен бирор ёрдам бероламанмикин?

Ўша қизчанинг ўзи гапиришда давом этаверди:

— Бранхам ака, бу менинг дугонам. У ақлий касалликдан ва унга агар Худо мўъжиза қилмаса, уни жиннихонага боришига тўғри келади. Мен сизнинг Лаббокдаги йиғилишларингизда бўлганман. Қачонки мен у ерда Муқаддас Руҳни ҳаракат қилганини кўрганимда, мен билар эдимки, Худо менинг дугонамни ҳам шифолаб билади, агар мен у учун ибодат навбатига жой олиб билсам, сиз у учун ибодат қилиб билишингиз учун. Шунинг учун дугонамни шу томонга, Харлингенга олиб келдим. Аммо ўтган оқшом мен у учун ҳатто ибодат карточкасини ололмадим ва бари сафаримизни беҳуда қилдикми, деб қўрқаман.

Лаббок Техас штатининг янги жойларидан бўлиб, у ёқдан 1500 километрдан кўпроқ масофада жойлашган эди. Билли бу қиз дугонасини ҳатто Харлингенга олиб келиб, буюк имонини намоён этганини кўрди.

— Нима десам, синглим, агар сен дугонанг билан ҳар кечқурун йиғилишга эртароқ келсанг, сен олишинг мумкин...

Шу ерда Билли гапини узди. У билан қизлар орасида ваҳий пайдо бўлди ва у ваҳийни кузатиб турди. У телевизор экранидагидек текис юзада эмас, голограммадагидек[182] уч ўлчамли эди.

[182] Голограмма — предметнинг ҳажмли тасвири. (Тарж.)

— Ёш синглим, сени онанг — ногирон. Сиз методистлар черковидан, шундай эмасми?

Қизча қўли билан лабларини босиб турди ва кейин қийналиб шундай деди:

— Ҳа!

— Сиз бу ёққа сариқ “родстер”да келдингиз. Йўл бўйлаб бу ёққа келишда, йўлнинг қаттиқ қия жойида бу қизча билан кулишдингизлар. Сизлар ярми асфальт ва ярми бетон қилинган жойга келдингизлар ва думалашингизга сал қолди.

— Бранхам ака, бу ҳақиқат!

— Ва бу ҳам ҳақиқат: РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Сенинг дугонанг шифоланди”.

Иккала қиз ҳам хурсанд бўлганликларидан ўспирин эмасмилар, қаттиқ қичқириб юбордилар.

Ўша оқшом йиғилишдан кейин жаноб Бакстер Биллига келиб, деди:

— Бранхам ака, қарагин. Мана, хайр-эҳсон идишида конверт ётибди, ҳеч кимни исми ҳам ёзилмаган ва унда тўққизта юз-долларлик банкнот. Бу, ишларимизни тўғрилаб олишимиз учун қанча керак бўлса, аниқ худди ўшанча. Бранхам ака, сен ҳақ эдинг. Худо биз учун ғамхўр. Илтимос, мени кечир, мен пул йиғмоқчи бўлган эдим.

— Албатта, Бакстер ака. Бу, биз Раббийга ишонишимиз керак дегани, бу дарс биз учун.

Билли ҳаммасини бирдан айтмади, аммо унга ким пул берганлиги маълум эди. Худо унга Лаббокдаги қиз ҳақидаги ваҳийда, у қандай қилиб ёзилмаган конвертни хайр-эҳсон йиғадиган идишга қўяётганини кўрсатган эди.

Кейинги эрталаб Эрн Бакстер Биллидан хабар олиш учун унинг номерига кирди.

— Бранхам ака, сен бу эрталаб нонуштага бормоқчимисан?

— Ҳали йўқ, Бакстер ака. Мен ҳалиям рўзадаман.

— Бу энди учинчи кун, сен ҳеч нарса емаяпсан. Ҳушёр бўл, бу рўза сенга яна зарар қилиб қўймасин. Сенга жисмоний куч керак.

— Менга руҳий куч ҳам керак. Мен ҳушёр бўламан, аммо мен бундай қилгим келаяпти, худди бир нарса яқинлашиб келаяпти-ю, ва мен бунга руҳан тайёр бўлишим керак.

— Яхши. Мен кечқурун яна хабар оламан.

Эшикдан чиқаётиб, Бакстер бурилди-да, қўшиб қўйди:

— Айтмоқчи, сен у икки қизни биласанми, улар билан ўтган кун, кундузи меҳмонхонада ибодат қилган эдинг? Бу қизларнинг шунчалар руҳи кўтарилганки, кимга айтиб билса, Исо улардан бирини ақлдан озганликдан шифолагани ҳақида, айтиб юрибди. Бугун эрталаб, сал олдин улар бу ҳақида меҳмонхона вестибюлидаги ҳамма одамга гувоҳлик беришди ва кейин мен уларни йўловчиларни тўхтатиб, кўчада кетаётганликларини кўрдим. Буни қанчалик нафи борлигини мен билмайман; ахир бу ерда ҳеч ким уларни танимайди, шу учун ҳеч ким ўша қизча қачон бўлсин, ўшандай оғир аҳволда бўлганми ёки йўқми, билмайдиям.

Билли жилмайди.

— Шунга қарамай, худди шу нарсани — Исо ўзларини шифолагани ҳақида гувоҳлик беришга тайёр одамларни кўришни хохлайман ҳам.

Кейинроқ, кундузи жаноб Бакстер яна Биллини эшигини қоқди. Бу сафар у жуда ташвишланган кўринар эди.

— Нима бўлди, Бакстер ака?

Биллининг баланд бўй, бақувват администратори стулга оғир чўкди ва олдинга эгилди, қўлларини йирилган тиззаларига қўйиб, шляпасини оёқлари орасида ушлаб турди.

— Бранхам ака, бизларда анча жиддий муаммо пайдо бўладими, деб қўрқаман. Бугун кундузи менга сени шу ердаги йиғилишларингни маблағ билан таъминлаётган бир неча пасторлар қўнғироқ қилдилар. Афтидан, кимдир эълон босган, унда сени чинданам кулингни кўкка совуради. Бу ишни қилганлар, бу буклет-рекламаларини бутун шаҳар бўйлаб тўхтаб турган машиналарнинг ойнатозалагичлари тагига тиқиб тарқатаяптилар. Миш-мишларга қараганда, минглаб бундай буклетлар тарқатилган.

— Нима қилдик, бу энди биринчи марта эмас, мени ошкора танқид қилишлари. Нима ёзилган бу буклетда?

— Мен ўзим шахсан уни ўқимадим, аммо унда сени жуда зўр ёлғондакам томошани авж олдирасан, одамларни алдаш учун ақлий қувлик, ҳийла-найранг ишлатасан ва сен кимларнинг муаммоларини билишинг, яширинча сенга билдирилган, деб очиқчасига айтилган. Бу буклетда сени — сен Ҳаворийлар Фаолияти Китобига асосан пулга қизиққан сеҳргар Симонни[183] эслатасан, деб айтаяптилар. Энг ёмони шундаки, буклетда у...

[183] Ҳаворийлар 8:9-24

Шу ерда Бакстер таассурот қолдириш учун тўхтаб олди.

— Федерал қидирув бюроси томонидан босилган дейилган.

Билли ҳуштак чалиб юборди.

— А бу энди янги найранг.

— Ҳа. Ва буклетда ёзилишича, бугун оқшом ФҚБ агентлари сени худди фирибгарни ушлагандай, фош қилмоқчи эканлар. Бранхам ака, нима қилиш ниятидасан?

— Мен ўйлайман, бизга ҳар доимгидек олдинга кетаверишимиз керак ва бу ҳаммасини Раббийни қўлига топшириш керак. Кеча У биз учун ғамхўрлик қилди, шундай эмасми? У бугун ҳам биз учун ғамхўрлик қилади.

Бакстер бақувват бармоқлари билан шляпасини қаттиқроқ қисди.

— Қачонки, қандайдир нусха сени фақат одамларнинг пуллари қизиқтиради деб айблаган вақтида мен ўйлаб қоламан... Қачонки ўша Техаслик сенга 25 000 долларлик чекни берганда ва ўшанда унинг кўзи олдида уни йиртганингни мен кўрганман.

— А сен эслайсанми, ҳов ўша миллионер менга бир ярим миллионлик чекни жўнатганини? Мен уни олишдан бош тортгандим. Одамлар менга бутун мамлакат бўйлаб уй олиб беришни таклиф қилдилар. Мутлақо яқинда бир одам менга янги “Кадиллак” олиб беришга тайёрлигини айтди. Мен ҳамма вақт бунақанги таклифларни рад қилганман. Мен одамларнинг ишончини истайман, уларнинг пулларини эмас.

Бу Бакстерга қизиқиш уйғотди.

— Сен пулни ва уй сотиб олиш тўғрисидаги таклифларни қабул қилмаслигингни мен тушуна оламан, бироқ нима учун “Кадиллак”дан воз кечишинг керак? Ахир мен сени қанақа машинада юришингни биламан-ку. Сенга янги машина керак.

— Мен янги машинага қарши эмасман, бироқ “Кадиллак” жуда ҳам қиммат. Қандай қилиб мен Арканзас бўйлаб “Кадиллак”да юраман, лекин шу вақтда баъзи камбағал арканзас оналари нонуштага тузланган қоқ гўшт ва жўхори нони ейди, уларнинг қўллари пахта теришдан яра-чақа ва улар келадилар-да, ҳайр-эҳсон йиғадиган идишга қийналиб ишлаб топган долларни қўяди, — ва мен “Кадиллак”да айланиб юрсам? Йўқ, сэр! Йўқ, асло! Мен ҳеч қачон бундай қилмайман. Мен ибодат қиладиган шу одамлардай бўлгим келади.

— Бу тамоман тушунарли. Хўп, тушлик қилиш учун шаҳар марказига бормоқчиман. Сен ўз рўзангни тўхтатишга тайёрмисан?

— Ҳа, мен сен билан бораман.

Улар кафетерийга кирганларида, жаноб Бакстер Биллига энгашиб, шивирлади:

— Мен бу ерда айрим дўстларимизни, Уилбэнкс оиласини кўряпман. Улар, аниқроғи сенинг олдингга келиб, гаплашмоқчи бўлишса керак.

— Ўйлайманки, улар келишмайди. Сен ахир биласан-ку, менга мойланиш тушганида, нима бўлишини, — Худо ҳамма нарсани очиб ташлайверади, ва мен йиғилиш бошлангунигача кучимни сарфлашни истамайман.

Уилльям Бранхам ва Эрн Бакстер столчада ўтириб, тушлик қила бошлашди. Улар кетишга шайланганларида, мистер ва миссис Уилбэнкслар ҳам чиндан ҳам бир вақтнинг ўзида счётларини тўлаш учун турдилар. Улар Билли ва Бакстер билан касса олдида учрашдилар. Мистер Уилбэнкс деди:

— Бранхам ака, рухсат берсангиз, қўлингизни қисай.

Билли унинг чўзиб турган қўлини қисди ва нимадир демоқчи бўлаётган эди, Эрн Бакстер қўшилди:

— Уилбэнкс ака, қулоқ сол, ҳозир сен Бранхам ака билан гаплашмаслигинг керак. У кечқурунги йиғилишга тайёрланаяпти.

— Биз тушунамиз.

Қачонки Билли ва Эрн Бакстер кўчадан кета бошлаган эдилар, Билли ички бир овозни унга: *“Қайт ва Уилбэнкслар билан машинада кет”,* — деб айтаётганини эшитди. Билли бу унга эшитилгандай бўлди, деб ўйлаб, бошини силтаб қўйди.

— Ажойиб оқшом, шундай эмасми, Бакстер ака?

— Ҳа, ажойиб оқшом.

Бирдан Билли оёқларини қотиб қолганини ҳис қилди. У яна бир қадам қўйишга уринди, аммо оёқлари қимир этмади.

Бакстер унга қараш учун бурилди ва ташвишланиб сўради:

— Нима бўлди?

— Бакстер ака, биз қайтишимиз ва Уилбэнкслар билан бирга машинага ўтиришимиз керак.

— Бранхам ака, биз бундай қилолмаймиз.

— Бу Раббий Руҳи.

— Ундай бўлса, яхши.

Мистер ва миссис Уилбэнкс уларни этиб қўйишларидан мамнун эдилар. Улар машинада келганлари туфайли, Билли меҳмонхонага яёв келганидан кўра эртароқ келди. Эрн Бакстер бинога кирди, бироқ Билли зиналарда, ярим йўлда тўхтади. У яна ўша овознинг: *"Қайт ва Уилбэнкслар билан гаплаш",* — деганини эшитди. Билли бу буйруқни итоаткорона бажарди.

— Уилбэнкс ака, ўйлайманки, оилангда ҳеч қандай муаммоларинг йўқ.

— Ҳа, бизда ҳаммаси жойида.

— Қизиқ... Нимадир менга шу ерда қолишимни айтаяпти ва нима учунлигини мен билмайман.

Бир неча дақиқа улар билан гаплашиб, Билли меҳмонхонага бориш учун бурилди, бироқ, у меҳмонхонага келаётган қимматбаҳо машинани кўриб, тўхтади. У машинани таниди: у мистер Рисга тегишли эди. Машина Билли турган жойдаги, бир неча тўхтаб турган машиналар сиғадиган масофада, катта пальма ёнида, бордюрга келиб тўхтади. Ҳайдовчи машинадан чиқди, уни айланиб ўтди ва бошқа олдинги эшикни очиб, мистер Рисни чиқишига ёрдам берди. Мистер Рис, уни Билли охирги марта март ойида Нью-Мексико штати, Карлсбадда қандай кўрган бўлса, худди шунчалик хаста кўринар эди. Билли энди тушунди, ваҳийда кўргани, унинг олдида эса дўсти жигарранг галстук билан костюмда турган эди. Ҳаммаси ўз жойида эди.

Биллини кўриб, мисстер Рис шу заҳоти юқорига пальмага қаради. Кейин бир сўз ҳам демай, у иккала қўлини баланд кўтарди ва қичқирди: "Худога шукур! Мен шифоландим!" У оёқларини тапиллатар, қўлларини силкитиб, ўйнаб қичқирар эди. Энди у ҳозиргина машинадан чиқишига ёрдам керак бўлган ўша хаста қарияга умуман ўхшамас эди.

Билли номерига қайтганида, жаноб Бакстер коридорда унга етиб олди.

— Бранхам ака, анави қизча нарсаларини йиғиштираяпти ва кетмоқчи. Улар нима сабабдандир жуда хафа. Сен бир бориб, улар билан гаплашсанг яхши бўларди.

— Албатта, қайси номерда улар?

Ўша номерли хонани топиб, Билли эшикни тақиллатди. Уни Лаббокдан келишда машинани бошқарган қиз очди.

— О-о, Бранхам ака, — деди у, бурнини тортиб, — биз сизга бари кўнгилсизликларга сабаб бўлганимиздан, мен жуда пушаймонман.

— Кўнгилсизлик? Вой, синглим, менга сиз қандай кўнгилсизликларга сабаб бўлишингиз мумкин?

— Бизлар туфайли сизни ФҚБ (федерал қидирув бюроси) таъқиб қилади. Мен ўйлайман, биз бугун бутун шаҳарда жуда кўп гувоҳлик бердикми деб. Энди сизни ФҚБ агентлари платформада фош қилишмоқчи.

— Нима десам, агар мен бирор нимани нотўғри қилаётган бўлсам, унда мени фош қилиш керак.

— Наҳотки сиз бугун кечқурун у ерга боришга қўрқмайсиз? Ахир у ерда ФҚБ бўлади-ку.

— Қўрқаман? Йўқ, албатта. Мен нима учун қўрқишим керак? Ахир мен, Худо мени нима учун бу ёққа юборган бўлса, айнан шуни қилаяпман-ку. Бунинг устига, ФҚБ агентлари илгари ҳам менинг йиғилишимга келганлар ва Вашингтон штати, Такомалик капитан Ал Феррар каби нажот топганлар. Мумкин, бу йигит билан ҳам шундай бўлар. Нима бўлганда ҳам, иккингиз ҳам йиғилишга келинглар ва Раббийни қиладиган ишларини кузатинглар. Мен эмас, У жанг олиб боради.

Номерига қайтиб, Билли кровати олдида тиз чўкди ва ибодат қила бошлади: "Самовий Ота, бу ҳаммаси нима бўлса экан?"

Бир неча дақиқадан сўнг ваҳий зоҳир бўлди. Кейин Билли ҳаммасини тушунди...

ЙИҒИЛИШ ОЛДИДАН, саҳна ортида Билли тасодифан назоратчи билан гаплашиб турган администраторни учратиб қолди. Эрн Бакстер қўлида туҳмат буклетларидан бирини ушлаб турган эди.

— Жаноб Бранхам, — деди назоратчи, — улар бу буклетда сиз ҳақингизда ёзганлари — ғирт уят.

Бакстер маъқуллади.

— улар сизни ёлғончи деб ҳақорат қилаётганини, менинг қизим бўлса, кечаги хизмат вақтида шифоланганини ўйлаб қоламан.

Назоратчи деди:

— шу оқшом кимдир бу буклетларни автотураргоҳдаги ҳар бир машина ойнасига қистириб кетибди. Мен учта мексикан болани, буларни ҳаммасини олиб ташласин учун ёлладим.

— Афсуски, бугун юзлаб буклетлар бутун шаҳар бўйлаб ёпиштирилибди, — Бакстер қўшиб қўйди. — Муҳими шуки, нима бўлганда ҳам ҳар бир киши буни ўқиган.

Бакстер буклетни муштида ғижимлади.

— Шундай жирканч сафсата... Бу ишни қилган ярамасни полиция ушлаши керак.

— Жаноблар, ҳавотирланманглар, — деди Билли. — Эсингизда бўлсин, қонунлар борки, улар бу ердаги қонунлардан олийроқдир. Раббий буни ғамини ейди. Унутманглар, Исо нима деганини: "... а кимки Муқаддас Руҳга қарши сўз айтса, икки дунёда ҳам кечирилмайди"[184].

[184] Матто 12:32

Назоратчи деди:

— Шундай бўлса ҳам, агар мен ўша йигитни ушласам бўлди эди, мен унга...

— Ташвишланманг, сэр, — деди Билли. — Худо уни ўз вақтида ушлаб олади.

"Ишон, фақат ишон!" — йиғилиш куйлаётган эди. Билли платформага чиқди. У одамларнинг фикрида нима борлигини билганидан, шу заҳотиёқ шу муаммони кўриб чиқишга киришди.

— Менда кичикроқ бир буклет бор, унда мени Ҳаворийлар фаолиятидаги сеҳргар Симонга ўхшайди дейилган; бундан тушуниладики, мени фақат одамларнинг пули қизиқтиради экан. Ўйлайманки, буни кўпчилигингиз ўқигансиз. Бу буклетларнинг минглаби бутун шаҳар бўйлаб тарқалган, деб ўйлайман. У ерда яна, бу кечқурун ФҚБ платформада мени фош қилиши ҳам ёзилган. Яхши мен фош қилинишга тайёрман. Мен ҳатто администраторимга бунга умуман аралашмай, бинонинг охирида ўтиришини илтимос қилдим. Шундай қилиб, энди бу ёққа ФҚБнинг ҳамма агентларини чиқиб, мени мени фош қилишларини истайман.

Аудитория жим бўлиб қолди ва ўша ерда бўлганларнинг ҳаммасига ноқулай бўлди. Билли кутиб турди. Ҳеч ким ўрнидан қимир этмади. Шунда у деди:

— Эҳтимол, улар ҳали бу ёққа келишмагандир. Мен озроқ кутаман. Майли, бирор киши бу ёққа чиқсин ва мадҳияни куйласин.

Бир биродар мадҳияни ижро этганидан кейин Билли деди:

— Мен ФҚБ агентларини кутаяпман.қаердасизлар? бу буклетга қараганда, сизлар бу кеч олдинга чиқмоқчи ва мени фош қилмоқчисизлар. Агар мен бирор нарсани Библияга хилоф равишда ёки ниманидир бу мамлакат қонунларига зид қилган бўлсам, мен хохлайман, келиб мени фош қилишларини. Унда келинглар, буни муҳокама қилиб олайлик-да.

Билли халққа бургутдай қараб, кутиб тураверди. Меҳмонхона номерида Раббий унга ваҳийда буларнинг ҳаммасини айбдорларини кўрсатган эди, лекин ҳали аудиторияда уларни пайқамади.

Кўз қири билан у қандайдир ҳаракатни сезиб қолди. Бурилиб, Билли одамлар боши узра сузиб юрган, четлари хира булутга ўхшаган қора сояни кўриб қолди. У бу булутча остидагиларнинг юзларига қараб кўрди, бироқ у одамлардан ҳеч кимни ваҳийда кўрмаган эди. Кейин бу соя кўтарилди ва иккинчи ярус устидан биринчи қаторда ўтирган икки одамнинг устига етиб тўхтамагунича, ҳаракатланаверди. Билли уларнинг юзларини аниқ кўрди — улар ваҳийга тўғри келардилар.

— Дўстлар, бу ерда ҳеч қандай ФҚБ агентлари йўқ. ФҚБнинг Хушхабар воизлиги билан нима иши бор? Йўқ, мени фош қилишга ФҚБдан иккита агент келгани йўқ, бироқ, шунга қарамай, фош этиш бўлиб ўтади. Бу буклетларни босиб чиқарган иккита одам, ана у ерда, балконнинг биринчи қаторида ўтиришибди: уларнинг бири кўк костюмда, а бошқаси бўлса, кулранг костюмда, унинг ёнида. Улар умуман ФҚБнинг агентлари эмас; улар — эътиқодидан қайтган воизлар. Бугун кундузи менга Раббий уларни ваҳийда кўрсатди.

Аудиториядагиларнинг ҳаммасини боши ўша томон уларни кўриш учун бурилди. Иккала ғаламис-фитначи қизариб кетди ва ўз жойларида ғужонак бўлиб ўтирдилар.

— Эгилиш ҳам, яширинш ҳам керак эмас, — деди Билли микрофонга. — Энди сизлар туришингиз ва мени фош қилишга имконингиз бор.

Иккала муттаҳам тиришиб типирчилай бошлашди, бироқ бошқа эгилолмай қолдилар. Билли қарши атакасини давом этди.

— Сизлар мени — сеҳргар Симон ва фақат одамларнинг пулига қизиқади, деган сизлар. Қани, нима учун платформага текшириш учун келмайсизлар? Агар мен сеҳргар Симон бўлсам, а сиз иккингиз — Худонинг муқаддаслари, унда майли мени Худо уриб ўлдирсин; аммо агар мен Худоники бўлсам, сиз иккингиз эса адашган бўлсангиз, унда майли, Худо сизларни урсин, ўлдирсин. Энди тушингларчи ва кўрамиз, ким ҳақ, а ким ноҳақ.

Уларнинг иккиси ҳам туришди-да, чиқиш эшигига қараб шошилдилар.

— Мен уларни чиқиб кетаётганларини кўриб турибман. Эҳтимол, улар бу ёққа тушишаётгандирлар. Келинглар, бирон мадҳия куйлаб кутамиз.

Йиғилиш мадҳиянинг бир неча бандини куйлаб бўлганида, у икки одамда Биллининг даъвосини қабул қилишга озгина ҳам ниятлари йўқлиги аниқ бўлиб қолди.

— Ўша икки одам бинодан чиқиб кетганга ўхшайди. Бу барча муаммони ҳал қилди, қўйди. Дўстлар, сиз биласиз-ку, ахир, мен сизнинг пулингиз пайида эмаслигимни. Агар шу йиғилишларнинг ҳаражатлари бўлмаганида, мен администраторимга хайр-эҳсон йиғишига умуман йўл қўймасдим. Бироқ, қачонки бизнинг ҳамма ҳаражатларимиз қопланиб бўлгач, агар ортиқча пул қолса, биз уларни миссионерликка ишлатамиз. Менга келсак, мен озроққина ҳар ҳафталик маош оламан. Администраторимдан сўранг; ҳар қандай, мени яхши билган одамдан сўранг. Шундай қилиб, кўряпсизки, мен сизнинг пулингизни хохламайман; мен сизнинг ишончингизни истайман.

50 БОБ
КИР ЮВУВЧИ САМОЛЁТНИ УШЛАБ ҚОЛАДИ
1950

ТЎЛИҚ БИР ОЙ Техасда бўлганидан кейин, Уилльям Бранхам уйига, хотини ва болалари олдига қайтишни сабрсизлик билан кутаётган эди. Афсуски, ўша куни туш вақтида, у Далласдан учганида, хавфли момоқалдироқли бўрон Қўшма Штатларининг Жануби-шарқига қараб силжий бошлади. Шу сабабдан, унинг самолётига Теннесси штати, Мемфисга кўзда тутилмаган ҳолда, мажбурий қўнишига тўғри келди. Ўша авиалиния вакиллари йўловчиларни ўша бўрон ўтиб кетишини кутишлари учун "Пибоди Хоутэл" меҳмонхонасига жойлаштиришди. Билли уйига қўнғироқ қилди ва Медага нима бўлганини хабар қилди. Кейин оқшомнинг қолган ҳаммасини хат ёзиб ўтказди.

Мемфис кўчаларида кучли жала келаётган эди. Вақти-вақти билан оқшом яшин чақнаганидан ойдин бўлиб, унинг кетидан гумбирлаб кетар эди. Ярим кечага яқин ёмғир тинди. Деразадан қараб, Билли осмонда сузаётган ёмғирли булутлар орасида тўп-тўп юлдузни кўрди. Бўрон тиниб, об-ҳаво очилаётганга ўхшар эди.

Кейинги куни эрталаб соат олтида авиалиниянинг навбатчи оператори қўнғироқ қилиб, самолёт роппа-роса саккизда учиши хабарини айтди. Билли турди ва очиқ-жигарранг костюмини кийиб олди. Соатига қараб, вақти кўплигидан, почта қуттисини топишга ва хатларини жўнатишга қарор қилди.

Ўша тонг очиқ ва иссиқ кунни ваъда бераётганди. Гулзорлар ҳавони бутун оқшом қуйган тозаловчи ёмғирдан кейин муаттар ҳидлар билан тўлдирган эди. Ҳамма жойда қушлар Биллида уларнинг ғазалига қўшилишга чорлаб, сайрар эди. У ўз Отаси дунёсини гўзаллигидан завқланиб, Масиҳчилар қўшиғи оҳангини хиргойи қилар эди.

Икки квартал ўтиб, Билли банк рўпарасида почта яшигини топди. У яшикнинг кесик жойидан хатларини солди ва кетиш учун бурилаётган пайтда қуюннинг "Хш-ш-ш-ш" деган шовқини эшитди. У Фариштанинг яқинлашаётганини ҳис қилгач, бўйни, орқаси важиллаб кетди. У устун соясига қайтди, бошини эгди ва: "Ота, Сен нима хохлайсанки, Сенинг қулинг қилсин?" — деди.

Билли Фариштанинг сўзларини қушлар қандай сайраётган бўлса, худди шундай аниқ-тиниқ эшитди:

— Юр ва юришда давом этавер.

Буйруқ ва кўрсатма сифатида фақат шу сўзларга эга бўлганидан, Билли орқага, меҳмонхонага қараб йўналди. Меҳмонхонага кирадиган жойга яқинлашар экан, у албатта, у ёққа кираман, деб ўйлади. Бироқ, у Фариштанинг ўша сокин товуши яна:

— Юришда давом эт, — деди.

Билли соатига қаради. Бир соатдан кейин самолёти учади. Шунга қарамай, у меҳмонхона ёнидан, Раббий уни қаёққа ва нима мақсадда олиб бораётганидан бехабар кетаверди.

У қўшиқ айтиб ва ёмғирдан кейинги шилви ва гулларнинг муаттар ҳидларидан ҳузур қилиб, чаққон қадамлар билан бир неча километрни ўтди. Биллининг жони тириклигидан қувонадиган туйғудан тўла эди. Шунга қарамай, вақт учун озроқ зерика бошлади. У дам-бадам соатига қарайверди ва буни унинг чиқиллаши соат саккиз бўлганини қанча кўп билдирмасин, у шунча кўп қарайверди. Ҳар сафар у соатига қараганида, Фаришта уни: "Юришда давом эт" — деб илдамлатар эди. Қачонки соат миллари саккиздан ўтгач, уйга бориши учун самолётнинг бошқа рейсига тайёрланишига тўғри келишига ва бу ҳақиқатга кўнишига тўғри келди. "Раббим, мен билмайман, нима учун мен бу ердаман, аммо Сен юришимни буюрдинг ва шу учун мен бораман. Бу ҳаммаси нима бўлсайкин?"

Бу вақтга келиб, Билли Мемфиснинг энг камбағал кварталларидан бирига кирди. Шағалли кўча ёмғир лойқаларига тўлиб қолган ўнқир-чўнқир чуқурларга сероб эди. У тепаликдан, йўл четидан, ирмоқча оқаётган жойдан туша бошлади. Олдинда у йирик қоратанли аёлни кўрди, у уйи олдидаги ҳовлида, иккала билагини дарчага тираб турган эди. У бошига эркаклар кўйлагини қийиқ рўмолдай боғлаб олган эди. Билли яқинлашганди, аёл деди:

— Ҳайрли тонг, парсон.

— Ҳайрли тонг, холажон, — деб жавоб қилиб, саломлашиш маъносида шляпасига тегиб қўйди.

Кейин у бирдан тўхтаб қолди, чунки бундай ғалати муомала уни ҳайрон қолдирди. Ахир у уни парсон деди-ку. Қоратанли аёлга бурилиб, Билли сўради:

— Сиз мени биласизми?

— Йўқ, сэр.

— Унда сиз мени парсон эканлигимни қандай билдингиз?

У жилмайди-да ва жавоб берди:

— Мен билардим-да, сизни келишингизни.

Билли дарчага келди.

— Қандай қилиб билолдингиз, мени келишимни? Мен ҳатто ўзим бу ҳақида билмасдим.

У тушунтирди:

— Парсон, сиз Библияда Шунамлик фарзандга эга бўлолмаган аёл ҳақида ўқиганмисиз? У Худога ваъда бердики, анави, шу, агар У унга фарзанд берса, у болани Раббий учун тарбиялайман[185], деб. Хўп, мен шу аёл каби ва мен Раббийга шунга ўхшаб ваъда бердим. У менга ўша ўғилни берди ва мен уни Раббий учун қўлимдан келганича тарбияладим. Аммо бир неча йил бурун у ёмон тўдага ўралашиб қолди. У номаъқул йўллардан кетди ва тери касаллиги, танасилни юқтирди. Қачонки у нималар бўлганидан хабар топганида, ишларни жуда чатоғи чиқиб бўлган эди. Ҳозир у менинг кроватимда ўлим ёқасида ётибди. Кеча доктор бўлган эди — у кирди, уни аҳволини текширди, — доктор у учун ҳеч қандай умид қолмаган деди. Касаллик уни бутун юрагини емирган ва унинг қони йирингга тўлиб кетган. У ҳар дақиқада энг ёмонини кутишимни айтди.

[185] 4 Шоҳлар 4:8-37

— Парсон, мен ўғлимни шу аҳволда ўлишига қараб туролмайман. Мен уни қутқарилишини истайман. Шундай қилиб, кеча кечаси билан: “Раббим, агар мен ўша Шунамлик аёлга ўхшасам, унда Сенинг Элишайинг қани?” — деб ибодат қилавердим, қилавердим. Кечаси ўзимни кресломда ухлаб қолдим, ва мен тушимда мана шу ёққа чиқдим ва шу дарчада турдим. Тушимда жигарранг костюм ва шляпада парсон ўтаётганини кўрдим. Тонгда туриб шу ёққа чиқдим ва шундан бери сизни кутиб шу ерда турибман. Парсон, сиз Муқаддас Руҳнинг раҳномалигига ишонасизми?

Биллининг юраги дукуллаб, асаблари қўзғалди. Мана қаёққа Раббий уни юбормоқчи бўлган бўлиши керак.

— Холажон, менинг фамилиям Бранхам. Сизга бирор вақт мен ҳақимда эшитишингизга тўғри келганми?

— Йўқ, сэр, парсон Бранхам, мен сиз ҳақингизда ҳеч қачон эшитмаганман.

— Менинг хизматим — касал одамлар учун ибодат қилиш. Сиз истайсизми, мени уйингизга киришимни ва ўғлингиз учун ибодат қилишимни?

— Ҳа, сэр, парсон Бранхам. Илтимос, у учун ибодат қилинг.

Билли эшикчани очди. Кўтаргич блоги орқали ўтган занжирга винтланган занглаб кетган чимқирқар уни орқасидан эшикчани бекитди. Аёл Биллини кичикроқ оқланган кулбага олиб келди. Пол лола дарахтидан[186] қилинган ва ялтирар эди. Бир бурчакда металл кир тоғора ва унга кир ювиш тахтаси суяб қўйилган эди. Шубҳасиз, бу аёл шу билан тирикчилигини қилар эди. Эшик устида: “Худо бизни уйимизни дуо қилсин”, — деган ёзувли тахтача осилган эди. Биллига қироллар саройларида ва мамлакатнинг айрим энг бой уйларида бўлишига тўғри келган, бироқ у ҳеч қаерда бу оддийгина уйдагидек яхши кутиб олинмаган эди.

[186] Лола дарахти (лириодендрон) — магнолилар оиласига оид дарахт. Икки тури бор: биринчиси — Шарқий Американинг жануби-шарқида, иккинчиси — Хитойда. Гуллари лолага ўхшайди. Ёғочи мебель учун бўлади. Ғарбий Европа, Қрим, Кавказда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. (Тарж.)

Хонанинг бошқа бурчагида эски устунчали металл кроват турган эди. Унда кир ювувчининг ўғли ётган эди. У йирик жуссали эди: бўйи бир метру саксон ва оғирлиги, ҳеч бўлмаганда 90 килограммлар бор эди. У муштларини адёлга ўраган ва похол тўшакда: “У-у!... У-у!... Бу ерда шундай қоронғи... Мен билмайман, қаёққа кетаяпман...” — дея оғриқдан инграб, типирчилар эди.

— У икки кундан бери ўзини билмайди, — деди уни онаси. — Унга ҳаёлида, у очиқ денгизда ва қайиқда эшкак отаяпти ва йўқолиб қолган бўлиб кўринади. Мана, мен нимага чидаёлмайман, парсон, ўғлим умидсизликда ўлаяпти.

У она меҳр ила йигитни елкасига уриб қўйди:

— Ширин ўғилчам менинг, онангни сен танияпсанми?

У титрар ва инграр эди? “У-у!... У-у!... бу ер шундай совуқ... шундай совуқ”.

Она унинг пешонасидан ўпди.

— Бечорагина, ойисининг эрка ўғли.

“Ҳа, — ўйлади Билли, — бу она меҳри, муҳаббати. У нима қилиб қўйганда ҳам, аҳамияти йўқ, у барибир “ойисининг эркатойи”.”

У деди:

— Холажон, келинг ибодат қиламиз. Сиз бошланг.

Қачонки улар кроват олдида тиз чўкканларида, ўша оддийгина кир ювувчи аёл Худога юрагидаги бор ҳаммасини шундай куч билан тўкиб ташладики, бу ўз навбатида Биллининг кўз ёшларини тирқиратди. У ибодатини қуйидаги сўзлар билан тугатди: “Раббим, агар Сен ўғлимга, мен Исо билан дейишига қўйсанг, мен бахтиёр бўламан”.

Билли қўлларини йигитнинг оёғи кафтига қўйди, улар худди Шимолий-атлантика океанидай совуқ эди. “Азиз Худовандим, мен билмайман, нималар бўлаяпти, аммо Сен бу эрталаб мени бу ёққа бурдинг ва мени бу уйчага юбординг. Мен билмайман, жадвал бўйича менинг самолётим аллақачон учиб кетди, бироқ, бунга қарамасдан, мен Муқаддас Руҳнинг бошқаргани бўйича бу йигитга Сенинг Ўғлинг, Исо Масиҳ Исми ҳақи қўлларимни қўяман”.

Йигит қимирлай бошлади.

— О-о, она, ҳозир ёришяпти.

У кўзларини ола-кула қилаверди; кейин унинг нигоҳи, афтидан, онасининг юзига қаратилди.

— Она, сен бу ерда нима қилаяпсан?

Кейин у похол тўшакдан бошини кўтариб сўради:

— Ким бу ерда?

Билли беш дақиқалар кутиб турди — бунинг ўзи етарли эди, чунки у йигитни кроват четига ўтирганини ва кийинмоқчилигини айтганини кўрди. Кейин Билли узр сўраб, уйдан шошилганича чиқди. Бир неча квартал ўтиб,у такси тўхтатди, тез орада унда аэропортга келди. Самолётни ҳали учиш-қўниш йўлагида турганини билганидан, Билли ҳам ҳайрон бўлди, ҳам енгил тортди. Учиш икки соатга қолдирилган ва самолёт двигателлари учиш учун энди қиздирилаётган эди. Билли тоза имон билан бирлашган ибодат нималар қилишга қодирлигига қойил қолди. Айнан ўша кир ювувчи аёлнинг ибодати унинг самолётини ўн саккиз соатга кечиктирганига ишончи комил эди.

“Ҳа, холажон, — ўйлади у, — мен, албатта Муқаддас Руҳ раҳбарлигига ишонаман”.

51 БОБ
ВАҲИЙЛАРНИ ТУШУНТИРИШ
1950

1950 ЙИЛ АВГУСТИДА Уилльям Бранхам Огайо штати Кливлендда уйғониш йиғилишлари ўтказди. Қачонки мистер Боинг — машиналар учун бамперлар ясаб, ўзига мол-дунё ортирган, ўша ерлик миллионер:

— Бранхам ака, мен ўйлайман, сизнинг Кливленддаги йиғилишларингиз ҳозирги вақтдан ҳам кўра кўпроқ муваффақиятга эга бўлиши мумкин эди. Сизнинг чодирингизга фақат 4000 киши сиғади. Қачонки шу ерлик одамлар ишдан уйига қайтади, тановвул қилишади ва у ерга келади, а чодир аллақачон узоқдан келганлар билан тўлган бўлади ва юзлаб шу шаҳарнинг одамлари у ёққа киролмайдилар. Агар сиз шаҳар тадбирлари учун аудиторияга кўчиб ўтсангиз, анча яхши бўлади. Ўшанда ҳаммани ўтирғизса бўлади. Мен нархини билдим: бу аудиторияга бир оқшомга 1900 доллар бўлар экан. Агар сиз ўша ёққа ўтсангиз, мен ҳаммасини тўлайман.

Билли мулойимгина, бироқ қатъий жавоб берди:

— Боинг ака, сиз агар ўша аудиторияда бутун йил учун йиғилиш ўтказишга пулини тўлаганингизда ҳам у ёққа, токи Худо менга ўтишни буюрмагунича ўтолмас эдим. Ҳозирги вақтда мен бу биродарлар билан чодирда яна уч кун йиғилиш ўтказишга шартнома тузганман ва мен шартномамни шартларини бажаришга мажбурман.

Мистер Боинг қуйидаги таклифни қилди:

— Қачонки бу йиғилишларни тугатасиз, сизда кейинги кампанияни бошлаганингизгача бир неча бўш кунларингиз бўлади. Нима учун энди сизга ҳеч бўлмаса битта кечки йиғилишни ўша аудиторияда, Кливленддан кетишингиздан олдин ўтказишингиз мумкин эмас?

— Мен бу ҳақда ибодат қиламан ва сизга, Раббий менга нима дейишини хабар қиламан.

Кейинги эрталаб Билли хизматчилар учун нонушта вақтида фахрли меҳмон бўлишлик олдида турган эди. Меҳмонхонага кўк “Кадиллак” келди ва Билли билан Гордон Линдсейни ресторанга этиб қўйди. Ҳамма нонушта қилиб ва тарелкаларини суриб қўйишганларида, бу хизматчилар Биллидан ваҳийни зоҳир бўлиш жараёнини уларга тушунтириб беришини сўрадилар.

— Ваҳийни тушунтириш мушкул, — деди Билли, — аммо мен сиз тушунишингиз учун ўзим томонимдан ҳамма қўлимдан келганини қиламан. Сиз ҳаммангиз платформада Раббий менга қандай ваҳий берганини кўрдингизлар; сизлар Худо қандай қилиб ҳар хил сирларни очишини кўрдингизлар ва ҳар бир шунақа сирларни очиш юз фоиз тўғридир. Сиз шубҳасиз мени ҳолдан кетишимни пайқагансиз, а бу эса мен ҳар оқшом шахсан хизмат қиладиган одамларнинг миқдорини чегаралайди. Бу ҳаммаси Каломга мос келади. Эслайсизми, қон тўхтамасликдан қийналган аёлни Исони кийимига текканида, У Ўзидан яхши хислат чиққанини сезганини айтди? Яхши хислат — бу куч. Ўша аёлни имони уни Исодан тортиб олди.

— Ўша Исо бугун биз билан бирга турибди. Айнан У бу барча кечқурунги йиғилишларда шифолашни амалга оширади. Бу ҳақиқатан тўғри, Худо менга ваҳий кўриш инъомини берган — бу ҳақиқат, бироқ у ерда, платформада ҳақиқатан ҳам сизнинг Худодан тортаётган имонингиз ваҳийни чақиради. Мен ўзимни Худога ишониб топшираман, холос, ва бир неча бор, ҳатто мен нима гапираётганим ҳақида ҳеч нарсани англаёлмаётган пайтда ҳам, Муқаддас Руҳ мен орқали гапирган. Бироқ одамлар тегилганлари менга эмас. Улар имон билан Олийруҳонийга, Исо Масиҳга, худди ўша қон оқаётган аёл Унга тегилгани ва шифолангани каби тегиладилар.

— Уйда ёки ёлғиз бўлганимда ҳам Худо менга ваҳийлар беради. У ё мени маълум бир жойга нимадир қилишга юбориши мумкин, ёки У менга келажакда бўладиган ниманидир кўрсатади, — ва ҳар сафар бу нарса менга ваҳийда кўрсатилганидек, жуда аниқ бўлиб ўтади. Шуниси қизиқки, бунақа ваҳийлар мени заифлаштирмайди. Баъзида улар бир соатга чўзилиши мумкин, лекин мен улардан чиққанимда, мен одатда ўзимни тетик ва кўтаринки руҳда ҳис этганман.

— Шундай қилиб айрим ваҳийлар мени мустаҳкамлайди, а бошқалари — заифлаштиради. Нима учун энди шундай? Нима ҳам деяр эдик, худди шу нарса Раббимиз ҳаётида бўлганини мен топдим. У Лазарнинг ўлимдан қайта тирилишини ваҳийда кўрди, ва ушбу ваҳий Уни ҳеч қанча заифлаштирмади[187]. Аммо қачонки у аёл Унинг этаги четига текканида ва қон кетишидан шифолганида, У куч кетганини айтди. Биринчи ҳолатда, Худо Ўзининг инъомини ишлатди, а бошқа сафар бўлса, аёлнинг ўзи Илоҳий инъомдан тортди.

[187] Юҳанно 11

— Умид қиламанки, сизлар мен кўрсатаётган қиёслашни тушунасизлар. Мен бор инъом Исо Масиҳда бор бўлган инъомдек шунчалик буюк деб айтмайман, зеро Унда, Худонинг бутун борлиғи тўла-тўкис Масиҳ вужудида мавжуддир[188]. Шунга қарамай, бу Ўша Исонинг Ўзи, ўша ишларини амалга ошираётган. Тушуняпсизми, У Босворт аканинг сўзлари бўйича, океаннинг ҳамма сувидир. Менда бўлган инъом бўлса, бор-йўғи бу океандан бир қошиқ сувдир; бироқ, океанда бўлган ўша кимёвий элементлар ва минераллар шу бир қошиқ сувда ҳам мавжуддир.

[188] Колосаликларга 2:9

— Буни бошқача тасвирлашга менга ижозат беринг. Келинглар фараз қилайлик, сизлар ва мен кичкина болалармиз-у, циркка бориб томоша қилгимиз келди, аммо бизда тўлаб кириш учун пул етарли эмас эди. Шу учун бизлар билдирмайгина орқа томонга, тўсиқ орқали қараш учун ўтдик. Афсуски, тахта девор биз иккаламиз учун ҳам баландлик қилади ва биз унинг устидан қараёлмаймиз. Биз нима қилишимиз керак? Фараз қилайлик, мен сиздан баландроқ. Мен сакрашим мумкин, деворнинг устки қисмидан ушлашим ва деворнинг юқорироғида бўлган шохнинг кўзи ўрнидаги тешигидан қараш учун қўлларимда етарлича баландликка тортилишим мумкин. Сиз мендан нимани кўраётганимни сўрайсиз ва мен сизга жирафани, уни дарахт баргларини юлаётганини ва еяётганини айтаман. Тез орада менинг қўлларим чарчаганидан, дам олишим учун мен девордан тушишга мажбурман. Сиз мендан яна нималар кўрганимни сўрайсиз, аммо менда у ерда яна нималар бўлаётганини қарашга вақтим етмай қолган эди, шу учун мен яна деворга сакрайман, осиламан ва яна қарайман. Мен токи бутунлай кучим қолмагунича, бор-йўғи қанчадир вақтга ушланиб туришим мумкин. Қачонки одамлар мендаги ваҳий кўриш инъомидан фойдаланганларида ҳам, ҳар кечқурун платформада айнан шундай бўлади.

— Энди рухсат беринг менга, қачонки Худонинг Ўзи бу инъомни ишлатганида, қандай бўлишини тушунтириб берай. Шу цирк мисолида муҳокама қилишни давом этиб, келинг, фараз қилайлик, бизнинг ёнимизга циркнинг директори келади ва биздан бу ерда нима қилаётганимизни сўрайди. У дейлик, хушмуомала ва тушунадиган одам, шу учун у менга: “Кел-чи, мен томошаларни яхшилаб кўришинга ёрдам бераман”, — дейди. Ўзининг катта-катта бақувват қўллари билан у мени бошим то девордан баланд бўлмагунича кўтаради. Энди-ку, мен атрофдаги ҳамма нарсани яхшилаб кўриб биламан. Мен шерларни, арслонларни, филларни ва масхарабозларни кўра оламан. Мен бутун циркни кўролмайман, аммо мен ўшандагидан, қачонки мен тахтадаги шохнинг кўзи ўрнидаги тешиги орқали қараганимдан кўра анча кўпроқ кўриб билдим. Бунинг устига, мен ҳеч қанча ҳам чарчамадим, чунки у мени у ерга кўтарди. Мана, бу қандай содир бўлади, қачонки Худо бу инъомни ишлатади.

— Шундай қилиб, Худо бизнинг ҳир биримизга инъомлар берди. Эҳтимол, сиз воиз ёки ўқитувчисиз. Мен улардан бирига жуда ҳам тегишли демайман; менинг инъомим — бу ваҳий кўриш. Бизнинг ҳар биримизда ҳар хил хизматларга истеъдод бор, бироқ биз ҳаммамиз катта бир Тананинг қисмларимиз. Ва бу инъом билан нима қилиш керак бўлади экан? Улар қандайдир одамни ёки қандайдир ташкилотни улуғлашлари керакми? Асло! Улар Исо Масиҳни кўкларга кўтаришлари керак ва фақат биргина Уни.

Нутқини тугатиб, Билли стол атрофида кофесини ичиб ва бир неча янги дўстлари билан, улар қаторида мистер Боинг бор эди, узоқ вақт суҳбатлашиб ўтирди. Бир украин-хизматчи Биллидан сўради:

— Сизни тушунтиришларингиздан кейин мен ваҳийни яхшироқ тушундим, аммо мени ҳалиям айрим жиҳатлари қизиқтиради. Ваҳий зоҳир бўлган вақтда, сиз нимани кўрасиз? Бу тушдагидек хира, ноаниқ бўладими?

— Йўқ, мен кўрадиганим биллурдек тоза, гўё мен ҳақиқатан ҳам ўша ердаман ва қайси бир воқеа амалда, чиндан ҳам қай тарзда бўлиб ўтаётганини кузатаман.

— Бу қандай бўлишлиги мумкин?

— Худо ҳамма нарсага қодир. Ўтмиш ва келажак У учун ҳозиргидагидек, шунчалик реал. Унутманг, *вақт* — Худо *яратган* бир нарса. У вақтдан устун. Мана, У қандай қилиб бошидан охирини билиши мумкин. Унда қандай қилиб Библияда шунча башоратлар бўлади, қайсики бажарилди? Унда қандай қилиб пайғамбарлар бўлади, қайсики ўтмишга ҳамда келажакка қараб билганлар?

— Бу анча тушунарли бўлди. Мен платформада ваҳийларнинг намоён бўлишини кўрдим, аммо сиз айтаяпсизки, бир ўзингиз ёлғиз қолганингизда ваҳийлар кўраман деб. Ўшанда Раббий сизга нималарни очади?

— Сиз билиб олишингиз учун, мен сизга мисол келтираман. Ўтган оқшом мистер Боинг мени Кливлендда бир кунга қолишимни, шаҳар аудиториясида йиғилиш ўтказишимни илтимос қилди. Мен унга, бу ҳақида ибодат қилишимни ва жавоб беришимни айтдим. Бугун эрталаб Раббий менга нима

қилишимни билишим учун ваҳий кўрсатди. Бугун эрталаб эгизак қизчаларни қўлларидан ушлаганча, кўчани кўсиб ўтаётган аёлни кўраман. Иккала қизча ҳам чормоки юбкачада ва уларнинг сочлари биттага ўриб қўйилган бўлади. Бу мен учун биринчи белги бўлади. Кейин, гарчи мен бу нонуштага кўк машинада келган бўлсам ҳам, бу ердан қизил машинада кетаман. Қачонки биз кўчага машинада чиққанимизда, бизнинг олдимиздан иккита аёл узун кечки кўйлакда ўтишади. Қачонки бу учала аломат бўлиб ўтади, шунда мен биламан, Худо менга Кливлендда ўша аудиторияда яна битта хизмат ўтказишга рухсат беради.

Улар яна қарийб бир соат гаплашиб ўтирдилар. Ниҳоят, Гордон Линдсей уларнинг столига келди-да:

— Бранхам ака, нима деб ўйлайсан, бизга ҳозир меҳмонхонага қайтиш махали бўлмадимикин? — деди.

— Вақти бўлди, деб ўйлайман.

Костюмини олиш учун олдинга эгилиб, у деразага қаради.

— Жентльменлар, у ёққа қаранг-чи. Сиз уларни кўряпсизми?

Ҳамма ўша томонга қаради. Қўшни кварталда аёл эгизак қизчаларни қўлидан ушлаб, кўчадан ўтаётган эди; уларнинг иккаласи ҳам, аниқ уларни кўринишини Билли айтиб бергандай кийинган эди: чормоки юбкалар ва соч ўрими шамолда тебранаётган эди. Мистер Боинг хўрсиниб қўйди ва:

— Биттаси амалга ошди; иккитаси ҳали олдинда, — деди.

Гордон Линдсей деди:

— Боинг ака, бизни бу ерга олиб келган одам уйига эртароқ қайтиши керак эди. Сен бизни орқага, меҳмонхонага элтиб қўёлмайсанми?

— Албатта, Линдсей ака, жоним билан. Бранхам ака, мен машинам қизил-ку, ахир!

— Мана, ўзи иккитаси амалга ошди, — деди Билли. — Энди сиз фақат кузатиб туринг; учинчи белги умуман узоқда эмас.

Олти эркак қизил “Кадиллак”ка тиқилишди. Мистер Боинг машинани ўт олдирди. Ресторан ёнидаги автотураргоҳ кўчага бир томонлама ҳаракат билан ўтиб қўшилар эди. Тўғри томонга кетиш учун, мистер Боинг машинасини чапга буриши керак эди, а у бўлса ўнгга бурди. Бурчакда отлиқ полициячи тўхтатди.

Мистер Боинг деразасини очганида, бу полициячи унга худди у ўспирин жиноятчидай шунақанги ўдағайладики.

— Шундай ҳам хато қила туриб, сиз мен Кливлендликман, демоқчимисиз! Буни кечириб бўлмайди!

— Пушаймонман, констебль, — мистер Боинг кечирим сўрай бошлади. — мен ўйлайман, бирор бошқа нарса ҳақида ўйлаб қолганман.

Полициячи машинани бир неча дақиқага ушлаб туриб, мистер Боингга қаттиқ лекция ўқиди. Шу ерда бурчакдан узун кечки кўйлак кийган иккита ёш аёл чиқди. Қачонки бу иккита аёл машина ёнидан ўтаётганларида, Билли мистер Боингнинг елкасига туртиб:

— Биродар, қара, — мана улар ўтаяпти, — деди.

Полициячи унга танбеҳ бергани ҳақида умуман унутиб, мистер Боинг қўлларини кўтарди ва қичқирди: “Худога шукур! Аллилуйя! Аллилуйя!..” Унга украин-хизматчи қўшилди: “Раббийга Шон-шараф! Раббий Исога Шон-шараф!” Кейин у бегона тилда гапира кетди.

— Сизлар жинни бўп қолибсизлар! — полициячи ўкирди. — Йўқолинглар ёнимдан.

Ҳозир унга берилган Худонинг ижозати билан, 1950 йилнинг ўша август оқшомида Билли Кливлендда яна битта йиғилиш ўтказди ва жамоат тадбирлари учун шаҳар аудиториясини Исо Масиҳ қудрати орқали озод бўлиши ҳақидаги унинг ваъзини эшитиш учун 12 000 дан кўп одам тўлдирди.

Кливленддаги кампаниясини тугатганидан бир неча ҳафта ўтиб, Уилльям Бранхам поездда Аризона штати, Финиксга жўнади. Унинг поезди Теннесси штати, Мемфисда қисқагина тўхтаб турди ва Билли бутерброд харид қилиш учун чиқди. Мемфис вокзали келувчи ва кетувчи одамлардан тўлиб кетган эди. Одамлар орасидан ўтаётиб, Билли унинг томонига багаж аравачасини итариб келаётган қизил униформадаги темир йўл ходимини кўриб қолди. Қачонки бу ёш негр бошини кўтариб, Биллини кўрганида, у йигитнинг юзи ҳайронликдан ёришди. Аравачасини қолдириб, у Биллига қараб чопиб келди ва ҳаяжондан шошилиб гапира кетди:

— Парсон Бранхам! Парсон Бранхам!

У Биллининг қўлларини ушлаб олди ва қизғин силкита бошлади.

— Қойил, парсон Бранхам!

Билли йигитга қараб, “Эҳтимол, менинг йиғилишларимда бўлгандир”, — деб ўйлади.

— Парсон Бранхам, мени танимаяпсиз, ҳа?

— Шунга ўхшайди, ўғлим.

— Эслайсизми, олти ойча бурун самолтингиз Мемфисда ушланиб туришига мажбур бўлганди? Эслайсизми, ўлим ёқасидаги йигитни, у учун сиз ибодат қилгандингиз?

— Хўш сен ўша...?

— Ҳа, сэр, бу мен ўша-ку! Мен нафақат шифоландим, лекин мен ҳозир Масиҳчиман.

Билли, қачонки у ўз кўзи билан ибодатларининг натижаларини кўрганида, унинг хизмати орқали ёрдам кўрсатилган одамларни учратганида, ҳар доим қониқиш сезар, мамнун бўлар эди.

Кейинроқ, 1950 йил кузида, Билли қалбига чуқур таъсир қилган иккита хат олди. Биринчи хат унга 1932 йил декабрида хизматчиликка қўл қўйган собиқ пастори, баптистлар воизи — доктор Рой Дэвисдан келган эди. Бу хат шахсан Биллига эмас, лекин Гордон Линдсейга, бу хатни *"Шифолаш Овози"* журналида босиши учун илтимос билан бирга юборилган эди. Доктор Дэвис олдинроқ Билли ва унинг хизматига нисбатан танқид қилгани учун жамоатчилик олдида очиқ кечирим сўрашни истар эди.

Билли ўйланқираб, бу хатни ўқиб чиқди. У фикран ўша 1946 йил майига қайтди... У шошиб-пишиб, пасторлик уйига, доктор Дэвисга, у бутун дунё одамлари учун Илоҳий шифоланиш инъомини намоён қилишни унга топширган Фаришта ҳақида айтиш учун борган эди. Билли доктор Дэвисни бу ғояни устидан кулганини эслади:

— Билли, сен кеча кечқурун нонуштага нима егандинг?

Билли унга ўта жиддийлик билан:

— Доктор Дэвис, мен бунақа фикрга умуман аҳамият бермайман. Агар мен сизга керак бўлмасам, у ерда мен керак бўладиганлар топилади. Худо мени юборди ва мен бораман,— жавоб берди.

Катта хизматчи унинг устидан кулди:

— Яхши, Билли, боравер, буни бутун дунёга бориб тарқат. Бу билан сен қанча узоққа боракансан, мен кейин кўраман.

Энди бўлса, Биллининг кўз ўнгида пичинг, аччиқ киноя учун кечирим сўралган хат ётар эди. Доктор Дэвис ёзган эди: "Агар мен самимийроқ бўлганимда ва Библияни кўпроқ ғайрат билан ўқиганимда эди, мен ваҳийлар ва Худо қудрати тўғрисида кўпроқ тушунган бўлар эдим".

Иккинчи хат Жанубий Африкадан келганди. Флоренс Найтингейл Шёрло, Лондонда шифоланган аёл, ҳозир ўзининг гувоҳлигини юборган бўлиб, унда ошқозон ракидан жуда тез яхши бўлаётгани ҳақида батафсил тушунтирган эди. Ўтган ярим йил ичида унинг вазни 25 килограммдан 75 килограммгача ошган эди. У конвертга бу билан – бу ҳақиқатга тўғри келмайдиган нарсани яққол кўрсатиш учун, ўзининг яқинда тушган суратини солиб юборган эди. Ҳайратга тушганидан, Билли бу суратга тикилиб қолди. У умуман ўша аёлга тўғри келмасди. Суратда у катак гулли кўйлакда бўлиб, қўлида аёлларнинг катта сумкасини кўтариб, кўчада турган эди.[189] **(№24 Сурат)** Унинг қўллари, оёқлари ҳатто юзлари шунчалик тўлишган эдики, апрель ойида бир оёғи билан гўрда эди — шуни билмаганида шубҳасиз, — Билли ҳеч қачон билолмас ҳам, танимас ҳам эди.

[189] Бу суратнинг нусхаси "Пайғамбар Уилльям Бранхам Жанубий Африкага боради" деб номланган, Юлиус Стедсклю ёзган китобнинг 51-саҳифасида ҳам бор.

Билли ўша туманли апрель тонгида айтган ибодатини эслади: "Раббий, агар Сен бу аёлни шифоласанг, буни мен, Сен мени Жанубий Африка, Дурбанда шифолашлар кампаниясини ўтказишимни хохлаганлигинг белгиси сифатида қабул қиламан". Энди у қўлида ўша ибодатининг тасдиғи — бутунлай соппа-соғ Флоренс Найтингейл Шёрлонинг оқ-қора фотосуратини тутиб турар эди. Билли администраторига қўнғироқ қилди ва ундан Жанубий Африка кампаниясини ташкил қилишини сўради. Жанубий Африка Миллий Черковлар Советидан мажбурият олиш учун Эрн Бакстернинг кўп вақти кетмади. Бу кампанияни ўтказишни дастлабки санаси 1951 йилнинг ўртаси қилиб белгиланди.

Билли ҳаяжондан ловуллар эди. Худо уни Дурбан, Жанубий Африкага боришига шундай шов-шув билан чорлаганидан, бунинг кетидан, шубҳасиз, мўъжиза ва аломатлар келиши керак эди. Кейин бир куни Билли Аризона штати, Шривпортда ваъз қилаётганида, Муқаддас Руҳ унга: *"РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: "Ҳушёр бўл. Иблис сен учун Африкада тузоқ қўйди"."* Биллинин у ерда унга қандай тузоқ бўлади, таажжубда қолдириб, Руҳ фақат шунигина айтди.

52 БОБ
НОТИНЧ ДАРЁСИДАГИ БУРГУТ
1950

1950 ЙИЛНИНГ ЁЗИ аста-секин кузга ўтаверар экан, Уилльям Бранхам ўзининг авж олаётган ҳаяжонини босиб ололмас эди. Ахир унинг йилни энг севган ойи яқинлашаётганди-да. Билли октябрни астойдил, зўр ихлос билан яхши кўрар эди, чунки октябрь ой мавсуми дегани эди, а ов мавсуми бўлса, танаффусни, кучини синаш ва узоқ эркин даврни олиб келар эди.

Ов Билли учун тиқилинч жадвалидаги бўш вақти ёки танаффусдан кўра кўпроқ нарсани англатар эди. Болалиги ва ўспиринлиги вақтида, ёввойи табиат уни ҳис-туйғу жиҳатдан қувватлар эди; юпанчи, бахти ва соғлом фикри эди. Бу унинг ташвишли болалигида, уни жонига ором берган ягона жой эди. Бокира табиат ҳар доимгидай уни тинчлантирар эди. Ов унга унинг жамоатчилик хизматини доимий талабларидан кетишга ва ўзининг яратувчиси билан Худонинг шикаст етмаган ижоди кўркида бемалол алоқада бўлиши учун имкон берар эди. Табиат қучоғида ҳордиқ унга бўшашга, яхшилаб фикрлаб кўришга, ҳаётининг ҳақиқий мурод-мақсади жиҳатидан ўз-ўзини чуқур текширишига вақт берар эди; бу унга, у ҳали ҳам тўғри йўлдан кетатганига амин бўлиши учун ўзининг сабаб ва ниятларини ўйлаб кўриши учун вақт берар эди. А, тоғнинг соф ҳавоси бўлса, унинг тани, ақли ва руҳини тетиклаштирар эди.

Билли ҳар кузда ов қилар эди. Ҳатто 1941 йили уни Меда билан никоҳи ҳам бу одатни бузмади; у фақат ўзининг асал ойини ов сафари билан бирлаштирди, холос. Ўша ягона сафаридан кейин Меда унга яна бу етишмовчилик ва ноқулайликлар унга ёқмаслигидан, у эри билан бошқа бирга овга бормасликка қарор қилди. Шунинг натижасида, турмушга чиққанидан қолган ҳамма йилларида Билли ва Меда ҳеч қачон ўзларининг тўй кунларини бирга нишонламадилар, чунки 23 октябрда Билли доим ёввойи кенгликларида дам олар эди. Билли ёшлик пайтлари уйи яқинларида ов қилар эди, бироқ охирги бир неча йил — унга бутун Шимолий Америка континенти бўйлаб сафар қилишига тўғри келганидан бери — Билли ўзининг дам олишини Колорадо штатининг Серқирра тоғларида овда ўтказадиган бўлди. 1950 йил октябрида у яна айнан ўша ёққа жўнади.

У вапити буғуларини овлар эди. Ов мавсуми бир ҳафта олдин бошланган, шу учун буғу галалари қуйи водийлардан кетиб қолган эди; бироқ бу ҳаммаси Биллининг режасида бор эди. Ов мавсумининг биринчи ўқлари узилди деганча, буғулар тоғ чўққиларига кўтарилганини, а у ерда уларни ушлаш янада қийинроқ бўлишини у билар эди. Кўпчилик овчиларда буғуларнинг изидан узоқ-узоқларга, одам оёғи етмаган жойларга боришга на вақти ва на куч-қуввати бор эди. Билли эса унисига ҳам бунисига ҳам эга эди. У дўсти билан отларда Нотинч дарёси водийси бўйлаб юқорига қараб жўнар экан, ихтиёрларида дарё бўлинган жойда, энг яқиндаги шаҳардан ҳеч бўлмаганда 320 километр ва цивилизация нишоналаридан 55 километр масофада жойлашган лагерлари бор эди.

Кейинги эрталаб икки овчи бўлиндилар. Билли дарёни бир тармоғи бўйлаб тоққа қараб кетди, дўсти бўлса, бошқа тармоқ ёқалаб кетди. Улар маълум бир тоғни айланиб ўтишни ва бир неча кундан сўнг учрашишни режалаштирдилар.

Билли Нотинч дарёсини ўраб олган қалин чакалакзор ва тоғтераклар оралаб бораверди. Қачонки йўл ўтиб бўлмайдиган бўлгач, Билли дарёдан четлашди ва қорақарағай, тилоғоч, кедр ва қарағайлар билан қопланган тикка ёнбағирлардан кўтарилиб-тушиб кета бошлади. Ўрмон чегарасига етиб, у шошилишга қарор қилди. Бу мавсум вақтида қор ҳали тушмаган эди, шу учун буғу галалари бу ерда баланд тоғ чўққилари орасида тарқалиб кетган эди. Отлар очиқ жойда ўзларига жуда ҳам кўп диққатни тортган бўлар эди, шу учун яёв юриб ов қилганида, унда эркак буғуни отиб олишга кўпроқ имконият бўлар эди. Билли ўзининг иккала отларини дарахтга боғлади ва уларни ўзи йўқлигида ўтлаши учун, арқонини етарлича узун қолдирди. Кейин қўлида қуроли билан ўрмон чегараси бўйлаб катта-катта тошлар ораларидан ўтиб ва абадий яшил дарахт шохларига иложи борича кўпроқ яшириниб, куннинг қолган қисмини ўтказди.

Ўша куни ягона ёмғирли булут кунгурадор горизонт устида “қовоғини солди”. Ҳаво яшиндан электрланди, ва момоқалдироқ гумбурлаши шунчалик баланд бўлдики, гўё тоғ иккига бўлингандай бўлди. Ёмғир кела бошлади. Билли сершоҳ игнабаргли дарахт тагида худди соябон остида ўтиргандай, ёмғирдан қочиб, қуруққина ўтирди. У қуролини дарахтга суяб қўйди ва Раббий ва Яратувчи қанчалик меҳрибон ва буюк эканлигини ўйлаб, ўша ерда тураверди.

Йигирма дақиқадан кейин ёмғир тинди. Шохлардан томаётган ёмғир томчиларини музлатиб ва водийдаги дарахтларни минглаб сумалаклар билан қоплаб, тоғ чўққисидан совуқ ҳаво эсди. Бу,

кишини ўзига ром қиладиган манзара эди. Қуёш булутлар ортида яширинib, ерни сариқ рангга буркаб, ҳар бир тоғ чўққиси ҳамда жарликларни ўнқир-чўнқир шарпасини билинтириб, токи тоғнинг ғарбий чўққиларига теккунча, аста-секин ботайверди.водий узра тўлиқ камалак эгилди. Биллининг қувончи бу етти рангли “обкашнинг” энг юқорисигача кўтарилди. У овозини чиқариб: “О-о, буюк Худо Ешуа, мана, осмонда Сенинг камалагинг! Бу Сен одамлар билан, Сен бошқа ҳеч қачон ерда ҳамма нарсани тўфон билан йўқотмайсан, деб қилган ажойиб эски аҳддаги аҳдинг”, — деди. Кейин Билли, Масиҳ боши узра камалак ва у янги аҳднинг аҳдилигини англатишини тушунтирган Ваҳий китобининг 10-боби ҳақида ўйлаб қолди. Бу ҳамма аҳдлардан энг ажойиби — қонли аҳд эди, унда Унинг Ўғли, Исо Масиҳ қурбонлигига қараган ҳаммага нажот беришни ваъда қилган эди. Бу ҳақида ўйлаганида, Биллининг юзларидан кўз ёшлари оқди.

Момоқалдироқ ўша буғу подаларини тумтарақай қилган бўлиши керак. Билли узоқ-узоқларда эркак буғуларнинг бир-бирига овоз бериб қўйишини эшитди. Бирдан, а йўқ – бу йўқ, унчалик узоқ бўлмаган — қайсидир чўққидан — Биллининг қулоғига кулранг бўрининг улиши чалинди. Унинг урғочиси унга қаердандир пастдан овоз берди. Биллининг фикрига, нима учун у табиатни жуда севишининг сабаби, ўша чероки-ҳиндлари қони — бувисидан олган мероси унинг ичида кўтарила бошлаганини ҳис қилди. Тоғлардан Худонинг қудрати эсар эди; гўё, Парвардигор Биллини ҳар бир қарағай ниначасидан ва ҳар бир тошдан чақирар эди. Билли бошқа ўзини ушлаб туролмади. У дарахтни айланиб, бор овозда Худони улуғлаб, чопиб билганча чопди. Ниҳоят, у тўхтади ва дам олиш учун дарахтнинг сершох танасига суянди.

Эллик метрлар пастда, қияликда, тўнкада қарағай олмахони ўтирар ва жони борича чиғиллар эди.

“Кичкинтой, нима сени бундай безовта қилаяпти? — сўради Билли. — Мен сенга зиён қилмайман”.

У қараса, олмахон ҳатто у томонга қарамадиям. Билли нигоҳи билан олмахонни ён бағир томонга диогнал бўйича, бир неча қуруқ дарахт қулаб ётган жойда уни эътиборини тортган нарсани кўриб қолди. Момоқалдироқ туфайли оқбошли катта бургут пастга тушишга мажбур бўлган эди. Бу йиртқич қуш буталар орасидан чайқалиб-чайқалиб чиқди ва гоҳ овчига, гоҳ қарағай олмахонига қараб, ўтлоқда тўхтади.

Билли шундай деди: “Худойим, мен Сени бу абадий ям-яшил дарахтлар ва кунгурадор тоғларда кўряпман; мен Сени бўрон, шамол, яшин-у – чақмоқ ва ёмғирда кўряпман; мен Сени қуёш ботиши ва камалакда кўряпман, аммо мен Сени бу бургутда ҳали кўрмадим. У йиртқич қуш холос. Нима учун энди Сен мени диққатимни шу қушга қаратдинг?”

У бургутни қанчалик совуққон ва мутлақо вазмин кўринишини пайқади. Билли ўйлади: “Мен биламан, қачонки иш Худо Каломига ишонишга келганда, Худога мард, жасур Масиҳчилар керак. Қизиқ, Худо мени шу бургут қўрқмас бўлганлиги учун кўришимни истармикин. Чиндан ҳам у қанчалик мардлигини ҳозир билиб оламан”. У баланд овозда:

“Сен нима учун мендан қўрқмайсан? Наҳотки, мен сени отиб ташлашим мумкинлигини билмайсан?”

Билли шу сўзларни айтиши билан, бургут олмахонга парво ҳам қилмай, фақат овчига қарай бошлади. Билли худди қуролини олгандай қилди. Бургут қимир этмади.

“Сен ҳали ҳам қўрқмайсанми, а? Қизиқ, нима учун?”

Кейин у бургутни қанотлари билан секин, нафис ҳаракат қилганини сезди.

“Энди-ку мен тушундим, нима учун сен бунчалик довюраксан. Худо сенга бу иккита қанотни берди, сен хавф-хатардан учиб кетишинг учун, ва сен бу Худо берган қобилиятга ишонасан. Мен қанчалик тез қуролимни олмай, аҳамияти йўқ, мен сени отгунимча, сен ана-у буталар орасига учиб кетасан. Токи бу қанотларингда куч-қувватни ҳис этаркансан, сен билан ҳаммаси жойида бўлишини биласан. Ва мен ҳам токи ҳаётимда Муқаддас Руҳ ҳаракатини ҳис этарканман, мен биламанки, мен билан ҳам ҳаммаси жойида бўлади”.

Бургут билан овчи бир-бирига ўзаро ҳурмат қилиб, узоқ вақт қараб туришди. Ниҳоят, йирик қуш яна чағиллашини қўймаётган олмахонга қаради. Гўё, бу тинимсиз чағиллаш бургутни ғашига тегди. Ҳавога сакраб, у икки бор қанот қоқди, кейин шамолни ушлаб олиш учун уларни ёзди. У бошқа қанот қоқмадиям, чунки ҳаво оқими уни борган сари юқорига кўтаравериб, қуёш ботиш томон кенгликларига олиб кетди.

Билли бургутни юқорилайвериб, токи осмон-у – фалакда бир нуқтача бўлмагунича кузатиб турди. Бу вақтга келиб, икки чўққи орасига чўккан қуёш, Биллига Ўз яратганларига рози бўлиб қараб турган буюк, ҳаама нарсани кузатиб турувчи Илоҳий кўзни эслатди. Билли қўлларини кўтарди ва ибодат қила бошлади: “Самовий Ота, қанчалик гўзал Сенинг еринг! Менга бургутдек бўлишимга

ёрдам бер. Сен мени қанчалик юксакликка парвоз этишга чорламагин, қанотларимни Худо қудратига тўғрилашимга ва Руҳда юксалишимга мени ўргатгин”.

Ўша оқшом, Билли гулхан ёнида туркчасига ўтириб олиб, эгарланадиган юк халтасидан ўзининг эскириб қолган Библиясини олди, Чиқиш китобининг 19-бобига диққатини қаратди: *“...улар Синай этагида қароргоҳ қурдилар. Мусо тоққа — Худонинг ҳузурига чиқди. Эгамиз тоғдан уни чақириб, шундай деди: Ёқуб наслига – Исроил халқига шундай деб айт: Мен Эгангиз, Мисрликларни нима қилганимни кўргансизлар. Бургут ўз болаларини қанотлари устида кўтариб келтиргандай, Мен сизларни кўтариб, ҳузуримга олиб келганимни ҳам кўргансизлар. Энди Менинг амрларимга чин дилдан итоат этсангиз, аҳдимга риоя қилсангиз, сизлар Менинг халқим, бошқа халқлар орасида хазинам бўласизлар, зеро бутун ер Меникидир”.*

Худо Ўз пайғамбари Мусони бургут қанотларига ўхшатгани қанчалик ажойиб бўлиб туюлди. Бироқ, бугунги Билли кўрган нарсасидан кейин, бу уни бошқа ҳайрон қилолмади. У билар эдики, ҳамма жониворлар ва парандалар вакилларидан фақат бургутда энг ўткир кўз ва бу у юксак учолади ва ҳар қандай қушдан узоқни кўриб билади, дегани эди. А наҳотки пайғамбар шунга чақирилмаган: хох ўтмишга ва келажакка, ҳатто Худо ақлини ўзига қараб, ҳар қандай одамдан узоқни кўра билиши керакмасмиди?

Билли ўтмишни ҳам, келажакни ҳам кўра оладиган ваҳийлар ҳақида фикрлай бошлади. Бундай инъом унга шахсан фойдаланиши учун эмас, аксинча, бутун дунё бўйлаб Исо Масиҳ черкови манфаатига хизмат қилмоғи кераклиги унга маълум эди. Бироқ бу инъомнинг якуний мақсади нима эди? Билли дарёдаги ўша овозни: *“Яҳё Чўмдирувчи Исо Масиҳни Биринчи Келишини эълон қилгани юборилганидай, Сен Унинг Иккинчи Келишини эълон қиладиган мактуб билан юборилгансан”*, — деганини эслади. Аниқроғи, бу нима дегани экан? Унинг хизмати буюк бир нимани бошланиши деб ўйлаганмикин? Исо Масиҳнинг Келиши ҳақиқатан ҳам яқинлашмадимикин?

Бу фикрлар билан руҳи кўтарилиб, Билли осмонда бургутдан ҳам юксакларга, атомлар сочилган жойларга парвоз қилди ва Ой ва сайёралар ёнидан, Сомон йўли ёнидан токи бундай чексиз коинотда сон-саноқсиз галактикалар ораларидан ҳаракат қилмагунича, учиб ўтавердики, унинг ўлимга маҳкум ҳиссиётлари ҳеч нарсага арзимай қолди. Гўё уни Ерга қайтиши кераклиги алам қиладигандай эди, бироқ гулхан ёниб бўлган эди, шу учун Билли совуқ тоғ ҳавосидан қалтирай бошлади. У чўғларни токи аланга олмагунигача орасини очди ва ундан кейин яна битта тараша ташлади. Тез орада гулхан яна топланиб, аланга бериб ёна бошлади.

Чарсиллаган олов ва учқунларга қараб туриб, Билли унинг йиғилишларида бирга бўладиган ўша ғайритабиий Олов ҳақида ўйлаб қолди. У бу ердаги гулхандан қанчалар фарқ қилади! У бир неча бор бу феноменни одамларга тушунтирмоқчи бўлди, аммо унинг тасвирлаши ҳеч қачон реалликни етказолмас эди. Бу олов шарининг ўлчами диаметри ўттиз сантиметрдан салкам бир метргача ўзгариб турар эди. Баъзида бу Нур юлдуз каби, шарсимон бўлар эди; гоҳида у кўпроқ цлиндр формасини қабул қилар ва худди Сомон йўлининг миниатюр галактикасига ўхшаб, тикка ҳолатда бўлар эди. Гоҳи-гоҳида унинг ранги қаҳрабо (оқ сариқ) рангга ўхшаб кетар, а баъзида у яшил-зумрад ёки сарғимтир яшил ранг билан порлар эди. Вақти-вақти билан у камалакнинг барча рангларида товланар эди. Шифолашлар кампаниялари вақтида, оқшом пайтлари, қачонки бу ғайритабиий Нур Биллидан ўша ердаги одамларга қараб ҳаракатланганда, фотоаппаратнинг чақнашидан кўзни қамаштирадигандай ёрқин кўринишга эга бўлиб кўриниб турарди. Кейин бу оловли шар гўё энергия тўплиб-тошгандай айлана бошлар ва пульсланар ва шу вақтнинг ўзида ундан кучли қуюнни эслатадиган товуш чиқар эди. Бу Нурнинг ўзига хос хусусияти фақат унинг ўлчами, ранги ва ҳажмида эмас эди. Ҳаттоки, агар Билли уни кўролмаса ҳам, у яқинроқда бўлганини, у сезар эди. Билли бу оловли шардан чиқаётган борлиғини сеза олар эдики, уни ҳеч қандай одам таърифлай олмас эди.

Раббий Фариштаси, гўё бу ғайритабиий Нур билан чамбарчас боғлиқдай эди. Билли шуни билдики, Раббий Фариштаси таърифлаб бўлмас сингари эди. Тўғри, Фариштанинг елкаларига тушадиган сочлар ва буғдойранг юзи каби у таърифлаб биладиган айрим жиҳатлари бор эди. Бироқ, қачонки Билли унинг юзида ифодаланган характерни таърифламоқчи бўлганида, унга сўз етишмас эди. Қандай қилиб у бундай улкан куч билан балқиган хотиржамлик ва мархаматни тавсифлай олсин? Бу парадокс уни ўйлантирар... бироқ бу ғайритабиий зотнинг Билли тушунмаган кўпсонли хислатларидан бор-йўғи биттаси эди. У Фариштанинг исмини билмас эди. Гарчи унга бу Фаришта Раббий Исо Масиҳ эмаслиги маълум бўлса-да, у Фаришта билан унинг устида айланиб турган бу ғайритабиий Нур ўртасида боғлиқликни тушунмас эди. Бунинг устига, нима учун бу Фаришта айнан унга келади экан? Бу ҳаммаси нимага олиб борса экан?

Билли букилиб, қопкўрпасига кирди ва унинг иссиқ материалини елкасига тортди. Орқасига ёпиб, юқорига, юлдузли осмонга қаради. Унинг атрофидаги баланд-баланд қора қарағайлар учлари билан осмонни кўрсатиб турарди. Шарқ гумбазини Овчи-Орион юлдуз туркуми безаб турган эди. Орион устида Етти Опа-сингиллар ёки Плеяда номли юлдузлар кичикроқ тўдаси милтиллар эди. Билли Аюб пайғамбарни бундан беш минг йил бурун шу икки юлдузлар туркумига қарагани ҳақида ўйлай кетди. Қачонки Билли нигоҳини Қутб юлдузига қаратганида, у шарқ томонга учиб кетаётган самолётнинг сигнал чироқларини пайқади. Бу самолёт ҳақида ўйлаб туриб, Билли уйини соғинди. Унга бу ерда хотини ва болалари қанчалик етишмас эди. Шу 1950 йилнинг октябрида унинг Меда билан никоҳларига тўққиз йил бўлди. Беш ойдан кейин унинг навбатдаги фарзандини дунёга келишини кутаётибдилар. Оиласи билан яна учрашса ажойиб бўлар эди-ку, гарчи у билар эдики... Бу фикрдан у хўрсиниб қўйди. Унинг бу соҳада ҳис-туйғулари қанчалар ўзгача "дайдирди". Ҳар сафар Билли сафарларда бўлганида, у уйига ўз оиласи билан бўлишни соғинар эди; бироқ уйда бир неча ҳафтани ўтказиб, у яна сафарга отланишни жуда-жуда хохлар эди. Шубҳасиз, Раббий у хашхабарчи меҳнатини амалга оширишга ёрдам бериш учун, унга ушбу феъл-атворни берган эди. Қачонки у Бранхам Чодири учун асосий бурчак тошини қўйганидаги, ўша тонгда Худо унга кўрсатган ваҳийни эслади. Ваҳийда у тугалланган бинони одамлар билан тўлган ҳолда кўрди. Албатта, бу уни жуда қувонтирди ва жўштирди. Кейин Раббий Фариштаси: *"Бу чодир сеники эмас"*, — деб уни хижолатга қўйди. *"Бу сенинг чодиринг бўлади"*, — деб Фаришта уни кўтарди ва топ-тоза зангори осмон устига этиб қўйди. Бу ҳаммаси аста-секин амалга ошаверди. Кичикроқ шаҳардаги черков пастори сифатида Биллининг камтарона муваффақиятлари токи бутун Шимолий Америка континентини қамраб олмагунича, унинг хизмати кўлами кенгаявериб ва ҳозир Европа, Африка ва бошқа материкларга ўтаётган эди.

Осмонда бошқа самолёт пайдо бўлди — бу ғарбга ўтаётган эди. Қачонки Билли бу самолётни қаёқдан келаётганини ўйлаётганида, у ўзи ҳаётининг бошига ҳаёлан "учиб ўтди". У ўша яланг оёқ болакайни эслади, отаси уни тепалик устидан самагон идишига сув ташишга мажбур қилар эди. У бошидан кечирган шокдан, ўша кун унинг хотирасида умрбод муҳрланиб қолди. Беихтиёр ёдига кўз ёшлари ва тушкунликлари... сокинлик... терак... қуюн... ўша: *"Ҳеч қачон ичма, чекма ва танангни ҳеч қандай тарзда расво қилма. Катта бўлганингда, сен учун меҳнат бўлади"*, — деган овоз тушди. Билли бу сўзлар ҳақида ўзининг нотинч болалиги ва ўспиринлиги вақтида тез-тез ўйлар эди. Бир сафар, қачонки у вискини ютмоқчи бўлганида, а бошқа сафар эса, қачонки у сегаретни чекмоқчи бўлганида, қуюннинг шовқини дарҳол унга бу сўзларни эслатган ва шу зайлда унга отасининг хатосини такрорлашига қўймаган эди.

Бу оғир болалик даври қашоқлик, саросималик ва парокандаликларга тўлиб тошган эди. Билли, ниҳоят, ўз ҳаётини Раббий Исо Масиҳга ишониб топширганидан кейингина тинчини топди. Кўнглидаги парокандалик бўлса, у фақат Фаришта билан юзма-юз учрашганидагина йўқолди. 1946 йилнинг ўша 7 май оқшоми ҳам худди шундай унинг хотирасида чуқур ўрнашиб қолди: ғор... қоронғулик... ақлан қийналишлари ва умидсизлиги... нур... қадамлар... ўша нурдан чиқиб келган одам... Фариштанинг: "Қўрқма", — дейиши билан Биллидаги хотиржамликка ўтган қўрқув... ва унинг мактуби... Билли Фариштанинг ушбу сўзларини ҳеч қачон унутмайди: *"Мен Қудратли Худованд Ҳузуридан сенга, сенинг ўзига хос туғилишинг ва ўзгача ҳаётинг, сен бутун дунё одамларига Илоҳий шифоланиш инъомини келтиришингни билдиришини айтиш учун юборилганман"*.

Бу аниқ Фаришта айтгандай бўлиб ўтди. 1946 йилда Билли кичикроқ шаҳарнинг нотаниш ваъзхони эди. 1950 йили, бор-йўғи тўрт йилдан кейин у шундай машҳурлик ва ҳурмат-эътиборга эга бўлдики, қироллар ва бошқа юқори лавозимли шахслар уни улар учун ибодат қилишларини истар эдилар. Кўплаб ҳар хил деноминациялардан хизматчилар худди шу илтимос билан: "Илтимос, шаҳримизга келинг ва бизда шифоланиш кампаниясини ўтказинг" — деб ёзар эдилар. Унда хизматчилардан илтимослар, бир йилдаги кечалардан кўра кўп эди. Унинг хизматига эхтиёжнинг охири- ю – поёни йўқдек эди. Нима учунлигини у билар эди. Фаришта худди ваъда бергандек, унинг қўлидаги аломат миллионлаб одамларни Исо Масиҳни ҳамма нарсани биладиган Худо каби реаллигини тушунишга уйғотиб, ваҳий орқали сирларни билиб олишга йўл тайёрлаган эди.

Самолётнинг гувуллагани борган сари баланд бўлаверди. У бундай олис ўрмон бағрида қанчалар бемоврид ғувиллар эди. Биллининг боши устидан ғарбга учаётган самолёт ҳозир энди икки горизонт орасида ярим йўлдаги нуқтага етди. Билли ўзининг шахсий ҳаёти ҳам, эҳтимол, ўзининг ўртадаги нуқтасига етканлиги ҳақида ўйлаб қолди. Унинг хизмати ҳам энг чўққисига етмадимикин? Билли ҳозиргача хизмати давомида Исо Масиҳнинг кўрларни, карларни, гунг ва чўлоқларни шифолагани ва ҳатто ўликларни тирилтириб, ҳар турли касалликлардан озод қилганини кўрди. Бундан ҳам буюкроқ нима бўлиши мумкин? Албатта, Жанубий Африкада ҳам шунга ўхшаш

мўъжизалар у билан бўлиб ўтишини у кутар эди, чунки Раббий уни хусусан бу мамлакатга Флоренс Найтингейл Шёрлонинг ҳайратланарли шифоланиши орқали юбораётган эди. Ва иблисни унга тузоқ қўйгани нимаси экан? Шайтон уни енгиши учун, айниқса, ҳозир, Билли огоҳлантирилганидан кейин умуман нима қила оларкин?

Билли боши узра самолётни ғарб томонга қайтган пайтда унинг қанотларидаги милтиллаётган сигнал чироқларини сустлик билан кузатиб турди. Унга бу самолёт қаёққа учаётганини билиш қизиқ эди; Аризона штати, Тусонга; Калифорния штати, Лос-Анжелосга. Билли бу ғарбий штатлар унга қанчалик ёқишини ўйлаб қолди. Кейин у бундан кўп йиллар бурун нотаниш астролог-аёл уни қайси кун ва соатда туғилганини айтиб берганини, уни аурасини таърифлагани ва кейин унинг ҳаёти Ғарбда бўлиши тақдирида борлигини айтганларини эслади. Бу ажабланарли эди, чунки унинг кўплаб ваҳийлари нимаси биландир Ғарб билан боғлиқ эди. Ўн тўрт ёшлигида, қачонки операция вақтида уни шишиб кетган оёқларидан ов милтиғи пижи ва қўрғошин бўлакларидан тозалаганларида, у ваҳий кўрди, унда у Ғарбда, чўлда турар, уни жонига ва юрагига нурини сочаётган хочга қўлини кўтариб турган эди. Хоуп ва Шарон Роузнинг ўлимидан кейин Билли тушида Ғарбда, эски ётиқ фойтун ёнида юрган эди. Ёш қиз, Шарон Роуз уни фойтуннинг синган ғилдираги ёнида учратди ва қўли билан Хоуп уни кутиб турган катта уй томонни кўрсатди. Бу тушда тўқ-сариқ нурларини осмонга сочиб, қуёш ботиб бўлган эди. Кейинроқ, қачонки Билли Медага уйланганида у ваҳий кўрди, унда у шимоли-шарққа қараб борар ва Раббий Фариштаси уни ғарбга кетиши учун бурган эди. У улкан тоғ орқали кенг даштга ўтди, у ерда у Ҳаёт Нонини катта тўдаси билан қопланган каттакон чодир ёки бўлмаса гумбазли кафедрали-соборни топди. Фаришта унга ҳар томонлардан чўл орқали келган минглаб одамларни ушбу Нон билан боқишини буюрди. Билли ҳатто онасининг осмондан инглизча “S” ҳарфи кўринишида тушган ва унинг кўкрагида ўтирган олтита кабутар ҳақидаги тушини ҳам эслади. Унинг тушида Билли Ғарбда уй қурган эди.

Бу йўл-йўриқ иплардан Биллига унинг қисмати Ғарбда нимани кутаётгани бутунлай равшандай эди. Бироқ, бу қанақанги тақдир бўлиши мумкин? Унинг хизматида бўлиб ўтган ваҳий, шифоланиш ва мўъжизалардан ҳам ортиқ яна нима бўлиши мумкин?

Самолёт ғарбий горизонт ортига яширинди. Билли ҳам ўзининг шахсий горизонти ортига қарай бошлади. У Жанубий Африкада унинг учун шайтон қанчалик хийла билан тўр қўйганини ва бу унинг ҳаётига зомин бўлишига сал қолишини ҳам кўра олмади. Бунинг устига, у унинг хизматига доимий эҳтиёж бошқа бўлмайдиган вақтни ҳам олдиндан кўролмас эди. У Худо уни хушхабарчиликдан ҳам кўра олий хизматга чақириш ниятида эканлигини билолмас эди. 1950 йилнинг бу совуқ октябрь кечаси Уилльям Бранхам ҳеч ҳам уни Ғарбга, Аризона штатининг Сансет[190] тоғига йўллайдиган ғайритабиий воқеалар силсиласини ҳеч ҳам тасаввур қилолмас эди. У ерда у, ниҳоят ўз тақдири билан рўбарў келади ва унинг муҳимлигидан эъзозли қўрқувга тушади, зеро бу бутун ер куррасини ларзага келтирадиган овоз билан гумбурлайди.

[190] Sunset Mountain (инглизча) — сўзма-сўз ўзбек тилида: Қуёш Ботиш тоғи. (Тарж.)

Муаллиф изоҳи

Уилльям Бранхам 1965 йил ўлимидан кейин ўз ҳаёти ҳақида кўплаб маълумот қолдирди. Бу маълумотларнинг катта қисми 1947-1965 йилларда тасмаларга ёзилган 1100 тадан кўп ваъзларда тарқалган эди. Бу ваъзларда у тез-тез ўзининг кечинмаларини, қачонки у бўлиб ўтган воқеаларни айтаётганида, кўпинча “мен дедим”, у “у деди” деган иборалар билан икир-чикиригача очиқ-ойдин тушунтириб берар эди. У ҳатто бу ҳақда нима деб ўйлашини ҳам бир неча бор айтган эди. Мен бу биографияни осон ўқиладиган бўлиши учун тез-тез “у деди” ва “у ўйлади” деган сўз ибораларини қўшиб, мўл шахсий тафсилотлардан фойдаланишга ҳаракат қилдим.

Бу китобдаги қарийб ҳамма ҳикоялар Уилльям Бранхамнинг бу воқеалар ҳақидаги шахсан гувоҳликларидан олинган. Бироқ бундан мустасно, бир нечта жойлари бор. “Колорадо штатининг қояли тоғлари” деган 39-бобнинг охирида информацияни етказиш учун мен маълум бир кўринишни қўшдим. У кечаси гулхан ёнида ўтирганидаги унинг фикрлари ўзимнинг тахминларимдир. Мен буни “Нотинч дарёсидаги бургут” деган 52-бобда ҳам шундай қилдим. Колорадо штатининг Серқирра тоғларидаги бургутни кузатиши айтилган 52-бобнинг биринчи қисми Уилльям Бранхамнинг шахсий гувоҳликларидан олинди, а у гулхан ёнидаги ўша кечқурунги ўйлари эса менинг тасаввурим мевасидир. Менинг бу эпизодни, унинг ўша моментгача бўлган ҳаётини бадиий усулдаги якуни сифатида ижод қилдим.

Учинчи китоб

ХУДОНИНГ ХИЗМАТЧИСИ ВА УНИНГ ТОПШИРИҒИ

(1946 – 1950)

Уилльям Бранхамга Фаришта келганидан ва унга ер юзи одамларига шифоланиш учун инъомни келтиришга тайинланганини айтганидан кўп ўтмай, биринчи аломат — унинг қўлида фақат у вирусли касалланган одамнинг қўлига текканидагина бўладиган жисмоний тебраниш пайдо бўлган. У бу топшириқни олиши билан икки ой ичида Уилльям Бранхамдаги ҳайратланарли инъом бутун мамлакат эътиборини ўзига тортди. У Исо Масиҳ Исмидан жонларга нажот ва Илоҳий шифоланишларни ваъз қилганида, унинг йиғилишларига минглаб одамлар йиғилдилар. Мўъжизалар кўпаяверди. Исо жинларни қувиб ва ҳамма касалларни ва бетобларни шифолаб, Галилеяда юрган кунларидан бери, дунё бунга ўхшашини ҳеч ҳам кўрмаганди.

Шунга қарамай, айрим одамлар чиндан ҳам шу камтар одамга Фаришта учрадимикин, дея ҳали ҳам шубҳаланишар эди. Кейин иккинчи аломат пайдо бўлди... ва уларни ишонишига тўғри келди!